

**Афғонистон  
халқлари оғзаки  
шеъриятидан намуналар**



# АФГОНИСТОН ХАЛҚЛАРИ ОҒЗАКИ ШЕЪРИЯТИДАН НАМУНАЛАР



11832

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
**ToshDO'S TAU**  
AXBOROT-REBURS MARKAZI

Тошкент – 2014  
«TURON-IQBOL»

1384X4

УЎК: 398.8  
КБК: 82.3(3)  
A-89

Тузувчилар: Абдураҳим МАННОНОВ, филология фанлари доктори, профессор; Эргаш ОЧИЛОВ, филология фанлари номзоди

### Дарий тилидан Эргаш Очилов таржимаси

Афғонистон халқлари фольклоридан намуналар / дарий тилидан Э. Очилов таржимаси; тузувчилар: А. Маннанов, Э. Очилов.  
- Тошкент: Турон-Иқбол, 2014. 310-б.

Афғонистонда қадим-қадимдан ўттизга яқин турли хил миллатлар, элатлар ёнма-ён яшаб келадилар. Улардан ҳар бирининг ўзига хос бой оғзаки ижодиёти мавжуд. Ушбу мажмуа Афғонистоннинг дарийзабон, пуштузабон ва туркийзабон халқлари тилларида яратилган халқ оғзаки ижодиётига мансуб дубайтий, рубоий, кўшиқ, тўртлик, ландэй каби жанрлардаги намуналарни ўз ичига олади. Мажмуа асосан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг эрон-афғон филологияси йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалари ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган бўлиб, ундан афғон тили ва адабиёти, таржима назарияси ва амалиёти фанлари бўйича амалий машғулотларда таҳдил объекти сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, у Шарқ адабиёти ва унга ёндош йўналишларда тадқиқотлар олиб бораётган адабиётшунослар, тилшунослар, фольклоршунослар, этнографлар ва умуман кенг ўқувчилар оммасининг бу борадаги илмий-адабий, маънавий-эстетик талаб-эҳтиёжларига жавоб беради, деб ўйлаймиз.

УЎК: 398.8  
КБК: 82.3(3)  
A-89

## АФГОНИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ НАЗМИЙ МЕРОСИ

Ўзбек таржима адабиётининг қўлами ва миёси кенг: жиҳон адабиётининг антик даврда, ўрта ва кейинги асрларда, ҳозирги замонда яратилган дурдона асарларининг катта қисми ўзбек ўқувчиларининг ҳам маънавий мулкига, миллий сўз санъатимизнинг ажralмас таркибий қисмига айланган. Лекин ёзма адабиётнинг тамал тошини қўйган халқ оғзаки ижоди ҳақида бундай деб бўлмайди. Турли халқларнинг ортаклари ва эпик достонларидан қатор намуналар ўзбек тилига ўгирилган, холос. Дунё халқлари фольклорининг назмий намуналари эса деярли таржима қилинмаган. Биз бадиий таржимачилигимиздаги ана шу кемтикликни тұлдириш, айни пайтда эрон-афғон филологияси йұналишида таҳсил олаётган талаба-магистрлар учун ёрдамчи манба яратиш мақсадида афғон халқ шеъриятидан намуналар таржима қилиб, ушбу мажмуани туздик. Мажмуа дубайтий, рубоий, тўртлик, қўшиқ ва ландэй каби лирик жанрлардаги асарларни ўз ичига олади.

Дубайтий – икки байтли шеър, яъни тўртлик дегани. Бу қадими жанр форсийзабон халқлар оғзаки ва ёзма адабиётида кенг тарқалган. Уни исломдан олдин машхур бўлган тарона номли шеър туридан келиб чиққан деган қарашлар мавжуд. Тарона дастлаб уч мисрадан иборат бўлган. “Австо”да шундай тароналар бор. Кейинчалик унга бир мисра қўшилиб, арузга ўтиб, ҳазажи мусаддаси маҳзуф (мақсур) вазнида ёзила бошлаган, “фаҳлавий”, “увроманий”, “мовароуннахрий” каби атамалар билан юритилган<sup>1</sup>. Истилоҳ сифатида эса у дастлаб “Луғати фурс” (“Форс луғати”)да тилга олинган.

Ёзма адабиётда бу жанрнинг ilk намуналарини Маҳмуд Варроқ Ҳиравий (вафоти – 836) ижодида учратамиз. Кейин X асрда яшаб ижод этган Шаҳид Балхий уни ривожлантирди. XI асрдан бошлаб дубайтий ёзма адабиётда ривожланди. Пиндор Розий (вафоти – 1010-11), Бобо Тоҳир (980-1055), Рӯзбехон Шерозий (1128-1210), Пури Фаридунлар ҳам дубайтийлари

<sup>1</sup> К а р о м а т у л л о е в а Н. Мавқеи дубайтий дар адабиёти тожик. – Душанбе: “Ирфон”, 1972. С. 10.

билин машхур бўлганлар. Чунончи, Бобо Тоҳирнинг адабий меросидан асосан 350 та дубайтий етиб келган бўлиб, шунинг ўзи унинг Шарқнинг забардаст сўз санъаткорлари сафига кириши учун кифоя қилди.

Дубайтий форс-тожик ёзма адабиётида ҳамиша ўзига хос ўрин тутган. Муҳаммад Иқбол, Абулқосим Лоҳутий, Мирзо Турсунзода, Муҳаммаджон Раҳимий, Лойиқ Шерали, Юсуф Вафо, Убайд Ражаб, Мастон, Аминжон Шукухий, Паймон каби кейинги даврлар ва ҳозирги замон шоирлари ижодида ҳам бу жанрнинг гўзал намуналарини кўрамиз.

Дубайтий тўртмисраданиборатбўлиб, унда асосанишқий, фалсафий, ирфоний, ахлоқий ва бошқа мавзулар ўзининг юксак ва ҳассос ифодасини топган. Мусофирилик, ғариблик, замон ва одамлардан шикоят мотивлари, табиат манзаралари, инсон умрининг маъноси, дўстлик ҳақида ҳам кўп ёзилган. Кундалик ҳаётдан олинган мавзулар, оддий инсонларнинг ўй-фикрлари ва туйғу-кечинмалари, табиат манзаралари, ҳазил-ҳажв, енгил кулги ва фош-этувчи танқид оддий тил, содда услубда равон ва жарангдор, гўзал ва таъсирчан тарзда ёритилгани учун ҳам кишиларнинг эътиборини ўзига жалб этиб, хотирада осонгина нақшланиб қолган ва асрлар давомида тилдан-тилга ўтиб келган. Масалан, машхур форс-тожик мутасаввиф шоири Бобо Тоҳирнинг ўзи мансуб Ҳамадоннинг лурий лаҳжасида битган ҳалқона оҳанг, содда ва равон услубдаги дубайтийлари қадимдан Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Тожикистанда машхур бўлган ва асосан ҳалқ хотираси орқали бизгача етиб келган. Шоир шеърларини ўз ичига олган қўллэзмаларнинг аксар XVIII–XIX асрларга мансублиги ҳам бунинг ёркин далилидир. Айни пайтда, оташнафас шоир қаламига мансуб қатор дубайтийлар форсийзабон ҳалқлар фольклори таркибига сингиб ҳам кетган: айрим дубайтийларнинг жузъий тафовутлар билан ҳам ҳалқ оғзаки ижодида учраши, ҳам Бобо Тоҳирга нисбат берилиши бунинг яқъол далилидир. Жумладан:

Бобо Тоҳир меросида:

Хар он кас ошиқ аст, аз жон натарсад,  
Ошиқ аз кундаву зиндан натарсад.

Дили ошиқ бувад гурги гурусна,  
Ки гург аз ҳай-хайи чўпон натарсад.

Афғон халқ оғзаки ижодида:

Касе, ки ошиқ аст, аз жон натарсад,  
Ки мард аз кундаву завлон натарсад.  
Дили ошиқ ба мисли гурги гушна,  
Ки гург аз ҳайбати чўпон натарсад.

Таржимаси:

Ким ошиқ бўлса, у жондан ҳайиқмас,  
Ошиқ кундаю зиндандан ҳайиқмас.  
Бўлар ошиқ дили оч бўри янглиғ,  
Бўри чўпону гаврондан ҳайиқмас.

Кўриниб турибдики, булар аслида бир дубайтийнинг икки нусхаси: мавзу, фоя, фикр – бир, фақат ифодада баъзи сўзлар ўзгаришга учраган. Бу далил халқ оғзаки ижоди намуналари қачонлардир маълум ёки номаълум шоирлар томонидан яратилгани ва кейинчалик тилдан-тилга ўтиб, фольклор таркиби сингиб кетганини кўрсатади.

Дубайтий арузнинг ҳазажи мусаддаси маҳзуф (мақсур) вазнида ёзилади (мафойлун мафойлун мафойил (фаувлун) – v – – / v – – / v – – ). Кофияланиш тартиби асосан **ааба**, яъни биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралари қофияланиб, учинчи мисраси очиқ қолади. Масалан:

Лаби жўшиштаноят ёдам омад,  
Сухан санжиданоят ёдам омад.  
Сухан гуфти, сухан аз мо шуниди,  
Ба лаб хандиданоят ёдам омад.

Таржима:

Сув бўйида туришинг тушди ёдга,  
Сўзни дурдай теришинг тушди ёдга.  
Ўзинг сўз айтдингу мендан эшитдинг,  
Лаб учида кулишинг тушди ёдга.

Албатта, ҳар тўртала мисраси ҳам қофияланган (**aaaa**), ҳар бир байти ўзаро қофияланган (**аabb**), шунингдек, фақат иккинчи ва тўртинчи мисралари қофияланган (**abvb**) дубайтийлар ҳам

учрайди, лекин уларнинг миқдори жуда кам. Ҳолбуки, тўртала мисраси ҳам қофияланниши рубоийнинг алоҳида фазилати ҳисобланган. Бундай рубоий ниҳоятда латиф саналиб, шоирдан катта санъаткорликни талаб қилган. Дубайтийнинг на оғзаки, на ёзма шаклида бу ҳолни кўрамиз. Бир мисол:

Суманбўе, буди андар Шибиргон,  
Зулайхо талъати андар Бадаҳшон,  
Ҳумоюнпайкари бо шири Лагмон,  
Буте бо Балху шўхе бар Хуросон.

Таржима:

Суман бўйлик, экан юртинг Шибиргон,  
Бадаҳшонлик Зулайхо юзли жонон,  
Ичиб Лағмон сутини чехра ширмон,  
Гўзал Балх эркаси, шўхи Хуросон.

Афғон халқ дубайтийлари орасида тўртала мисраси ҳам қофияланганлари бармоқ билан санаарли. Таржимада ҳар тўртала мисрада қофияни сақлаш мушкул. Қолаверса, дубайтийнинг бу шакли кенг тарқалмаган. Шунинг учун биз дуч келганимиз бир неча намунани ҳам урф бўлгани каби ааба шаклида таржима қилдик. Айни пайтда, имкон туғилганида ааба шаклидаги дубайтийларни аaaa тарзида ҳам таржима қилдик. Бу ҳолни таржимашуносликда компенсация қилиш – товон тўлаш дейилади, яъни бир ерда берилган курбонликнинг ўрнини имкон туғилганда бошқа жойда қоплаб кетиш. Бунда афғон халқ дубайтийларини ялпи ҳодиса сифатида ўрганиб, уларни ягона услубий майдонга айлантирганимиз қўл келди – натижада бир дубайтий таржимасида, лозим топилиб қолса, бошқа дубайтийдаги хусусиятни ишга солиб юбордик, курбон қилинган бир бадиий унсур ўрнига бу дубайтийда йўқ, лекин, умуман, дубайтий учун хос бошқа унсурлардан фойдаландик. Бадиий таржима амалиётида бундай эркинликка, ижодий ёндашувга йўл қўйилади. Жумладан, Бобур рубоийларини рус тилига ўгиришда таникли таржимон Лев Пеньковский ҳам шундай йўл тутган эди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Бу хақда қаранг: Ж ў р а с е в К., О л и м о в С. Лев Пеньковский (ижодий портрет) // Ўзбекистонда бадиий таржима тараққиёти (таржима тарихидан лавҳалар). – Тошкент, “Фан”, 1986. 73–94-б.

Ҳар иккала байти алоҳида-алоҳида қофияланадиган дубайтийлар ниҳоятда сийрак учрайди. Чунончи:

Жудои оташи кори жаҳон аст,  
Дил аз ҳажри жудои нотавон аст.  
Жудои шерро рӯбаҳ бисозад,  
Жудои умпро кўтаҳ бисозад.

Таржимаси:

Жудолик ўчмас ўтдир, беомондир,  
Жудолик дастидан дил нотавондир.  
Жудолик тулки айлар ҳатто шерни,  
Жудолик шулки, эговлар умрни.

Дубайтийнинг ҳар мисраси муайян вазифани бажаради. Аксар дубайтийларда биринчи мисра муқаддима бўлиб, асосий фикрнинг бошланишидир. Иккинчи мисра ўқувчи диққатини ифодаланаётган фикрга жалб этишга хизмат қиласди. Учинчи мисра биринчи байтда ифодаланган фикрни ёслатиб, уни далилу хужжат билан ё тасдиқлайди, ё инкор этади. Тўртинчи мисрада асосий мазмун хуносаланади<sup>1</sup>.

Жумладан:

Баҳор келди, чечакка тўлди ҳар ён,  
Бамисли гулли рўмолинг, ёрижон.  
Кезайлик, кел, бу гуллар оламини,  
Бу гуллар эрта куз қўлида пайҳон.

Қўриниб турибдики, илк мисрада уйғониш, ёшлиқ, гўзаллик фасли баҳор келгани ҳақида хабар берилади. Иккинчимисрада ҳаммаёқтурли-туман гулга бурканганининг ёрнинг гулли рўмолига ўхшатилиши ўзининг оҳорлилиги ва бетакрорлиги билан ўқувчи эътиборини ўзига жалб этади. Учинчи мисрада ана шу гуллар оламини гулли рўмол ёпингган маҳбуба билан сайр этишга, табиатнинг бу беминнат тухфасидан, дунёнинг ганимат неъматидан баҳраманд бўлишга даъват қилинади, чунки бу баҳорни ҳам, бу ёшлиқни ҳам, бу мусаффо муҳаббатни ҳам эртага топиб бўлмайди – куз

<sup>1</sup> Қаранг: К а р о м а т у л л о е в а Н. Дубайтий // Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Иборат аз З жилд. Жилди 1. – Душанбе, 1988. С. 424.

келиб гулларни хазон айлаганидек, қарилик ёшликтин маҳв этади. Тўртингчи мисрада ана шу азалий аччик ҳақиқат ўз аксини топган. Демак, атрофни гулга тўлдириб келган баҳор балоғат ёшидаги гулли рўмол ўраган қиздек гўзал – худди қизни севгандек, баҳордан ҳам завқланиш керак. Баҳорни куз, ёшликтин қарилик маҳв этар экан, баҳор неъматидан-у ёшлик давлатидан фойдаланганга нима етсин!

Ўзбек адабиётида дубайтий жанр сифатида мавжуд бўлмаса-да, ҳалқ оғзаки ижодига мансуб тўртликлар орасида ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнига тушадиган тўртликлар учрайди. Чунончи:

Қизил гул очилиб, қилди нишона,  
Сенинг ишқинг мени қилди девона.  
Сенинг ишқинг менга қайдин ёпиши,  
Танамдин ўт чиқиб, бағрим туташди.

Таниқли шоир ва таржимон Чустий Ҳофиз Шерозийнинг баъзи рубоийларини дубайтий вазнида ўзбек тилига таржима қилган эди – бу далил ҳам айни вазннинг оҳанги ўзбек ҳалқи учун бегона эмаслигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, дубайтийлар ўзининг анъанавий вазнида таржима қилинди.

Форсий ҳалқлар, жумладан, афғон ҳалқ оғзаки ижодида дубайтий каби рубоий ҳам кўп учрайди. Ҳолбуки, ўзбек ҳалқ оғзаки ижодида рубоий вазнида яратилган намуналар йўқ. Рубоий арабча сўз бўлиб, “тўртлик” деган маънони билдиради.

Маълумки, мумтоз адабиёт жанрлари асрлар давомида шаклланиб, ўз такомилига эришган. Шулардан бири рубоий бўлиб, вазн – унинг учун жанрни белгилаш дараҷасидаги муҳим омил. “Ҳар қандай тўртлик рубоий бўлавермайди. Бирор тўртликни рубоий деб аташ учун унда тугал мазмун, рубоий шакли бўлишидан ташқари, рубоий вазни ҳам бўлиши керак. Тўртлик қанчалик чуқур маъно ва гўзал шаклга эга бўлмасин, агар у рубоийнинг маҳсус вазнига тушмаса, рубоий бўла олмайди”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> И с х о к о в Ҷ. Навоий ижодида рубоий жанри // “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”, 1968, 9-сон, 35-б.

Рубоийнинг бошқа лирик жанрлардан алоҳида ажралиб турадиган хусусияти шундаки, у фақат аруз шеър ўлчови ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб вазнларида – уларнинг 24 тармоғида ёзилади. Бошқа ҳар қандай вазнга солинса, у рубоий эмас, балки қитъа ёки тўртлик деб аталади. Бунга ижабланмаса ҳам бўлади. Чунончи, туюқ биргина рамали мусаддаси мақсур (маҳзуф) вазнида яратилади.

Албатта, рубоийнинг шакл нуқтаи назаридан қатъий талблари, нозик жиҳатлари бўлиши билан бирга, ўз имкониятлари, қулайликлари ҳам бор: бир неча вазн бир рубоий доирасида ўрин алмашиб келиши мумкин, ҳатто ҳам ахрам, ҳам ахраб тармоғида ёзилган рубоийлар мавжуд. Бу мазмунга таъсир қилмайдигина эмас, балки бир мусиқий оҳанг, бир шеърий рух атрофида айлангани учун ритмни ҳам айтарли ўзгартирмайди. Бармоқ вазни тўғрисида эса бундай деб бўлмайди: ҳар ҳижонинг камайиши ё қўпайиши билан вазн ҳам ўзгаради. Жумладан, қуйидаги рубоий ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мажбуб вазнида (мағъувлу мафойилу мафойилу фаал — — v / — — v / v — — v / v —) ёзилган бўлиб, унинг биринчи ва тўртинчи мисралари айни вазнда, иккинчи мисраси ҳазажи мусаммани ахраби солими ахрами мажбуб (мағъувлу мафойилун мағъувлу фаал — — v / v — — / — — v / v —), учинчи мисраси ҳазажи ахрами мусаммани аштари макфуфи мажбуб (мағъувлун фоилун мафойилу фаал — — / — v — / v — — v / v —) вазнлари билан таржима килинди:

Аз ғурбат агар марг расад дар баданам,  
Оё, ки кунад гўр, ки дўзад кафанам?  
Тобути маро жойи баланди бубаред,  
Шояд, ки расад бўй ватан дар баданам.

Таржимаси:

Ғурбатда ажал дастида сўлса бу таним,  
Ким гўрга қўяр, ким ўрайди кафаним?  
Тобутимни баланд бир жойга қўйинг,  
Шоядки, ватан бўйини туйса баданим...

Рубоий икки хил қофияланади: биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралари ўзаро қофияланиб, учинчи мисраси очик

қоладиган рубоий хосий дейилади. Ҳар тўртала мисраси ҳам қофияланадиган рубоийда оҳангдорлик кучли бўлганлиги учун рубоийи тарона деб юритилади. Бундай рубоий мусарра деб ҳам аталади. Алишер Навоий эса уларни **рубоия** дейди.

Тўртлик шеъриятнинг қадимий жанрларидан бўлиб, бу гўзал ва мўъжаз шеър тури жаҳоннинг қўпгина халклари оғзаки ва ёзма адабиётида учрайди. Афғонистон форсийзабон халқлари оғзаки ижоди ҳам бундан мустасно эмас. Бу тўртликлар асосан 7 ҳижоли бўлиб, улар 7 ҳижоли бармоқ вазнида таржима қилинди.

Чашми хумор дори,  
Сина анор дори.  
Имшаб мурғи диламро,  
Майли шикор дори.

Эй ёр, кўзинг хумордир,  
Кўксинг узра анордир.  
Бу тун кўнглим қушини  
Овлаш тилагинг бордир.

Дарийзабон халқ қўшиқларидан ҳам бир неча намуна таржима қилинди. Бунда уларнинг вазни ва оҳангини сақлаб қолишга интилдик. Чунки бошқа вазнга солиб таржима қилинса, у энди бошқа қўшиқ бўлиб қолади. Масалан: “Кел, Лайло” шеъридан бир мисол келтирайлик:

Рухат аз дил барад ғамро,  
Биё, Лайло, биё, Лайло!  
Нисорат мекунам жонро,  
Биё, Лайло, биё, Лайло!

Юзинг дилдан олар ғамни,  
Кел, эй Лайло, кел, эй Лайло!  
Қилай садқа сенга жонни,  
Кел, эй Лайло, кел, эй Лайло!

Афғон (паштун) халқи оғзаки ижодиётининг энг оммабоп тури ландэй ҳисобланади. Бу шеър тури халқ

орасида шунчалик кенг тарқалганки, паштунларнинг оғзаки ижодини ландэйсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу икки мисралик қофиясиз шеър ҳажман ниҳоятда қисқа бўлишига қардай, муайян фикр ва кечинмани ёрқин ифодалаб бера одинни билан машхур. Ландэйларнинг мазмун доираси кенг бўлиб, уларни яратишда юзлаб, минглаб кишилар: оддий чорвадор, кўчманчилардан тортиб машхур шоирларгача шигтирок этадилар ва бу жанр орқали ўз туйғу-кечинмалари, ўй-фирклари, дарду ташвишлари, орзу-умидлари, баҳту шодликларини ифодалайдилар. Бу жанрда ошиқ-матъшуқларнинг изтиробу қувончлари, ватандан жудолик ҳисратлари, ватан муҳаббати, эл-юрт ҳимояси, мардлик ва номардлик, ишонч ва алдов, беғубор ёшлиқ сурурою, қарилик андуҳлари ва бошқалар чиройли, қўйма образлар, қочирмалар, киноялар воситасида ўз тажассумини топади.

Баъзи аффон олимларининг фикрича, ландэйнинг келиб чиқиши санскрит ва Авестога – унинг гатларига бориб тақалади. Баъзилар ҳинд қабилалари орасида тарқалган *моҳилло* ёки *дурҳо* жанридаги шеърларга ўхшаб кетиши жиҳатидан уларнинг келиб чиқиш илдизлари ҳам бир бўлиши мумкин, деган тахминни илгари сурадилар. Ландэйларнинг юзминглаб намуналари жуда қадим замонлардан то бизнинг кунимизгача оғзаки ёки ёзма шаклларда турли-туман оҳанг ва модификация, вариантларда ижод қилингандиги, куйланиб келинаётгандиги маълум. Ҳозирда мавжуд ландэйлар ўзининг шеърий “портрети” билан, яъни қисқа ва лўндалиги, мусиқавийлиги, тугал фикр ифодаси ҳамда аксарият ҳолларда бадиҳа тарзида ҳозиржавоблик билан вужудга келиши, фалсафийлиги, лириклиги ва бошқа бир қанча жиҳатлари билан японларнинг уч мисрали хокку (ҳайку), ўзбекларнинг икки мисрали лапарлари, русларнинг тўрт мисрали чаштушкаси, итальянларнинг “ергорилло”, испанларнинг “сантегондо” (cantegondo)сига ўхшаб кетади. Паштунларнинг ўзи уни *ландэй*, *тэкэй*, *мисрэй*, *тата*, *овоз*, *бадэла*, *сандэра* ва бошқа номлар билан айтадилар. Аммо бу номлар орасида энг машхури Афғонистон ва Покистоннинг паштунлар яшайдиган аҳолиси ўртасидаги *ландэйдир*. “Ландэй” –

“қисқа”, “қисқача”, “лўнда” маъноларини билдирувчи “ланд” сўзидан олинган.

Ландэйнинг биринчи мисраси доим 9 бўғин, иккинчи мисраси эса 13 бўғиндан иборат бўлади. Баъзан биринчи мисра 8, иккинчи мисра 12 бўғин бўлиб қолиши мумкин. Бу ҳолда, одатда, мисралардаги сўнгги сўзнинг охирги бўғини унли ёки ундош товуш билан тугашига қараб: биринчи мисранинг 8-бўғинига “а” ёки “ма”, “на” товушлари, иккинчи мисранинг охирги бўғинига эса “ма”, “на” ёки “уна”, “ина” товушлари қўшилиб, 9- ва 13-бўғинлар ҳосил қилинади. Орттирилган ушбу бўғинлар ҳеч қандай маъно касб этмаса-да, лекин алоҳида оҳангдорлик, шеърий кайфият ҳосил қиласди. Шунингдек, биринчи мисранинг 4- ва 8-бўғинларига, иккинчи мисранинг 4-, 8- ва 12-бўғинларига тушадиган сўз ёки мантикий ургулар йифиндиси ҳам шеърга маълум оҳангдорлик багишлайди.

Халқ оғзаки ижодини яхши билган, халқ руҳи, унинг юмор хусусиятларини нозик тушунган кишигина бу образли, афористик шеър турини айта олиши мумкин. Бунда мўъжаз бир поэтик, фалсафий, ахлоқий ёки лирик фикрни қофиясиз икки мисрага сиғдириш лозим бўлади. Масалан:

Сабо бъ бйо кадэ бозежи,  
Дъ дашт гулон бъ сто ламэнга бўйнавина.

*Эрта тонг кўчи йўлга отланар яна,  
Қолар дашиб гуллари этагинг ҳидин эслатиб.*

Бу ландэй тасвири афғон учун бениҳоя яқин, таъсирили, чунки унинг муҳитидаги манзара тасвирланган. Эрта тонгда ошиқнинг севикли маъшуқаси оиласи билан чодиру барча кўч-кўронини туяларга ортиб, подаларини ҳайдаб, бошқа серўт яйловларга сафарга отланади. Бундан хабар топган кўшни кўчига мансуб ошиқ йигитнинг кўнглини, бутун вужудини фироқ отashi, жудолик ҳаяжони, севиклисидан, хушнуд, баҳтиёр кунларидан ажralиб қолаётгани ҳасрати, изтироб туйғулари чулғаб олади. Зеро, унга севимли кўчи қизидан фақат биёбонни қоплаб ётган гуллар чаманиннинг ифорларигина

қолмоқда. Тасвирда баҳор, ёввойи табиат – ватан гўзаллиги туйгуси бор йўғи икки мисрада маҳорат билан ифодаланган.

Куйида паштунлар орасида қадимдан машхур бўлган яна учта ландэй намунасини келтирамиз:

Сабо бъ лвар чинор та хежим,  
Бод пэр пуштэма чэ, жонон цэ вайэле дина.

*Тонгда баланд чинорга чиқай,  
Жононим нима деди? Шамолдан сўрай-чи?*

\* \* \*

Пасарлай сто лъ лўри роғэй,  
Лъ тэша дога дъ лавангў буй родзи-на.

*Сен томондан келар баҳор саси,  
Кимсасиз даштдан чинни гуллар ифори келур.*

\* \* \*

Сто дъ дзвони даврон бъ тер ши,  
Тер хў бъ на ши зэмо дъ зрре дугуна.

*Сенинг ёшлиқ (гўзаллик) давринг ҳам ўтар,  
Кетмас лекин куйган юрагимнинг дөглари.*

Афғонлар орасида шундай ландэйлар ҳам борки, уларни ландэй айтишув дейиш мумкин. Бу хилдаги ландэйлар маълум бир мавзуга бағишлиланган бўлиб, диалог шаклида бўлади. Диалог ижро этилаётган пайтда айтувчилар томонидан жумла олдида ёки мисра охирида “ҳо” ёки “вой” деган ҳар хил нидо товушлари чиқарилади. Ландэйлар шу тарзда баъзан ашула қилиб ҳам айтилади.

Ландэй содда, равон, охорли ташбех ва чуқур фикрларга бойлигидан давраю базмларда, уйдаю сафарда, шодлигу ғамда, қискаси, ҳар қандай ҳаётий вазиятда айтилади. Тожик олимлари Н.Маъсумий ва М.Холовлар 135 та ландэйни насрый таржимада эълон қилганлар<sup>1</sup>. Лекин ўзбекчада улар шеърий таржимага айлантирилди. Мисоллар:

<sup>1</sup> Қаранг: Намунаи фольклори ҳалкҳои Афғонистон (Нашри II). – Душанбе, “Ирфон”, 1966. С. 247–276.

Йиғлайди дил мисоли гүдак,  
Унга ўзга боғчаларнинг гуллари керак.

\* \* \*

Суғорсам ҳам сут билан ҳатто,  
Хазон урган бу богимда гул унмас асло.

\* \* \*

Бугун сафар қиласман ёр деб,  
Худоё, йўл танобини қўйсанг-чи тортиб!

\* \* \*

Гул қўлимда бўлмоқда хазон,  
Мусоғир юртда йўқ тақдим қилгали инсон.

\* \* \*

Эй ватандан узоқ тушган ёр,  
Киёғанг унутдим, фақат исминг ёдда бор.

\* \* \*

Сувда оқар қип-қизил рўмол,  
Ўт сув ичра қолибди деб қилдим хаёл.

\* \* \*

Ёрим, сенга бир боқсам хумор,  
Бир нигоҳда борлиғингни кул қилмоғим бор.

Кўринадики, ландэйлар – мўъжаз лирик миниатюралар булиб, уларда кўнгил кечинмалари, ҳис-туйгуларнинг ярқ этган бир чизгиси, кайфият-ҳолатнинг оний суврати, фикр-ўйлар, мушоҳада-мулоҳазаларнинг муҳим бир парчаси, охорли ташбеҳу тимсоллар, табиат манзаралари ўзининг лўнда ва таъсирчан, ёрқин ва эсада қоларли тарзда ўз ифодасини топади. Айтайлик, келтирилган мисолларнинг биринчисида – кўнгил кечинмалари, иккинчисида – ҳаётий ҳикмат, учинчисида – илтижо, муножот, тўртингчисида – мусоғирлик ҳасрати, бешинчисида – айрилиқ алами, олтинчисида – гўзал ва охорли ташбеҳ, еттинчисида – муболага акс этган.

Ландэйлар Афғонистон ва Покистонда алоҳида-алоҳида тўпламлар шаклида бир неча бор босилиб чиққан, паштун тилидаги турли-туман газета ва журнallардан бот-бот ўрин олади. Уларнинг айримлари дарий (форс), инглиз, француз, рус тилларига қофияли ёки қофиясиз шеър тарзида таржималар ҳам қилинган.

Ўзбек тилига ландэйлар илк бор пашту ва дарий тилиларидан таржима қилинмоқда. Гарчи бу шеър қофиясиз бўлса-да, ўзбек тилидаги таржималари бўғинлар сонини (9+13) сақлаб қолинган ҳолда қофияли шеър шаклида берилмоқда. Бу илк тажриба бўлиб, уларни кейинчалик асл нусхадагидек қофиясиз оқ шеър шаклида таржима қилиниши ҳам мўлжалланган.

Ушбу мажмууга Афғонистон ўзбекларининг оғзаки ижодига оид термалар ҳамда қўшиқлардан ҳам намуналар киритилди.

Одатда, ўкувчи-талабалар учун тил ўрганиш машғулотларида фойдаланиш мақсадида амалга ошириладиган таржималар сўзма-сўз бўлади. Лекин бундай таржималар маъно жиҳатидан аслига тўғри бўлса ҳам, кўпинча бадиий жиҳатдан заиф, услуби ғализ, тили тушунарсиз чиқади. Чунки бадиий матн сўзма-сўз таржимага бўй бермайди. Бунда маънони ва бадиий хусусиятларни етказиш муҳим. Баъзида аслиятдаги битта сўзни ҳам ишлатмай, у ифодалаган маънони бериш мумкин.

Бадиий таржимада асарнинг ғоявий мазмунигина эмас, эстетик маъноси ҳам муҳим, яъни таржима ўқувчиси ҳам аслият ўқувчиси олган таассуротни олиши керак. Бунинг учун асарнинг мазмунини бериш билан кифояланмай, унинг шаклини ҳам сақлаш, бадиий хусусиятларини ҳам қайта яратиш тақозо қилинади, токи у таржима тилида ҳам аслиятдагидай жаранглаб чиқсин, таржима ўқувчиси ҳам уни ватан адабиёти намунаси, она тилида ёзилган асардай ҳеч бир ерида қоқилмай равон ўқисин ва эстетик завқ олсин. Афғон халқ дубайтийлари, рубоийлари, тўртликлари, қўшиқлари ва ландэйлари таржимасида биз шу йўлдан бордик. Шеърларнинг ўкув мақсадларида ишлатиладиган жонсиз кўргазмали курол эмас, балки ўқувчи ўқиб завқланадиган, ўзига ёқсанларини ҳатто ёд оладиган бадиий асар бўлиб чиқишига ҳаракат қилдик. Бунинг учун, аслиятга яқинлашиш учун ундан узоклашиш керак деганларидек, баъзида матндан узоқлашишга, сўзларнинг зоҳирий-луғавий маъносини эмас, балки ботиний-мажзорий мазмунини беришга, яъни сўзнинг ўзини – ташки шаклини

эмас, балки унинг ортидаги маънони – коса тагидаги нимкосани етказишга интилдик. Шеърларнинг ўзбектилида ҳам худди ўзбек халқ қўшикларида жаранглаб чиқиши, ўқимишли бўлиши пайдан бўлдик. Бу тил мутахассислари ва тил ўрганаётган талабаларда эътиroz уйғотиши табиий. Лекин бадиият қонун-қоидалари буни тақозо қилишини англаш пайти келди. Чунки улар таржимани текширганда аксар ҳолларда у ёки бу сўзниг таржимада қанчалик акс этган-этмаганлиги билан қизиқадилар ва таржималарга ҳам шу принцип асосида баҳо берадилар.

Бир мисол:

Чашмони сиёҳ дори,  
Сурмаро чи мекуни?  
Як ёри дигар дори,  
Ту маро чи мекуни?

Бу тўртликни сўзма-сўз айнан таржима қиласа, қуйидагича бўлади:

Қора қўзларинг бор,  
Сурмани нима қиласан?  
Бир бошқа ёринг бор,  
Сен мени нима қиласан?

Бу таржимада аслият мазмуни тўла акс этган, лекин унда шеър йўқ – оддий гап мисраларга тизиб қўйилганга ўхшайди.

Маълумки, сўз ургуси бор, маъно ургуси бор. Агар ургу сўзга тушган бўлса, уни таржимада ҳам албатта акс эттириш керак. Ургу маънога тушган бўлса, маънони акс эттирса кифоя. Жумладан, келтирилган тўртликда ҳам биринчи байтда маъшуқа кўзининг шундоғам қоралиги, бинобарин, сурма қўйишга эҳтиёж йўқлиги, иккинчи байтда унинг бошқада кўнгли борлигига ургу берилган. Бу мазмундаги тўртликлар ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам кўп. Шунинг учун биз уни қуйидагича ўгиришни маъқул кўрдик:

Кўзинг қора шундоғам,  
Сурма қўйиб нетарсан?  
Бошқа ёринг бор экан,  
Мени суйиб нетарсан?

Бизнингча, бу ерда аслиятга зид ҳеч нарса йўқ: фақат мингиони сақлаган ҳолда, тўртликнинг иложи борича ўзбекча чиқиншига, она тилидаги шеър намунасида жаранглашига уринидик. Бошқа шеърлар таржимасида ҳам деярли шундай йўл тутдик.

Бу таржималарга баҳо берганда, айни жиҳатларни ҳисобга олиш керак.

Албатта, бу билан сўзма-сўз таржиманинг ўрни ва иҳмиятини инкор этмоқчи эмасмиз. Сўзма-сўз таржима қилиш имконияти мавжуд бўлган барча ҳолларда бундан спаралли фойдаланиш керак: баъзи жумлалар ва мисраларни шундоққина таржима тилига ўтказиш мумкин. Тўғри, таржима муайян даражадаги ўзгаришларсиз бўлмайди. Лекин бу ҳамиша, бошдан-оёқ ўзгартириб таржима қилиш керак дегани эмас, билъакс ўзгартирмасликнинг иложи бўлмаган тақдирдагина ўзгартирилади. Ўз-ўзидан, бадий матн, хусусан, шеърий асар таржимасида бундай ўзгаришлар миқдори оддий матнлар таржимасига қараганда кўпроқ бўлади. Биз ҳам таржима жараёнода айнан ўтказиш мумкин бўлган мисраларни сўзма-сўз таржима қилишга ҳаракат қилдик. Лекин вазн, қофия талаби, ўзбек тилининг хусусиятлари кўпинча ҳақли ўзгаришларни ҳам тақозо тудики, шеърий таржима мураккабликларидан ҳабардор мутахассислар бу ҳолни яхши тушунадилар.

Шеърий таржимада баъзан биринчи шахс тилидан айтилган фикр иккинчи ё учинчи шахс тилига нисбат бериб таржима қилиниши, мисраларнинг ўрни алмаштирилиши ҳам мумкин – бундай ўзгаришлар ушбу тўпламда ҳам мавжуд. Масалан, илк дубайтийда сен дея ошиқ бевосита маҳбубасига мурожаат қиласяпти, таржимада эса у деб учинчи шахсга айлантирилди, чунки вазн шуни тақозо этди:

Зи ишқат дидай тар дорам имшаб,  
Таманной ту бар сар дорам имшаб.  
Махон, зоҳид, ба савдои биҳиштам,  
Ки ман савдои дилбар дорам имшаб.

11832

Ёр ишқида күзимда ёш бу кеча,  
Қизир васл орзусида бош бу кеча.  
Мени жаннатга даъват этма, зоҳид,  
Менинг кўнглимда эгма қош бу кеча.

Бу ерда радифни айнан таржима қилиш имкони бор, лекин қофияни ўзгартирасликнинг иложи йўқ, чунки тар ва сар сўзлари ўзбек ўқувчиларига таниш эмас. Қофиянинг ўзгариши, ўз-ўзидан, мисраларнинг тузилишини ҳам ўзгартиришга олиб келади. Лекин “сенингишқинг” – “унинг”, яъни “ёрнингишқи”га айланганини ҳисобга олмагандা, шеър мазмуни ва гояси ўзгармаган – муайян фикр бошқача йўсинда ифодаланаётган, холос. Шеърий таржима амалиётида бундай ҳолларга йўл қўйилади. Колган ўзгаришлар эса жузъий ўзгаришлардир.

Шундай қилиб, Афғонистон халқлари оғзаки ижоди намуналаридан тузилган ушбу мажмуа дарий ва пашту тилларидан таржима қилинган 1152 та дубайтий, 141 та рубойй, 87 та тўртлик, 20 та қўшиқ, ҳамда паштудан дарийга қилинган 135 таландэйни, шунингдек, Афғонистон ўзбеклари фольклоридан танлаб олинган термалар ва қўшиқларни ўз ичига олади.

Албатта, ҳар қандай ишда бўлгани каби, бу соҳадаги дастлабки уриниш бўлганлиги учун ушбу мажмуа ва ундаги шеърлар таржимаси ҳам муайян камчиликлардан холи бўлмаслиги табиий. Бу шеърларда шева сўзлари кўп қўлланганлиги жиҳатидан, уларни тушунишда қийналган, хато қилган жойларимиз бўлганлигидан кўз юммаймиз. Айни жиҳатдан, мутахассис ва муҳлисларнинг фикру мулоҳазалари, муносабатлари асосида келгуси нашрларда мажмуанинг сифати янада яхшиланади, баъзи таржималар қайта ишланиб, йўл қўйилган хато-камчиликлар тузатилади ва янги таржималар қўшилиб, ҳажман ҳам кенгаяди деб умид қиласиз.

*Абдураҳим МАННОНОВ,  
филология фанлари доктори, профессор  
Эргаш ОЧИЛОВ,  
филология фанлари номзоди*

## ДУБАЙТИЙЛАР

1

Ёр ишқида күзимда ёш бу кеча,  
Қизир васл орзуисида бош бу кеча.  
Мени жаннатга даъват этма, зоҳид<sup>1</sup>,  
Менинг күнглимда эгма қош бу кеча.

2

Чараклар нур сочиб маҳтоб<sup>2</sup> бу кеча,  
Ғанимат билки, кўп ноёб бу кеча.  
Узат, соқий<sup>3</sup>, қўлимга бир қадаҳ<sup>4</sup> май<sup>5</sup> –  
Ки, ухлар зоҳиди кассоб<sup>6</sup> бу кеча.

3

Ниқобинг, эй қиз, ул гул юзда бордир,  
Ниқобинг остида гулдаста бордир.  
Ўшал гулдастадан тут менга бир гул,  
Неча юз кекса-ёш дилхаста бордир.

4

Гулимга бўлгуси токай тикан ёр?  
Ҳамиша ҳамдами бўлгайми афёр?<sup>7</sup>  
Дилим хижронида қайғуда токай?<sup>8</sup>  
Кўзим токай ғамида қон тўкар зор?

<sup>1</sup> З о х и д – узлат ва таквони касб қилиб олиб, дунё лаззатидан юз үгиран киши. Бу тоифа ишк ва ирфондан бехабар бўлиб, мақсади тақво билан охират магфиратини козониш, Куръонда ваъда килинган жаннатнинг хузур-халоватига стишиш. Сўфийларнинг ҳар икки дунёдан мақсади Худонинг ўзи, унинг дийдори бўлганилиги учун зоҳидларнинг бу ишини тамагирлик деб хисоблайдилар ва уларни танқид қиласидилар.

<sup>2</sup> М а х т о б – порлаб турган ой, тўлин ой.

<sup>3</sup> Соқий деганда сўфийлар Оллоҳни, Мұхаммад алайҳиссаломни, маъшуқани, шир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлидилар, хақиқий ишқ ўтини соладилар, гайб маърифатидан баҳраманд этадилар.

<sup>4</sup> Қадаҳ ва унинг жом, коса, пиёла каби маънодошлари тасаввуфда пирнинг илоҳий маърифат майига лиммо-лим қалбини билдириб келади.

<sup>5</sup> М а й – тасаввуф адабиётида илоҳий тажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон (маърифат) рамзи бўлиб келади. Шунга мувофиқ, мастилик илоҳий маърифатдан хузурланишни, маънавий завқ дарёсига фарқ булишни билдиради.

<sup>6</sup> К а з з о б – ёлғончи, маккор.

<sup>7</sup> А f ё р – бегоналар, бошқалар, ракиблар.

<sup>8</sup> Т о к а й – қачонгача.

## 5

Салом, эй нуридийдам, юз саломлар,  
 Етишди менга сен битган каломлар,  
 Кўзим ёши томар қоғозга минглаб,  
 Сенга мактуб битиб ўтирган онлар.

## 6

Фигоним ҳофизи хушхонинг эрмиш,  
 Дилим бир нозингга курбонинг эрмиш.  
 Кабутардек у бу бечораликда  
 Лочиндек кўзларинг ҳайрони эрмиш.

## 7

Лабинг қимтиб, кулишингга асирман,  
 Сузиб кўз, жон олишингга асирман.  
 Гуноҳ ўтмай, хато ўтмай, сабабсиз  
 Араз айлаб юришингга асирман.

## 8

Гулим, гул сендану термоқ менингдир,  
 Қизил лаб сендану сўрмоқ менингдир.  
 Юзингнинг гулшани бўлса насибам,  
 Тароват сендану кўрмоқ менингдир.

## 9

Ҳавода юлдузу гул реза-реза,  
 Келар қора булат қибладан кеза.  
 Художон, қамчилар мени бу ёмғир,  
 Берар зеб зулфини ювиб у қиза.

## 10

Қани, айт, бевафою бемурувват,  
 Яширин ёр билан қурдингми сухбат?  
 Сенинг дастингдан айлаб чок ёқамни,  
 Тикишни истамасман то қиёмат.

11

Асири зулфи ларzonинг бўлай мен,  
Асири қора мужгонинг<sup>1</sup> бўлай мен.  
Ҳайит тунида диллар шоду хуррам,  
Қошимга келки, қурбонинг бўлай мен!

12

Асил бу аргумоқнинг юрти булғор<sup>2</sup>,  
Югани нуқраю<sup>3</sup> жилови заркор<sup>4</sup>.  
Саҳарлар етказолсанг мени ёрга,  
Сенга бўлсину арпа, менга дийдор.

13

Бўйингдан айланай, йўқдир вафойинг,  
Кабоб бўлди-ю дил, битмас жафойинг.  
Қошимга келмагайсан, эй ширин ёр,  
Етарми бизга ҳам зарра сафойинг?

14

Ситамлар дастидан поймол бўлибман,  
Ичинг куймас, қара, не ҳол бўлибман?  
Билолмайман – сени излай қаердан?  
Тополмай манзилинг беҳол бўлибман.

15

Баҳор келди, агар бир бора келсанг,  
Гулистон сайрини бир бора қилсанг.  
Худоё, айрилиқ солма арога,  
Тўсиб йўлинни қишининг чора қилсанг.

16

Сабаб мактуб битишга бенаволик,  
Кабутар, ёрга элт – қил раҳнамолик.  
Бу мактубни бериб дилдор қўлига,  
Де: келтирди фифонга мубталолик.

<sup>1</sup> Мужгон – киприк, мижа.

<sup>2</sup> Булғор – Болгария.

<sup>3</sup> Нуқра – кумуш.

<sup>4</sup> Заркор – зар, тилла югуртирилган.

17

Кўзинг юлдуз каби, эй кўзи қора,  
Ошиқ қўнгли кўйингда пора-пора.  
Илоҳо, тоабад соғу омон бўл,  
Агар юз бурмасанг биздан, нигоро!

18

Дилим кетди – кирарми қайта қўлга?  
Мухаббат ўқи жо бўлди қўнгилга.  
Мени бир лўливаш сехр этди гўё,  
Куйиб бор устухон<sup>1</sup> айланди кулга.

19

Ҳар икки кўзим оғриди бир бора,  
Ғамида йигладим кўп мен бечора.  
Рўмолини беринг – кўзимга боғлай,  
Туйиб ёр ҳидини тузалса зора.

20

Кўриб-билдинг: ўзингсан менга жонон,  
Кўйингда мен мисоли борми сарсон?  
Бу дунёда менга бир яхши кун йўқ,  
Бу ҳам бир тақдири пешона, эй жон!

21

Гулим, қўлингда сув тўла пиёла,  
Гулим, ўхшар гўзал ҳуснинг ҳилола<sup>2</sup>.  
Ўшал кунки, ҳузурингдан кетарман,  
Гулим, бўлсин сенга қўнглим ҳавола.

22

Мен икки кўзи қурбони парининг,  
Фидоси бўйию жони парининг.  
Париваш бевафолик қилди менга,  
Мен инжу тиши қурбони парининг.

<sup>1</sup> Устухон – сүяк.

<sup>2</sup> Ҳилол – 1) янги чиққан ой, уч кунлик ой; 2) маъшуқанинг ярим ой шаклидаги қайрилма қоши.

## 23

Париваш, тинглагил мендан шикоят,  
Фироғингда мудом танда ҳарорат.  
Билолмайман, нега мендан узоксан,  
Кел, ошиғинг табиби бүл нихоят.

## 24

Кел, эй түтийи хушилхон<sup>1</sup>, бу кеча,  
Мен ишқинг ичра кўп ҳайрон бу кеча.  
Муҳаббат оташининг шуъласи, бас,  
Бу жондан бош урап ҳар ён бу кеча.

## 25

Кел, эй ёр, гулга кирган арғувондир<sup>2</sup>,  
Тагида шарқираб соғ сув равондир,  
На жоним оғриру на бор иситмам,  
Кетарсан сен, менинг рангим хазондир.

## 26

Дилим ғамга гирифттор айладинг сен,  
Харобу хастаю зор айладинг сен,  
Бу ишқ ўйинини билмас эдим мен,  
Ўз ишқинг ичра начор айладинг сен.

## 27

Кўйингда тарки дунё айладим, гул,  
Девона дилни савдо айладим, гул.  
Мисоли Лайлиниңг кўйида Мажнун  
Уриб чарх, азми сахро айладим, гул.

## 28

Кўйибсан хино оппоқ қўлларингга,  
Аразчи ёр, кўзим зор йўлларингга.  
Худо олдида қилгайман дуолар:  
Фироқ доғ солмасин ҳеч дилларингга!

<sup>1</sup> Х у ш и л ҳ о н – хушвозд, ёқимли сайрайдиган.

<sup>2</sup> А р ғ у в о н – гуллари нихоятда кизил бўладиган дараҳт; мажозан: кизил ранг.

29

Кел, эй жонона, биз ҳам гул терайлик,  
Севиб, бир-биримизга дил берайлик.  
Бўлайлик иккимиз Лайлию Мажнун,  
Вафодорлик килиб бирга юрайлик.

30

Менга бир меҳрибонлик қил, жонона,  
Рўмолчанг ҳадя эт – бўлсин нишона.  
Рўмолчанг берки, мен қўзимга суртай,  
Қўзим нурланса мангу шу баҳона.

31

Сенга ҳамроҳлик одат айлагайман,  
Бўлиб дўстинг, садоқат айлагайман.  
Агар бўлсанг менга ёри вафодор,  
Яқинлик то қиёмат айлагайман.

32

Гулим, бўйнингда йўқдир зебу зийнат,  
Гулим, кўнглингда йўқ раҳму мурувват.  
Уйинг ортида оттирдим неча тонг,  
Бирор бор бўлмадинг сен беҳаловат.

33

Кел, эй ёр, ур ноғоранию чал соз,  
Тополмайсан бу ёшлиқ даврини боз<sup>1</sup>.  
Қилиб нола-фифон айтарди Лайли:  
Қиласр ошиқ ниёзу<sup>2</sup> маъшуқа ноз.

34

Қаро қўзлик, гули наврастам<sup>3</sup> ўзинг,  
Қаро қўзлик, гўзал гулдастам ўзинг.  
Қаро қўзлик, қаро қўзлик жафокор,  
Кўр аҳволи харобу хастам ўзинг.

<sup>1</sup> Б о з – яна, тагин.

<sup>2</sup> Н и ё з – ялиниш, ёлвориш, илтижо.

<sup>3</sup> Г у л и н а в р а с т а – янги очилган гул; мажозан: ёш маҳбуба.

35

Кел, эй, уй ортида пойлар адойинг,  
Кел, эй, жону дилим бўлсин фидойинг.  
Кел, эй, то сен билан арзу дил айтай,  
Кўзим бирлан супурай хоки пойинг<sup>1</sup>.

36

Қаро кўзлик, дилим девона бўлди,  
Жаҳонда сўзларинг афсона бўлди.  
Эшитганни бу ишқ қиссаси ёққай,  
У нақли мажлиси ҳар хона бўлди.

37

Кел, эй, ахду қарорлар тоза бўлсин,  
Гурунг курсак, баландовоза бўлсин.  
Туну кун ишқ ила машғул бўлайлик –  
Ки, ишқ китобига шероза<sup>2</sup> бўлсин.

38

Ёзиб сочинг, хиром айни сахар қил,  
Сабони<sup>3</sup> мушку анбар сарбасар<sup>4</sup> қил.  
Ёзиб ташла сочингни елканг узра,  
Жаҳон аҳлин кўйингда дарбадар қил.

39

Сенга дўстлик далолат<sup>5</sup> айлай, эй гул,  
Бўлиб ёринг, садоқат айлай, эй гул.  
Сени деб қанча кўрдим ранжу кулфат,  
Яна жабрингга тоқат айлай, эй гул.

<sup>1</sup> Хоки пой – оёқ ости тупроғи.

<sup>2</sup> Шероза – китобни муқовалашда унинг сахифалари сочилмаслиги учун ишак билан тикиш.

<sup>3</sup> Сабо – Шарқ томондан эсадиган тонгги ёқимли ва салқин шамол.

<sup>4</sup> Сарбасар – бошдан-оёқ, бутунлай.

<sup>5</sup> Далолат – гувоҳлик, шаҳодат.

40

Эшит мендан, сен, эй кокилпаришон,  
Кўнгил нокасга берма, ёри нодон.  
Ичар қонингни нокас, таъна айлаб,  
Кетар ташлаб аро йўл ичра сарсон.

41

Кўчангизга етишдим, ростладим дам,  
Ширинжонни қилиб ўзимга хамдам.  
Ширинжон бевафомиши, билмагандим,  
Тамоман умрим энди бўлди мотам.

42

Узоқ вақт кўрмадим юзингни, жонон,  
Урарман қуш каби ўзимни ҳар ён.  
Сенингдек бир парипайкар<sup>1</sup> топилмас,  
Бўлай мен шу баланд қаддингга қурбон!

43

Қошингга келмагайман икки бора,  
Дилим ҳажрингда бўлди пора-пора.  
Қаерда бўлмайин айтиб юрарман,  
Кўрай бир бор юзинг, кел, мен бечора.

44

Латиф қаддингга кийган кўйлагинг бўз,  
Чарақлар мисли юлдуз жуфт қаро кўз,  
Очилик гул каби яшнар икки юз,  
Менингдек ошиғинг минг-минг, гўзал қиз!

45

Ёrim кўйига оҳ уриб борарман,  
Сарою эшигин кўриб борарман.  
Саройинг эшигига келмасанг гар,  
Кўзимнинг ёшини суриб борарман.

---

<sup>1</sup> П а р и п а й к а р – пари жуссали, гўзал, чиройли.

46

Дилу жондан харидоринг ўзимман,  
Асири зулфи тобдоринг<sup>1</sup> ўзимман.  
Бўлай қурбон сенга, эй бемурувват,  
Бу Кобулда гирифторинг ўзимман.

47

Ўсар ҳовлингиз ичра биргина тол,  
Лабим ташна, дилим ғамгиндирил, алҳол.  
Агар юз йилга чўзилса-да умрим,  
Бағишлайди умид менга ўша тол.

48

Мени ёр этки, ҳажрингда ўларман,  
Бу чок дилни ўзингга топширарман.  
Фироғинг хаста қилди – дардим энди  
Қиёматга қадар олиб кетарман.

49

Сариқ чехрам сари сен бир назар сол,  
Кўзинг очсанг, садо илғарсан, алҳол.  
Қил андиша Худодан, эй ситамгар,  
Агар равшан кўролсанг, недир аҳвол.

50

Безар оппоқ юзингни бир қаро хол,  
Ғарифда ҳеч бўларми уй билан мол.  
Узатдинг барчага дўстлик қўлини,  
Тиканликми ғариф қўли – бу не ҳол?!

51

Бўлибман, ёрижон, ҳажрингда мен сил,  
Юбор бир хат – гирифтор бўлди бу дил.  
Ғамингда шунчалик кўп йиғладимки,  
Кўзимнинг ёшидан бўлди замин ҳўл.

<sup>1</sup> Тобдор – жингалак.

52

Бўлай, эй ёрижон, қурбон номингга,  
Юрарсан худди каптардек томингда.  
Менга дерсанки: уйда ҳеч киши йўқ,  
Бўлай қурбон шу ширин каломингга!

53

Эй элчи, бориб айт кўрганда ёрни,  
Ўшал гулғунчаи фасли баҳорни.  
Фамида кеча-кундуз йиғлагайман,  
Ҳадеб ранжитмасин бир интизорни.

54

Бу дашт оҳуси асло бўлмагай ром,  
Кўзим бир кўрди-ю, йўқ дилда ором.  
Хатинг ўпдим, агарчи хатни ўпиш  
Ўпич ўрнига ўтмайди, дилором.

55

Бировга, аввало, ёр бўлмагайман,  
Агар бўлсамми, безор бўлмагайман.  
Саломим етказинг жонона ёрга,  
Ўзидан ўзгага ёр бўлмагайман.

56

Агарда бўлмаса тонг ели пайдо,  
Лаб очгайми эди гулғунча асло.  
Агар Лайлини Мажнунга беришса,  
Бўлармиди ўша жаҳонга расво.

57

Қадинг мавзунлиги<sup>1</sup> мисли санавбар<sup>2</sup>,  
Лабинг ширинлиги шаккарга ўхшар.  
Лабингнинг учидан бир бўса бергил,  
Жигар қон бўлди-ку дардингда, дилбар!

<sup>1</sup> Мавзун – гўзал, келишган, чиройли.

<sup>2</sup> Санавбар (Санубар, Санобар) – арчасимон тик ўсадиган дарахт; мажозан: маъшуқанинг тик, келишган қомати.

58

Бу манзилда дучор бўлгаймисан-йўқ?  
Хабардори бу зор бўлгаймисан-йўқ?  
Мусулмонликка ётлар дастидан, оҳ,  
Худо билгайки, ёр бўлгаймисан-йўқ?

59

Билолмайман, не дард ёпишди жонга,  
Туташди ўт тамоми устухонга.  
На жоним оғриру на бор иситмам,  
Каро кўзлик бир оташ урди жонга.

60

Ҳали ёшмиз-ку, эй чарх, бергали жон,  
На шодлик кўрдигу бўлдик на шодмон<sup>1</sup>.  
Йўлинг сол кексаларнинг кўчасига,  
Келарсан бизга ҳам вақт етгани он.

61

Сенинг ишқингда манзил бўлди сахро,  
Килиб ёдинг топарман юз тасалло.  
Кунимни кеч қиласарман йиглай-йиглай,  
Агар дарс вақти тушсанг ёдга, раъно.

62

Учирарсан томинг узра кабутар,  
Урарсан қандайин жонимга ханжар?  
Бўлар дўстлик ингичка ип мисоли,  
Уларман мен, узарсан сен, дилобар.

63

Үйинг ортин маъво қилгайман, эй гул,  
“Азизим!” – деб садо қилгайман, эй гул.  
Агар бир тун менинг олдимга чиқсанг,  
Дилу жоним фидо қилгайман, эй гул.

<sup>1</sup> Шодмон – шод, хурсанд, мамнун.

64

Дамодам ёди дилбар айлагайман,  
Фамида дилни музтар<sup>1</sup> айлагайман.  
Қилиб манзил биёбонни ғаминда,  
Ўзимни бир қаландар<sup>2</sup> айлагайман.

65

Бўлай қурбон сенга, Бибивилоят,  
Уйинг ортига келдим дилда ният.  
Юзингни қўрмадим келиб умид-ла,  
Гўзал хулқингга қурбонман-да ғоят.

66

Кийибсан чит лиbos гул-гул, азизим,  
Ўрилган ўн икки кокил, азизим.  
Ўн икки кокилинг гул ғунчасидек,  
Ватан бўлмиш сенга Кобул, азизим.

67

Дилим бордир, дилимда минг бир озор,  
Тирикнинг ҳажри, ўликнинг ғами бор.  
Ўликнинг доғи бу ҳукми Худонинг,  
Тирикнинг ҳажрига йўқ тоқатим, ёр.

68

Ажаб нолону<sup>3</sup> сарсонман бугун мен,  
Ўт ичра ўртаниб қонман бугун мен,  
Ўт ичра ўртаниш ҳам гап эканми,  
Фариби мулки Туронман бугун мен.

<sup>1</sup>М у з т а р – ночор, ноилож.

<sup>2</sup>Қ а л а н д а р – 1) илохий ишк йўлида важд ҳолатига етган дарвеш; 2) вужуд ва қалбини поклаб, ўзини фано ҳолатига етказишга интилган солик; 3) қаландария тариқати аъзоси.

<sup>3</sup>Н о л о н – нола қилувчи, фигон чекувчи.

69

Күйингда мен гадолик айлагайман,  
Агар сендан жудолик айлагайман.  
Юзинг андишаси қўймас, ғанимга<sup>1</sup>  
Бориб то ошнолик айлагайман.

70

Гўзал қизнинг ниҳолдек қадди ларzon,  
Шу қиз дастидан ўт ичра дилу жон.  
Шу қизнинг онасига бориб айтинг:  
Уларнинг қисмати мисли палахмон.

71

Нечукдир ҳолингу қайди маконинг?  
Бировни эсламай, ишрат ҳар онинг.  
Шикоят йўлладим мен дўстларингдан,  
Етиб бормас – улуғдир ошёнинг.

72

Менинг бошим гарибликда экан то,  
Бирор ҳамдард киши бўлмайди пайдо.  
Менга ҳамдард киши болохонада,  
Калит бору эшик очилмас асло.

73

Кел, эй, биз иккимиз ҳам ёр бўлайлик,  
Анор пардаси ичра бир бўлайлик.  
Анор пардаси ичра, эй ширин ёр,  
Гоҳи уйкуда, гоҳ бедор бўлайлик.

74

Худоё, менда дил йўқ, менда дил йўқ,  
Иморат қурдиму сомонли гил йўқ.  
Имса<sup>2</sup> тикладим кўзим ёшидан  
Қаерга бормайин манзилу эл йўқ.

- душман, ракиб.

75

Худовандо, бошимда бор нима хол?  
Тикандек санчилар түшакда, алхол.  
Худо амри билан бўлсангу дўхтур,  
Бошимда турсанг-ей, шу менга иқбол.

76

Деворинг узра тўсиқ бор токай?  
Ҳамма ёр топди, мен беёр токай?  
Юрап хуш ҳамма ёр бўйнида қўли,  
Тикандек гулсиз мен хор токай?

77

Чиройли, оқ томоғинг мисли шиша,  
Сенинг ишқинг ғами дилда ҳамиша.  
Дараҳтдек чўзди бўй дардинг дилимда:  
Чиқарди шоху баргу отди реш<sup>1</sup>!

78

Кел, эй, васлингга мен восил бўлай, ёр,  
Териб гуллар, этагингга солай, ёр.  
Не бўпти гулга тўлдирмоқ этакни,  
Кел, эй, жоним сенга қурбон қилай, ёр!

79

Бу тун гўёки юлдузлар ҳавода,  
Оёғим остида ер бесафо-да.  
Бу тун олам заминни топмагандек,  
Севар ёрдан, ахир, бўлдим жудо-да.

80

Фақирликдан фифону нола қилдим,  
Қараб ҳар ён иложи чора қилдим.  
Қараб ҳар ён – тополмасдан ёримни,  
Этаккача ёқамни пора қилдим.

<sup>1</sup> Реша – илдиз.

## 81

Рўмолинг бошинг узра қип-қизил зар,  
 Қилар Кобулда хизмат хеш<sup>1</sup>-биродар.  
 Бўлай қурбони мен қиш тунларининг –  
 Ки, сандал остида бу қўллар ўйнар.

## 82

Ҳаво анча совуб қолди кириб қиши,  
 Ғарибларда кўпайди дарду ташвиш.  
 Ҳазон босдими ҳуснинг боғини, айт,  
 Рангимни заъфарон<sup>2</sup> қилган не эрмиш?

## 83

Тишинг боғлаб, эшикдан кирдинг, эй жон,  
 Йигидан қўзларинг бўлганча гирён<sup>3</sup>.  
 Худо дардига сабр эт, бўлма гирён,  
 Худодан ишларинг бўлгуси осон.

## 84

Эшит, ёрим, менга орзу висолинг,  
 Кўзимни ўйнатар қадди ниҳолинг.  
 Кўзимни бир қадинг ўйнатган эмас,  
 Кўзимни ўйнатар зебо жамолинг.

## 85

Бўлай қурбон – либосинг бунчалар хуш!  
 Лабингнинг учидаги шаккар урап жўш.  
 Лабингнинг учидан шаккар тўкилгай,  
 Ҳеч этма эски ёрингни фаромуш.

## 86

Ўйинг олдига келди бу адойинг,  
 Қулоғингга етар ширин садойинг.  
 Агар отанг куёв қилса ўзига,  
 Бўлайнин бир умр содик гадойинг.

<sup>1</sup>Х е ш – кариндош-уруг.

<sup>2</sup>З а ъ ф а р о н – сарғиши тус берувчи хушбуй ўсимлик; мажозан: сарик ранг.

<sup>3</sup>Г и р ё н – йигловчи, йиглаб турган.

## 87

Қадинг пасту ҳавойинг күп баланддир,  
Ширилликда лабинг гүёки қанддир.  
Лабингнинг холидан бир бўса бергил,  
Баҳосин билмайин дил зору банддир.

## 88

Либос қимматбаҳолик бор гулимда,  
Ҳавойи раҳнамолик бор гулимда.  
Илоҳо, раҳнамолик олмасин авж,  
Мудом майли жудолик бор гулимда.

## 89

Бу кўча бошида гуллабди бодом,  
На кеча уйқу бор, на кундуз ором.  
Йўловчи кўлида бир мактубим бор,  
Юборишга киши йўқдир, дилором.

## 90

Бўлай қурбон сенга, Парвардигорим,  
Агар етказмадинг менга нигорим.  
Одамларга улашдинг бахту толе,  
Менинг-чи, ёшли кўзлар бўлди ёрим.

## 91

Фироқ бир офати жон бўлди охир,  
Фироқ бир дарди пинҳон бўлди охир.  
Мени тарқ этдингу тарқ этди жон ҳам,  
Фироқда ўлим осон бўлди охир.

## 92

Лабинг хурмо каби ширин-шакар, ёр,  
Қиласан Янгишаҳарга сафар, ёр.  
Ўзинг тахт узра қўр тўкиб туарсан,  
Белингга боғлабон гўзал камар, ёр.

## 93

Қадим бўлибди мажнунтол каби ҳам,  
Сен уй, мен ташқарида чекамиз ғам.  
Илоҳо, ютсин-ей Қорун<sup>1</sup> каби ер,  
Мени сендан жудо қилса ким, эркам!

## 94

Бу чўлларда чопа-чопа борарман,  
Оёғин ўпгали гул ахтарарман.  
Ўшал ой юзлининг орзу-ўйида,  
Неча манзилни бир тунда ўтарман.

## 95

Мен уч кунлик гул эрдим, онам ўлди,  
Бериб доя қўлига, доям ўлди.  
Мени ўргатдилар эчки сутига,  
Шум экан толеим, эчки ҳам ўлди.

## 96

Ўзим совчи бўлиб келдим сенга, ёр,  
Худо ҳаққи, бўлибман зори дийдор.  
Агарда бевафолик қилмасанг сен,  
Бўларман то қиёмат мен вафодор.

## 97

Кўзим бўлди йўлида зор, Худоё,  
Қаерларда юрибди ёр, Худоё?  
Ўтирас ўзининг жойида ёrim,  
Қилиб мени бу ёқда хор, Худоё.

## 98

Нима бўлди, бирор-бир шод дамим йўқ,  
Муҳаббат дардидан ўзга ғамим йўқ.  
Агар ўлсам, менга ҳеч тутма мотам,  
Шахид бўлган гарибман – мотамим йўқ.

<sup>1</sup> Қ о р у н – Мусо алайхиссалом даврида яшаган, ҳад-хисобсиз бойлигини хаирли ишларга сарфламай, ҳасисликда ном чиқарган шахс. Бу такаббур кимсанни охир-оқибат бутун мол-дунёси билан бирга ер ютган. У Шарқ адабиётида ҳарислик на ҳасислик тимсоли хисобланади.

Үзим сабзаю<sup>1</sup> ёрим сабзпўшдир<sup>2</sup>,  
 Ўтиар чорраҳада – гулфурушдир.  
 Икки кўзи тошу қоши тарози,  
 Мисоли заргар у қимматфурушдир.

Эшит, боғбон, богингда бир ишим бор,  
 Гулингдан бер териб, бор менда bemор.  
 Патуни номли гулингдан териб бер,  
 Гулингдек менда ҳам бор бир гўзал ёр.

Бўлай норинж<sup>3</sup> каби қўлингга қурбон,  
 Бағишлар жон бўйинг ҳар қайдা, жонон.  
 На хат йўллайсан, ўзинг келасан на,  
 Магар эмасмисан сен ҳам мусулмон?!

Санамжон, икки зулфинг нозаниндири,  
 Магар сенда хирожи мулки Чиндир?!<sup>4</sup>  
 Жаҳонда икки кўзингга баҳо йўқ,  
 Қўлинг остида бу дунё тайиндири.

Қилар ёр қасрига парвоз кабутар,  
 Бориб айт – интизорлик мени ўртар.  
 Қаёққа юз ўғирмай беқарорман,  
 Ўшал дамданки, ташлаб кетди дилбар.

<sup>1</sup> С а б з а – майса, кўкат, яшиллик.

<sup>2</sup> С а б з п ў ш – кўк либос кийган.

<sup>3</sup> Н о р и н ж – апельсиннинг бир тури; мажозан: сарик ранг.

<sup>4</sup> Ч и н – Хитой.

## 104

Бу сарв<sup>1</sup> қаддингки, райхондан яралмиш,  
 Бу лаълдек<sup>2</sup> лаб-да маржондан яралмиш.  
 Бўса олиш учун икки юзингдан,  
 Гўзал лаъли Бадахшондан<sup>3</sup> яралмиш.

## 105

Йўлинг бошида ўтиридим сахар вақт,  
 Кўзимнинг ёшидан ўтқаздим дараҳт.  
 Шамол қўпорди уни илдизидан,  
 Сира кулмади мен бечорага баҳт.

## 106

Агар ёр бўлса дилбар, дилрабоман,  
 Агар бўлса кумуш у, соф тилломан.  
 Агар қиз боламан деб у уялса,  
 Ишорат этсин – келгум шу асно ман.

## 107

Нетарман, ёрижон, сен келмаган тун?  
 Бўлиб Лайли, чекарман оҳи Мажнун.  
 Ахир, қандай чиқаргайман нафасни,  
 Висолинг бўйини мен туймаган тун?

## 108

Эй, онанинг баҳорги тоза гули,  
 Эй, Туркистондан айри тушган ули<sup>4</sup>,  
 Қилиб хурмат унга бир нома йўлла,  
 Гўдаклик чоғи эмгансан-ку уни.

<sup>1</sup> С а р в – қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган игнабаргли гўзал ва күшкомат дараҳт. Мумтоз адабиётда маъшуқанинг келишган зебо қадди-қоматини сарвга нисбат берадилар.

<sup>2</sup> Л а ъ л – кизил рангли ялтироқ кимматбаҳо тош. Маъшуқанинг қизил лабини унга нисбат берадилар.

<sup>3</sup> Л а ъ л и Б а д а х ш о н – лаълнинг энг аъло нави бўлиб, Бадахшон тоғларида ҳосил бўлади.

<sup>4</sup> У л – ўғил.

## 109

Сенинг қурбонинг, эй жонона, бўлгум,  
 Агар қилсанг сафар, девона бўлгум.  
 Агар кетганда ёд этсам ўлимдир,  
 Фаромуш айласам, бегона бўлгум.

## 110

Гўзалсан сурмасиз ҳам, сурма қўйма,  
 Кўйиб сурма, пичноқсиз мени сўйма.  
 Хумор кўзга қўярсан сурма нега?  
 Бўлиб жаллод, ошиқлар бағрин ўйма.

## 111

Гўзал юлдуз, бўлибман сенга навкар,  
 Қилибман икки йил хизмат баробар.  
 Қилибман икки йил хизмат текинга,  
 Сенга садқа маошимиз, дилобар!

## 112

Девор ортида нега тўхтадинг, ёр?  
 Мени қилдинг ғаму дардга гирифткор.  
 Илоҳо, қари бобонг ўлсину сўнг  
 Баҳонг ҳар қанча бўлса, мен харидор.

## 113

Чараклар юлдузу бедор эдим мен,  
 Девор остида умидвор эдим мен.  
 Хабар берди саҳардан номурод куш,  
 Ҳануз ёрни деб интизор эдим мен.

## 114

Бошинг узра қадифа<sup>1</sup>, эй азиз ёр,  
 Узугинг вазни уч мисқол<sup>2</sup> десам бор.  
 Бу уч мисқол узук нима бўлибди,  
 Паранжинг барларини қилса заркор.

<sup>1</sup> Қадифа – аёллар бош кийими, чодра.

<sup>2</sup> Мисқол – тахминан 4, 68 граммга teng оғирлик ўлчови.

115

Билолмайман, бу юлдузми ёки қор,  
Кулар хандон уриб уй ичра дилдор.  
Қараб турган экан онаси, афсус,  
Бир-икки бўса истовдим мени зор.

116

Эй, оппок юзларинг сутдай, қара бир,  
Ўзинг султону икки кўз вазирдир.  
Ўзинг туриб адолат тахти узра,  
Сенга дўст ушбу саҳройи фақирдир.

117

Четида қалъанинг капитар соларман,  
Бир-икки бўса шу қиздан оларман.  
Агарда чиқмаса шу қиз йўлимдан,  
Мисоли хас олов ичра қоларман.

118

Ўтирсам майдон ичра, келди дилдор,  
Қилиб каклик каби чиройли рафтор<sup>1</sup>.  
Дедим дилда: қадаминг кўзим узра,  
Шифо топди-да ундан дили бемор.

119

Фирогинг тунида пашиша урап ниш,  
Ёзилган сочинг олд-ортингни тутмиш.  
Агарда қўшнилар сезишса, айтгил:  
“Худо йўлига эҳсон олди дарвеш”.

120

Бу дилни қошларинг мотамга солди,  
Бу жонни кўзларинг ҳам ғамга солди.  
Ўшал Лайлию Мажнун уйи қуйсин,  
Ошиқлик расмини оламга солди.

<sup>1</sup> Рафтор – юриш, хиром этиш.

121

Йўлимнинг бошини қиз гар тутибди,  
Камарбандимни шу дилбар тутибди.  
Камарбандимни шу дилбар олибди,  
Ўзи подшо, мени навкар тутибди.

122

Бошим оғрийди, ҳолим кўп харобдир,  
Куйиб кўнгил қуши мисли кабодир.  
Кел, эй ёр, бу кабобни қути<sup>1</sup> жон эт,  
Емоқ ушшоқ<sup>2</sup> кабобини саводир.

123

Сахийжон, ҳожатим бордир, раво йўқ,  
Муножотимга Ҳақдан бир садо йўқ.  
Сенинг номингга мойчироқ берарман,  
Ошиқ дардига ҳеч ерда даво йўқ.

124

Худойим қилмасайди ишқни пайдо,  
Қилибди пайдо, этмасайди расво.  
Ошиқ дили қозондир қайнаётган,  
Киши кўтармасин қопқогин асло.

125

Мен аҳли дард эрурман, нозанин ёр,  
Юз ўгирмасман ўлдирсанг-да зинхор.  
Қошингда айланарман қонга ботиб,  
Бошим ўткир тигингда олсанг, эй ёр.

126

Баҳор келганда гуллар тергуликдир,  
Бу қизларнинг лабини сўргуликдир.  
Бу ширин, эрка қизларнинг дудоғи  
Шакарқамиш каби жўш ургуликдир.

<sup>1</sup> Кут – ризқ, насиба, улуш; озиқ, таом.

<sup>2</sup> Ушшоқ – ошиклар

127

Қамиш уйларга ўт қўй, моҳи тобон<sup>1</sup>,  
Маҳалла бус-бутун бўлсин чароғон.  
Ўзим мироб бўлиб, сув келтиарман,  
Экарман ўрнига сунбулурайхон.

128

Юарсан қандайин оёқ учидা,  
Бу тошлар эзилар йиғлаб ичида.  
Отанг таъриф этиб дер кўзларингни:  
Башар кўрмас қизимдек қиз тушида!

129

Юарсан худди каклик, эй жонона,  
Бўларман шахри Кобулга равона.  
Билолмайманки, қайтарманми ё йўқ,  
Рўмолчанг совға қил – бўлсин нишона.

130

Бор икки каклигим, бок бир қиё, ёр,  
Сафарга кетаман, айла дуо, ёр.  
Сафардан қайтаманми-қайтмагайман,  
Дегил: “Асра паноҳингда, Худо!” – ёр.

131

Севикли ёрни кўрдим дона-дона,  
Тароқ сочига ургай ёна-ёна.  
Ювилган соchlаридан оқса сувлар,  
Мисоли қуш терарман дона-дона.

132

Бўлай бўйнингдаги боғичға қурбон,  
Нега биздан умид уздинг, қадрдон?  
Сени йўлдан урибди қайси золим,  
Ёмон сўз айтмагандим сенга ҳеч он.

---

<sup>1</sup> Моҳи тобон – порлок ой.

133

Қизил, оқ – турфа гуллар олдилар жон,  
Шу гуллар бўйи деб бўлдим-да, боғбон.  
Келиб қиши, колди гуллар қор тагида,  
Тириклик йўқ менга гулларсиз, ишон.

134

Саман от, айланай бўйингдан ўзим,  
Ясаб берай юган бўйнингга ўзим.  
Қилай наъл тилладан бу кеча мени  
Олиб борсанг санам кўйига, ўзим.

135

Кўйинг бир кеча бўлса менга манзил,  
Камарбанд менга бўлгай икки кокил.  
Ўшал тун ҳожилар қайтишса ҳаждан,  
Менга ҳаждир қошинг меҳроби, билгил.

136

Қизил гулим, нега рангинг сўлибди?  
Хазон ели сенга душман бўлибди.  
Хазон ели, сира келмас бўлиб кет,  
Сенинг дастингдан ёр ранги сўлибди.

137

Анор ниҳолидек ёр, кел қошимга,  
Кел, эй, пар болишингни қўй бошимга.  
Агар йўқ болишинг, кел, чап қўлингни  
Кўявер майлига, сарвбўй, бошимга.

138

Агар қўрсанг менинг ёрим пинҳона,  
Узугим бер унга – бўлсин нишона.  
Худо қошида айларман дуолар,  
Бўлиб күш, менга етказ шу замона.

139

Тўлин ой, лоф уриб, кўп қилма даъво,  
Қолиши масман дея ёрингдан асло.  
Сенинг йўқдир кўзу кипригу қошинг,  
Менинг ёрим каби ширин тилинг ё.

140

Кел, эй, бир ерда бирга ўлтирайлик,  
Ахир, ёшмиз – дил орзусин қўрайлик.  
Ахир, ёшмиз ҳали энди бўй етган,  
Умидимиз гулини биз терайлик.

141

Сен олдинг ақлу хушимни, гўзал ёр,  
Қулоққа келди овозинг жарангдор.  
Кўчама-кўча судра қўлим олиб,  
Сотарман, де, ошиқ, борми харидор?

142

Ариқ бўйида дуч келса ўшал ёр,  
Дегил: “Эй бевафо, ёлғончи дилдор!  
Сенга ҳеч бир ёмон сўз айтмаганман,  
Рўмолчанг бер менга – бўлсин у ёдгор”.

143

Ширинсўзликда йўқ teng сенга зинҳор,  
Дилим қулфини очдинг бир қулиб, ёр.  
Мен – аччик, сен – ширинсан, teng эмасмиз,  
Мени қўй, кет йўлингга, нозли дилдор.

144

Агар ёд айласам, дардим бўлар зўр,  
Унутсам, шу замон бўлсин кўзим кўр.  
Мен у номард одамлардан эмасман,  
Бўлурман ҳамнафас киргунча то гўр.

145

Кел, эй жонона ёр, тарки сафар қил,  
Бошингдан бу ёмон ўйни бадар қил.  
Бу ўй жоҳиллигу хомдир бу ақлинг,  
Улардан кечу ўзингга назар қил.

146

Кел, эй ёр, майсазорда ўлтирайлик,  
Рўмолинг тўлдириб лола терайлик.  
Рўмолинг тўла лола чаппа-роста,  
Вафо йўлига энди юз бурайлик.

147

Ёрим, дардингда девона бўларман,  
Бориб навкари тўпхона бўларман.  
Бўлиб навкар, борай Балху Бухоро,  
Йўқотсан тўпни, зиндана бўларман.

148

Сенга оппоқ либосларни олай, ёр,  
Қулоғинг ҳалқасига кўз солай, ёр.  
Қулоғинг ҳалқасига кўз солиш не,  
Уйинг ичра ёринг бўлиб қолай, ёр.

149

Турибсан жойнамоз узра, азиз ёр,  
Қиличбозлик қилар қўш зулфинг ошкор.  
Худо хусну жамолни сенга бермиш,  
Бу турку тожик ичра сенча ким бор?!

150

Йигит, бош кийимингга борми қиёс,  
Қўлингда ялтирас узугинг олмос.  
Билиб олса бўлар олмос узукдан,  
Отангдан қолганин бир катта мерос.

151

Азиз ёрим, мисоли шам эмишсан,  
Уйингда ўлтириб, беғам эмишсан.  
Сен уйда ўлтирасан, кўчада мен,  
Қилиб қон мени, хотиржам эмишсан.

152

Оқликда ойни ҳам уялтирибсан,  
Ичида юзта ёшнинг ўлтирибсан.  
Шу юз ёш ичида дил сенга бердим,  
Агар аҳдингда мустаҳкам турибсан.

153

Илоҳо, бир умрми зор бўлурман?  
Гулимнинг дардида бемор бўлурман?  
Художон, орзуйим шудир: қачон мен  
Тикансиз гулни топиб, ёр бўлурман?

154

Анори майда дона-дона қилди,  
Мени бир хипча бел девона қилди.  
Шу ўн тўрт ёшли хипча бел нигорим  
Ишорат уйига пинҳона қилди.

155

Девор устида еб аччиқ анорни,  
Лабим тегди лабига нозли ёрнинг  
Лаби нозик санамнинг мисли шиша,  
Бу шиша ичра тушди захми<sup>1</sup> хорнинг<sup>2</sup>.

156

Фалончидир сенга, эй қизгина, ном,  
Юзинг оқликда мисли гули бодом.  
Қасам бошинггаки, ошиқ бўлибман,  
Бу қандай дили кофирдир беором.

<sup>1</sup> Захм – яра, жароҳат.

<sup>2</sup> Хор – тикан.

157

Эшит, қизгина, оппоқсан ҳам орик,  
Онанг йўқ, мен сенга бўлибман ошик.  
Мени ошиқи пок деб айтдинг, эй гул,  
Ўзинг чиройли, ширин тилли маъшуқ.

158

Нигорим кўрсанг уй ичра мабодо,  
Дегил, ёринг салом айтди шу асно.  
Шудир менинг дуойим кеча-кундуз:  
Мени ёримга етказгин, Худоё!

159

Агарда ўхшамас номингга номим,  
Куярмиди ўшал оташда жоним?  
Ўшал ширин санамнинг хотири деб,  
Бўларми сира Кобулда нишоним?

160

Худовандо, эзиб қилдинг мени хўр,  
Нигоримдан жудоман – манглайи шўр.  
Нигорим икки кўзим нури эди,  
Бу равшан кўзларимни айладинг кўр.

161

Сабо, хукмим билан сен бир сафар қил,  
Ширин ёрим сари бориб хабар қил.  
Саломим етказ аввал жону дилдан,  
Кейин бу хаста ҳолига назар қил.

162

Салом, эй қизгина, нозикадолик,  
Ўтирма том бошида – бу гадолик.  
Агар бир эгрилик кўрсанг фақирдан,  
Маломат айла: “Қилдинг бевафолик!”

163

Менга, эй дилрабо, айла муруват,  
Ҳал эт бечоралар ишини албат.  
Ғазаб қилсанг-да юз марта, қасамким,  
Лабингдан бир ўпишга бор жасорат.

164

Агар бўлсанг бу ҳолимдан хабардор,  
Мени деб тош дилинг ёнгуси, эй ёр.  
Бутун оламни кезсанг-да уриб чарх,  
Тополмайсан менингдек бир вафодор.

165

Илоҳи, ё илоҳи, ё илоҳи,  
Мени ўлдириди-ку ёрнинг фироги.  
Етишсанг ошиғи зоринг қошига,  
Куйиб душман уий бошдан-оёғи.

166

Бўлай гар севмасам, маҳкуми жар мен,  
Бўлайн тол мисоли бесамар мен.  
Агар ошиқ эмасман жону дилдан,  
Ғаминг зиндонида қонли жигар мен.

167

Анори дона-донадан ёғар дур,  
Тилакдир менга дийдори ўшал хур.  
Агарда бўлмаса хотири ёрнинг,  
Бу кўчага келармидим бирор қур.

168

Агар бузсанг, қилиб аҳду вафони,  
Илоё, чек жаҳонда бор жафони!  
Каломуллоҳ ганим бўлсин жонингга,  
Агар бошқа билан қилсанг сафони!

169

Эшигинг олдидан бизга гузар<sup>1</sup> йўқ,  
Юзингдек ойу офтоб жилвагар йўқ.  
Менга дейсанки: “Ишқингда касалман”,  
Сенинг ҳолинг меникидан батар йўқ.

170

Шу киприк ўқидан бўлдим умидвор,  
Шу кўзлар чўгидан бўлдим умидвор.  
Болаликдан тутиб нози этағин,  
Вафо қилмогидан бўлдим умидвор.

171

Эшит, ёрим, хабар қилсанг келарман,  
Агар болишини пар қилсанг келарман.  
Мулойим кўк ипакдан болишинг, ёр,  
Ўзинг гулдек агар қилсанг келарман.

172

Ишинг ишрат мудом, ёри ягона,  
Фамингда ошифинг эса девона.  
Жудоликдан оғиз очма, санамжон,  
Бу хорлиқдан дилим бўлгай ғамхона.

173

Ўшал кунданки, сен кетдинг қошимдан,  
Худо ҳаққи, қиёматдир бошимда.  
Агар воқиф эсанг ҳолимдан, эй гул,  
Кўхи Қофдан<sup>2</sup> келар эдинг қошимга.

<sup>1</sup> Гузар – ўтиш, кечиш.

<sup>2</sup> Кўхи Қоф – Қоф тоги. Қоф – аждодлар тасаввуриға кўра бутун дунёни ўраб олган тог.

174

Агар қошимда қолсанг, беркинар ой,  
Бўлайлик бирга топиб холи бир жой.  
Фақат шу шарт ила – ўпсам юзингдан,  
Тишимнинг изи қолса, демагилвой.

175

Агар гул сайрига чиқсанг, азиз ёр,  
Келиб ҳол сўр – ётибман бунда bemор.  
Ўзига барчасин қилдим ҳавола,  
Бу дунёда тополмай бир вафодор.

176

Агар ёр истасам мен, ёр эмас кам,  
Агар гул исласам, гулзор эмас кам.  
Гўзал юзларни кўрмоқ бўлса орзу,  
Кўзимнинг олдида дийдор эмас кам.

177

Эшит, ёrim, танимайсан Худони,  
Ҳали ёшсану билмайсан вафони.  
Тузогингга тушибман худди қушдек,  
Тафовут этмадинг дўсту ошнони.

178

Эй, эл гап-сўзин олма тилга зинҳор,  
Назар сол заъфарон рангимга бир бор.  
Агар ўлсам-да сендан кечмагайман,  
Ўшал аҳдимга содиқман мудом, ёр.

179

Фидо жони билан бу багри доғинг,  
Икки кўз ўртасига қўй оёғинг.  
Чўчирман кипригим ботмасми дея,  
Оёғингни кўзимга қўйган чогинг!..

180

Агарда савдо этсам, савдойим ғам,  
Агар ҳамроҳлик этсам, ҳамроҳим ғам.  
Оёк кўйсам агарда майса узра,  
Бўлар, Худоё, бошдан-оёғим ғам.

181

Қанисан, эй дилим боғбони бўлган?  
Нега тегрангни зулмат қуршаб олган?  
Замину боғу ошиқлар кўчаси  
Бу гулларнинг ширин атрига тўлган.

182

Илоҳо, тун сахар бўлсин ҳадемай,  
Бу гул уйдан бадар бўлсин ҳадемай.  
Унинг меҳри ниҳоли унди дилда,  
Илоҳо, босамар<sup>1</sup> бўлсин ҳадемай.

183

Эшит, эй қиз, мени девона қилдинг,  
Эдим обод, мени вайрона қилдинг.  
Қилиб дўстинг фифон айтар эдиким:  
Бирор сўз айтмайин бегона қилдинг.

184

Нега мендан қочарсан, эй пари қиз?  
Эшитдингми магар мендан ёмон сўз?  
Сенга ёқмас бирор сўз айтмаганман,  
Нега мендан ўғирдинг, эй пари, юз?

185

Агар нокасга сен йиллар эсанг ёр,  
Демассан: “Бахтиёр бўл, ошиқи зор”.  
Гаҳи дерсанки: “Кўзимнинг нурисан”,  
Гаҳи дерсан: “Бошингда ўйнасин дор”.

<sup>1</sup> Босамар – мевали.

186

Баҳор келди, либосинг гулранг эрмиш,  
Дарахту бутталар гарқ гулга кирмиш.  
Бўлай қурбон сенға, эй зулфи анбар,  
Бу содик ошиғинг қилма фаромуш.

187

Баҳор келди-ку, қурбонинг бўлай мен,  
Мижанг ўқига қалқонинг бўлай мен.  
Ўз аҳдингда туришинг на ажойиб,  
Фидойи аҳду паймонинг бўлай мен.

188

Баҳор келди, баҳор, эй нури дийда,  
Дарахтлар узра гуллар бўлди пайдо.  
Фироғингда лабимга етди жоним,  
Мұҳаббатга садоқат қолди қайда?

189

Баҳор келди-ю, гуллар бўлди ғужғон,  
Ўтири гул шохи остида паришон.  
Юзу сочингга гул барги тўкилгай,  
Жўяқда гул ниҳоли қолгай ҳайрон.

190

Баҳор келди, баҳор келди, гулижон,  
Экар пайт устувор келди, гулижон.  
Юзинг худди очилган гулга ўхшар,  
Иш узра иш қатор келди, гулижон.

191

Қани, кел, ёрижон, фасли баҳордир,  
Ариқлар ичра сувлар жилвакордир.  
Қани, кел, ёрижон, гулгашт этайлик,  
Тамоми тоғу сахро лолазордир.

192

Баҳор келди, дарахтлар қомати дол,  
Чечакларни суманлар<sup>1</sup> қилди поймол.  
Маломат айлагай гулларни лола,  
Чаман шоҳи патуни<sup>2</sup> бўлди баттол.

193

Баҳор келди, чечакка тўлди ҳар ён,  
Бамисли гулли рўмолинг, ёрижон.  
Кезайлик, кел, бу гуллар оламини,  
Бу гуллар эрта куз қўлида пайхон.

194

Баҳор келди, кел энди сарви сиймин<sup>3</sup>,  
Чиқиб лола, биёбон бўлди рангин.  
Дема савсандан<sup>4</sup> айлар у ҳикоят,  
Агар булбул наволар этса ширин.

195

Баҳор келди, таратгай боғлар анбар,  
Биёбон лоладан гўё сочар зар.  
Баҳор келди, гулу булбул ҳамоғуш,  
Чаман гул базмидан оташ саросар<sup>5</sup>.

196

Баҳор гулни ўзига бола айлар,  
Паривашлар сўроғи лола айлар.  
Баҳор келди, баҳори васли жонон,  
Дилу жоним фироқдан нола айлар.

<sup>1</sup> Суман – оппоқ гуллайдиган жасмин гули, ёсуман.

<sup>2</sup> Патуни – гул номи.

<sup>3</sup> Сарви сиймин – баланд бўйли оқбадан маҳбуба.

<sup>4</sup> Савсан – гулсапсар.

<sup>5</sup> Саросар – бошдан-оёқ, бутунлай.

### 197

Баҳор кўп яхши-да, гуллар топар жон,  
Тўлишиб янги ой, бўлгай чарогон.  
Хазон ҳеч кўрмасин бу тилла ранглар,  
Бу боғ либоси ўзингсан, ёрижон!

### 198

Баҳор келди, нигори нозаниним,  
Кел, эй, бир дам тўйиб кўриш қийиним.  
Кел, эй, то бир нафас кўнглим бўлиб шод,  
Ёнингда ўлтирай тарқаб тугуним.

### 199

Ўшал деворни ғишти хоми бордир,  
Ўшал дилдорни Ширин номи бордир.  
Билишни истасанг, айтай нишона:  
Очилган бир гули бодоми бордир.

### 200

Азиз ёrim, қадрдонсанми ё йўқ?  
Сен эр қилдинг, пушаймонсанми ё йўқ?  
Сен эр қилдинг, насибанг шу экан-да,  
Гапир ростини: хандонсанми ё йўқ?

### 201

Агар ўлсам биёбонлар аро хор,  
Етиб келсанг бошимга кошки, эй ёр.  
Кафанга ўраган фурсатда мени  
Кучиб жонсиз танамни йигласанг зор.

### 202

Ягонам сен ўзинг, эй ёри жоним,  
Хафа кўрсам сени қайнайди қоним.  
Бу девона дилим ишқингда сархуш,  
Хафа ҳеч бўлма мендан, меҳрибоним!

203

Эшит, заргар, менинг сенда ишим бор,  
Ясаб бер бир узук – берар кишим бор.  
Ясаб бер бир узук тоза кумушдан,  
Жума кун ёр билан васл этмишим бор.

204

Сенга, ёрим, ҳамиша интизорман,  
Харобу хору зору бекарорман.  
Сен оғушимга кирган нурли тунлар –  
Хаёлида мудом масти хуморман.

205

Алифнинг<sup>1</sup> нуқтаси йўқ, айла диққат,  
Дил ошиқ бўлди-ю, йўқ унда тоқат.  
Дилим бўлди хумор кўзингга ошиқ,  
Муносибмас бу кўз барчага албат.

206

Ҳамиша, эй гулим, озода юрсанг,  
Дераза олдида муштоқ ўтиранг.  
Дераза олдида сармасту хандон,  
Илоҳо, бир умр шу хилда турсанг.

207

Кел, эй ёр, айрилиқдан жон карахтдир,  
Бу тунми, кун – билолмайман, не вақтдир?  
Кел, эй қошимга – бир кўрай юзингни,  
Бу ошиқлик иши иқболу баҳтдир.

208

Сабо, айла мадад кўнгли яримга,  
Саломимни олиб бор дилбаримга.  
Дуолар айлагай бечораи зор,  
Кел, эй ёр, бир нафас оғушларимга.

<sup>1</sup> А л и ф – араб алифбосининг биринчи ҳарфи: “а”. Тўғрилиги жиҳатида аъшуқанинг тик, келишган қадди-қоматига нисбат берилади.

209

Эшит, ёрим, сен ақли хом этдинг,  
Тубанлар дастидан пайғом<sup>1</sup> этдинг.  
Тубанлар – номусулмонлар туфайли  
Үзингни расво, мени бадном этдинг.

210

Ситамгарнинг қўли синсин, илоҳо,  
Урар эшикка у теша ҳар асно.  
Эшикнинг тахтаси синсин, илоҳо,  
Қўрай ёр юзини мен зори шайдо.

211

Бу пайкалдан келар бир тўда капитар,  
Она қизи билан ҳаммомга борар.  
Келишсин тез, бўлибман онага қул,  
Қизига ошиғу шайдо муқаррап.

212

Агар дил дардига бир чора бўлгай,  
Қачон ёрсиз ошиқ оввора бўлгай?  
Гўзалларнинг бир ери кам бўларми,  
Гар ошиқлар иши бир бора бўлгай?

213

Эшит, эй нозанини гульузорим<sup>2</sup>,  
Узун тунларда мунисим, мадорим.  
Боқиб бир жилва бирлан мендан олдинг  
Чидаму тоқату сабру қарорим.

214

Эшит, ёрим, менга орзу висолинг,  
Чизибман неча қоғозга жамолинг.  
Худо қошида айларман муножот,  
Олиб келса бўйинг қўклам шамоли...

<sup>1</sup> Пайғом – хабар, дарак.

<sup>2</sup> Гульузор – гул юзли.

215

Қаерда бўлдинг, эй қизгина, меҳмон?  
Қизилликлар суриб лабга фаровон.  
Кўчанг бошида Мажнундай турарман,  
Ошиқликдан мени қилдинг пушаймон.

216

Бошингга деб рўмол тикдим, азизим,  
Ғамингда туну кун куйдим, азизим.  
Яратмаса Худо куймасмидим деб,  
Бу бағрим сени деб ўйдим, азизим.

217

Эшит, қизгина, рафторингдан ўлдим,  
Садои кафши булғорингдан ўлдим.  
Садои кафши булғоринг не бўпти,  
Шу икки кўзи хумморингдан ўлдим.

218

Юзинг узра бу хол диллар тузоги,  
Қошингнинг устида қайда тароғинг?  
Йўлинг киприкларим-ла супурай, гул,  
Қийин мендек бир ошиқ учрамоғи!

219

Кел, эй ёрим, кел, эй, сайри чаман қил,  
Тамошои гулобу<sup>1</sup> ёсуман<sup>2</sup> қил.  
Бериб гуллар қошида хусн закотин,  
Мени бўсаларингдан баҳраманд қил.

220

Агар сендан жудо бўлсан, Нафасжон,  
Ажаб йўқ, бенаво бўлсан, Нафасжон.  
Топарманми хабар сенинг ҳолингдан,  
Агар боди сабо<sup>3</sup> бўлсан, Нафасжон?

<sup>1</sup> Г у л о б – 1) гул суви, атиргул япроқларидан олинадиган хушбўй ичимлик;  
<sup>2</sup> 2) кўз ёши.

<sup>3</sup> Ё с у м а н – оқ хушбўй гулли ўсимлик ва унинг гули, ясмин, суман.

<sup>3</sup> Б оди с а б о – тонг ели.

221

Агар бошимда синса юзта калтак,  
На бошдан кечаман, на ёрдан андак.  
Агар юз ёшга кирсам кекса, хаста,  
Хануз ёр бўйи мендан келса керак.

222

Ғамингда, айла ёд, ўлмоққа етдим,  
Сенга чок дилни қолдирдим-да кетдим.  
Нега, эй ёри жон, мени унутдинг?  
Қиёматга фирғинг догин этдим.

223

Шу қалъа кунжига<sup>1</sup> мен боғладим дил,  
Кўзимни ўзига жалб этди бир гул.  
Илоҳо, кўзларим кўр бўла қолсин,  
Келибди ёр – танимабман-ку буткул.

224

Кел, эй ёр, менга ўлим дом қурибdir,  
Дилим бечора маъюсу ғарибdir.  
Чиқолмай қийналар жоним бўғизда,  
Наҳотки, унга дийдоринг насибdir?!

225

Кел, эй нозикбадан, дилдор бўла қол,  
Жароҳатли кўнгилга ёр бўла қол.  
Бўйингдан айланай, ширин сўзинг-ла  
Табиби бу дили бемор бўла қол.

226

Кел, эй, мендан узоқ кетма сира, хур,  
Бўлибсан мунчалар ҳуснингга мағрур.  
Жафолар дастидан кўп хастадирман,  
Мурувват кўрсатиб бир, айла масрур<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> К у н ж – чет, бурч, бурчак.

<sup>2</sup> М а с р у р – шод, хурсанд.

227

Кел, эй, фасли баҳор, соҳибжамолим,  
Кезайлик боғ аро, қоши ҳилолим.  
Назар ташла: на гул бордир, на булбул,  
Мурувват қил, забун<sup>1</sup> бўлди-ку ҳолим.

228

Кел, эй, ишқингда зор бўлдим, нигорим,  
Ғаминг ичра бемор бўлдим, нигорим.  
Ғарип ҳолимни бир бор сўрамассан,  
Ётиб тўшакда, хор бўлдим, нигорим.

229

Кел, эй, орзум висолинг, дилрабо ёр,  
Сочинг торига жон бўлсин фидо, ёр.  
Юзинг аксини қогозга чизарман,  
Дилим дардига бўлгай деб даво, ёр.

230

Дилимда қолди доғинг, сочи сунбул<sup>2</sup>,  
Кел, эй, ёрингнинг ҳоли бўлди мушкул.  
Кел, эй, бу нотавон ҳолимга бир бок,  
Худоё, бўлдим-ей дардинг аро сил.

231

Кел, эй, ошиқи зоринг бўлди дилтанг,  
Кел, эй, оп этмайин ҳол кўру сўр ранг.  
Менинг ҳолим хароб, сен бехабарсан  
Умидим шишасига урма харсанг.

232

Лабингнинг устида холдир, ширинжон,  
Фироқнинг бир куни йилдир, ширинжон.  
Келолмас хизматингга ошифинг, шу  
Қанотсиз күшга аҳволдир, ширинжон.

<sup>1</sup> З а б у н – ожиз, нотавон, бечора, мағлуб.

<sup>2</sup> С у н б у л – ингичка баргли, фуллари ҳалқа-ҳалқа, кўнгироқсимон ва хушбўй үсимлик. Машуқанинг сочи ҳалқа-ҳалқалиги ва муаттар хид таратиши жиҳатидан сунбулга нисбат берилади.

233

Мудом юзингни ёд айларман, эй гул,  
Хидингдан дилни шод айларман, эй гул.  
Сочинг торига, юз жон бўлса менда,  
Фидойинг шу заҳот айларман, эй гул.

234

Гулим, мавзун қадинг сарву санавбар,  
Гулим, қўш кокилинг белингни чулғар.  
Агар менга дилинг майл этмас асло,  
Демак, бир бошқа ёринг бор, муқаррап.

235

Бўлай қурбон сенга, эй чорикор<sup>1</sup> ёр,  
Гўзал бодом гулидек кўзларинг бор.  
Кўриб туриб сира келмайди раҳминг,  
Эмишсан худди кофирдек дилозор.

236

Кел, эй, қўяй юзингга юз, қаламқош,  
Тиззангнинг устига ётай қўйиб бош.  
Тиззангга бош қўйиш нима бўлибди,  
Кўярман лаб лабингга, қошингга қош.

237

Баланд тоғ бошида олу экарман,  
Сенинг қаддингга мос, бону, экарман.  
У тиззамдан бу тиззамга олардим,  
Агар бўлса менга бону тегарман.

238

Эшит, эй ёрижон, бердим салом мен,  
Нега аҳдингни буздинг деб тамоммен.  
Мени ёд этмадинг ҳеч сўнгги кунлар,  
Билолмай не гуноҳим қон мудом мен.

<sup>1</sup> Ч о р и к о р (Ч о р а к о р) – олинадиган ҳосилнинг тўртдан уч қисмини ер ғасига бериш шарти билан бойлар ерида ёлланиб ишлаган, ўз ери ёки от-уловига ўга бўлмаган дехқон.

239

Эмасман феълу хўйингдан хабардор,  
Қараб тахмин қиларман ҳуснингга, ёр.  
Сочинг бир торига тенг кўрмагайман,  
Агарда бўлса менда юзта дилдор.

240

Азизим, бўлдим-ей дардинг чекиб сил,  
Жавоб ёз тезда – сенга боғладим дил.  
На ўзинг келасан, на ёзасан хат,  
Кўзимнинг ёшидан ҳўл бўлди-ку гил<sup>1</sup>.

241

Факирда бир дили девона бордир,  
Бошимда дарди бир жонона бордир.  
Кўйида тогма-тоғ, саҳрома-саҳро  
Макон Мажнун каби вайрона бордир.

242

Фирогингда, гулим, ҳар тун ишим ғам,  
Мисоли лола дилда доғи шабнам.  
Агар бир бор ўлим топса одамлар,  
Мен ўларман-тириларман дамодам.

243

Азалдан бевафо эдинг, гулим, сен,  
Талабда ошно эдинг, гулим, сен.  
Биринчи кун синаб кўрган эдим мен,  
Ҳа, савдогарнамо эдинг, гулим, сен.

244

Топилмас охудек кўзи хуморинг,  
Илондек эгма қошинг – ифтихоринг.  
Юрарман шаҳру қишлоқларни кезиб,  
Сўярман кимдадир деб ихтиёринг.

<sup>1</sup> Г и л – тупрок, лой.

245

Үшал кунданки, сен кетдинг қошимдан,  
Учиб кетди Ҳумо<sup>1</sup> қуши бошимдан.  
Элаб чиқсанг одам зотин хокини,  
Тополмайсан кулини ҳам лошимдан.

246

Ғұзаллар бирла құлма ошнолик,  
Хазир бүл, бир куни келгай жудолик.  
Сира Мажнунидан кечмасди Лайли,  
Жаҳон гүзаллари бүлса вафолик.

247

Ғаму дардинг қолибди менга ёдгор,  
Жафою ранжу хорлик ҳам, ситамкор.  
Жафою ранжу хорлик, дарду кулфат  
Дилимга солди минг-минг захму озор.

248

Юзингни мен мудом ёд айлагайман,  
Бүйинг хидлаб, дилим шод айлагайман.  
Агар қолган эса умримдан юз йил,  
Фидо сочинг учун бот айлагайман.

249

Күзингдек күз бу жаҳонда топилмас,  
Қиёси жумла инсонда топилмас.  
Ўт урдинг нотавон жонимга, сендеқ  
Муруватсиз мусулмон-да топилмас.

250

Эшит, ёrim, бу күнглим бекарордир,  
Жонимда ишқинг ўтидан шарордир<sup>2</sup>.  
Касал бўлдиму дўхтирга этишди,  
Муҳаббат дардига дармонми бордир?

<sup>1</sup> Ҳумо – кимнинг бошига сояси тушса, ўша киши баҳтли бўлади, деб эътиқод қилинадиган афсонавий давлат қуши.

<sup>2</sup> Шарор – учқун, аланга.

251

Мусофирик қилар одамни дилгир,  
Солибди бу фалак бўйнимга занжир.  
Фалак, бўйнимдан олгин занжикингни,  
Фарибликнинг юки шундоғам оғир.

252

Бу йил сарсону саргардонман, эй дўст,  
Бу йил қочқини Шибирғонман<sup>1</sup>, эй дўст.  
Мисоли тўтидек синган қаноти,  
Қафасда қумридек ҳайронман, эй дўст.

253

Ажаб ҳурсанки, қурбонинг қилар ким?  
Ўзим қассобу бирёning<sup>2</sup> қилар ким?  
Сенга бердим кўнгил ўн тўрт ёшимда,  
Азиз ёrim, пушаймонинг қилар ким?

254

Мени ёд эт – гамингда жон берарман,  
Сенга мажруҳ дилимни топширарман.  
Унутсанг-да мени, маҳшарга<sup>3</sup>, эй ёр,  
Фироғинг доғини олиб борарман.

255

Само юлдузидан кўзинг нишондир,  
Дилимни олдингу рангим хазондир.  
Дилимни сехру жоду бирла олдинг,  
Бу жодугар ким экан ноаёндир.

256

Кўлида гул, эшикдан кирди ёrim,  
Карашма айлагай кўзи хумори.  
Тутиб қолинг уни, кўлида ҳужжат –  
Эмиш қонимни тўкмоқлик қарори.

<sup>1</sup> Ш и р ғ о н – Афғонистон шимолидаги шаҳар – Жузжон вилояти маркази.

<sup>2</sup> Б и р ё н – қовурилган, кабоб бўлган, куйган, ўртанган.

<sup>3</sup> М а ҳ ш а р – қиемат кунида барча ўлганлар тирилиб, сўроқ учун тўпланадиган жой.

257

Илоҳо, мен каби беёр бўлгил!  
Танингни дард тутиб, bemor бўлгил!  
Жудолик айладинг мендан шу кунлар,  
Яқинлар қошида ҳам хор бўлгил!

258

Дилимга тиф уриб, солдинг бу доғни,  
Сенинг ишқингда тарқ этдим сабоқни.  
Ўшал кунданки, ишқ дардига тушдим,  
Ўқимабман бирорта ҳам варақни.

259

Мен ошиқ бўлдиму ҳолим батардир,  
Фигонимдан фалак ҳам бохабардир.  
Ғамингдан шунчалар кўп йигладимким,  
Ёқам кўз ёшидан ҳўл сарбасардир.

260

Қўй, эй ёр, қора сурма ўз кўзингга,  
Қиё боқ ошигингга – зор изингга.  
Агар мендан қўрарсан бевафолик,  
Уриб тиф, қил фидо бошим ўзингга.

261

Турибсан шундайин қаршимда, гулим,  
Дейишга бир нима бормайди тилим.  
Билолмайманки, айтмайми ё айтай,  
Агарчи тўладир сўзларга дилим.

262

Кел, эй, мен орзуи дийдор этарман,  
Кел, эй, дарду ғамингдан зор этарман.  
Кел, эй, бозори ғам эшигин очсам,  
Адоқсиз гиналар изҳор этарман.

263

Агар тонг юлдузи бўлсанг, парижон,  
Товоқча ичида тўлсанг, парижон.  
Икки оппоқ тишинг мисли қадоқ қанд –  
Ки, тасбех донаси бўлсанг, парижон.

264

Ўтириб сув бўйида сочи сунбул,  
Олиб ҳидлайди гул сув ичидан ул.  
Сув ичидан олинган гулда ҳид йўқ,  
Агар ёр ҳидласа, ўзим бўлай гул.

265

Мусулмонлик шуми, аҳли мусулмон,  
Ёмон иш қилмайин қустиришар қон.  
Ҳали дилбар висолига етишмай,  
Мени урди фалончи хўп беармон.

266

Баҳор келди-ку, айш-ишрат баҳори,  
Қаёққа солма кўз гуллар қатори.  
Нима бўлибди бу bogу бу гуллар,  
Кийибди кўк либос ширин нигорим.

267

Жудолик ўчмас ўтдир, беомондир,  
Жудолик дастидан дил нотавондир.  
Жудолик тулки айлар ҳатто шерни,  
Жудолик шулки, эговлар умрни.

268

Мусофирилик нечоғлик дилгир айлар,  
Фалак оёқларимга занжир айлар.  
Фалак, синдир бу қисмат занжирини,  
Ширин ёди Ватаннинг таъсир айлар.

269

Бошимда кокилинг савдоси бордир,  
Дилимда гул юзинг ғавғоси бордир.  
Агар майл этса кўзим янги ойга,  
Кўзим ўнгига қошинг ёси бордир.

270

Неча кун бўлди – мен ишқингда бехуш,  
Садоқатли қулинг бўлдим бояқиш.  
Сабаб не – ҳатто кирмайман тушингга,  
Магар, ёрим, мени қилдинг фаромуш?

271

Азизим, сен мени девона қилдинг,  
Мени тутқуни бандихона қилдинг.  
Кўча ўртасида, уй қулфлагандек,  
Оёғимга киshan, жонона, қилдинг.

272

Жудолик қилмадим мен, бу – Худодан,  
Жудолик асли чархи бевафодан.  
Жудолик этни тирноқдан айирди,  
Жудолик дини йўқ бўлсин жаҳондан!

273

Нега чўчиб қочарсан мендан, эй ёр?  
Эшитдингми ёмон бир сўзни зинҳор?  
Ёмонлик истаган дўстинг эмасдим,  
Нега дўстлик ипин уздинг, жафокор?

274

Яқиндан сени кўрмасман, нима наф?  
Қошингда ҳеч ўтирасман, нима наф?  
Гўзал хуснинг дарахти гулга кирди,  
Мен ушбу гулни термасман, нима наф?

275

Бу чексиз дашт аро ғавғо қилай, ёр,  
Сени гул бўйидан пайдо қилай, ёр.  
Сен-ку гул бўйидан бўлмайсан пайдо,  
Ёшликни кум билан савдо қилай, ёр.

276

Сафарга мен узоқ – бир йил кетарман,  
Гулим ҳажрига қандай сабр этарман?  
Гулимдан ҳеч жудо бўлиб бўларми,  
Туну кун нола қилмасдан нетарман?

277

Сафар олдимда-ю, ортимдадир дил,  
Қўлим бўйнингдан асло қучмади, гул.  
Қилишга бўлмади изҳори дил вақт,  
Сени тарк этдим-ей, дил тўла ғам, бил.

278

Эшит ёр, хавфи кўп эрур фироқнинг,  
Тифи бир, боши иккидир фироқнинг.  
Тифи бир, боши икки-иккимасми,  
Дарахти мева бермас, кўр, фироқнинг.

279

Бу олам қўш қора зулфингга шайдо,  
Худо ўз қудратидан этди пайдо.  
Онангнинг қўлу оёгин ўпарман,  
Эмиб сутини, бўлдинг шунча зебо.

280

Қўйиб мошпояга сув, ўй суриб жим,  
Урарман чўт – менинг ёрим бўлар ким?  
Урарман чўт – бўлар ёрим Паригул,  
Паригул қайдадир билмайман ўзим.

281

Сенинг дарвозангга қурбон бўларман,  
Овозинг эшитиб, тўхтаб туарман.  
Овозинг эшитиб, узоқ-яқиндан,  
Мисоли янги гулдек очиларман.

282

Бўлай қурбон, яшил кўйлакли зебо,  
Товус патидек бер кўксимга оро.  
Товуснинг пати бўлсанг, айби йўқ ҳеч,  
Кўзимга қора сурма бўл, дилоро!

283

Эшиит, ёрим, кел, эй, бирга бўлайлик,  
Кўча бошида ўпичлар олайлик.  
Кўча бошида ўпичлар не бўпти,  
Чодирнинг торини тортиб қўяйлик.

284

Эшиит, ёрим, онангнинг сўзига кир,  
Ювибсан бош, чодир ичида ўтири.  
Ювибсан бош, ўтириб чодир ичра,  
Суйиб ол оғушингга мени, эй ҳур!

285

Қалам олай юзинг ёдида, эй дўст,  
Чизай қошингни, дейман жуда, эй дўст.  
Баланд олибди қаддини алиф ҳам,  
Кўриб қаддингни, майли шу-да, эй дўст.

286

Сенга ҳеч ўхшамайди бу қизил ранг,  
Менга ҳеч ўхшамайди бу дили танг.  
На Корун, на Сулаймонда<sup>1</sup> қолиб тахт,  
Бўлар ҳуснинг либоси пора, аттанг!..

<sup>1</sup> С у л а и м о н – шон-шавкатли подшоҳ ва пайғамбар. Унинг мол-мулки хад-хисобсиз бўлган. Үнга Худонинг сирли ва муқаддас исми – Исми Аъзам маълум бўлган ва бу исм унинг сехрли узугига накш қилинган. Бу узук воситасида у нафақат одамлар, балки ҳайвонлар, күшлар, барча инсу жинсларга, табиат ходисаларига ҳам ҳукмини ўтказа олган.

287

Тақиб қўлга узукни, нозли жонон,  
Бутун ер юзини қилдинг чароғон.  
Худо ўзи сенга бермиш узукни,  
Гулим, бўлдинг тақиб уни Сулаймон.

288

Кел, эй, хулқинг қошида бош эгарман,  
Териб гуллар, этагингга тўкарман.  
Бу гуллар этагингга сифмагай ҳеч,  
Кел, эй, жоним сенга қурбон этарман!

289

Худовандо, жудоликни йўқотгили,  
Жаҳондан бевафоликни йўқотгили.  
Муяссар айла ёр васлига мени,  
Йўқ эрса ошноликни йўқотгили.

290

Мусофир ғам-машаққатга дучордир,  
Агар шаҳзода бўлса, хору зордир.  
Агар минг тўшагу бахмал, духоба,  
Оёғи остида гўёки хордир.

291

Ҳиротдан келдим, Қандахор кетарман,  
Келувдим ёр билан, бемор кетарман.  
Келувдим ёр билан – бўйнида қўлим,  
Бўлиб ёrim билан ҳамкор кетарман.

292

Ўзим бердим ўзимга заҳри қотил,  
Гуноҳим не – менга ёр бўлди жоҳил?  
Дилимнинг қонини ичгай бу жоҳил,  
Пушаймонман – пушаймондан не ҳосил?

293

Юзинг ойу лабинг лаълдир, гулижон,  
Лабингнинг ёнида холдир, гулижон.  
Агарда кўрмасам ҳар куни юз бор,  
Менинг ҳар сониям йилдир, гулижон.

294

Шимол кетдинг – йигирма кундан ўтди,  
Қулоғим овда, кўз йўлингни кутди.  
Ўзинг айтдингки, тут пишса келарман,  
Кобулда буғдой ўриш вақти етди...

295

Қалам бўлсин, азизлар, устухоним,  
Сиёҳ ўрнига олинг қатра қоним,  
Битиб мактубни қўнгил пардасига,  
Юборинг – ўқисин номеҳрибоним.

296

Кел, эй, мен орзуи дийдор этарман,  
Ўтири бир дам – сирим ошкор этарман.  
Ўтири бир дам, кўзимнинг нури сенсан,  
Кўнгил розин сенга изҳор этарман.

297

Само юлдуз тўла, Оллоҳу акбар,  
Учиб борай сенинг ёнингга, дилбар.  
Учиб бориб ёнингга бўса олай,  
Бўса олдида бекор канду шаккар.

298

Гулим, қаддинг янги ўсган ниҳолдир,  
Лабинг эса шакарқамиш мисолдир.  
Лабингнинг учидан бир бўса бергил,  
Жигар ишқинг ғамидан хастаҳолдир.

299

Бугун-эрта киларсан нега, эй ёр?  
Дилим гамда тиларсан нега, эй ёр?  
Гүё ҳўл кундаман тандир ичида,  
Тутарман, сен қуларсан нега, эй ёр?

300

Гулим, нима қилай, аскарлик ишим,  
Бу мактабхонада навкарлик ишим.  
Келолмайман қилишга хизматингни,  
Кеча-кундуз мени қийнарлик ишим.

301

Эшиит, ёrim, хатарлидир жудолик,  
Ниҳоли бесамарлидир жудолик.  
Менга дерлар жудолик қил, жудолик,  
Ўлими бехабарлидир жудолик.

302

Менга шаҳзода бўлсайди севар ёр,  
Ўқиса ишқ китобини у бедор.  
Бу ишқ китобидир Лайлию Мажнун,  
Мени тарк этмаса бир лаҳза зинҳор.

303

Қадинг мисли илон ингичкадир, ёр,  
Урарман оҳ қоронги кечалар зор.  
На туркий қавму на тожик ичинда  
Мисолинг топмадим, гул юзли дилдор!

304

Намозшомда гариблик қилди бедод,  
Уриб жўш дил, ватанни айлади ёд.  
Омон бўлсин мени ёд айлаганлар,  
Отамми ё акам-укам, ё авлод...

305

Эшит, эй тонгдаги шаббода, дилгир,  
Саломимни қари онамга еткир.  
Дегил: йўллади фарзандинг саломлар,  
Кечир, оқ сут унга бергансан, ахир...

306

Агар дилбар менга бўлса вафодор,  
Овозим кўнгироқ мисли жарангдор.  
Санам боши менинг тиззамда бўлсин,  
Фаним боши тош остида хору зор.

307

Маконим Кобули шариф, Художон,  
Бўлибман зору ҳам заиф, Художон.  
Менга дерлар: нега рангинг хазондир?  
Мени ишқ айлади ғариб, Художон.

308

Эшит, ёр, тоқатим кўп тоқ бўлибди,  
Дилим дийдорингга мушток бўлибди.  
Бир умр сабр этиб, сабрим вароғи –  
Йигилиб бир китоб бу чоғ бўлибди.

309

Ҳироту Маймана то мулки Анхў,  
Самарқанду Бухородан то Шожў<sup>1</sup>.  
Кезиб чикдим бутун афғон элини,  
Сенингдек қора сочни топмадим-ку!

310

Кир, эй шаббода, фармонимга бугун,  
Олиб бор нома жононимга бугун.  
Олиб бор нома – у ўқиб ишонсин  
Менинг ҳоли паришонимга бугун.

<sup>1</sup> М а и м а н а, А н х ў, Ш о ж ў – Афғонистондаги шахарлар.

311

Бўйингдан айланай, ишинғ тўполон,  
Ўзинг мешдай мағурр тутарсан ҳар он.  
Балоғат даврида нак янги мешдек,  
Мудом онангни эсларсан, ёрижон.

312

Шу ердан токи Кобул гул экарман,  
Бир олма гуллар ичра ўтқазарман.  
Ўшал олмани ёримга этиб бер,  
Дилимда ҳар неки бўлса ёзарман.

313

Бўлай қурбон шу оқ кулча юзингга,  
Бўлай қурбон рангу бўю кўзингга.  
Топарман деб нишонини сочингнинг,  
Тушибман Гулбаҳордан мен изингга.

314

Бу ҳовлида яшар икки сулув қиз,  
Бири қанду бири новвот дегайсиз.  
Бўлай қурбони шу новвоту қанднинг  
Бироқ новвотига кўнглим этар жиз.

315

Шу пастак қадду бўйингга ўлай мен,  
Ишорат қилди – қўлингга ўлай мен.  
Кўрай маҳтобинг-ей маҳтобли тунда,  
Ўшал қоши ҳилолингга ўлай мен.

316

Бу тангликда дучор бўлгаймисан-йўқ?  
Ёмон ҳолим – мадор бўлгаймисан-йўқ?  
Неча бўса сўраб эдим, рад этдинг,  
Худо билгайки, ёр бўлгаймисан-йўқ?

317

Баланд қаддингга қурбонман, жонона,  
Үзим ошиқ, дилим бўлса девона.  
Бу золим кофир аҳли қўймади тинч,  
Оёқ уздим уйингдан шу баҳона.

318

Баланд тоғ чўққисимас манзилинг, ёр,  
Йўқ аввалги муҳаббат сенда зинҳор.  
Мен аввалги муҳаббатга фидоман,  
Унутгансан уни сен, айтсам ошкор.

319

Художон, кимни деб бу дил девона?  
Йўқотган бу гулимга қайда хона?  
Йўқотган бу гулим зебо эди кўп,  
Чироғимдан чароғон қай кошона?

320

Сени тўйхонада кўрдим, жонона,  
Тараф сочинг карашма ёна-ёна.  
Сочингдан томчилаф томган бу сувлар  
Бари дур-марвариддир дона-дона.

321

Қилас ой чиқмайин юлдуз сафарни,  
Сариқ рўмол бошида жилвагарнинг.  
Қучоғимга ширин ёр кирмади бир,  
Урар бадбаҳт хўроз бонги сахарни.

322

Бу икки қора зулфинг икки илон,  
Эмиш оппоқ юзингни деб паришон.  
Ўралмиш бўйнинг узра ҳалқа-ҳалқа,  
Мисоли шодаи гавҳару маржон.

323

Бориб ёримга айт: ёринг келибди,  
Гули наргис, харидоринг келибди.  
Бориб ёримга айт: дилдан қувонгил,  
Ўшал ёри вафодоринг келибди.

324

Ширин, томинг эмас юксак, виқорли,  
Менинг фикрим сира ўйингда борми?  
Менинг кўзимдадир сенинг хаёлинг,  
Коғир бўлма қилиб ёлғончи ёрни!

325

Кўролмай икки-уч кун нозанинни,  
Хаёлан осмон қилдим заминни.  
Бўлай қурбони шу оппоқ қўлининг,  
Супургай тозалаб рўйи заминни.

326

Кўнгил қизларга берма, бўлсанг оқил,  
Лабида кулгую кинга тўла дил.  
Сени совун каби сув айлагайдир,  
Бўларсан ишқбозлик йўлида сил.

327

Азизим, эшик олдида ўтиранг,  
Қизил, оқ гул каби хуш хид уфурсанг.  
Вафодорингман ўлим келгунича,  
Агар сен аҳду паймонингда турсанг.

328

Кел, эй, раҳм ошиқи ҳайронга айла,  
Илож бу дарди бедармонга айла.  
Асир бўлдим шу жоду кўзларингга,  
Кел, эй дилбар, даво бу жонга айла!

329

Жафо жонимга кўп, эй ёр, қилдинг,  
Дилим бир ғамзада афгор<sup>1</sup> қилдинг.  
Кўзимга сурма айлай хоки пойинг,  
Кетиб кўнглимни қон, дилдор, қилдинг.

330

Юлдуз тун ярмида шам ёна қилгай,  
Бели нозик мени девона қилгай.  
Бели нозик – бу ўн тўрт ёшли бир қиз,  
Имо уй ичидан пинҳона қилгай.

331

Худо ҳолимни билгай, эй қадрдон,  
Бўлиб мажруҳ бу қайғудан, паришон.  
Асир эдим, тушибман доми ишққа,  
Асир бўлдим – маконим Кофиристон.

332

Қаерларда юрибсан, хуркак оху,  
Олиб кетдинг дилимни, не ишинг бу?!

Кела қол, ёрижон, ҳар қайда бўлсанг,  
Менга сенсиз тириклик нақ ўлим-ку!

333

Балогардону қурбонинг бўлай, ёр,  
Фидою садқаи жонинг бўлай, ёр.  
Дилимда қолмагайдир ўзга армон,  
Эшит, бир лаҳза меҳмонинг бўлай, ёр.

334

Эй ёрижон, маломат бизни қилдинг,  
Жигарчок то қиёмат бизни қилдинг.  
Олиб сен ўнг қўлингга сигаретни,  
Чап қўлда бир ишорат бизни қилдинг.

<sup>1</sup> А ф г о р (Ф и г о р) – 1) яраланган, мажруҳ; 2) эзилган, ўртанган, ғамгин.

335

Сув бўйида туришинг тушди ёдга,  
Сўзни дурдай теришинг тушди ёдга.  
Ўзинг сўз айтдингу мендан эшилдинг,  
Лаб учида кулишинг тушди ёдга.

336

Эшил, ёrim, асири номинг ўзим,  
Асири кўзлари бодоминг ўзим.  
Менга қил сидқидилдан дўсту ёрлик,  
Билар аҳли жаҳон – бадноминг ўзим.

337

Кўша зулфинг мисоли навбаҳордир,  
Тўйинг куни кўзингда ёш қатордир.  
Худо йўлига сабр эт, йиглама кўп,  
Ахир, мажбурсану не чора бордир?!

338

Қадинг, ёrim, баҳор гулича бордир,  
Уйингдан чик, бу қиш эмас, баҳордир!  
Уйингдан чиқки, ёринг сени кўрсин,  
Кўришга бир сени у интизордир.

339

Гуурдан ўзни бепарво тутарман,  
Йифидан кунни ҳар кун кеч этарман.  
Қачонки сен менинг ёдимга тушсанг,  
Чекишдан топмасам таскин нетарман?

340

Бўлай оқ тишлигиннга мен фидо-ей!  
Бўларманми сира сендан жудо-ей!  
Ўшал бўсаки, дилбар, менга бердинг,  
Табиб бўлиб, менга қилдинг даво-ей!

341

Менинг лола гулим, билма завол ҳеч!  
Кулиб турсин дудоғинг эртаю кеч!  
Агар билсам, сенинг умринг шу хилдир,  
Менинг умримдан олгилу яша хуш!

342

Ой ортида чараклар митти юлдуз,  
Менга ёрсиз юмилмас кечалар күз.  
Жароҳатли илондек түлғонарман,  
Қачонки тушса ёдимга ўшал қиз.

343

Ёзиб қүш зулфинг ошкоро қиласан,  
Мени ошуфтаю шайдо қиласан.  
Қиёмат хавфидан тап тортмай асло,  
Куярман мену томошо қиласан.

344

Йүқ экан сабру тоқат сенда буткул,  
Бўлибман ошиғинг, эй дастай гул.  
Бўлолмас икки юз тўти сенга тенг,  
Эмишсан оташин бир куйчи булбул.

345

Қадинг ингичка мисли қил, азизим,  
Сени қўрқитгучи ким ул, азизим?  
Қадимий севги ҳаққи, жуда шодман,  
Менга берганингга кўнгил, азизим.

346

Бўлай қурбон сенга, эй чодиралвон<sup>1</sup>,  
Тамоми қўчани қилдинг чароғон.  
Тамоми қўчага мен гул экарман,  
Агар сен гул, бу ёринг гул нигоҳбон<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Чодиралвон – кизил ҳижобли, алвон пардали.

<sup>2</sup> Гул нигоҳбон – гулни парвариш килувчи.

347

Дилим ҳолидан эмассан хабардор,  
Мени деб тош дилинг куймайди зинхор.  
Бутун оламни ўтказсанг элакдан,  
Топилмас мен каби ёри вафодор.

348

Фидодир сурмали кўзингга қулинг,  
Ўқишга борасан – киссангда қўлинг.  
Кела қол тез, бўлиб қурбон ярашган –  
Либосинг кўргали пойлайман йўлинг.

349

Бошида ошнолик кўрдим сендан,  
Охирда бевафолик кўрдим сендан.  
Ўзинг айтган эдинг: йўқ ўзга ёrim,  
Оқибатда жудолик кўрдим сендан.

350

Агар ёд айласам, дардим бўлар зўр,  
Агарда йиғласам, кўзим бўлар кўр.  
Кўзингу қора қошингга қасамким,  
Вафодоринг бўларман то лаби гўр.

351

Мен ошиқ бўлдиму сен-чи, бепарво,  
Куйиб кул бўлдим ишқ ўтида аммо.  
Кела қол, чирмашайлик янги токдек  
Солиб бўйнингга қўлни, эй ниgoro!

352

Сафар айлаб, кетарман Кобул, эй гул,  
Тўла сабру чидамга бу дил, эй гул.  
Бўларман деб жудо ширин санамдан,  
Чекарман нола мисли булбул, эй гул.

353

Дилим мойил шу қоши қундузингга,  
Китобнинг бети айлангай юзингга.  
Менинг йўқ бу жаҳонда саждагоҳим,  
Қиларман сажда қоши қундузингга.

354

Бу уйга сен қадам қўйгаймисан-йўқ,  
Бир ўпишга бу дам қўйгаймисан-йўқ.  
Тифингдан бош-оёқ жисмим ярадор,  
Ярамга бир малҳам қўйгаймисан-йўқ.

355

Қадинг пасту баланд парвозинг аммо,  
Лабингдан, қанчадир бир бўса, жоно?  
Агар турса лабинг бўсаси мисқол,  
Бу мисқолни қиласан қанча савдо?

356

Шоҳ қасридан эсган сабога қурбон!  
Кобулда шўх қизи мирзога қурбон!  
Кобулда шўх қизи мирзо не бўпти,  
Парирухсора бепарвога қурбон!

357

Ёғар ёмғир қора булутдан ҳар он,  
Қора чодирли қиз излайди илон.  
Қиласар ҳар жойда илон таърифини,  
Бўлай ўшал тили учига қурбон!

358

Ўшал кун бевафолик этдинг, эй гул,  
Мени ёмғир каби йиғлатдинг, эй гул.  
Ўлиб кетсин, илоҳо, қўшмачилар,  
Шулар деб чолга тегдинг-кетдинг, эй гул.

359

Сенга етсин бу оху фарёд, эй гул,  
Бу бандихонадан қил озод, эй гул.  
Мен ишқинг хастасиман, ёри ширин,  
Ейиш-ичишни қилмасман ёд, эй гул.

360

Сарик чодирни сол бошингга, эй гул,  
Шум эрдан қўркма, кел қошимга, эй гул.  
Ўтириб юзма-юз, тиззама-тизза,  
Дилинг розин де сирдошингга, эй гул.

361

Бўлай қурбони шаҳло кўзинг, эй гул,  
Менга ҳеч очмадинг-ку розинг, эй гул.  
Тушундим, янги ёр топибсан, энди  
Жудоликми бу ёки нозинг, эй гул?

362

Бир-икки кун бедилбар бўлдим, эй гул,  
Хаёлимда кўру кар бўлдим, эй гул.  
Кулоқ карлигию кўз кўрлиги ҳеч,  
Куйиб кулга баробар бўлдим, эй гул.

363

Қилиб зулфини ҳалқа, нозли дилбар,  
Эшик олдида юрар мисли каптар.  
Агар кўринса қизлар ўртасида,  
Нозик қадди ҳўл хивичдек муқаррар.

364

Азизим, сенда йўқ заррача ихлос,  
Очиб қулфи дилинг, айтармисан роз?  
Эшитдим: янги бир ёрни топибсан,  
Жудолик айлагайсанми ёки ноз?

### 365

Мисоли ёзги биррайхон бугун мен,  
Фариби мулки Туркистон бугун мен.  
Художон, бу ғарифингни талаб қил,  
Нечук нолону саргардон бугун мен.

### 366

Фидоман сурмали кўзингга, эй ҳур,  
Турибсан хужрада, қўлингда танбур.  
Турибсан хужрада, мен интизоринг,  
Сен эса чертасан танбурни масрур.

### 367

Бу жонимга икки дард келди бир бор:  
Чекай йўқлик ғамини ё гами ёр?  
Менинг йўқликка-ку йўқ эътиборим,  
Адо қилди ғами ёри вафодор.

### 368

Ажойиб об-ҳаво бор сенда, Кобул,  
Гўзал Хожасафо бор сенда, Кобул.  
Кўриб билдим ошику ориф<sup>1</sup> аҳлини,  
Сулувлардан расо бор сенда, Кобул.

### 369

Киши бу жизғанак жонимни билмас,  
Киши бу дарди пинҳонимни билмас.  
Кўрар зоҳирда<sup>2</sup> барча кулганимни,  
Бироқ ботинда дармонимни билмас.

<sup>1</sup> О р и ф – маърифат сохиби, Оллоҳни таниган киши, комил инсон. Оллоҳнинг юти, сифатлари ва исмларини мушоҳада этадиган завқий ва важдий илмлар эгаси бўлган зот.

<sup>2</sup> З о х и р – 1) кўриниб турган, очик-ошкор, аён; 2) ташки кўриниш, бирор нарсанинг сирти, таши.

370

Булоқ бошида құлдан тушди олу,  
Дил олди икки оқ чодирли оху.  
Улар гүёки Пагмоннинг анори,  
Бошимдан то оёқ тер ичра, ёху!<sup>1</sup>

371

Азизам, токай айларсан жудолик?  
Менга токай қиласан бевафолик?  
Агар мен бўлмасам ишқингга лойик,  
Нега аввалдан этдинг ошнолик?

372

Гўзал аксинг тамошо айлагайман,  
Шу тарз дилга тасалло айлагайман.  
Агарда кўрмасам бир кунда минг бор,  
Куни бўйи тавалло айлагайман.

373

Ярим тунда менга симоб<sup>2</sup> бердинг,  
Сийнанг узра жой, эй маҳтоб, бердинг.  
Ширин ухладим оппоқ сийнанг узра,  
Сўлиган гулга сув сероб бердинг.

374

Сўнар юлдузлару бедор эдим мен,  
Паноҳи ракнаи девор эдим мен.  
Паноҳи ракнаи девор бўлиш не,  
Ҳамиша интизори ёр эдим мен.

375

Сенинг ишқингдаман масту паришон,  
Ғамингда қора кийдим тортиб афғон<sup>3</sup>.  
Агарда кўрмасам ҳар куни юз бор,  
Ажал паймонасин<sup>4</sup> ичгайман осон.

<sup>1</sup> Ёху – Худони ёдлаш, Худованд дейиши (арабча “ё хува” сўзидан).

<sup>2</sup> Симоб – кумушранг кимёвий элемент. Мумтоз шеъриятда бетокатлик, бекарорлик рамзи ва кўз ёши тимсоли бўлиб келади.

<sup>3</sup> Ағон – фифонлар, нолалар, фарғадлар.

<sup>4</sup> Паймона – коса, пиёла.

### 376

Менинг ой чехрали ёрим ўзингсан,  
Не иш қилсам, мададкорим ўзингсан.  
Не иш қилсам, турарсан ўнг тарафда,  
Муаттар бўйли дилдорим ўзингсан.

### 377

Ўзим бунда, ёр эли Даشتி Поён,  
Кўзим йиглар, дилим ғам ичра нолон.  
Биёбонда кезар ёр ташнаю зор,  
Ўзинг раҳмат сувин ёғдир, Художон!

### 378

Ёр, оқликда томоғинг мисли шиша,  
Сенинг ишқинг гами дилда ҳамиша.  
Ғаминг бир түя юкча, савдо бўлмас,  
Юрарман гарчи мен гўшама-гўша.

### 379

Дарахтки, мевасизми, дона йўқдир,  
Ҳамма йўлбарсу шерда хона йўқдир.  
Бўлибман ёрнинг ишқида қаландар,  
Қаландарликка ҳеч бир таъна йўқдир.

### 380

Тўлин ой, нимадир, сўйла-чи, номинг?  
Фалакнинг авжида эрмиш мақоминг.  
Бу дунё шерлари орзуси сенсан,  
Сенинг ҳам борми бир орзу ю коминг<sup>1)</sup>.

### 381

Гулим, кўрдингми мендан бир ёмонлик?  
Эшитдингми бирор сўз ё гумонлик?  
Сенга айтган эмасман бир ёмон сўз,  
Нега кўрсатмагайсан меҳрибонлик?

- 1) оғиз. танглай; 2) мурод, мақсад, орзу, тилак.

382

Нигори нозанини дона-дона,  
Лабинг атрофини тер тутди хона.  
Дили бечора номидан дегайман:  
Бир ўптири, билмасин ҳеч буни онанг.

383

Баланд тоғ устида бир дона буғдой,  
Бу олам ичра мен бўлдим ғариб, ҳой.  
Ғарифлик айлай-айлай зор бўлдим,  
Дўсту душман ичида хор бўлдим.

384

Мисоли боласин йўқотган оху,  
Кезарман тоғу жарликларни, ёху!  
Кезарман – бир куни Худо этиб раҳм,  
Сабо муждангни менга келтирас-ку...

385

Майин еллар эсарлар сен томонга,  
Ёзиб ўйнап сочинг уён-буёнга.  
Ўтингим бу дараҳтлардан ягона:  
Бирор-бир соя солсин меҳрибонга.

386

Менга бир боқ – ризо қил, эй гулижон,  
Сафар қилгум – дуо қил, эй гулижон.  
Сафар қилгум – келайми, келмайин ё,  
Сабрни дилга жо қил, эй гулижон.

387

Бўлай оппоқ шу тўпингингга қурбон,  
Ўқишига борасан – сенга фидо жон.  
Ўқишига борасан, ушлай қўлингдан,  
Ўлай маству хумор кўзингга, жонон!

### 388

Нега девор тагида кезасан, ёр!  
Мен отсам тош, чўчиб қочишларинг бор.  
Мен отсам тош – муҳаббат белгиси бу,  
Бу тошни қил кўзингга тўтиё, ёр!

### 389

Илондек йўл бошида ўтиарман,  
Рўмлчангни менга бер, деб сўрарман.  
Рўмлчанг менга бер – бўлсин нишона,  
Уни бўйнимга мен туммор этарман.

### 390

Сўзимга боку тоғлиқ эканим бил,  
Сахи эшигидаман – бўлди уч йил.  
Асир бўлдим-ку куш боқар у қизга,  
Мени ўлдир, Сахижон, ё озод қил!

### 391

Сомондай сарғиш тилло кўрмадингми?  
Азизим, бир чин ошно кўрмадингми?  
Менга дерсан: нега рангинг хазондир?  
Фироқ доғини асло кўрмадингми?

### 392

Бошим оғрийди, ҳолим қўп ёмон, ёр,  
Кўксим узра кабоб сихи бемикдор.  
Кел, эй ёр, жон қути қил бу кабобни,  
Бу ошиқлик кабобида савоб бор.

### 393

Борар ерим саҳардан манзилингdir,  
Камарбанд менга икки кокилингdir.  
Ўшал соатки, сен чиқсанг уйингдан,  
Зиёратгоҳ менга юзи гулингdir.

394

Самонинг чеккаси рангдир, азизлар,  
Дилим ғам дастидан тангдир, азизлар.  
Бу бечора дилим дарди не бўлгай,  
Ёр қалби мисли харсангдир, азизлар.

395

Юзингни мендан, эй ой, қилма пинҳон,  
Туташ икки қош уйқудаги илон.  
Кўзинг шаҳлосини қил бир намоён,  
Очилсин то ҳаётим гули, жонон!

396

Тўлин ой нурида кўрдим юзингни,  
Тиниқ майга қиёс қилдим кўзингни.  
Кеча эдинг гўё бегона соқий,  
Хато қилдим кўриб тушда ўзингни.

397

Чинорнинг остида ёrim уйи бор,  
Ўзи ой, кўзи юлдуздай гўзал ёр.  
Туриб ёнида хуснига тўяй мен,  
Мени Ҳулкар<sup>1</sup> қил, эй Қодири Қаҳхор!

398

Бу эгма қошларинг этди хароб, ёр,  
Фирогинг солди жонимга азоб, ёр.  
Қиё бир боқиши жоду кўзингнинг,  
Мұхаббат ўтида қилди кабоб, ёр.

399

Икки қошинг мени девона қилди,  
Яқинлардан мени бегона қилди.  
Менинг йўқ ўзга чoram, эй азиз ёр,  
Муқими<sup>2</sup> эшиги бутхона<sup>3</sup> қилди.

<sup>1</sup> Ҳулкар – олти кичик юлдуздан иборат юлдузлар туркуми, Сурайё.

<sup>2</sup> Муқим – турғун, событ.

<sup>3</sup> Бутхона – бутпараствлар ибодатхонаси.

400

Фиғоним бор – узок тушдим элимдан,  
Ватанда қолди – айрилдим гулимдан.  
Қачонки тушса ёдимга ўшал гул,  
Тутун фавворадай чиққай дилимдан.

401

Келарми деб, йўлингда ўлтиарман,  
Нимаки хоҳласанг, қурбон этарман.  
Азизроқ тухфа йўқ жонимдан ўзга,  
Агарда сўрмасанг жоним, нетарман?

402

Қўйибсан ҳино оппоқ қўлларингга,  
Чиқар эл бир кўрай деб йўлларингга.  
Лабим терсин лабингдан гул бу кеча,  
Қўлим ҳалқа бўлибон белларингга.

403

Фироқда дарбадар, жонона, токай?  
Ичиб қони жигар, жонона, токай?  
Ғаминг куйдирди-ю, кул қилди мени,  
Сен бундан бехабар, жонона, токай?

404

Гўзал кўзи хуморинг кимда бордир?  
Қўлингдек пухтакоринг кимда бордир?  
Юриб қишлоқма-қишлоқ, кимни кўрсам,  
Сўрарман ихтиёринг кимда бордир?

405

Йўлимнинг бошида девор қилдинг,  
Кўришга ёр юзини зор қилдинг.  
Мени айлаб умидсиз ёр юзидан,  
Менга ҳаддан зиёд озор қилдинг.

406

Томинг пасту ўзинг ошно эмассан,  
Холимдан не учун огоҳ эмассан?  
Фироғингда ўларман, эй ситамгар,  
Менам Мажнун, нега Лайло эмассан?

407

Қаро кўш кокилинг тушгай то сина<sup>1</sup>,  
Қўриқлар кўш илон гўё хазина.  
Итига нон беру даллолга пора,  
Бўлайлик бирга, кўрмасин бегона.

408

Эшит, ёrim, мени ранжитдинг, охир,  
Ватан боғим четини тутдинг охир.  
Бу жонимнинг сиқиб олдинг сувини,  
Қилиб ҳийла, дилим доғ этдинг охир.

409

Қадингнинг пастини девор яширди,  
Мени қайси золим сендан айирди.  
Мени дийдорингизга муҳтоҷ этган,  
У қайси золиму қайси ғайирдир.

410

Ҳокимга мен қиларман арзи ҳол-да,  
Яшайди икки нозанин шимолда.  
Кўнгил хоҳлади қошига боришни,  
Қуруқ қўлда бориш аммо маҳол-да.

411

Художон, бу ғариблик муфлис<sup>2</sup> этди,  
Эдим аввал тилло, охир мис этди.  
Кияй десам, менга янги либос йўқ,  
Бу эски шол<sup>3</sup> маҳруми мажлис этди.

<sup>1</sup> С и (й) и а – кўкс, кўкрак.

<sup>2</sup> М у ф л и с – бечора, бенаво; бефаҳм.

<sup>3</sup> Ш о л – юнг газлама.

412

Бу баланд тол боши Кешиктон эмиш,  
Ёримиз қочқини Туркистон эмиш.  
Ёри бир йўлини топди барчанинг,  
Ёримиз бизнинг эса сарсон эмиш.

413

Келишган томоғинг монанди шиша,  
Десам афғонча: дил тирнар ҳамиша.  
Агар ўзбекча айтсан: бунда келдим,  
Десам тожикча: қолсак танҳо пича.

414

Бу қўргонда ўзинг тоқдир, ёрижон,  
Кўчага чиқ, ажиб чогдир, ёрижон.  
Кўчага чиқки, ёринг интизордир,  
Бошингда чайлаи тоқдир, ёрижон.

415

Нафис оёқларинг кўрдиму, дилбар,  
Дилим девона эрди, бўлди баттар.  
Дилим захмин ёмондан-ёмон этди  
Фақир, бечоралигим ҳам муқаррар.

416

Санам, гулбуттаи хандоним ўзинг,  
Кўзимнинг нури, ширин жоним ўзинг.  
Паривашлар аро бердим сенга дил,  
Кабутарман, қанот-қалқоним ўзинг.

417

Томоғинг оқлиги сут бирла бирдир,  
Ўзинг шоҳ, икки кўзинг-чи, вазирдир.  
Ўзинг Кобулда хотиржам юрибсан,  
Севар ёринг Шибирғонда фақирдир.

418

Бўлай қурбон шу оппоқ қўлларингга,  
Қош устидаги қора холларингга.  
Қасамким, сен биларсану Худойинг,  
Талашдир ошиқ аҳли йўлларингга.

419

Замин кўклика бурканса гўзалдир,  
Мевалар ичра кангина асалдир.  
Мевалар ичида кангина яхши,  
Бу қизлар ичида ёши гўзалдир.

420

Гўзал кўйлак олиб бергайман, эй гул,  
Шу кунлар сенга кўп мойил бу кўнгил.  
Ёнингда ўлтиришнинг йўқ иложи,  
Кўзимнинг шу туфайли ёшлари сел.

421

Азизим, сен хаёли хом қилибсан,  
Ёмонлар орқали пайғом қилибсан.  
Тушиб нокас, кофиртабълар қўлига,  
Ўзинг расво, мени бадном қилибсан.

422

Нигори навниҳол, бўлай фидойинг,  
Товус пари каби қўксимда жойинг.  
Сира йўқ айби товус пари бўлсанг,  
Кўзимга сурма бўлсин хоки пойинг.

423

Баланд том бошида қизлар қатордир,  
Билолмайманки, қайси бизни(нг) ёрдир.  
Биларсанми десам нишона ё йўқ,  
Бели нозик, тили ширин нигордир.

424

Гулим, Қоф тоғидан келган парисан,  
Гулим, ишқ аҳлининг соғ гавҳарисан.  
Келарман шом дединг, бўлди ярим тун,  
Бузиб аҳдинг, ажаб ситамгаресан.

425

Катон<sup>1</sup> кўйлак кийибсан, ёр, олиб хуш,  
Лабингнинг теграсида тер урап жўш.  
Лабинг теграсида тер қатра-қатра,  
Лабинг қилмиш табассумни фаромуш.

426

Азизим, бир ажойиб кўйлагинг бор,  
Бўйиндан то этаккача фўтанг, ёр.  
Бўйинда то этак зар фўта тушгай,  
Рўмолинг оқ юзингни ёпгай ҳар бор.

427

Кўйингда бенаволик айлагайман,  
Қачонгача жудолик айлагайман.  
Ширин ёрнинг жамоли орзузида  
Ғанимлар-ла ошнолик айлагайман.

428

Қаерда бўласан, қизгина, меҳмон,  
Қизилликлар суриб лабга фаровон?  
Кўча бошида ўғридек туарман,  
Юзингни то тўйиб кўрай беармон.

429

Юзингни қўрдиму бир шод бўлдим,  
Агар банди эдим, озод бўлдим.  
Бу бандихонадан мен бўлиб озод,  
Агар шогирд эдим, устод бўлдим.

<sup>1</sup> Катон – канопдан тўкилган мато, кийимлик.

430

Агарда севмасам, недан бу гуфтор?  
Недан мунча фифону нолаю зор?  
Манам ўз дилбаримга бўлдим ошиқ,  
Недан тун бўйи мен тонггача бедор?

431

Менинг ҳолимни сўр келиб бу ёнга,  
Илож айла бу дарди бедармонга.  
Бўлибман жоду қўзингнинг асири,  
Кел, эй, шодлик бағишла бу нодонга.

432

Ки заргарлик ҳавоси тушди дилга,  
Кулоғига ясай деб ёрни ҳалқа.  
Агарда бўлмаса мойил паризод,  
Киритай жодугарлик касбин қўлга.

433

Қўлингда, ёр, анорнинг гули бордир,  
Чиқа қол кўчага, фасли баҳордир.  
Чиқа қол кўчага, кўрай юзингни,  
Йўлингга икки қўзим интизордир.

434

Ширин ёр, бўлмасанг мунча бепарво,  
Таним – кема, қўзимнинг ёши – дарё.  
Жудолик мактубин менга битибсан,  
Ўз ахдингни унутдингми, нигоро?

435

Танишмиз иккимиз бир йилу уч ой,  
Тасаввур қилки, биз Варқа ва Гулшоҳ<sup>1</sup>.  
Вафо қил, бу умрга ҳеч ишонч йўқ,  
Қаён кетди Юсуф билан Зулайхो?!

<sup>1</sup> Варқа ва Гулшоҳ – “Варқа ва Гулшоҳ” ишқий достони қаҳрамонла

### 436

Бўлай қурбон хиромон юришингга,  
Бўлай курбон шу хандон қулишингга.  
Агар ўлсам, сенинг бўйнингда қоним,  
Тутарман кўз мурувват қилишингга.

### 437

Мени бездирди ошик-мубталолик,  
Қилай Мажнун каби, дейман, гадолик.  
Бу кеча уйкуда кўрдим ёмон туш,  
Гўё бизни этар таъқиб жудолик.

### 438

Қизил, оқ гуллаган чиройли лола,  
Эшитгин, ошиғинг айлайди нола.  
Юзингни бир кўрай – чиққил уйингдан,  
Қора зулфингни айла менга ҳола<sup>1</sup>.

### 439

Кел, эй сен бевафо, менга вафо қил,  
Мени Варқаю ўзингни гулшоҳ қил.  
Ўқию Сарву Гулнинг қиссасини,  
Зулайхо бўл, мени Мисрда шоҳ қил.

### 440

Кел, эй дилбарки, жонингга фидоман,  
Камарбанди ниҳонингга фидоман.  
Белинг боғлабсан ошиқ ўлдиришга,  
Дили номеҳрибонингга фидоман.

### 441

Қаён кетдингу тутдинг қайда манзил?  
Менинг ҳолимдан ўзинг худди ғофил.  
Қиёмат кунидан ҳеч кўрқувинг йўқ,  
Юрарсан биз гарилардан узиб дил.

<sup>1</sup> Х о л а – ой ва қуёш атрофидаги гардиш; мажозан: парда, тусик.

442

Манам Вомиқки, Узройим ўзингсан,  
Манам Юсуф, Зулайхойим ўзингсан.  
Манам Мажнунки, кўйингда ўларман,  
Эшит, дилбарки, Лайлойим ўзингсан.

443

Бу икки лаб бамисли нуқраи хом,  
Бу икки кўз бамисли лиқ тўла жом.  
Мен ишқингда бамисли Варқа сарсон,  
Қаердадирсан, эй Гулшоҳ – гуландом.

444

Манам дардингда фориг ғамдан, эркам,  
Эмас маҳкам сенинг аҳдинг сира ҳам.  
Мухаббат аҳду паймонини буздинг,  
Бошимни кесди тоғдек ханжари ғам.

445

Бир-икки кунки, кўрмай нозанинни,  
Оёқ остида сезмайман заминни.  
На кўнгил, на кўнгил олгувчи бордир,  
Хазон совурдими ё ёсаминни?

446

Юзинг ҳажрида касбим оҳу афгон,  
Бўлай мушк асли шу сочингга қурбон.  
Қилиб мажнун<sup>1</sup>, яна не хоҳлагайсан,  
Тушимда ҳатто келмайсан-ку, жонон!

447

Худо ҳусну жамолни сенга бермиш,  
Қалам<sup>2</sup> меҳринг сенинг дилга яширмиш.  
Сенинг менга сира ҳам ёрлигинг йўқ,  
Қилиб озурда, ғам кўнглимга кирмиш.

<sup>1</sup> М а ж н у н – 1) телба, девона; 2) ошиқ, мубтало, гирифткор.

<sup>2</sup> Қ а л а м – 1) акли аввал; 2) муфассал илм.

### 448

Нега мени заиф, хор айлагайсан?  
Нега муштоқ қилиб, зор айлагайсан?  
Дилим мажруху рангим заъфарондир,  
Кўзим ёшини анхор айлагайсан.

### 449

Менинг дардимни билмайди табиб ҳам,  
Сариқ ранг – бор на сафро<sup>1</sup>, на иситмам.  
Паноҳим эшигига гарқ бўлдим,  
Совуқ оҳимни(нг) бўлди таъсири кам.

### 450

Табиб ҳолимни билсин қайдан, эй ёр,  
На савдо<sup>2</sup>, на ҳароратсиз бу bemor.  
Давосиз ушбу дардимнинг давоси  
Лаби ёрдир, лаби ёрдир, лаби ёр.

### 451

Дилимда юз жароҳат бор, Художон,  
Сариқ рангим. жигар қон, дил паришон.  
Бўлар расво гўзаллар орасида,  
Жудолик уйини қурган ҳар инсон.

### 452

Сахар чоғи етиб келдим саломат,  
Ширин сўзинг олиб дилдан ҳаловат.  
Агар ўз аҳду паймонингни бузсанг,  
Қиласан ўзни маҳшарда маломат.

### 453

Фалак гарқ этди мени дарду ғамга,  
Бегона айлади дўсту ҳамдамга.  
Битиб ғам ёрлигин қўлимга берди,  
Мени сарсон этиб бутун оламга.

- жигарда ишлаб чиқариладиган сариқ ёки кўкимтири сариқ суюклик;

- бу ерда: девоналик, мажнунлик.

### 454

Қаро сочинг тараб, девона қилдинг,  
Мени эл ичида афсона қилдинг.  
Муҳаббат илмидан олсин сабоқ деб,  
Мени шогирди мактабхона қилдинг.

### 455

Нега, эй дўст, сендан бир хабар йўқ,  
Менинг ҳолимга сендан бир назар йўқ.  
Надим ёзди жудолик шарҳин, унда  
Сенинг паймону аҳдинғдан асар йўқ.

### 456

Давосиз дард бўлибдирсан, ширинжон,  
Қаерларда юрибдирсан, ширинжон.  
Гадодек пойладим йўлинг, демадинг:  
Қаерлардан келибдирсан, ширинжон.

### 457

Дилимда мавж урар денгиз каби қон,  
Беҳистун<sup>1</sup> тогидек дардим бепоён.  
Менинг бахтим бўлибди остин-устун,  
Назар ташла келиб ҳолимга, жонон!

### 458

Ғамим бошимдаги сочдан зиёда,  
Дилимга бўлди дилбар дарди жо-да.  
Олиб қочай десам кўнглимни ғамдан,  
Ғам отлиғдиру мен бўлсам пиёда.

### 459

Ўзим Лайлою йўқ Мажнун қошимда,  
Жудолик айладим, хуш йўқ бошимда.  
Қанотсиз қумриман гўё қафасда,  
Жудолик энди мангу йўлдошим-да.

<sup>1</sup> Б е х и с т у н – Ҳамадон шаҳри гарбидаги тог. Фарход шу тогни қазиб, йўл очган деган ривоят бор.

### 460

Кел, эй тонг ели, айла менга ёрлик,  
Ёр эшигидан ўт – қил бахтиёрлик.  
Салом у нозанинга мендан етказ,  
Ошифинг бошида, де, ранжу хорлик.

### 461

Қора сочига ёрнинг тоби бордир,  
Бу тобдан мен каби бетоби бордир.  
Намоз ўқир қараб қайрилма қошга,  
Ошиқ ахлин ажаб меҳроби бордир.

### 462

Ўғирлабди ҳушим бир гули бодом,  
На кеча уйқу бор, на кундуз ором.  
Хабарчи орқали мактуб юбордим,  
Боришга ҳеч иложим йўқ, дилором.

### 463

Ҳамиша ёди дилбар айлагайман,  
Мен ўзгасини аксар айлагайман.  
Малаклар мулкига айланса Кобул,  
Сени кимга баробар айлагайман?!

### 464

Келишган қоматинг бир дастай гул,  
Фироқда оҳ чекарман мисли булбул.  
Қиёматда тутарман этагингдан,  
Вафо деб, ташладинг ҳижронга буткул.

### 465

Қачон бу кунгабоқар бўлгуси гул,  
Ўтиб қўлларга, бўлмас ҳеч азиз ул.  
Сўроғингни қилиб, топай қаердан?  
Бирорларга қилиш дил рози мушкул.

## 466

Кўзингни сурмада аввал қаро қил,  
Тароқ ур сочингга кейин, расо қил.  
Мен ишқинг дардини чекдим зиёда,  
Табибим бўлу дардимга даво қил.

## 467

Бу лаълдек лабларинг мисли наботдир,  
Менга сендан жудолик мушқулотдир.  
Кел, айла бўсани ҳуснинг закоти,  
Агар билсанг, бу дунё бесаботдир.

## 468

Гаҳи зулфинг илонидан фифонлар,  
Гаҳи ўқинг нишонидан фифонлар.  
Тиг урдинг жони дардмандимга, айлай  
Бу дарди бедармонидан фигонлар.

## 469

Юарсан томнинг устида хиромон,  
Билолмасдан мен устозингни ҳайрон.  
Қилувдинг мен билан аҳду вафо сен,  
Худо ҳаққи, экан бўш аҳду паймон.

## 470

Нега рўмолни каж боғлаб олибсан,  
Нега сўзингдан, эй, қайтиб қолибсан?  
Хато қилдим, дедим янглиш, азизим,  
Билолмайманки, кимга дил солибсан?

## 471

Мусулмонлар, кўринглар, ҳоли тангни,  
Фалак қолдирмади рангимда рангни.  
Юзим сарғайтириб, қон қилди дилни  
Пари юзли гўзал қизи Фарангни.

472

Дилимга урдинг ўт – йўқдир тутуни,  
Берибсан ғамки, дармони йўқ уни.  
Ўзинг солдинг жудоликни, мен эмас,  
Надомат чекаман – бир фойда қани?

473

Фирофингда сенинг кўнглим яримдир,  
Қасамнинг ваҳмидан бағрим тилимдир.  
Қасам ичдинг, вафодор бўлмадинг лек,  
На жойи сабр, на жойи ё каримдир.

474

Йўйиб шармандалика мушкулимни,  
Бирор бор сўрмадинг ҳоли дилимни.  
На раҳминг бор сенинг, на сабри дилнинг,  
Жудолик бекарор қилмайди кимни?

475

Сенга ишқ аҳдини боғлаб эдим мен,  
Жаҳон ташвишидан кечай дедим мен.  
Вафодорман сенга дердинг ҳамиша,  
Экан ёлғон бу аҳдинг – панд едим мен.

476

Қарорим йўқ бўлиб сендан жудоман,  
Давосиз дарду ғамга мубталоман.  
Жудолик заҳридан аччиқ нима бор,  
Ўлимга ҳар нафасда мен ризоман.

477

Дер эдинг мен мудом сенга талабгор,  
Дилу жоним билан сенга харидор.  
Ўгирмасман юзим деб ваъда қилдинг,  
Нима қилдинг нима деб охири, ёр?!

### 478

Чекиб гоҳида ғусса, гоҳ қилиб ноз,  
Бўлиб эдинг кетар вақтимда ҳамроз.  
Кел, энди ҳожатимни сен раво қил,  
Давосиз ушбу дардимга даво қил.

### 479

Берисан дарду йўқ дармони уни,  
Ўт урдинг дилга, йўқ асло тутуни.  
Хароб ҳолимга кўрдинг кўз ёшинг ҳайф,  
Мен ўлгач фойдаси борми йифини?

### 480

Қилувдинг мен билан юз аҳду паймон,  
Сенга дил боғладим, эй номусулмон.  
Дилим олдинг, қаерда аҳду тадбир?  
Чекарман нола худди домдаги шер.

### 481

Дилимни мубтало қилдинг, минг афсус!  
Ўзингга ноошно қилдинг, минг афсус?  
Муборак бўлмасин сенга янги ёр,  
Бу жонга юз жафо қилдинг, минг афсус!

### 482

Фироқда икки кўзим тўла қондир,  
Юзимга бок: мисоли заъфарондир.  
Вафо ваъда этиб, қилдинг жудолик,  
Мудом сен деб юзим гули хазондир.

### 483

Юзинг шам бўлса, мен парвона бўлдим,  
Ҳар эшикка бориб, девона бўлдим.  
Сўзим оламга тўлди – мисли Мажнун  
Кезиб манзили ҳар вайронга бўлдим.

484

Эй элчи, айт ўшал номеҳрибонга,  
Умидсиз бу жудолик тегди жонга.  
Йўқ оромим сенингсиз, эй шириңжон,  
Бу не умр – ўтади ғам ичра ҳар он.

485

Саломат етказарман, эй гуландом,  
Қаро қошли, қаро кўзлари бодом.  
Бўлиб бу ишқимиз бадномлик охир,  
Этарман сабр умидсизликка мудом.

486

Саҳар чоги эшикдан кирди дилбар,  
Қилиб ноз, лабларида кулгу ўйнар.  
Мұхаббату садоқат қудрати бу:  
Лочиннинг олдига келди кабутар.

487

Дилимнинг доғлари битмас, дилором,  
На тун уйқу, на кундуз бордир ором.  
Боролмайман ўзим, эшитмадингми,  
Юбордим элчидан мактубу пайғом.

488

Йўлимнинг бошида девор қилишди,  
Гул эдинг сен, насиби хор қилишди.  
Буни қилган, илоҳо, кўрмасин кун,  
Мени ёрнинг юзига зор қилишди.

489

Қасам сарвдек баланд бўйингга, жонон,  
Туташ занжир каби сочингга ҳар он.  
Ўзимга қайтишин билмас эдим мен,  
Бўлиб нодон қилибман кибр чандон.

490

Сени деб жон фидо қилдим, билиб қўй,  
Қасамингга вафо қилдим, билиб қўй.  
Жафо қилдинг, унудинг аҳду паймон,  
Сабрни дилга жо қилдим, билиб қўй.

491

Туним ҳажр дардида кунга уларман,  
Жигарга ўт тушиб, ғамда куярман.  
Вафо ваъда этиб, қилдинг жудолик,  
Вафодорликни, келу, мендан ўрган!

492

Бирор-бир меҳрибоним йўқ бошимда,  
Дилим дардин сўровчи йўқ қошимда.  
Гулим тўлдирмади бағрим бу тун ҳам,  
Ҳазинман, зору тинмас кўз ёшим-да.

493

Агар айтсан, ширин ёр, асли номинг,  
Сенинг уч мартаба сарвдир мақоминг.  
Сенинг ишқинг мени девона қилди,  
Юбор хат, то омон келсин ғуломинг.

494

Фироқ ҳолимни ўзгартириди бутун,  
Қаерда дилбарим – ул сарви мавзун?  
Тўлибди қонга кўз, ҳажрида чунки  
Чекиб оҳ, йиғладим тинмай туну кун.

495

Фалак, ғамларга қилдинг мени ошно,  
Қолибман дўсту ёрдан айру танҳо.  
Вафосида қизил гулни қилиб оқ,  
Заъфарон айладинг рангимни гўё.

496

Келибман сайр этиб Кобулга, эй гул,  
Солиб сабру чидам күнгилга, эй гул.  
Шириң ёрдан жудо бўлиб, чекарман  
Фигонлар ўхшабон булбулга, эй гул.

497

Баҳор келди, ҳаво бўлди мулоим,  
На хуш боғларда гашт этсак, гулоим.  
Чамандан гул терайлик дона-дона,  
Қўяй тиззангга бошим шу баҳона.

498

Чиқиб юлдуз, ҳилол ой ўрнин олди,  
Сариқ рўмолни ёр бошига солди.  
Сариқ рўмолга ўт тушсин, илоҳо,  
Йигитлар мисли Мажнун бўлди-қолди.

499

Кўзим мафтун бўлиб боқар кўзингга,  
Агар ўлсам, ҳалол қоним ўзингга.  
Фидо бўлсин узун қўш кокилингга,  
Агар тўкилса бу қоним изингга.

500

Ёримнинг уйи атрофи чамандир,  
Ёрим қўлида бир рўмолча қанддир.  
Тиларман қўлидан олиш рўмолин,  
Дилим ҳамсоянинг қизига банддир.

501

Йўлингда ўлтириб бир хона айлай,  
Ясад сенга тароқ ҳайрона айлай.  
Қора соч узра қўй рангин тароқни,  
Ўзимдек сени ҳам девона айлай.

502

Сенга аввал ҳикоят айлай, эй гул,  
Бу ғамлардан шикоят айлай, эй гул.  
Шу икки эгма қошингга қасамким,  
Ғамимдир бениҳоят, найлай, эй гул?!

503

Дилим дардини дей кимга, Художон?  
Топай кайдан фирок дардига дармон?  
Ҳаёт ниҳолидан файз олмадим мен,  
Ғамим савдосини англарми ҳеч жон?

504

Баланд тоғ бошида қизнинг ётоғи,  
Ниҳон пахта этик ичра оёғи.  
Ипакдан банди бу пахта этикнинг,  
Баланд бўйли йигит қизнинг ўртоғи.

505

Дедим дил ўтидан бир тун қаламга:  
Даво қил таҳрир айлаб дил ярамга.  
Қалам дер: жўна, эй бечора ошиқ,  
Менинг йўқ тоқатим бу тоги ғамга!

506

Яrim тун чоғи чекдим ўтли бир ун:  
Худоё, бу туним бўлгай қачон кун?  
Намозшомдан то саҳар интизорман,  
Сочинг савдосида ўртанмоқ учун.

507

Кўринди кўзларимга бир дарвоза,  
Бу дарвоза ичидагули тоза.  
Қўлинни тутмаган бўлсам-да унинг,  
Шаҳарда ишқимиз бўлди овоза.

## 508

Сахар ёр сочига қилдим саволлар:  
“Нима хушбүй – ўзингми, мушку анбар?”  
Деди: “Эй дўст, мени қилдинг хафа сен,  
Бўлибди мушк қачон менга баробар?”

## 509

Кел, эй кўнгил, бугун савдода қолдим,  
Фарибу зор, яна танҳо-да қолдим.  
Қанотидан жудо қушлар мисоли,  
Тузоги кокили Лайлода қолдим.

## 510

Мусулмонлар, кўринглар, тун не вактдир,  
Ки булбул маству шайдои дараҳтдир.  
Жудо бўлса ёмон онаю бола,  
Учиш булбулга шоҳдан-шоҳга баҳтдир.

## 511

Ҳиротга бораман, ёрдан хабар йўқ,  
Бу дарёда кечувдан бир асар йўқ.  
Кезиб чиқдим бутун ер юзини мен,  
Менингдек куйгану қонли жигар йўқ.

## 512

Битиб мактуб, қилай ёрга равона,  
Уни олиб, ўқисин қона-қона.  
Ўқисин, билсину текширсин ўшал,  
Синаб толибини билсин нишона.

## 513

Илиб бошга қора чодир, гулижон,  
Қаён қилдинг сафар охир, гулижон.  
Қаёққа кетсангам тезроқ кела қол,  
Дилим қилдинг-ку қон охир, гулижон.

514

Тараб қўш кокилинг, ҳайрона қилдинг,  
Бола эдим, мени девона қилдинг.  
Бола эдим – тушунмас эдим ишқни,  
Киshan оёққа, эй жонона, қилдинг.

515

Тўлигинча еру кўк нам бўларми?  
Киши ошиқ эса, бегам бўларми?  
Лабингдан бир неча сен бўса бергил,  
Ичганга дарё суви кам бўларми?

516

Бўлай қурбонинг, эй дўсти қадрдон,  
Кириб шайтон сўзига, солма ҳижрон.  
Замин мисдан бўлар, оташдан осмон,  
Кўнгил бердим – эмасман ҳеч пушаймон.

517

Жудолик – дўзах оташи эмиш, ёр,  
Ёмонликда йўқ үхشاши эмиш, ёр.  
Куйиб кетсин жудолик дину расми,  
Жудолик қайғу йўлдоши эмиш, ёр.

518

Ҳаво иссиқ жуда, бўлмайди ўриб,  
Қидиргум соя жой боғ ичра юриб.  
Агар ёримга етказсанг қўлимни,  
Иложини топиб, ташларман ўриб.

519

Фидойи шу эшик – дарвоза бўлгум,  
Сўзингдан масти беандоза бўлгум.  
Овозинг эшитиб узок-яқиндан,  
Қизил ғул ғунчасидек тоза бўлгум.

### 520

Кел, эй, ташна жигар бўлди кабобе,  
Бериб бир коса сув – қилгин серобе.  
Агарда бир-биримизга етишсак,  
Бўларми бунданам ортиқ савобе!

### 521

Қафасда қумридек ғавғо қиласман,  
Ёшликни ғам билан савдо қиласман.  
Фақирлик рамзидан кўйлак киярман,  
Чекиб нола, сени пайдо қиласман.

### 522

– Чашма сари, булбул, нега зор келган эдинг?  
Ё ташна бўлиб, қилиб шикор келган эдинг?  
– На ташнаю на қилиб шикор келган эдим,  
Девона бўлиб, кўргали ёр келган эдим.

### 523

Девор бошида турма, хори бордир,  
Бева хотинни олма, ёри бордир.  
Фидо жонингни қил қизнинг йўлига,  
Мухаббатда вафо шиори бордир.

### 524

Сенга деб бош кийим тикдим, азизим,  
Фамингда туну кун куйдим, азизим.  
Худо этмаса ошиқ, балки сени  
Кўрмас эдим – куймас эдим, азизим.

### 525

Агар келсанг, фидо жоним этарман,  
Фироқда, келмасанг, куйиб кетарман.  
Кел, эй, дардинг даво бўлсин дилимга,  
Ўларман, ё куярман, ё етарман.

526

Мудом нозу баҳона айлагайсан,  
Нигоҳи ошиқона айлагайсан.  
Сочинг ҳар торига минг битта дил банд,  
Тараб ташлаб, бегона айлагайсан.

527

Бу ердан айлагайман хат равона,  
Бер уй аҳволидан менга нишона.  
Агарда минг динор<sup>1</sup> бўлса-да коғоз,  
Менга жондан азиз бир номани ёз.

528

Қафас тор – мен учиб кетолмагайман,  
Узоқда қолди юрт – етолмагайман.  
Агар қушлар учиб келса кўрардим,  
Улардан ҳолу аҳволинг сўрардим.

529

Художон, айла қуш – орзум рано қил,  
Мени доира бу қизларга ё қил.  
Бибигавҳарга қил доира мени,  
Бибигавҳарни менга ё ошно қил.

530

Хабарчи, мактубимни мисли чақмоқ  
Гўзал ёримга етказ – қилма муштоқ.  
Йўли бошидаги тупроққа кўмгил,  
Уялгай хат олишга хусн аро тоқ.

531

Қилиб нола, бошим оғрир, кетарман,  
Кабутардек қилиб гур-ғур кетарман.  
Кабутардек учарман, ортда қирғий,  
Йўқотдим ёр, бўлиб ранжур<sup>2</sup> кетарман.

<sup>1</sup> Динор – олтин танга.

<sup>2</sup> Ранжур – ғамгин, хафа.

532

Агар уйида ёримни күрарсан,  
Дегил ёринг омон агар сўрарсан.  
Агар содиқсан, айланганча қушга  
Ўзинг бориб ўшал ёрни күрарсан.

533

Кўзимга бир гўзал дарвоза тушди,  
Дил ишқи эрка сарвиноза тушди.  
Бирор-бир ерга қўлим етмайин то  
Бу кўхна шаҳр аро овоза тушди.

534

Мусофир бўлдиму ҳолим баттардир,  
Фалак ҳам бу фироқдан боҳабардир.  
Гулим, ёдимга тушган ҳар замонинг,  
Ёқам кўз ёшидан хўл сарбасардир.

535

Шифохонага бормайман – кўп одам,  
Касалларга саноқсиз каравот ҳам.  
Қиласай арз икки марта бош ҳакимга:  
Топарми севги дардига у малҳам?!

536

Сенга, эй боғбон, дил изҳорим бор:  
Менга бир даста гул бер – беморим бор.  
Менга бир даста гул бер – энг чиройли,  
Менинг бир дастаи гулдай ёрим бор.

537

Қўлимда бўлса менинг олмос узук,  
Мурид бўлсам ўшал дилбарга тузук.  
Агар ҳаммомга борсанг, тос ичида  
Совун бўлсам эди, эй қоши сузук.

538

Кўзинг акси кўзимда қолди, жонон,  
Бир ўптири – қолмасин кўнглимда армон.  
Бир ўптири шу ширин лаблар учидан,  
Тишимдан қолмасин юзингда нишон.

539

Нега Мурво<sup>1</sup> гиламини қоқарсан?  
Қачон менга ийиб меҳринг боқарсан?  
Тушундим хоҳишинг йўқ севгига ҳеч,  
Шеригимга сиёсат-ла боқарсан.

540

Бошимга тушди не, дўсти қадрдон?  
Тўшагим бўлди-ку оппок бегумон.  
Ўтирсайдинг уриб нина бошимда,  
Сени қилса эди доктор, Художон!

541

Яна тушмайди Кобулга йўлим, ох,  
Фаним барча, топилмас дўсти дилҳоҳ<sup>2</sup>.  
Не ишим борки, Кобулга борай мен,  
Агар Варқа эсам, йўқ менга Гулшоҳ.

542

Дарахти аргувондирсан, ёрижон,  
Менга номеҳрибондирсан, ёрижон.  
Уринмай қанча менга бўлмадинг ёр,  
Топиб ёш, ёри жондирсан, ёрижон.

543

Юзинг нақш олмадай – сенга фидоман,  
Намозда сени деб қилдим хато ман.  
Фақат менга бўларсан ёр дер эрдим,  
Омон бўл, бехуда дебман, аё, ман!

<sup>1</sup> Мурво – қишлоқ номи.

<sup>2</sup> Дилҳоҳ – дилга яқин, кўнгил тортган.

544

Мұхаббат деб йигитлик үтди-кетди,  
Мана, күргил, қарилек даври етди.  
Хабар етказ севимли ёрга, ишқи  
Мисоли тоғ эдим, сомондек этди.

545

Келиб гулшанга қылдинг ишваю ноз,  
Менга бұлди кучогинг очганинг соз,  
Қулогингга осиб гул тонг шамоли,  
Очиб юз, сүзга тушдинг, эй хушовоз!

546

Қаро күзим қаро кийиди бугун,  
Дилим қайгусида куйиди бугун.  
Этаккача чок этибман ёқамни,  
Ёр үзга жом майнин суйибди бугун.

547

Дилимни айладим жонингга дармон,  
Күзим сарф айладим күзингга, жонон.  
Билолмайманки, ёр бұлармисан-йўқ,  
Агар ёр бұлсанг, эй, мен сенга қурбон!

548

Санамнинг ишқидан танҳо-да қолдим,  
Курук тол сингари сахрова қолдим.  
Қўлимга ҳасса ёрнинг қадди эрди,  
Синиб ҳасса, фақир танҳо-да қолдим.

549

Нигоримнинг боши очиқ бўлибди,  
Хабар зулфи шамолидан келибди.  
Ўзи девона бир кўнглим бор эди,  
Девона дил девонароқ бўлибди.

550

Дедим дилга: нега нолонсан, эй дил?  
Хамиша мойили жононсан, эй дил!  
Дедим-ку: бўлма мойил ҳусн элига,  
Балога бўлмаса нишонсан, эй дил!

551

Неча кун кўрмадим сен нозанинни,  
Ёғиб қор, қоплади рўйи заминни.  
Ёғиб қор, бу замин занжири бўлди,  
Кўтаргай энди қувонч ели уни.

552

Сахар шаббодаси, дўстим сари бор,  
Дегил: бегона элда бўлди у зор.  
Муяссар бўлса бормоқлик ватанга,  
Бўларман хизматингда, эй вафодор!

553

Алифу бею те ҳуснинг, гўзал ёр,  
Қўша зулфинг дуторимга бўлар тор.  
Дуторимни қачон қўлимга олсам,  
Ғаминг кўксимни тўлдиргай, ситамкор.

554

Ўзи кимнинг бу дил девонасидир?  
Гулим кетди – қаерда хонасидир?  
Гулим кетди – эди гулларнинг шохи,  
Чироқдай қайси уйда ёнасидир?

555

Бўлай қурбон сенга, эй нукраи хом,  
Кел, эй, том чеккасига – менда шу ком.  
Кел, эй, том чеккасига, бўса олай  
Сахар бир жуфт, пешин бир жуфт, бир жуфт шом.

556

Бўлай қурбон сенга, эй ёри жоним,  
Нечук менсиз ҳаётинг, беомоним?  
Умр ҳисобига қўшилмагайдир  
Менинг сенсиз ўтказган ҳар бир оним.

557

Хаёлимда бу кеча ёр ёди бор,  
Дилимда иштиёғи ўша гулзор.  
Қизил гулда, бихишт богида ўсган,  
Сенингдек бор жаҳаннам ҳамда бозор.

558

Узат, соқий, тиник май – дафъи қайгу,  
Кўзимга дарду ғамдан келмас уйқу.  
Қилай кайфу топай бир дам ҳаловат,  
Бу гирдобдан мени қутқарсин-ей у!

559

Нигорим, сенга ҳар он арз этарман,  
Дилим бўлди паришон, арз этарман.  
Хузурингда чекарман нола-фарёд,  
Қилиб мен оху афғон арз этарман.

560

Дилим бордир тўла дарду тўла ғам,  
Бирор кун борми, бу ғамлар бўлар кам?  
Дилим гўё темирчи қўрасидир,  
Шамоли тегса, куйгай жумла олам.

561

Жудолик дардидан беморман, эй дўст,  
Сариқ юзли, дили афформан, эй дўст.  
Ғаму дардингда йиғлайман ҳамиша,  
Қара, дастингда хору зорман, эй дўст.

562

Лабим истар лабингдан топса то ком,  
Құзичоқдек тилар хом сут у мудом.  
Лабим омухта қилдим лабларингга,  
Омухта бўлса лаб топарми ором?

563

Ётибман огрибон тўшакда, дилбар,  
Рангим ишқингда монанди санавбар.  
Қиёматда бўлар қандай жавобинг,  
Назар ҳам бўлмади менга мұяссар?

564

Санам кўрдим – кабутардек хиромон  
Теришга мева борарди боғистон.  
Теришга мева борарди боғистон  
Қилиб нозу карашма офати жон.

565

Дилинг шоҳлар дилидек нозик, эй ёр,  
Ётар бошим оёгинг остида хор.  
Жаҳон аҳли уни босиб ўтарлар,  
Ниҳон токайгача бу сирру асрор?

566

Бу қоғозу қалам асли Турондан,  
Ёзай хат ёрга – ҳажри ўтди жондан.  
Қалам синди, учирди ел қоғозни,  
Сабр қисмат эмиш бизга жаҳонда.

567

Қаарсан кўшки ҳар зебога, эй гул,  
Халойиқни солиб гавғога, эй гул.  
Қўмондон кўшкида ўлтириб олиб,  
Назарлар соласан дарёга, эй гул.

### 568

Лабингга талпиниб, ургай лабим жўш,  
Табассумни лабим қилган фаромуш.  
Ичишни истаган Кавсар<sup>1</sup> сувини,  
Қачон кўза сувини айлаган нўш?<sup>2</sup>

### 569

Сўзим қисқа бўлар, Оллоҳу акбар,  
Сўзимни санга айтдим, эй биродар.  
Карим бўлу карам кўрсат, карамлар,  
Менга охири бўлгайсан баробар.

### 570

Кийибсан эгнингга-ку зар, нигорим,  
Сочиб ҳар ёнга мушк-анбар, нигорим.  
Суман зулфинг шафоат айлагайми,  
Кутарманми ё то маҳшар, нигорим?!

### 571

Йўлингиз тушса ўша моҳи тобон –  
Элига, эй азизлар, топиб имкон,  
Саломим етказиб ёримга, айтинг  
Мени қон қилганини дарду ҳижрон.

### 572

Нигорим, лолага она ўзингсан,  
Гўзаллар ичра афсона ўзингсан.  
Бу дунёning гўзаллари ичинда  
Мисоли гавҳари дона ўзингсан.

### 573

Эдим мен гул ниҳоли – айладинг хор,  
Мени тупроққа тенг қилдинг-ку бир бор.  
Эдим мен гул ниҳоли мисли наргис,  
Бу ғамларга мени қилдинг гирифтор.

<sup>1</sup> К а в с а р – жаннатдаги ҳовуз, булоқ. Унинг суви асалдан ширин, қор ва сутдан оқ булиб, ичган киши абадулабад ташниалик нималигини билмайди.

<sup>2</sup> Н ў ш – ичиш.

574

Қадинг сарви гулистон бўлсин, эй гул,  
Юзинг ойдек чароғон бўлсин, эй гул.  
Худо ҳусну жамол сенга берибди,  
Жаҳон ҳуснингга ҳайрон бўлсин, эй гул.

575

Дилимни ўйнаб-ўйнаб қўлдан олдинг,  
Хароб этдингу хасталикка солдинг.  
Куйиб оташда кўнгли, ошиқ айтар:  
Магар ошиқмисан, ғам ичра қолдинг?

576

Жудолик менга кўп таъсир қилди,  
Ўлимга розию мажбур қилди.  
Чекиб ҳажрида оҳ шомдан сахар то,  
Мени сабру роҳатдан маъзур қилди.

577

Қадингни сарви бўстон деса бўлгай,  
Юзингни моҳи тобон деса бўлгай.  
Сени, эй нозанин, ҳусн иқлимида  
Гўзаллар ичра султон деса бўлгай.

578

Гулим менинг вафо қилса, на бўлгай?  
Кечар ҳолим нечук – билса на бўлгай?  
Яна ёр кўйидан қайтар қошимга,  
Дилим қушдай ҳаво қилса, на бўлгай?

579

Ҳар икки кўзга бирдан кирди оғриқ,  
Гамингда йиғладим мен ҳаддан ортиқ.  
Рўмолинг бўйидан зора тузалса,  
Кўзимга боғлай – эт рўмолча тортиқ.

## 580

Кел, эй, ўлтири, гапир аввал ватандан,  
Кейин ул булбули шириңсұхандан<sup>1</sup>.  
Кел, эй, ўлтиру бир-бир манга сүйла,  
Эшитган ўша сұзларники мандан.

## 581

Ягона олмагинамни кесиши,   
Ягона дүстимдан жудо этиши.  
Ягона дүст нима, боғим ичидан  
Ягона гулни-да кесиб кетиши.

## 582

Бу дардим бедаво бўлди, нетай, вой!  
Рафиқ<sup>2</sup> мендан жудо бўлди, нетай, вой!  
Рафиқ мендан жудо бўлдию-кетди,  
Фарибликка ошно бўлди, нетай, вой!

## 583

Гулим кетар, иложим йўқ, нетарман,  
Агар етса қўлим, гул келтирарман.  
Гулим кетар вилоятга буриб юз,  
Гулимни мен Худога топширарман.

## 584

Жамолинг, эй ниgoro, дилрабодир,  
Мақоминг ой каби авжи самодир.  
Бу нурнинг манбаи бўлган вужудинг,  
Мисоли тўлин ой кони сафодир.

## 585

Қошинг янги ойдан нишона, Лайлло,  
Лабинг ғунча каби мастона, Лайлло.  
Қадинг сарв Пухту бўстонида ўсган,  
Юзинг қуёш каби ягона, Лайлло.

Шириңсұхан – шириң сұзли.  
Рафиқ – дүст, ўртоқ.

586

Жаҳон асли юзи сафосидандир,  
Ўшал меҳроб-да қоши ёсидандир.  
Бадахшон лаъли, уммон марвариди  
Лабию тиши бебаҳосидандир.

587

Ёзибман нома умримни қилиб оз,  
Эсиз мен қора қилган шунча қогоз.  
Ёзибман нома кўз ёши тўкиб зор,  
Қолар мен қолмасам шу нома ёдгор.

588

Қўлимга келди ёрнинг қўлидан гул,  
Бу гул бўйи мени масти этди буткул.  
Гоҳи ҳидлаб, кўзимга суртаман гоҳ,  
Севимли ёрнинг эҳсони, ахир, ул.

589

Холамга меҳмон эдим шанба куни,  
Очликдан кўкка етди оҳим уни.  
Қатиқ косада, нон дастурхон ичра,  
Ема, жони хола, очлик ғамини.

590

Баланд тоғ бошида ўтқазсанг олу,  
Яна олма ниҳолию зардолу.  
На бўлгай олма, зардолу ниҳоли,  
Ширин ёрингга болиш бўлса зону<sup>1</sup>.

591

Кел, эй, дил интизор дурдонамизга,  
Кел, эй, олтин кабутар, хонамизга.  
Кабутар бўлсангиз сиз, биз-да шаҳбоз<sup>2</sup>,  
Қачон сиз келдингиз, биз айладик ноз?!

<sup>1</sup> Зону – тизза.

<sup>2</sup> Шаҳбоз – лочин.

592

Хабар бер, қайдасан, эй ҳуркак оху?  
Тузогимга бирор бор тушмадинг-ку?  
Жудолик доғидан қон бўлди кўнгил,  
Кел, эй, ҳолимни айтай сенга, ёху!

593

Секин поездни ҳайда, қилма суръат,  
Менга, ҳайдовчи, айла раҳму шафқат.  
Кокили торига дил берган эдим,  
Узилиб кетмасин, эй бемурувват!

594

Агар ёр бевафо – минг марта лаънат,  
Йўқ унда заррача меҳру муҳаббат.  
Киши юз жойга берган бўлса кўнгил,  
Қачон бир жойга у қилгай қаноат?

595

Мудом булбул, баҳорни мен севарман,  
Себарга<sup>1</sup>, лолазорни мен севарман.  
Себарга, лолазор сенинг боғингда,  
Фақат сен нозли ёрни мен севарман.

596

Биби Гулшоҳ, сочинг гўё пари зоғ,  
Хижил сарв боғда қаддинг кўргани чоғ.  
Келинлик қилганига лола даъво,  
Тўлибди бағрига дод устига доғ.

597

Бошим ишқингда тарк этдим, не фойда?  
Бу жоннинг баҳридан ўтдим, не фойда?  
Қара, тиззамгача мен қулга ботдим,  
Умидимни узиб кетдим, не фойда?

<sup>1</sup> Себарга – уч баргли бедасимон ўт.

598

Кўчадан тонгда уйга кирганим он  
Аламга тўла кўнглим бўлди вайрон.  
Санам савдосидан бош чекмагайман  
Кўзимдан токи томчилар экан қон.

599

Қалам олдим юзинг ёдида, эй дўст,  
Чизай деб эгма қошинг жуда, эй дўст.  
Келишган қоматинг кўриб, алиф ҳам  
Чўзибди бўйини зиёда, эй дўст.

600

Кўзимнинг ёшига борми ниҳоят?  
Бу хуснинг қолмагай токи қиёмат.  
Бу ёшлик мисли гулдир, гулда, билсанг,  
Жуда қисқа бўлар кўрку тароват.

601

Келарсан мен сари, эй ёр, хиромон,  
Кел, умрим орзуси – жон сенга қурбон!  
Кетар ғам лабга лаб қўйсак, тўкилсин  
Сочингнинг шабнами юзимга, жонон!

602

Ажаб, йўллар баланд эмиш Кобулда,  
Чор атрофи каманд<sup>1</sup> эмиш Кобулда.  
Кобуллик боладан, юргил, сўрайлик,  
Гўзаллар дилписанд<sup>2</sup> эмиш Кобулда.

603

Чиқар бошингни эшиқдан, гўзал ёр,  
Кўрай ойдай юзингни яна бир бор.  
Нажот топсанг агарда қўлларимдан,  
Бўларсан кўк аро юлдуз улуғвор.

<sup>1</sup> К а м а н д – дом, тузоқ.

<sup>2</sup> Д и л п и с а н д – кўнгилга ёқувчи, гўзал.

## 604

Бўларми бундан ортиқ нола, хорлик?  
Кўнгил қолди-ку, кутма ўзга ёрлик.  
Писанд этмайсан – ошиғинг факир-да,  
Пули бўлса эди, бўлмасди зорлик.

## 605

Менинг ишқимга йўқдир ҳадду поён,  
Қўполлик айлагайсан менга ҳар он.  
Ғанимлардек сиёсат юргизиб сен,  
Хароб қилдинг бутун оламни, вайрон.

## 606

Хуш ул булбул – макони бўлса гулзор,  
Туну кун ёр висолига сазовор.  
Ёник шам қошида парвонадайдир  
Тикансиз гулга бўлса у гирифтор.

## 607

Ғаминг қилди мени қувғин ҳисордан<sup>1</sup>,  
Тушибман айру какликдек кўҳсордан<sup>2</sup>.  
Ғаминг Лайли ғамига teng, топарсан  
Мени энди биёбону мозордан.

## 608

Манам Мажнуну сахро менга манзил,  
Куйиб Лайлининг ишқида бу кўнгил.  
Ўшал ноқобил овчи ғам тифида  
Қанотимни менинг синдириди буткул.

## 609

Ишқингда беқарорман, не қилай, айт?  
Жаҳонга шармисорман, не қилай, айт?  
Хабарчим йўқки, қошингга юборсам,  
Фарибу бебарорман, не қилай, айт?

<sup>1</sup> Ҳисор – қалъа, кўргон, истехком.

<sup>2</sup> Кўҳсор – тоғлик жойлар.

610

Кела қол, доғ нима билмайлик, эркам,  
Яшайлик бирга-бирга күрмайин ғам.  
Хароб бўлсин, илоҳо, душман уйи,  
Унинг күрмайлик асло юзини ҳам.

611

Юзинг, аслида, Лайлло, зеби олам,  
Чаман – сочингдан инган тонгги шабнам.  
Каломуллоҳда мен номингни кўрдим:  
Қўша зулфинг тутар пинҳон уни ҳам.

612

На Мажнунман – макон тутсам биёбон,  
На ҳушёрманки, борсам кўйи жонон.  
Бошим бордир, гўзаллар дардида банд,  
Дилим бордир, унга ўтмайди фармон.

613

Дилимдан ишқ олиб бир тор нишона,  
Санам манзилига бўлди равона.  
Туширди қуввату ақлим тузоққа,  
Фалак этди ато давлат шоҳона.

614

Лабим Лайли, забоним<sup>1</sup> Лайли дейди,  
Дилу томириу жоним Лайли дейди.  
Балиқ дарёдаю сахрома оҳу  
Қилиб менинг гумоним Лайли дейди.

615

Кўзинг – парвозга шай каптарга тимсол,  
Кўзинг мисли камони Рустами Зол<sup>2</sup>.  
Фидо бўлсин агар аҳдингда турсанг,  
Гулим, йўлингта бошу жону мулк-мол?

<sup>1</sup> Забон – тил, нутқ.

<sup>2</sup> Рустами Зол – Золнинг ўғли Рустам. Рустам – “Шоҳнома”нинг асосий каҳрамони бўлган афсонавий паҳлавон.

616

Бошинг узра сахар йиғлайман, эй гул,  
Мени куйган жигар йиғлайман, эй гул.  
Сўрайсан нола чекарсан недан деб,  
Ёрим ситам этар – йиғлайман, эй гул.

617

Тилимда тонггача бир сўз: васият,  
Лабим куриб, тўкар ёш кўз: васият.  
Тополмайман юбормоққа хабарчи,  
У нозли ёрга бордир юз васият.

618

Дилимдир ошики зоринг ҳамиша,  
Фирогинг ичра bemоринг ҳамиша.  
Қадам ранжида айла бошим узра,  
Мен интизори дийдоринг ҳамиша.

619

Пешовар мулкидан бир гул қўрингай,  
Юзи Шарқ офтобидек ул қўрингай.  
Кобулдан нур тараған бу маконда  
Нуристон нурга ғарқ буткул қўрингай.

620

Ғам ичра кечалар танҳо куярман,  
Кутиб эртани ҳар асно куярман.  
Равоми ҳеч муҳаббат мазҳабида –  
Ғам ичра ёрдан айру то куярман?!

621

Азизлар, хаста жон қурбони жонон!  
Бошим хас мисли саргардони жонон!  
Мозоримга ёз, эй котиб: “Бу ерда  
Ётар қурбони бир мужгони жонон!”

622

Садаф<sup>1</sup> доимо Уммондан урар бош,  
Ёкүт эса Бадахшондан урар бош.  
Бу ошиқ дилда жонон ҳажри дарди  
Юрак тубидану жондан урар бош.

623

Юзинг ўхшайди худди гулга, Лайло,  
Пайнинг хуру паридан улги, Лайло.  
Ясанмишсан гўзал бўлмоқ учун ҳўб,  
Бунга зар ковушингдир белги, Лайло.

624

Чилим мен ғам туфайли чекаман, ёр,  
Ва нос ситам туфайли чекаман, ёр.  
Яна навкар бўларман икки йил, бас,  
Ғам ушбу дам туфайли чекаман, ёр.

625

Қасам ичдим азиз жонингга, эркам,  
Сурилган сурма қора кўзингга ҳам.  
Қасам ичдим онам сути билан мен:  
Вафосизликни сен ҳеч қилма ҳамдам!

626

Намозим ҳам, ҳайитим ҳам эрур ғам,  
Кўча-кўйда ёру ҳамдам эрур ғам.  
Ўтирсам даврада дўстим ёнида,  
Унинг атрофида ҳардам эрур ғам.

627

Мени масти кўзларинг қилди гирифттор,  
Сочингнинг ҳалқасидан бўлдим-ей хор.  
Кафанга бурканиб, қабр ичра ётсам,  
Бўлар икки қўлим ёқангда зинҳор.

<sup>1</sup> Садаф – ичида гавхар стиладиган хукка.

<sup>2</sup> Уммон – Арабистон яримороли жанубидаги марваридлари билан машхур денгизи.

628

Агар қисмат вафодор этмасайди,  
Мени муштоғи дийдор этмасайди,  
Сени учратмасайди менга кошки,  
Дучор қилгач, гирифтөр этмасайди.

629

Бўлибман, дўстларим, шайдойи Лайло,  
Дилимни банд этиб савдойи Лайло.  
Бу савдога фақат менмас гирифтөр,  
Жаҳонни этди забт ғавғойи Лайло.

630

Фироғингда забунман, Биби Лайло,  
Сўрамайсан, нечунман, Биби Лайло.  
Ичимда лоладек пинҳон доғим бор,  
Килиб гар ханда тинмам, Биби Лайло.

631

Факир ошиқларингга кун йўқ асло,  
Парилар шоҳи сенга бўлди шайдо.  
Вафо расмини билмайсан сира ҳам,  
Шаҳид этгайсан ишқ ахлин ҳар асно.

632

Қўлингдан айласам ҳам мен заҳар нўш,  
Сени бир лаҳза қилмайман фаромуш.  
Олиб кетдинг ширин лабли сулув ёр:  
Кўнгилдан сабру тандан жон, бошдан ҳуш.

633

Сенинг лаъли лабинг “мим”дан<sup>1</sup> яратмиш,  
Мусаффо бу танинг симдан<sup>2</sup> яратмиш.  
Камондай қора қўш зулфинг, санамжон,  
Қўриб саркашлигин “жим”дан<sup>3</sup> яратмиш.

<sup>1</sup> М и м – араб алифбосидаги “м” харфи: учи ҳалқалиги жихатидан маҳбубанинг оғзи ва лабига ўхшатилади.

<sup>2</sup> С и м ( С и й м ) – кумуш; ок.

<sup>3</sup> Ж и м – араб алифбосидаги “ж” харфи: чангакка ўхшашлиги жихатидан маҳбуба зулфининг ҳалқасига ташбех қилинади.

634

Дийдорингдан эмасман сира маъюс,  
Ўлимидан сира қилмайман афсус.  
Агар бир кеча эшигимни очсанг,  
Ўпарман бошдан-оёгинг, дилафрӯз!

635

Фирок туни жаҳаннамдан эмас кам,  
Жаҳонда бўлмагай ундан батар гам.  
Бу жисмим бир қилу ғам тог, азизлар,  
Бошимга тушмасайди кошки бу дам.

636

Ёқа чокликда монанди етимман,  
Сенинг савдонгда ҳамроҳи чилимман.  
Кел, эй Лайло, чилимим тутунин кўр,  
Ўтири бир лаҳза – дийдоринг кўрай ман.

637

Нима кўрдингки мендан, кўзи жоду,  
Чўчиб мендан қочарсан мисли оху?  
Дилим қони билан қўлга киритсам,  
Учиб сен ногаҳон кетдинг-ку, ёху!

638

Кўришга ташнаман юзингни, дилбар,  
Ҳаёт сувин қидиргандек Искандар<sup>1</sup>.  
Баҳор суви каби нозик ниҳолинг,  
Яқин дўйстлар баҳори бу муқаррар.

639

Муҳаббат бўлмагай номард иши ҳеч,  
Сезарми ўтни кўнгли қиши киши ҳеч?  
Муҳаббат йўлини мард англағайдир,  
Муҳаббат бўлмагай номард иши ҳеч!

640

<sup>1</sup> И скандар – Шарқда Искандар Зулкарнайн номи билан машхур македониялик саркарда ва давлат арбоби Александр Македонский (милоддан аввалги – 356–323).

Фаму ғусса бўлибди дўсту иним,  
Мухаббат ранжу озори яқиним.  
Чекиб оху фифон, ожиз бўлибман,  
Магар кирмиш эшикдан нозаниним!

641

Сенга ҳар ерда ҳам ёрман, азизим,  
Сенга жондан харидорман, азизим.  
Юсуф бўлсанг агар, менман Зулайхо,  
Бозорингга харидорман, азизим.

642

Жигардир пора-пора, эй қадрдон,  
Сенингдек кўрмадим бир моҳи тобон.  
Қилиб кетдинг шахид гўёки мени,  
Нигори маҳвашим, айни кетар он.

643

Тўлин ойда жамолинг йўқдир, эй ёр,  
Афлотунда камолинг йўқдир, эй ёр.  
Гўзал тог охусида ҳатто кўзинг –  
Шу икки бемисолинг йўқдир, эй ёр.

644

Бутун олам мисоли бир биёбон,  
Экилган ғам уруғи кўп – фаровон.  
Битилганми пешонамга фақат ғам,  
Яшарман билмайин шодликни ҳеч он.

645

Ўраб бўйнимни зулфинг мор<sup>1</sup> эмишдир,  
Мисоли фитнаи тотор эмишдир.  
Анор шоҳлик боғидан икки сийнанг,  
Давои дарди ҳар бемор эмишдир.

646

Юзингга бу дилим мойил бўлибдир,  
Асири доми қўш кокил бўлибдир.  
Фалак бўйнимга дор қилсин сочингни,  
Дилимнинг орзуси шу хил бўлибдир.

647

Қадинг – сарви хиромонингдан ўлдим,  
Қўша зулфи паришонингдан ўлдим.  
Нетай мен, ушбу дардим кимга айтай?  
Гўзал шу лаъли хандонингдан ўлдим.

648

Ўшал дилдори танноз хуш келибди,  
Ширин тил, сўзда мумтоз хуш келибди.  
Бу бечора дилимнинг таскини шу:  
Сухандону хушовоз хуш келибди.

649

Қадинг сарву санавбар деса бўлгай,  
Сочингни мушку анбар деса бўлгай.  
Нозик бармоқларингни дафтар узра,  
Қаламга teng, баробар деса бўлгай.

650

Қадинг сарви хиромонни мот этди,  
Юзинг офтоби тобонни<sup>1</sup> мот этди.  
Келишган тишлиаринг гавҳар конидир,  
Лаби лаълинг Бадахшонни мот этди.

651

Касалман Варқадегу ғам чекарман,  
Кўзимдан мисли Гулшоҳ ёш тўкарман.  
Ва Фарҳодман бошига теша урган,  
Ширин ёрим сари шошиб чопарман.

652

---

<sup>1</sup> Тобон – порлок.

Қизил рангим ғамингдан заъфарондир,  
Бу сарв қаддим эса мисли камондир.  
Ғаминг бошдан-оёқ күйдирди жонни,  
Ғубори кўк сари кулдек равондир.

653

Боришга Ғазнага йўқ ҳолу қувват,  
Буни айтишга йўқдир тилда тоқат.  
Бошимдан учди ақлу хушим, эй ёр,  
Асири ишқни күйдирмоқ на ҳожат.

654

Карашманг тигидан ўқ урма, жонон,  
Бирор айбу гуноҳим йўқдир, ишон.  
Сенинг икки кўзинг монанди оху,  
Менинг хаста дилим монанди жайрон.

655

Шу ҳалқа-ҳалқа зулфи тобига онт!  
Кўз олиб юриши – шитобига онт!  
Шакар сочувчи лаълига қасамким,  
Ёкувчи кўзлари – офтобига онт!

656

Жудоликдан чаманда мисли булбул,  
Бўлибман ғам аро нолага машгул.  
Бу ҳижрон дардини битсам қофозга,  
Қалам йиғлар тутолмай ўзни буткул.

657

Жудоликдан дилим хаста, паришон,  
Жудоликда яшацдан тўйдим, ишон.  
Ки Лайли ҳажрида Мажнун мисоли  
Маконим тогу сахро бўлди, жонон.

658

Харобман ғам аро отдан йиқилган,  
Кабобман ғам аро сихга тиқилган.  
Тушиб ўз севгилимдан мен узоққа,  
Бетобман ғам аро қаттиқ сиқилган.

659

Икки зулфинг мисоли сунбул, Лайло,  
Тор оғзинг мисли гунчай гул, Лайло.  
Хаёт бўстонидир гўзал жамолинг,  
Уфурар мушк исин ойу йил, Лайло.

660

Қўша зулф айни мушку анбар, Лайло,  
Тор оғзинг ғунчадир муқаррар, Лайло.  
Икки қайрилма қошингнинг камони  
Янги чиққан ойга баробар, Лайло.

661

Фироғингдан мудом жонимда озор,  
Кўзимда тўла ёш ёдингдан, эй ёр.  
Сен олам шоҳи бўлган тарсо<sup>1</sup> қизсан,  
Манам Санъонману<sup>2</sup> бўйнимда зуннор<sup>3</sup>.

662

Висолингдир мудом кўнглимда орзу,  
Сенинг ишқинг ғами қўксимда мангур.  
Ковуш бўлсин оёғингга бу кўзлар  
Оёғинг қўйма ерга, кўзи жоду!

663

Кўзинг юлдуз, қошинг мисли ҳилолдир,  
Терилган тишларинг инжу мисолдир.

<sup>1</sup> Тарсо – насроний.

<sup>2</sup> Бу ерда Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” ва Алишер Навоийнин “Лисон ут-тайр” достонлари қаҳрамони бўлган машхур Шайх Санъон киссасига ишора қилинмоқда.

<sup>3</sup> Зуно – насроний динидагилар белига боғлайдиган чилвир. Ислом мамлакатларида гайримусулмонлар ҳам зуннор боғлаб юришган.

Келиб бошимга, холимдан хабар ол,  
Сенингдек меҳрибон топмоқ маҳолдир.

664

Сенинг ишқинг эмас, ҳолимга зор-зор,  
Мудом йиғлаб юрарман, нозли дилдор.  
Фаним таънасидан нола қиласман,  
Сенинг дастингдан эмас асло, эй ёр!

665

Мисоли хуркак оху борасан, гул,  
Қошинг қайрилма, ёху, борасан, гул.  
Жигарларни камон қошинг тифида  
Қилиб чок, лабда кулгу борасан, гул.

666

Санамнинг зулфидан тонг ели елар,  
Кўнгил Мурғобда у сунбулни тилар.  
Ёримни кечаси бағримга олсам,  
Тўшагимдан сахар гул ҳиди келар.

667

Нега кўнгли паришонсан, гулим, айт?  
Магар мендан пушаймонсан, гулим, айт?  
Юзингнинг ишқида девона бўлдим,  
Эшлитиб нега ҳайронсан, гулим, айт?

668

Қасам ичдингки, келгунча қиёмат,  
Менга ёлғиз сенинг ишқинг кифоят.  
Тилингда мен билансан, дилда ўзга,  
Ёр олдинг – ўтмади ҳафта ниҳоят.

669

Бу не рух, не жисм – пайдо қилибсан,  
Қуруқ токда узум пайдо қилибсан.  
Қуруқ токда узум ёдгор, ошиқни  
Шу хил айлаб азм пайдо қилибсан.

670

Манам юзингда холман, ёри шириң,  
Сенинг құлингдаги хушбүй апельсин.  
Кезарман чүлда шомдан тонггача то,  
Сенинг охунгман – үкқа тут яширин!

671

Қадинг, эй нозанин, мисли анордир,  
Қани, чиқ күчага фасли баҳордир.  
Қани, чиқ күчага, юзинг күрайлик,  
Азиз дүстинг сенга күп интизордир.

672

Работи<sup>1</sup> хуш дилгирдир, азизлар,  
Оёқда қулфу занжирдир азизлар.  
Қачон етказгуси Кобулға мени,  
Бу Кобул мулки Кашмирдир, азизлар.

673

Үтирганча баҳор фаслида булбул  
Дегай: “Қалбим аниси<sup>2</sup> бўлган, эй гул!  
Лаби нозикни гул баргидан ўрган,  
Бу ишқ ишида ҳамранглик маъқул”.

674

Олиб ёрнинг гулини бу нафас ман,  
Бу гулнинг ҳидидан маству аластман.  
Сўрарлар: “Гулга ўчсан, – деб, – намунча?”  
Ёрим гулу мен эса гулпарастман!

675

На хушдир бўлса ойдин кеча, эй ёр,  
Яна сув мавж уриб тургувчи гулзор.  
Ўтираск майсазорда – ухласам мен  
Қўйиб тиззангга бошимни, вафодор!

<sup>1</sup> Р а б о т – карвонсарой, мусофирихона.

<sup>2</sup> А н и с – ғамхўр, меҳрибон.

676

Қаерларга кетарсан, эй жононам,  
Қаерларга кетарсан, эй дурдонам.  
Дилимни олган, эй маҳбуба, кетма,  
Шуни истайди бу дили девонам.

677

Очиб зулфини оро айлагай гул,  
Мени мажнуни шайдо айлагай гул.  
Бўлиб мажнуни шайдо то қиёмат,  
Куярман мен – тамошо айлагай гул.

678

Мұхаббат майли майхонада бўлгай,  
Мато яххиси вайронада бўлгай.  
Магар эшийтмадингми, эй азиз ёр,  
Садоқат расми девонада бўлгай.

679

Бошимни маҳкуми богу роф этдим,  
Дилимга нинани санчиб, доғ этдим.  
На гул тердиму на сайри боғ этдим,  
Ўзимга икки гулни муштоқ этдим.

680

Кетар юлдузу мен шайдони кўргай,  
Мисоли Варқа Гулшоҳни кўргай.  
Ширинлаб Гулшоҳни кўргандай Варқа,  
Юсуф ҳам ёри Зулайхони кўргай.

681

Нега мендан жудолик айлагайсан?  
Токай сен бевафолик айлагайсан?  
Бўлиб мен хаста, михландим тўшакка,  
Качон дармон-даволик айлагайсан?

682

Лабинг ўпганда тил дил эҳтиёжи,  
Кўзинг Дай мулкининг йиллик хирожи.  
Келурман эрта деб сўз бердинг ўзинг,  
Қачон эрта келар – борми иложи?

683

Санамжон, қайдасан, кетдинг қаёққа?  
Аёллар-ла кетиб қолдингми боққа?  
Тирик қўймас мени сенсиз Худованд,  
Санамжон, тезда қайт, қўйма фироққа.

684

Гўзал ёрим ўчоқ бошида турар,  
Ошиқлар ёнида ҳайрон ўтирас.  
Санам юзи шамининг шуъласидан  
Аланга устига терлар тўкилар.

685

Кўзинг гўёки булбулнинг кўзидек,  
Лабинг гулғунчанинг худди ўзидек.  
Кобул шахрида мен хору забунман,  
Яшайсан хуш гами йўқ хур қизидек.

686

Бу икки кўз бирор капитарда йўқдир,  
Бу икки лаб бирор дилбарда йўқдир.  
Худо сенга берибди ёшлик ҳуснин,  
Бу ҳусн ҳатто фаришталарда йўқдир.

687

Сочингнинг ҳалқаси девона қилди,  
Яқину ошнодан бегона қилди.  
Фигонимдан бу дунё додга келди,  
Жон ичра дарди ишқинг хона қилди.

688

Эшикдан қувса, мен томдан келарман,  
Саҳар қувса агар, шомда келарман.  
Оёғим арраласа, тиззалаң мен  
Үзим судраб минг мақомда келарман.

689

Қалам тутқазди охир қўлга бу ғам,  
Кўзимнинг ёшидан қоғоз бўлар нам.  
Битай озурда кўнглимнинг ғамини,  
Менга келтириди ғам баҳтим бўлиб кам.

690

Гулим, кўз ташла: атрофда баҳордир,  
Замони айшу оғуш, бўса бордир.  
Тасалли бераман гамгин дилимга,  
Менга манзил шу мулки Қандахордир.

691

Салом етказ уйимга – бер нишона,  
Қалам таҳририда қолсин ҳайронা.  
Бўлибман, эй ука, муштоғи дийдор,  
Бўлай она элим томон равона.

692

Қалам олиб, битай гуфтот<sup>1</sup> токай?  
Қилиб мажруҳ дилим изҳор токай?  
Бу мискин дил сира топмайди таскин,  
Шикоят айламоқ бисёр<sup>2</sup> токай?

693

Агар жоним унга даркор бўлгай,  
Ўшал аҳди қадим иқрор бўлгай.  
Фидо бўлсин номига бошу жоним,  
Факат шарти шу: миннатдор бўлгай.

<sup>1</sup> Гуфтот – сўз, нутқ.

<sup>2</sup> Бисёр – кўп, ортиқ, зиёда.

### 694

Товуснинг патидан зийнат қилай ман,  
Келиб кун ярмида ўпич тилайман.  
Шу шаҳзода Қосимнинг боғи ичра  
Сени келин, ўзим күёв билай ман.

### 695

Қалам қўлимда-ю, қўнглимда гуфтор,  
Дилимни қонга тўлдириди гўзал ёр.  
Бузарлар аҳду паймонни ҳамиша,  
Гўзалларда вафо бўлмайди зинхор.

### 696

Ким ошиқ бўлса, у жондан ҳайиқмас,  
Кишану кунда, зиндондан ҳайиқмас.  
Бўлар ошиқ дили оч бўри янглиғ,  
Бўри чўпону гаврондан ҳайиқмас<sup>1</sup>.

### 697

Эшит, ёрим, хабар билгаймисан-йўқ?  
Магар бизга назар қилгаймисан-йўқ?  
Узоқлик дастидан кўз юмдим охир,  
Мозорим сари бир келгаймисан-йўқ?

### 698

Санамжон, икки кўзинг мунчалар соз!  
Гирифтор айлади бу сендаги ноз.  
Факультетинг назокат-ноз эканми,  
Ниҳоятда шаҳодатноманг мумтоз.

### 699

Дилим шу ҳалқа-ҳалқа зулфингга банд,  
Ширинликда лабинг шаккар, тилинг қанд.  
Фалакларда карашманг аргумоги  
Елар шиддат билан сармасту хурсанд.

<sup>1</sup> Бу дубайтий Бобо Тохирга ҳам нисбат берилади – Э.О.

700

Туяни юк хумор – маст айлагайдир,  
Йигитни ишқи ёр маст айлагайдир.  
Туя мастдир узумнинг юкидан, ох,  
Йигитни айламиш маст ёри дилҳоҳ.

701

Шу икки қора кўзингга фидоман,  
Бўлай қандай, ахир, сендан жудо ман?!  
Фарибу зор юрарман элдан-элга,  
Фариблик чекаман то мубталоман.

702

Бу ердан қанчалик Московга йўлдир?  
Дара, тошлогу тоғлик, дашту чўлдир.  
Суриб қумларни, синдирсак-да тошни,  
Кўнгилда таржимон орзуси мўлдир.

703

Лабинг чашмаи ҳайвондан<sup>1</sup> яралмиш,  
Фаминг бу жавҳари жондан яралмиш.  
Юзингга зеб бўлиб тушган қаро хол  
Қасди торожи иймондан яралмиш.

704

Чўчитмасми сени ўтли фифоним,  
Мени ўлдиргали қасд этма, жоним.  
Фариблик даштида монанди Мажнун,  
Фирогинг айлади чок гирибоним.

705

Ширинтилу ширингуфтор экансан,  
Юришда охуи тотор<sup>2</sup> экансан.  
Жаҳон гўзаллари ичинда юрдим,  
Гўзалларга ўзинг сардор экансан.

<sup>1</sup> Ч а ш м а и ҳ а й в о н – Хизр алайхиссалом ер остидаги зулмат қаъридан излаб топган ва сувидан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган мангалик булоги.

<sup>2</sup> О х у и т о т о р – Чин охуси, мажозан: гўзал маҳбуба.

706

Юзингда тер қатор, бу ёққа бир боқ,  
Күзи маству хумор, бу ёққа бир боқ.  
Мудом бечора бу ошиғи зоринг  
Йўлингда интизор, бу ёққа бир боқ.

707

Қора қўш зулфингга тоб бермадинг-ку,  
Ўз уйимда менга бермадинг уйқу.  
Эдим бөгингдаги ташна ниҳол мен,  
Ниҳолинг ташнаю сен бермадинг сув.

708

Нега бугунни эрта айлагайсан?  
Нега дилга ғаминг жо айлагайсан?  
Ўлимга барча ошиқни буюриб,  
Ўзинг четда тамошо айлагайсан.

709

Қара, ой ортида кичкина юлдуз,  
Ғамингда ухламайман кеча-кундуз.  
Ярим тунда агар ёдимга тушсанг,  
Илондек тўлғанарман, қоши кундуз!

710

Илоҳо, ёр, қадинг хам бўлмасин ҳеч!  
Бу шод кўнглинг аро ғам бўлмасин ҳеч!  
Қиларман мен дуо, омин дегил сен,  
Сочингдан битта қил кам бўлмасин ҳеч!

711

Баланд курсингни, эй жоно, қилай мен,  
Қаро зулфингга боқиб, ох қилай мен.  
Намозшомда келиб уч бўса олай,  
Ҳар уч бўсага бисмиллоҳ қилай мен.

712

Чиройли қизгина, Зебо сенга ном,  
Юзинг оппоқ мисоли гули бодом.  
Сенга бўлдиму ошиқ, этмадинг раҳм,  
Мени ўлдирдингу олдинг ором.

713

Кулогингга, санамжон, бош урар зулф,  
Мушк-анбар ҳақда сен-ла сўз курар зулф.  
Қилар ошиқ паришонлигидан арз,  
Ажаб, арзига теппа-тенг турар зулф.

714

Қайикда сузасан, йўқ лангаринг хос,  
Бўлибсан кофир-ей, йўқ сенда ихлос.  
Сенинг ишқинг менинг кўксимга жодир,  
Бўлибсан кофир-ей, йўқ сенда ихлос.

715

Дараҳт шохида бир оққуш эдим, оҳ,  
Парим синдириди қайси золим, эвоҳ?  
Қанот қоқиб, учардим ҳар тарафга,  
Гул ишқи гарди қўнди дилга ногоҳ.

716

Фироғингда қариdi ёш бу жоним,  
Тиг урма чок дилимга, меҳрибоним.  
Уйинг деворининг ғишти бўлай мен,  
Сени тўйиб кўришга ҳар замони.

717

Ўқотар милтиқ елкамда осиғлик,  
Унга божхона муҳри ҳам босиғлик.  
Бўлар-бўлмас қилар мени овора,  
Амалдор тухми қурисин – фосиқлик.

718

Парижоним, чўчитмас мени лашкар,  
Агар юз тўдага бўлсин баробар.  
Чўчирман этасан деб бевафолик,  
Вафоси йўқ мудом бўлгай ситамгар.

719

Нолийман то дили нолон нолийди,  
Сарою хонаю айвон нолийди.  
Оҳу саҳродаю йўлбарс тоғда,  
Балиқ Ҳинд баҳрида гирён нолийди.

720

Чилим дерману қул-қул айлагайман,  
Фифон мисоли булбул айлагайман.  
Тушиб қолдим аёллар мажлисига,  
Тамошо хирмани гул айлагайман.

721

Ошиқлар чашмасин қилдим зиёрат,  
Тилим куйдирди дилдаги ҳарорат.  
Суву нону шароб бўлмаса-бўлмас,  
Сенинг васлинг қилас менга кифоят.

722

Сахар борар еrim манзилинг эрди,  
Камарбандим қўша кокилинг эрди.  
Зиёратгоҳим – ул дам чиқсанг уйдан,  
Гўзал юзинг, сочи сунбулинг эрди.

723

Юрарман мен қаландарвор<sup>1</sup>, бадар кет!  
Кезарман тоғма-тоғ бедор, бадар кет!  
Аналҳақ айтибон гўёки Мансур<sup>2</sup>,  
Оқибат қисмат бўлди дор, бадар кет!

<sup>1</sup> Қаландарвор – қаландар каби.

<sup>2</sup> Мансур – машхур сўфий Мансур Ҳаллоҷ (850–922). “Аналҳақ” – “Мен – Ҳакман” дегани учун ваҳшиёна бир тарзда ўлдирилган.

724

Кулох<sup>1</sup> кийган бошингдан айланай, ёр,  
Тишинг тилло, лабинг шам – бўлсам икрор.  
Қайнотамга бердим бор молимни,  
Куёвим келмасин, дейди у, зинхор.

725

Мусулмонлар, қушим қўлдан олишди,  
Боғим ўртасидан гулим юлишди.  
Боғим ўртасидаги гул не эрди?  
Суянган тогимдан жудо қилишди.

726

Сафар қилдинг, сафар қилдинг узокқа,  
Ўзинг кетдинг мени ташлаб фироққа.  
Ари уясидай қилиб дилимни,  
Ўзинг кетдинг топай деб пул қаёққа?

727

Ҳино қўйибсан оппоқ қўлингга, ёр,  
Қўрай, том устига чиқ, сени бир бор.  
Агар қошимга келсанг ўйнаб-ўйнаб,  
Лабим тергай лабингда гул, вафодор!

728

Эшит, ёrim, қадрдонсанми ё йўқ?  
Тегиб эрга, пушаймонсанми ё йўқ?  
Отанг амри билан тегдингми эрга,  
Отанг билгай – беармонсанми ё йўқ?

729

Отажон, қилганинг хор кимга айтай?  
Жудо мендан суюк ёр, кимга айтай?  
Бу жонимга уриб ханжар учини,  
Мени этдинг-ку бемор, кимга айтай?

<sup>1</sup> К у л о х – бош кийими.

730

Қаерда қолдинг, эй дўсти ягонам?  
Сенга маълум эмас ҳолим ҳамонам.  
Юзингни кўрмадим мен икки-уч кун,  
Куиб кул бўлсин-еъ бундай пешонам!

731

Ётибсан қайда, бедоринг қилай, ёр,  
Тамошо кўзи хумморинг қилай, ёр.  
Агар уйқуга қаттиқ кетган эсанг,  
Кўнгил бўлмаски, бедоринг қилай, ёр.

732

Кўзим ёши билан кўнглим шод айлай,  
Кечакундуз сени тинмай ёд айлай.  
Умидсизлик заминига ўтириб,  
Ҳамиша ўз бошим узра бод<sup>1</sup> айлай.

733

Жаҳон гулларида йўқ бўйинг, эй ёр,  
Малакларда бу хулқу хўйинг, эй ёр.  
Гўзалсан худди ўн тўрт кунлик ойдай,  
Йўқ ойда ҳам юзи хушрўйинг, эй ёр.

734

Кўйингга энди келишни бас этдим,  
Нокасни қандайин ҳамнафас этдим.  
Эмасман нокасу нокасни севдим,  
Эсанг сен қибла, намозни бас этдим!

735

Менинг қаддим эгилди мисли Мажнун,  
Чекармиз уйда сен, кўчада мен ун.  
Жудо қилган эса сену мени ким,  
Шу ер ютсин уни монанди Қорун!

<sup>1</sup> Бод – ел, шамол.

736

Асири бўлдим кўзи шаҳлога бугун,  
Ёш этди ғарқ дўниб дарёга бугун.  
Қадим эгилди мажнунтол мисоли,  
Тушиб ҳижрон деган савдога бугун.

737

Сира юлдуз кезарми кўк аро каж,  
Менингдек бир киши юргайми беваж.  
Мен атрофингдан айландим бутун тун,  
Кезарми шунча ҳеч ҳожи қилиб ҳаж?

738

Бошим оғрийди – қайда онажоним?  
Бошимни силасин у жонажоним.  
Бошимни силаса меҳри билан у,  
Бу дарддан ором олармиди жоним?..

739

Буюрди ташриф ул моҳи тобоним,  
Пари ташрифидан хуш хонадоним.  
Яшардим бир ўзим хилват гўшада,  
Келиб ёритди шамъи шабистоним<sup>1</sup>.

740

Бу чопқир арғумоқнинг кўкси ёлдор,  
Айил булғориу жилови заркор.  
Саҳар ҷоғи мени ёрга олиб бор,  
Ўпай мен ёрни, сен арпа е бисёр.

741

Мен ўйнай томнинг орқасида ошиқ,  
Қиласай ўзимга икки қизни маъшуқ.  
Менга бу иккиси бўлмаса рози,  
Талашгум қозининг уйида қаттиқ.

<sup>1</sup> Шамъи шабистон – тунни ёритувчи шам; мажозан: гўзал маҳбуба.

742

Гулистон рашк этармиш хуш бўйингдан,  
Кўнгилда йўқ қарор кўш жодуйингдан.  
Пешонамнинг жароҳатига боқсам,  
Эмиш мажрух ўша қоши ёйингдан.

743

Азизлар, доду бедод ишқ ғамидан,  
Йигитлик бўлди барбод ишқ ғамидан.  
Билолмайман, нима қилай, азизлар,  
Бирор дил кўрмадим шод ишқ ғамидан.

744

Сочингга тоб бериб, зебо қиласан,  
Юзингга мунчалар оро қиласан.  
Бўлай қурбон чаросдай кўзларингга,  
Нега менга мудом жафо қиласан?

745

Гуландом ёриму охуи Чиндир,  
Гўзаллар ичра шоҳ шу нозаниндири.  
Кўзи – оху, лаби – лаъли Бадахшон,  
Хирожи давлати Эронзаминдири.

746

Дилим мисли дарича пора-пора,  
Келин бўлди менинг ёрим бечора.  
Ўқилган тун никоҳ мажбуран унга,  
Менинг оҳим фалакни қилди қора.

747

Бошим бору хаёл доим паришон,  
Тириклик бўлди менга офати жон.  
Магар йўқми тузи нонимнинг, э воҳ,  
Ганимим бўлди берсам кимга мен нон?!

748

Бу тош диллардан асли харсанг афзал,  
Бу хил номеҳрибонликдан жанг афзал.  
Кетай ҳажрингда бош олиб биёбон,  
Биёбонни кўрар бу дилтанг афзал.

749

Қаёққа боқмайин сўйингдадирман,  
Гадодек доимо кўйингдадирман.  
На Макка бораман ва на Мадина,  
Тақиб зуннор, бир ҳиндуйинг-дадирман.

750

Шафақ лола каби алвон бу кеча,  
Оқар кўз ёши эмас, қон бу кеча.  
Шафақдан кипригинг ўқи туфайли  
Таралгай нолай ҳижрон бу кеча.

751

Насим олиб келар Кобул ҳидини,  
Босиб кетар бу ҳид сунбул ҳидини.  
Хаёлинг олсам огушимга тунлар,  
Тўшагим тонгда сочар гул ҳидини.

752

Бўлай иккинчи бор, ёр, сенга қурбон,  
Берибман сенга дил эс жўйганим он.  
Магар осмондаги юлдузмисан сен –  
Кутулмок бўласан қўлимдан осон?!

753

Сурув йўлдан ўтиб, Гулрон келармиш,  
Қўшиқ айтиб, жасур Гулжон келармиш.  
Бориб айтинг йигитнинг онасиға,  
Кигиз солсинки, хон – чўпон келармиш.

754

Мусулмонлар, дилимни ғам тутибди,  
Мисоли Кайту тоги дам тутибди.  
Мисоли Кайту тоги, Банди Бобо<sup>1</sup>,  
Санам қўш зулфини шабнам тутибди.

755

Назар солдим лаган, чойнакка аста,  
Жаҳон маҳтобига бокдим ҳавасда.  
Олиб суратини ўз дилбаримнинг,  
Чиқардим суратини бир нафасда.

756

Ғамингда ёниб, иситма киларман,  
Куним хорлик аро тунга уларман.  
Куним хорлик аро тун бўлмаса ҳам,  
Дамодам тун киришини тиларман.

757

Бу кун ишқинг бўйидан ўртанаарман,  
Бу кун ишқинг кўйида мен ёнарман.  
Ўчоққа ўрнатилган бир қозонман,  
Бу кун ишқингда чунки дил ёқарман.

758

Менинг-ла қатра ишқ майин нўш айла,  
Саломат бу танимни беҳуш айла.  
Кулингдирман – уриб ҳалқа қулоққа  
Ситамгар дилбарим, дилинг хуш айла.

759

Қачонгача чидарман бу фироққа,  
Тушиб севимли ёримдан йироққа?!  
Қачонгача паришон айлар ишқи,  
Ғамидан санчилиб нишлар қароққа?!<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Банди Бобо – тоғ номи.

<sup>2</sup> Қароқ – кўз қорачиги.

760

Азизлар, ақлни вайрон қилар ишқ,  
Күнгилни күйдириб, бирён қилар ишқ.  
Азизлар, шер ишидир ишқбозлик,  
Қачон у гўдаги нодон қилар ишқ?!

761

Азизлар, дилда кўп дарду ғамим бор,  
Фигонимни оширди чархи маккор.  
Ўзингга йиглагайман, бевафо чарх,  
Сенга айтар сўзим кўп этсам изҳор.

762

Сулув ёр, ишқинг ичра “ху”<sup>1</sup> қиларман,  
Бўлиб булбул, фифон ҳар сў<sup>2</sup> қиларман.  
Солибсан қумридек бўйнимга тавқни<sup>3</sup>,  
Ғаминг бозорида ку-ку қиларман.

763

Бу боғ ичра иморат айлагайман,  
Ўпиб лабингни, горат айлагайман.  
Лабинг Маккаю мен ихлосли ҳожи,  
Қилиб ихлос, зиёрат айлагайман.

764

Салом мендан, алик сендан, нигоро,  
Жафо шамширини урдинг бепарво.  
Дилимда яширин минг битта сир бор,  
Бу сирларни қилолмадим ошкоро.

<sup>1</sup> Х у – Оллоҳ таолонинг исмларидан бири бўлиб, учинчи шахс бирликдаги у  
инносини билдиради. Сўфийлар кўпроқ Ху деб зикр қиласидилар.

<sup>2</sup> С ў ( Й ) – томон, тараф.

<sup>3</sup> Т а в қ – баъзи кушларнинг бўйинларидаги халқа шаклидаги чизик.

765

Сенинг ишқингда шайдодир бу кўнгил,  
Мудом бир банди савдодир бу кўнгил.  
Жунун<sup>1</sup> иқлимида кўп кездим, аммо,  
Тополмай ғамга ошнодир бу кўнгил.

766

Фирогингда фифон-оҳ айлагайман,  
Туганмас нола барпо айлагайман.  
Инону сабру тоқат кетди қўлдан,  
Кетарда шўру ғавго айлагайман.

767

Нега бўлдинг жудо, сарви хиромон<sup>2</sup>,  
Қўйиб минг бир жароҳат дилга пинҳон?  
Менинг садбарг<sup>3</sup> гуллим, қилдинг жудолик,  
Магар бўлдингми аҳдингдан пушаймон?

768

Сабо, раҳм айла бу кўнгли яримга,  
Хабар мендан олиб бор дилбаримга!  
Дегил: “Ошиқ куйиб-ёниб демишидир:  
“Келиб ўлтиrsa эди ёр баримга!”

769

Пари кўрдим, изидан ҳур келадир,  
Ўзи ойу шериги муштари(й)дир<sup>4</sup>.  
Назар чодирининг остига қилдим:  
Қаро кокиллари мушк-анбариdir.

<sup>1</sup> Ж у н у н – ошиқлик, бекарорлик; савдойилик, телбалик.

<sup>2</sup> С а р в и х и р о м о н – хиром этувчи сарв, яъни чиройли юришли маҳбуба.

<sup>3</sup> С а д б а р г – хушбўй гул. Барги кўплиги учун садбарг – юз баргли гул дейишади.

<sup>4</sup> М у ш т а р и ( й ) – харидор, талабгор.

770

Чараклайди сахар чоғида юлдуз,  
Қарар қызларга ошиқ кечә-кундуз.  
Ошиқ күнгли бамисли ғунчай гул,  
Умиди гунчай гулнинг ўзингиз!

771

Етар, кўп ғам ема, ёринг келармиш,  
Дилингга сабру қароринг келармиш.  
Чида, жоним, қучогингга киришга  
Ўшал ёри жафокоринг келармиш.

772

Туяning устида икки киши бор,  
Бири ёру унинг, бири хизматкор.  
Анор донасидан чилим қилай мен,  
Чекиб, сўнг олмазор ичра кирап ёр.

773

Даричангдан чиқардинг бош, нигоро,  
Тушар ҳалқа сочинг белинггача то.  
Үйинг ичида берган ўша бўсанг,  
Асил гулларданам эди мусаффо.

774

Садо бердинг, эшит деб бу садони,  
Ўқинг қушни ураг қилмай хатони.  
Ҳануз тушған эмас сут тишларинг, ҳей,  
Гўдаксан, билмагайсан, бас, вафони!

775

Қаро тўн киймагил, эй оқбадан ёр,  
Жафонг ғамза билан ўлдирди ошкор.  
Бўларсан қотил – ўлдирса карашманг,  
Келиб кўр – мен ҳали ёшман, ситамкор!

776

Тушимда кўраман тунлар ватанни,  
Нима дилдан ювар бу дарду ғамни?!  
Кеча-кундуз шудир менинг дуойим:  
Қани бир бор яна кўрсам ватанни!

777

Ўраб бошга рўмоли қандахорий  
Олиб кетдинг дилимни, эй нигоре!  
Олиб кетдинг дилим ҳамкорлик айлаб  
Қошингнинг ёйию кўзинг хумори.

778

Бу ғамда йигласам на меҳрибон бор,  
На боқувчи киши бўлганда бемор.  
Агар ҳижрон юки остида ўлсам,  
Тутишга мотамимни йўқ бирор ёр.

779

Ҳалилжон шоли бошга боғлик, эй дўст,  
Арақчин турк ишидир ортиқ, эй дўст.  
Санамнинг нозику оқ оёғига  
Кобулнинг кавши ёлғиз лойик, эй дўст.

780

Ўшал қадди баландингга ўлай мен!  
Ўшал қоши камандингга ўлай мен!  
Хиром айлаб юрарсан томинг узра,  
Лабингга – мисли қандингга ўлай мен!

781

Сочинг монанди ҳалқа урган илон,  
Бўлибди бу юзинг узра паришон.  
Тушибди бўйнинг узра ҳалқа-ҳалқа,  
Мисоли риштаи марварид-маржон.

782

Ёнингда турган ушбу мухтожингдир,  
Хаётим риштаси сенинг сочингдир.  
Менинг ҳаж айлаганларга ишим йўқ,  
Менинг ҳажим шу қайрилма қошингдир.

783

Қаёққа борасан зеболаниб, ёр,  
Оёғинг оғритар кирса тикан – хор.  
Сенга тухфа қиласай булғор ковуши,  
Чидолмайман агар сен чексанг озор.

784

Дурадгорнинг қўли синсин, илоҳо,  
Урап ёр эшигига тешани то.  
Эшигу тахтаси вайронга бўлса,  
Юзингни зора кўрсам, эй дилоро!

785

Факир Бағдодга бордим шиша учун,  
Шиша олдим, тушиб синди у лекин.  
Йўлим йироқ, машақатли ишим ҳам,  
Илоҳо, хўжайниннинг уйи куйсин!

786

Нега том устига чиқмайсан, эй моҳ?  
Нега ҳолимдан эмассан ҳеч огоҳ?  
Ўлиб бўлдим-ку айрилиқ ғамидан,  
Агар сен Лайли, мен Мажнунга ҳамроҳ!

787

Кетаркан, эй пари, бизга назар қил,  
Асирингман – бу ишингдан ҳазар қил.  
Асирингман – бунга бир йил бўлди,  
Сариқ рангимга сен бир бор назар қил!

788

Шерозга келдим-ей дил хаста, доғлик,  
Кўринг шум толени – дарвоза боғлиқ.  
Қани, дарвозабон, дарвозани оч,  
Фарид, бечораман ҳаммадан ортиқ!

789

Ширин уйқуда эдим – шабнам етди,  
Кўзим очганда ёри ҳамдам етди.  
Кўзим очганда ўз ёрим кўринмас,  
Бу не ғамки, ғам устига ғам етди.

790

Йўлимнинг бошини бир қиз олибди,  
Камарбандимга дадил қўл солибди.  
Борингу онасига қизнинг айтинг:  
“Бу икки ёш иши битиб қолибди!”

791

Фариблиқда кўп одат бордир, эй дўст,  
Ғаму ранжу машакқат бордир, эй дўст.  
Фариблиқда агар ўлса қай инсон,  
На бир обрў, на иззат бордир, эй дўст.

792

Кўчага чиқасан бошда якандоз,  
Кўзингни сузасан ноз ила танноз.  
Йигитларни этиб қасд ўлдирарсан,  
Ноз этма, менда йўқдир тоқати ноз!

793

Саодат барчаси сенинг ўзингда,  
Саодат чашмаси хумор кўзингда.  
Саодат сен биландир бу жаҳонда,  
Унга ҳар кеча қўл берган ўзинг-да!

794

Билолмайманки, кўнглим кимга мойил,  
Гирифтори шу икки кўзи қотил.  
Билолмайманки, бу кимнинг хатидир,  
Бу хатдан гул ҳиди келгай – назар қил.

795

Бўлай қурбон сочи ўрим-ўрим ёр,  
Менга қилдинг сўзинг афғонча изҳор.  
Тушунсайдим агар афғон тилини,  
Кўчанг бошида ётардим умидвор.

796

Гулим, сендан узолмам дилни зинҳор,  
Сенга бандалигимга хужжатим бор.  
Ширироқ мева йўқ жондан, у бўлсин  
Кулиб турган лабинг курбони минг бор!

797

Булоқ бўйига йўлдан келдим, эй ёр,  
Қанисан, кўрмадим юзингни бир бор?  
Уйингда кўрганим чоги онангни,  
Киёмат бўлди кўз ўнгимда ошкор.

798

Қаён бормоқдасан танҳо, гулижон?  
Биларман, борасан кино, гулижон!  
Кинонинг номи “Майванд йўли”ми, айт?  
Нега ёнингда йўқ ошно, гулижон?

799

Кел, эй, бағримга босай шу танингни,  
Кўмай бўсага кўзу гарданингни.  
Шакар терай шу ширин лаблингдан,  
Хиром айла, кўрай бир юрганингни!

800

Фирогингда дилим беғам эмас ҳеч,  
Күзим ҳажринг аро бернам эмас ҳеч.  
Агар куйсам бу ҳижрон ичра юз йил,  
Сенинг ишқинг дилимда кам эмас ҳеч.

801

Эй элчи, сўйла ул ғунчаравишга,  
Санавбарқад, лаби шаккарқамишга.  
Сен айшу шодлигинг-ла баҳтиёрсан,  
Мен маҳқумман жигар қонин ичишга!

802

Ғами ишқинг биёбонпарвар этди,  
Қанотимни қайирди, бепар этди.  
Дединг: сабр айла, сабрим мени аммо,  
Умидсизликда ҳолим баттар этди.

803

Сафар юкини, кел, боғлаб қўйибман,  
Ичиб ғурбатда дил қонин тўйибман.  
Бўшатайлик, кел, эй, кўнгилни, қайта  
Кўришармизми-йўқ деб дил ўйибман.

804

Ҳаётимдир паришон, эй гул, эй гул,  
Тўқар кўзим мудом қон, эй гул, эй гул.  
Камондек икки қошингнинг ўқидан  
Дилим дарди бедармон, эй гул, эй гул.

805

Кулиб булбулга гул тонгда беозор  
Дер эмиш: – Тингла, эй ёри вафодор!  
Агар менга бўлишни хоҳласанг ёр,  
Тиконимга чида, нолима зинҳор!

806

Агар гулга тиканлар бўлмаса ёр,  
Қачон булбул чекарди нолаю зор?  
Агарда бўлмаса ёр сочи сунбул,  
Ошиқ боф сайрига борарми зинҳор?

807

Юзинг, мўрчамиён<sup>1</sup>, оламга оро,  
Душанбеда маконинг бордир аъло.  
Тўяйлик бир-биримизга бирор кун,  
Агарда саъю майлинг бўлса, зебо.

808

Сафар Фурёнга томон айлагайман,  
Дўстларга меҳрим уммон айлагайман.  
Агар айланса кулга устухоним,  
Хаёли васли жонон айлагайман.

809

Йўлингда ўлтирай йўниб тароқ, ёр,  
Тарашга у билан сочинг умидвор.  
Сени ҳам телба айлардим ўзимдек,  
Агар қўрқитмаса севгинг мени, ёр.

810

Баланд тоғ устида бир дона буғдой,  
Мусофираман бировлар мулкида,вой.  
Мусофири юра-юра зор бўлдим,  
Яқину ёт ичиди хор бўлдим.

811

Тилинг ўқиши учун жуда расодир,  
Яқин ўриси тилига – ошнодир.  
Ўтирасам сен билан, эй ёр, қачон мен,  
Ўша чоғ барча дарс зеҳнимга жодир.

<sup>1</sup> Мўрчамиён – бели ингичка.

812

Лабинг ўпсам, тилинг сўрсам, на созе!  
Қулогимга келар кулгу овози.  
Ўшал дам ақлу хуш қайтар ўзимга,  
Қачон бирга бўлишга бўлсанг рози.

813

Ёзарман хат – қаламдир шохи арча,  
Қалоча қишлоғига бу хабарча.  
Равона қиласман – ёрим ўқисин,  
Фамидан бўлди кўнгил парча-парча.

814

Менга майли сафар қайдан, гулижон,  
Жудо бўлгай назар қайдан, гулижон?  
Жудолик бор-йўғи беш кунлик эди,  
Чўзилди бу қадар қайдан, гулижон?

815

Камаймас оҳ чекиб дардим мукаррар,  
Бўларми қишида менга гул мұяссар?  
Маломат айламай ҳар қанча дилни,  
Бу кофир дил мусулмон бўлмас ўхшар.

816

Эшикдан чиқдиму қилдим видо мен,  
Азиз дўстдан тирик туриб жудо мен.  
Азиз дўстлар, қолинг хуш – қайта келмас  
Сафарга кетдим-ей, бўлиб адo мен.

817

Бўлиб Мажнун каби Лайли гадоси,  
Борарман кўйига мисли адоси.  
Қўйиб кафтимга жонимни, азизлар,  
Қиласман шод бўлиб Лайли фидоси.

818

Юзингдан тер оқар чак-чак, гулиジョン,  
Варақ – юз, зулф эса безак, гулиジョン.  
Юзинг гүёки зулмат ичра шамдир,  
Шафақ ой устида бешак, гулиジョン.

819

Ярамнинг олдида туз шўр эмасдир,  
Машаққат чеккудек тан зўр эмасдир.  
Кесарман ширасиз бу қўлчаларни,  
Бировга овқати манзур эмасдир.

820

Тегизма туз жароҳат бўлса тоза,  
Мени ўлдирганинг қилма овоза.  
Шаҳардан ташқари отма танимни,  
Етар хор этганинг ўзимни роса.

821

Лабинг гўё лимон билан апельсин,  
Оғиз ичра тишинг оқ марварид – чин.  
Кўзинг ноз ила боқар ҳар кишига,  
Менга чимрилади қошинг қилиб кин.

822

Гулим бордир, нигоҳ айла, гулиジョン,  
Кетарман мен, дуо айла, гулиジョン.  
Худо билгай келиш-келмаслигимни,  
Сабрни дилга жо айла, гулиジョン.

823

Бўлай қурбонинг, эй томоги биллур,  
Қўлим хам тама айлайди бўлиб жўр.  
Сени тўрт ўлка кезиб кўрмадим, бас,  
Магар жаннатми жойингу ўзинг хур?!

824

Келишган қоматинграйхон, лабинг қанд,  
Дилим ишқинг тузогига бўлиб банд.  
Агар ҳуснинг закотини сотарсан,  
Харидори ўзим, қиммат у ҳарчанд.

825

Дудогинг пистага ўхшайди, ёрим.  
Қадинг гулдастага ўхшайди, ёрим.  
На бўлгай тун бўйи булбул фифони?  
Мени дилхастага ўхшайди, ёрим.

826

Оқар сув бошида дучор этибсан,  
Менга бир сурмадон иқрор этибсан.  
Оқар сув бошида тол сояси бор,  
Ёш эдим, ёшлигимни хор этибсан.

827

Қадим ғамдан эгилди мислики дол<sup>1</sup>,  
Дилимни ғам сипохи қилди поймол.  
Чидам йўқ менда бир дам айрилиққа,  
Нетай, йил қилса дамни чархи қаттол?!

828

Хабарчи, сўзла-чи, дилбар нима дер?  
У сабр гули, парипайкар нима дер?  
Куярман ишқида мен нотавон, айт,  
Бу кул ҳақда не деб ўйлар, нима дер?

829

Ширин кулгинг сахар ёдга келар, ёр,  
Куюк дил оҳу фарёдга келар, ёр.  
На хуш, сендан хабар бир кун, кулиб баҳт,  
Бу кўнгли хаста, ношодга келар, ёр.

<sup>1</sup> Д о л – араб алифбосидаги “д” ҳарфи; мажозан: эгик, хам.

830

Кўйингда то иқомат айлагай дил,  
Тамошои қиёмат айлагай дил.  
Алиф тун долига<sup>1</sup> мойил бўлиб, бок,  
Ўшандай машқи қомат айлагай дил.

831

Бўлиб маҳзуну саргардони Нозик,  
Дилу жон мойилу қурбони Нозик.  
Вужудим ишқи ўти оташида  
Балиқдек бўлди-ку бирёни Нозик.

832

Куюк кўнглимда қон тун-кун урар мавж,  
Яна қўксимда ўт-учкун урар мавж.  
Санамнинг дардида ёшли кўзимдан  
Дамодам худди бир Жайхун<sup>2</sup> урар мавж.

833

Шу Нозик зулфининг олам баҳоси,  
Жаҳон аҳлининг оғзида дуоси.  
Шу Нозикнинг гўзал хулқ-хислатидан  
Малаклар ўрганар бўлиб фидоси.

834

Ўтирдим ёнма-ён тандир бошида,  
Ўзин мақтаб, эрин қарғаб қошида.  
Илоҳо, ўлсаю беномус эри,  
Қучиб ётсам беминнат ёнбошида.

835

Қилиб шанба туни Кирмонда бозор,  
Оғир юқ остида от бўлди абгор.  
Етишгач Исфаҳон суви бўйига  
Ўтириб йигладим чекиб оҳу зор.

<sup>1</sup> Т у н д о л и – бу ерда мажозан хилол – уч кунлик ой бўлса керак.

<sup>2</sup> Ж а й х у н – Амударё.

## 836

Қаро күзликни қўрдим айлоқ<sup>1</sup> ичра,  
Бу хил қиз йўқ на турк, на аймоқ<sup>2</sup> ичра.  
На турк ичра, на аймогу тожикда,  
Тенги йўқ қиз терарди гул боғ ичра.

## 837

Лабингни қўй лабимга – мен ўларман,  
Туйиб бўйинг, мудом ором оларман.  
Лабингни қўй лабимга тонг-саҳарлар,  
Агар юз ёшли чолман, ёш бўларман.

## 838

Эшит, қиз, сен билу билсин Худойинг,  
Асири қилди ўзига тўрут жойинг:  
Шу оппоқ бўйнингу айланма ёқанг,  
Кумуш тан, тик оёққа мен гадойинг.

## 839

Қанийди мен сенга ёр бўлса эдим,  
Қанийди донаи нор<sup>3</sup> бўлса эдим.  
Анор ичра ширин бир дона бўлиб,  
Мудом шарбати бемор бўлса эдим.

## 840

Қошимдан кетдингу шод этмадинг, ёр,  
Юбориб нома, дилшод этмадинг, ёр.  
Олиб кирдинг муҳаббат мактабига,  
Сабоқ бердингу озод этмадинг, ёр.

## 841

Узокдан қўрганим қилмас кифоя,  
Узок кетдинг – қўлим етмас у жоя.  
“Узок кетдинг, кела қол тез, сенингдек –  
Яқиним йўқ экан”, – дедим ул оя.

<sup>1</sup> А й л о қ – Мовароуннахрда яшаган қавмлардан бири.

<sup>2</sup> А й м о қ – Афғонистондаги тожикзабон қавмлардан бири.

<sup>3</sup> Н о р – бу ерда: анор.

842

Ўзим ҳам ўлмасам, ўлмаса ёр-да,  
Ғаним бошини кўрсам кошки дорда.  
Ғаним бошини кўрсам пора-пора,  
Ўзимнинг бошими оғуши ёрда.

843

Яшил тогларнинг ортида Ҳиротдир,  
Санамжон, ўлмади ёринг – ҳаётдир.  
Агар тупроққа қориштирмаса ишқ,  
Оёгинғ ўпгали келмок муроддир.

844

Мени ўлдирди кечув оқизоги,  
Кечанинг зулмати, йўлнинг узоги.  
Коронги тун, йироқ йўл не бўлибди,  
Мен ўлдирди хипчабел фироги.

845

Баланд тоғ устида фарёд урарман.  
Туямни йўқотиб, излаб юрарман.  
Туям шўрлик туяларға эди шоҳ,  
Келиб кўр бир тўполонимни, дилхоҳ!

846

Бошим оғрир, бошим оғрийди ҳар он,  
Билолмайман: нега рангим заъфарон?  
Дейишар: боиси иссик ҳаводир.  
Биларман: боис ишқи дилрабодир!

847

Бориб ёримга айт: ёринг келибди!  
Гули наргис, харидоринг келибди!  
Бориб ёримга айт: бўл хурраму шод,  
Ўшал ёри вафодоринг келибди!

848

Қучоғимга олай нозик белингни,  
Танингни ўраган алвон шолингни.  
Юзингда уч юз олтмиш ўпичим бор,  
Олай бир-бир ўпид лаби болингни.

849

Икки-уч йилки, жафо тортаман мен,  
Туя сафини танҳо тортаман мен.  
Туя карвонининг юки сариёг,  
Сени деб гули раъно тортаман мен.

850

Нима сўз, не фикри бордир гулимнинг?  
Яширин бир сири бордир гулимнинг.  
Лабин қимтиб, тишини тишга босмиш,  
Ётар чоги қаҳри бордир гулимнинг.

851

Бошим тошдир, бошим тошдир, гулижон,  
Сариқ рангим, дилим гашдир, гулижон.  
Бу зорлигу бу дилтанглик не бўлти?  
Асири этган паривашдир, гулижон!

852

Жафо занжири-ла боғлаб оёғим,  
Бало зиндонин айлашди ётогим.  
Йиқилгайдир бўлиб вайрон бу зиндон,  
Ўтар нола билан ғамда ҳар чогим.

853

Ният қилдимки, навкар бўламан мен,  
Асири холи дилбар бўламан мен.  
Бу дунё молини топиш учун, ох,  
Фарийликка баробар бўламан мен.

854

Хабар келдики, Кобулда сув йўқдир,  
Санамнинг кўзларида уйку йўқдир.  
Қотиб қолган қалам мирзо қўлида,  
Санамнинг қайғусидай қайғу йўқдир.

855

Сафар кутар мени олдинда узоқ,  
Бошимда мингта савдо, дил тўла дог.  
Бошимда нозанин ишқи савдоси,  
Факирликдан гўр оғзида бир оёқ.

856

Бўлай етилмаган қаддингга қурбон,  
Юз ўғлон ичра ошифингман, эй жон!  
Юз ўғлон ичра сен қилдинг ишорат,  
Эшик ортида ўлдим бўп хижолат.

857

Олиб қочма ўзингни мендан, эй ёр,  
Сену менинг орамизда ҳисоб бор.  
Қутуларман деб ўйларсан қўлимдан,  
Нима, осмондаги юлдузмисан, ёр?!

858

Таним шу қизгинанинг тахти бўлсин!  
Бошим банди ғамининг рапти<sup>1</sup> бўлсин!  
Лабининг ёди кўнглимда ҳамиша,  
Дили қаттиқ агарчи, баҳти бўлсин!

859

Отиб тонг, берди кундуздан нишона,  
Уйига олди йўл шошиб жонона.  
Хўроз, бўлмасмиди кўр бўла қолсанг,  
Ёрим кетишига бўлдинг баҳона.

<sup>1</sup> Р а х т – асбоб-анжом, сафар нарсалари.

860

Қадинг сарви равондир, эй гулижон,  
Умр сен деб хазондир, эй гулижон.  
Хафа қилма бу нозик дилни асло,  
Суюклинг меҳрибондир, эй гулижон.

861

Бўлай қурбон сенга, эй тоза олма,  
Намозимда адашдим – ғамга солма.  
Сенинг эҳсону хайринг кўрмадим мен,  
Қилиб умримни зое, бели толма!

862

Сени, эй ёри жон, кўрдим паришон,  
Ошиқлик қилмадинг биз бирла чандон.  
Эшитдингми бирор ёлғон сўзимни?  
Хафа бўлма сира – жон сенга қурбон!

863

Сени, ёрим, паришон айлаган ким?  
Сени мендан хафақон айлаган ким?  
Менинг ёрим эдинг асли азалдан,  
Билолмайман – пушаймон айлаган ким?

864

Баҳор келди-ю, мен шайдо юрарман,  
Мисоли булбулигё юрарман.  
Қўли ёр бўйнида дўсту яқинлар,  
Мени мискин нечук танҳо юрарман!?

865

Ким ошиқ дарду доғини билибди,  
Ўзини ҳамнафас унга қилибди.  
Гўдакка ўхшагай ошиқ юраги,  
Ўшал гўдакки, онаси ўлибди...

866

Мен ишқни сендан ўргандим, гулижон,  
Бу йил дардингда ўртандим, гулижон.  
Сени кошки яратмаса Худойим,  
Қаердан сени кўргандим, гулижон?!

867

Қаён кетмоқдасан, эй нозанин ёр,  
Кел, эй, тўя кўрай юзингни бир бор.  
Мурувват айла жонимга, ситамгар,  
Фироғингда бўлибман хастаю зор.

868

Қалам олдим юзингни айлабон ёд,  
Чизай қайрилма қошингни, паризод!  
Қаламни юргизарман паст-баландга,  
Алифдай қоматингни айлабон ёд.

869

Неча куну неча ойу неча йил  
Кечакундуз изингдан юрдим, эй гул.  
Хабар келди – эринг бўлибди бемор,  
Кафандўзниң дўконида эдим, бил.

870

Ипакка нега ботмайсан, гулижон?  
Қиёмлар нега тотмайсан, гулижон?  
Лабинг писта, тилинг бодом мағизи,  
Ошиққа нега сотмайсан, гулижон?

871

Тушундим нома ёрдан олган оним,  
Жудо бўлибди ёри меҳрибоним.  
Ишим кундуз ўқиши, тунлар қўриқлаш,  
Ки қолмай гўшту пўсту устухоним.

872

Сипоҳ килса ёмонлик, таъна бўлгай,  
Дили гўёки арихона бўлгай.  
Нигоҳбон тунлари, кундузи таълим,  
Кўзи-чи, интизори хона бўлгай.

873

Қара, елкамда менинг милтиғим бор,  
Уйимда машқ этарман уни, эй ёр.  
Капитаннинг уйи куйсин, илоё,  
Мени элдан-элга чоптиар зор.

874

Агар ўлсам, дуо айла, отажон,  
Тилагимни бажо айла, отажон.  
Қолар икки гулим менинг изимда,  
Уларга жон фидо айла, отажон.

875

Кўзинг тимқораю йўқ унда жоду,  
Томогинг оқига рашқ айлар оҳу.  
Менинг ёримдаги бу хушбўй ислар  
Йўқ анҳор бўйидаги сарвда, ёҳу!

876

Бирор тоғу камарда борми бўйинг?  
Бирор ой шуъласи юзинггами тенг?  
Шу тенгсиз қошларингга тенг бўлармиш  
Агар келса чиқиб ой қибладан денг!

877

Кел, эй ёр, илгарирок ўлимимдан,  
Икки қўлингни ўтказ бўйинимдан.  
Икки қўлингни ўтказ дўстлик ҳаққи,  
То жон чиқсин осонроқ бўғизимдан.

878

Мусулмонлар, күринг, тун – аллавақтдир,  
Ки булбул масти шайдойи дараҳтдир.  
Бу шоҳдан учару у шоҳга қўнар,  
Она-бала фироғи катта дарддир.

879

Эшит, ёрим, мени девона қилдинг,  
Мени маҳқуми бандихона қилдинг.  
Солиб занжир нозик оёқларимга,  
Қамоқда маҳбуси гирёна қилдинг.

880

Бир ойдин тунки, бўрилар қилас ов,  
Киши йўқ – кела қол қошимга дарров.  
Агар ҳамсоялар бўлишса бедор,  
“Олиб келдим, – де, – бир дарвешга сийлов”.

881

Бўлай қурбон сенга, эй сарви озод!  
Бўлай қурбон сенга, жажжи паризод!  
Тўсай йўлингни мактаб борганингда,  
Кўриб то офарин десин-да устод!

882

Сенинг ишқингда бўлди тоқатим тоқ,  
Дилим кўрмоққа дийдорингни мушток.  
Агар сабру қаноат айласам-да,  
Тўзар сабрим совути муттасил, бок...

883

Бодомнинг сугидек дармонсан, эй гул,  
Томингнинг устида ҳар онсан, эй гул.  
Тушунмайсан бу дўстлик маънисини,  
Наҳотки, шунчалар нодонсан, эй гул?!

884

Кел, эй ёнимга, кел, эй олма ёнок,  
 Күнгил дардини айтай бошдан-оёк.  
 Ўшал кунки, күнгилни сендан уздим,  
 Тирикликтан умид уздим ўшал чог.

885

Йўлингда ўтириарман то келарсан,  
 Қилай садқа сенга ҳар не тиларсан.  
 Ширинрок тухфа йўқ жонимдан ортиқ,  
 Чўчирман токи жоним рад қиласан...

886

Ўшал кунданки, мен сендан жудоман,  
 Азиз дўстим, ўлимимга ризоман.  
 Бир-икки кунки, беморман тўшақда,  
 Хабар олсанг-чи, дарди бедавоман...

887

Бу ҳолимдан агар бўлсанг хабардор,  
 Куяр тош юрагинг жонимга зинҳор.  
 Агар ётсам-да зиндонингда юз йил,  
 Дегайман сенга: “Эй ёри вафодор!”

888

Қадинг бир навниҳолдир, ёри жоним,  
 Лабинг новвоту болдир, ёри жоним.  
 Лабингнинг учидан бир бўса бергил,  
 Дилемда шу хаёлдир, ёри жоним.

889

Садо келди, садо нола келди,  
 Садо бир дили юз пора келди.  
 Мусулмонлар, бу кимнинг ноласидир?  
 Садо ошиқи бечора келди.

890

Художон, ошиғи зор айладинг сен,  
 Гул эдим, бир тикан – хор айладинг сен.  
 Гул эдим битта толнинг соясида,  
 Нега ошиқ, гирифтгор айладинг сен?

891

Юзингнинг оқлиги гўёки шиша,  
 Фаминг кўнглимни банд этган ҳамиша.  
 Отиб илдиз, ёзиб шох, чиқариб барг,  
 Фаминг ўсмиш дараҳтдек кўнглим оша.

892

Девор узра ўтирма – хори бордир,  
 Жувонга бўлма ёр – юз ёри бордир.  
 Жувонга бўлма ёр, ёр бўл топиб қиз,  
 Ки қизнинг ошиқи бемори бордир.

893

Қани, дил захми ҳеч этмаса таъсир,  
 Ҳаётим ҳам хароб бўлмаса ҳеч бир.  
 Ҳаётим ҳам хароб бўлмасаю қўп,  
 Кўзимнинг ёшлари бўлмаса ёмғир.

894

Нега туш кўрдим ул вафоси йўқни?  
 Нега сув ичида кўрдим балиқни?  
 Кўз очсам, йўқ эди ёнимда ҳеч ким,  
 Лабимнинг учидаги кўрдим учукни.

895

Томинг узра кўтар байроқ – шахид бор,  
 Уйингда ҳар куни гўё ҳайит бор.  
 Бўлиб савдогару сен, эл – харидор,  
 Дўконингда матои хушхарид бор.

896

Баланд тог устида бир дона буғдой,  
Мусофиран бировлар юртида,вой!  
Мусофири ёргинам бегона бўлди,  
Ватан хоки учун девона бўлди.

897

Чароғон тун – юзим юзингга қўйдим,  
Ҳидини мушк ила анбарни туйдим.  
Кўттар бош уйқудан – бир тола сочинг  
Олиб ёдгор сафар кетмоқчи эдим...

898

Куйиб дил, бир кеча дедим қаламга:  
“Дилим ахволини келтир ракамга”.  
Қалам дедики: “Ухла, эй азиз дўст,  
Менинг йўқ тоқатим бу дарду ғамга”.

899

Сахар бордим чаман – Лайло қўйига,  
Тўлибиғ ғунчалар Лайло бўйига.  
Сурайё бош олиб кетмиш биёбон,  
Қилиб қаддини ёд Лайло сўйига.

900

Бахор келди, гулу гулзор қаерда?  
Ғаминг дилдан оловчи ёр қаерда?  
Қўзим қони билан хатлар битувдим,  
Йўл узок, йўқ жавоб бир бор қаерда?

901

Бахордир, вақти гулгашту тамошо,  
Гулу булбул бўлиби дўсту ошно.  
Гулу булбул бўлиб бирга неча тонг,  
Гул очилди-ю, булбул қолди танҳо.

902

Баҳорнинг файзи йўқ, бўлмаса насрин,  
Агарда йўқ гулу гулзорда тамкин.  
Қиёмат тонгига, маҳшар кунида  
Биҳишт аччиқ, агар бўлмаса Ширин.

903

Бўлай қурбон сенга, какликқадам ёр,  
Замин тилга кирап пойингда ошкор.  
Замин тилга кириб дер: “Бор бир айбинг:  
Бу айбинг – сенда кўп кибру ғурур бор!”

904

Ўзим сабзаю<sup>1</sup> сабза яна ёrim,  
Тушибди сабза ичра кору борим<sup>2</sup>.  
Шу кафтимга жо бўлди барча сабза,  
Жаҳонда сабза йўқ монанди ёrim.

905

Бу кўчадан таралгай мушк, Художон,  
Мени девона қилди ишқ, Художон.  
Паримни кўрмадим бир неча кунки,  
Бўлиб шундан лабим қуруқ, Художон.

906

Неча нозу баҳона айлагайсан,  
Нигоди ошиқона айлагайсан.  
Сочинг бир торига минг дил осилган,  
Чўнимай уни шона айлагайсан<sup>3</sup>.

907

Ўзим бу ердаю ёrim шаҳарда,  
Узукман ёр кўзи бўлса агарда.  
Менинг шу аввалу охирда ёrim,  
Художон, асра ҳар хавфу хатарда.

<sup>1</sup> С а б з а – яшиллик, кўклиқ, майса; мажозан: ёш, навқирон. Бу ерда сўзнинг шу икки маъноси асосида сўз ўйини килинган.

<sup>2</sup> К о р у б о р – ишлар, амаллар, машгулликлар.

<sup>3</sup> Ш о н а а й л а ш – тараш.

908

Үзим сабза, забоним сабза дегай,  
Пайиму устухоним сабза дегай.  
Қиёмат тонгида, маҳшар кунида  
Дилиму руху жоним сабза дегай.

909

Хайит кунида беиқболман, эй дүст,  
Нишоним йўқ – ёмон аҳволман, эй дүст.  
Мени шум толеим солди шу кўйга,  
Ўз бахтим дастидан поймолман, эй дүст.

910

Юзингда холи ҳиндуйингман<sup>1</sup>, эй ёр,  
Бир апельсини хушбўйингман, эй ёр.  
Кезарсан нега сахрова бехуда?  
Ўқингни узки, оҳуйингман, эй дүст!

911

Қалам-қоғозга доя мотаму ғам,  
Ғам ўқин урма жонимга сира ҳам.  
Тушибман гам ўтининг ўртасига,  
Сабаб дарду доғимга ғамдир, эркам!

912

Намоз ўқишига борардим намозшом,  
Куёшдек чиқди қибладан дилором.  
Дилим бўлди у томонга равона,  
Гуноҳкорман, нима қилай, Художон!

913

Бошимдан ажрадим ишқингда, жонон,  
Қилай савдо қуриб мен энди дўкон.  
Дину ақлим матоси кетди қўлдан,  
Кўриш орзузида сени, ёрижон!

<sup>1</sup> Холи хинду – кора хол.

914

Гулимнинг ғуссаси жонимга етди,  
Заиф жонимни эзib, мажрух этди.  
Ўшал кунки, жудо бўлдим гулимдан,  
Икки бошли илон чақди-ю кетди.

915

Севиклим ёдини ҳар дам қиларман,  
Дил қонидан қаламни нам қиларман.  
Ёзарман бенаволикдан унга хат,  
Жунатгач, ўзни хотиржам қиларман.

916

Мени оввора қилди бу жудолик,  
Дилим юз пора қилди бу жудолик.  
Бу ҳижрон тунида тонгга қадар то  
Фигону зора қилди бу жудолик.

917

Азизлар, кетди дилбар, кимга йиглай?  
Малак эди муқаррар, кимга йиглай?  
Мени дарду фироги Мажнун этди,  
Шакарлаб кетди, дўстлар, кимга йиглай?

918

Эмас ҳар учраган нодон иши ишқ,  
Эмас номард учун бу оташи ишқ.  
Агар ошиқ эсанг, мардона бўлгил,  
Эмас номард одамнинг хеч иши ишқ.

919

Яна кўзим суюк дилбарга тушди,  
Яна ул эски ишқ дилларга тушди.  
Мен отланган эдим лочин овига,  
Лекин қўйган домим каптарга тушди.

920

Кўпам лоф урма, эй осмондаги ой,  
Ёримга ўхшамассан зарра ҳам, ҳой!  
На ёримдек шириңсўзсан, шакарлаб,  
На кўзинг бор, на киприк, на қошинг ёй!

921

Суман бўйлик, экан юртинг Шибирғон,  
Бадаҳшонлик Зулайҳо юзли жонон,  
Ичиб Лагмон сутини чехра ширмон,  
Гўзал Балҳ эркаси, шўхи Хуросон.

922

Нигорим гулбадан, саррофи<sup>1</sup> Чиндир,  
Гўзаллик узугида кўз тайниндир.  
Кўзи оҳу, лаби ширин, сўзи ҳам,  
Чироги давлати Эронзаминдир.

923

Нигорим қадди худди “лом”<sup>2</sup> каби тик,  
Коронги кечалар сўз дебди нозик.  
Менинг ёрим каби ёр кўрмагандир  
На айлоқу на турку на-да тојик.

924

Лабинг гўёки “мим”дир, эй ширин жон,  
Ва ё “жим” ичра нуқтадир, бегумон.  
Эронда икки қошинг нақши Чиндир,  
Қоғознинг юзига чизилган, ишон!

925

Илоҳо, сарв қадинг ҳам бўлмасин ҳеч!  
Шу шод кўнглингда ҳам ғам бўлмасин ҳеч!  
Кеча-кундуз шудир менинг дуойим,  
Сочинг бир толаси кам бўлмасин ҳеч!

<sup>1</sup> Сарроф – аслил пулни соҳтасидан ажратувчи. Саррофи Чини – бу ерда гўзаллар ичилди ажралиб турувчи, чинакам гўзал.

<sup>2</sup> Лом – араб алифбосидаги “л” ҳарфи.

926

Менга минг дарду савдо айлагайсан,  
Қачон ҳолимга парво айлагайсан?  
Уриб ўт нотавон жонимга менинг,  
Узоқлардан тамошо айлагайсан...

927

Саҳарлар ох чекар бу дили дардманд,  
Тўлар йўл тошу ёмгирга, Худованд!  
Қовурган кишилар ғам ичра бизни  
Кўришсин ўзлари ҳам доғи фарзанд!

928

Келарманми агар ёд этмасанг, гул?  
Йўлимда оху фарёд этмасанг, гул?  
Келарманми то қадрим билмасанг сен?  
Кучоғимга кириб, шод этмасанг, гул?

929

Лабинг узра Худо берган холинг бор,  
Томофингда тўтидек ҳалқа, эй ёр.  
Бу қонли дил билан бўлибман ошно,  
Жудолик майли бор кўнглингда ошкор.

930

Кийиб олиб либоси алвон, эй гул,  
Узоқдан бўласан намоён, эй гул,  
Суриб кўзингга Макка сурмасини,  
Йигитларни қиласан қурбон, эй гул.

931

Фалак, дастингдан-ей не чора айлай?  
Элимдан ўзними оввора айлай?  
Олиб олмос ханжарни кўлимга,  
Уриб кўксимга, дилни пора айлай.

932

Тиканга бўлса гул ҳамдам уволдир,  
Ёмонга яхши ёр ҳардам уволдир.  
Вафосизларни кўрса, қочар ўқ ҳам,  
Улар деб тўкма ёш – ғам ҳам уволдир.

933

Гулижон бой қизи – виқори бордир,  
Хиромон қадду хуш рафтори бордир.  
Тегиб ишқинг ўқи бу хаста жонга,  
Гўё бағримда қон анҳори бордир.

934

Бўлиб ошиқ, ҳолим ҳар кун батардир,  
Фалакка доги ҳижрондан хабардир.  
Ишим шомдан то тонг отгунча йиғлаш,  
Ёқам кўз ёшидан хўл шу қадардир.

935

Бу буғдойзор аро иккита дилдор,  
Уларнинг кетидан юргилигим бор.  
Бири – ёрим, бири – унга хабарчи,  
Бири йиглайди аҳволимга зор-зор.

936

Лаби хандонингга садқа бу жоним!  
Тишинг – маржонингга садқа бу жоним!  
Шу оппоқ тишларинг мисоли қоғоз,  
Бу қоғозга битай майли ниҳоним.

937

Фалак, олам элинин қилдинг абгор,  
Эмасман мен улардан бири зинҳор.  
Жароҳатли жигаримдан ҳазир бўл,  
Фигону оҳим оламни қилар зор.

938

Бибизодани күрдим хонада ман,  
Ясанган, зар болишларга суянган.  
Саломимга алик эшитмадим, бас,  
Билолмайман, гуноҳим нима экан?

939

Қачон мен бўлдиму шайдойи ширин,  
Дилим банд айлади савдойи ширин.  
Бу савдога гирифтор бир мен эмас,  
Жаҳонни ўртаган ғавгойи ширин.

940

Биёбонда агар қолса ўлигим,  
Хабар ой юзли ёрга етказар ким?  
Ўраб чодир, кийиб ковуш ғарибдай  
Келиб қабрим бошида йигласин жим...

941

Саломим сенга бўлсин, эй жасур ёр!  
Фаму дардингни чекар бу дили зор.  
Фаму дардинг Беҳистун бўлди гўё,  
Фаму дардингга мен бўлдим харидор.

942

Ҳаво қиздирди – қоқ пешин, Художон,  
Дилим ёккай ёри ширин, Художон.  
Агар ўлсам бу Қундуз шаҳрида мен,  
Кафаним ким тўкир ул кун, Художон?

943

Ўрабсан бошингга, эй қиз, қадифа,  
Узугинг уч мисқол тилла – латиф-а!  
Керак бўлса бутун тугмаларингни  
Ясарман тилладан мен, эй афифа!

944

Үраб бошга қадифаи қарони,  
Үлимга йўллама бу мубталони.  
Үлимга йўллабон қотил бўларсан,  
Мени ўлдирма, золим – кўр Худони!

945

Бу дардимнинг давоси борми ё йўқ?  
Бу ранжимнинг шифоси борми ё йўқ?  
Ризо ўлдирмоққа ошиқни барча,  
Бу ошиқнинг Худоси борми ё йўқ?!

946

Бошимда савдою кўнглимда ғавғо,  
Бу йўқлик ташвиши бир менда танҳо.  
Эзар йўқлик ғамиими ё ғами ёр?  
Мени йиқди ғами ёри вафодор...

947

Бўлибди ой қади хам мисли Мажнун,  
Сен уйда, мен эса кўчада дилхун.  
Жудоликни бино қилган эса ким,  
Денгизга гарқ бўлсин мисли Корун!

948

Алифдай қоматинг хам бўлмасин ҳеч!  
Дилингнинг шодлиги ғам бўлмасин ҳеч!  
Менга бахш айладинг бир неча бўса,  
Шу меҳрибонлигинғ кам бўлмасин ҳеч!

949

Гулім, ишқингда мен девона бўлдим,  
Кетиб мен навкари тўпхона бўлдим.  
Юриб Балху Бухорода, йўқотиб –  
Қурол, маҳбуси бандихона бўлдим.

950.

Гулим, булбулмисан ёинки боғбон?  
Үпай десам, нега бермайсан имкон?  
Менга бер бўса то ғунча экансан,  
Очилсанг бошқадир ёри қадрдон.

951

Жаҳонда тоза гул, дилбар, ўзингсан!  
Гўзаллар аҳлига сарвар ўзингсан!  
Жаҳонда барча маҳбублар ичинда  
Мисоли донаи гавҳар ўзингсан!

952

Мусофирик кишини дилгир айлар,  
Фалак бўйнингга гўё занжир айлар.  
Фалак, бўйнимдаги занжирни олгил,  
Фариблик кишини домангир айлар.

953

Яшаш майлини ҳар он айлагайсан,  
Ўзинг ғамхўр, меҳрибон айлагайсан.  
Ўт урма, келу, бир йўла кул айла,  
Бу бирлан ҳукми осмон айлагайсан.

954

Бўлай курбон – либосинг мунча зебо!  
Ўқишдан келасан – tengning йўқ асло!  
Ўқишдан келасан пойи-пиёда,  
Омон бўлсин ҳамиша дўсту ошно!

955

Кўзимни ўйсалар бермай омоним,  
Куйиб кул бўлса ўтда устухоним,  
Жудо айласалар жондан танимни,  
Кўнгил узмасман асло, меҳрибоним!

956

Мисоли мушку анбардир сочингким,  
Мисоли меҳробдир эгма қошингким,  
Агар юз йил кўзимда бўлсанг-ей жо,  
Заминга тегмагай асло бошимким...

957

Ғарибдирман, ғарibi бенавоман,  
Қариндошу уруғлардан жудоман.  
Қариндошу уруғлар ўз йўлига,  
Хуқуқсиз бир канизга мубталоман.

958

Мени девона қилди дилни(нг) танги,  
Фироқ эски агарчи, доғи янги.  
Фироқ эскилиги ҳукми Худонинг,  
Чидам йўқ янги доғга ҳеч, қаранг-е!

959

Бу инсон кўнгли бир парча эту қон,  
Эту қонни нечук қилғунг имтиҳон?  
Битиб тақдиримизни ғам билан ё  
Кўшишган хокимизга мотам, эй жон?!

960

Хумор кўзинг дилимга солди туғён,  
Асири этди шу ҳалқа зулфи райхон.  
Бошу тан ҳам, дилу иймону жон ҳам  
Бари бир йўла бўлсин сенга қурбон!

961

Бу олма ранги ўхшар ранги ёрга,  
Беҳининг ранги-чи, ошиғи зорга.  
Ажаб зебою раъно кўринар у,  
Бўларми кўрса гунг булбул бекорга?!

962

Самода юлдузу гул реза-реза,  
Эсар ел қибладан оламни кеза.  
Мени ёмғирга айлантиrsa Оллох,  
Сочи устига ёғсам эза-эза...

963

Қошинг ҳайит шоми чиққан ҳилолдир,  
Юзинг қон – ярми оқу ярми олдир<sup>1</sup>.  
Құй ошиқ қатли ҳақдаги қароринг,  
Ғаридир у, шаҳид – афтодаҳолдир<sup>2</sup>.

964

Сочингни ёзу сехру афсун айла,  
Сахар эсган насимни мушкин айла.  
Сочингни елканг узра ташла ёзиб,  
Жаҳонни бошдан-оёқ Мажнун айла!

965

Шириним, гулсан-ей якка-ягона,  
Сенингдек нурли шам истар хар хона.  
Қиларман доимо шундай дуони:  
“Менинг ишқимда бўлсин-ей девона!”

966

Ғаминг ҳар лаҳза устун бўлар, эй ёр,  
Кўзимнинг ёши тўлқин бўлар, эй ёр.  
Бўла қол Лайли – бу кофир юрагим  
Кўйингда мисли Мажнун бўлар, эй ёр.

967

Менинг алвон гулим, келармисан, ҳей?  
Бинафшам, тол гулим, келармисан, ҳей?  
Деган эдинг: гул очилса келарман,  
Куриди бор гулим, келармисан, ҳей?

<sup>1</sup> Ол – кизил.

<sup>2</sup> Афтодаҳол – бечора, нотавон.

968

Санамнинг лаълида эъжози<sup>1</sup> бордир,  
Ажойиб қомати таннози бордир.  
Олибди ақлу хушим шунчаликким,  
У томон дил қуши парвози бордир.

969

Чал-ей, ёрим, қўлингдан тушмасин соз,  
Тополмайсан бу ўшликни сира боз.  
Чекиб юз оҳу нола Лайли айтар:  
“Қилас ошиқ тавалло, маъшукә ноз”.

970

Аракчининг<sup>2</sup> мисоли бир пиёла,  
Фами йўқ дил сира қилгайми нола?  
Фами йўқларга мен қурбон бўлайким,  
Қилас ғамгин дилим ҳар лаҳза нола.

971

Намозшомда намозим ҳам қазодир,  
Қўлимдан қочди икки күш – сазодир:  
Бири Кобул йўлида мубталодир,  
Бири жорубкаши шери Худодир.<sup>3</sup>

972

Ширин сўзлашларинг ёдимга тушди,  
Мени излашларинг ёдимга тушди.  
Гоҳи сўзлаб, гоҳи пинҳон тутиб сир,  
Кулиб сўзлашларинг ёдимга тушди.

973

Уч ойу уч йил ўтди, уч Наврўз,  
Қиёфангни унутди ҳатто бу кўз.  
Кафан тикинг бўйимга мосланбон, бас,  
Яна уч кун агар кўришмасак юз!

<sup>1</sup> Эъжоз – мўъжиза.

<sup>2</sup> Аракчин – аёллар бош кийими.

<sup>3</sup> Жорубкаши шери Худо – Худо шери – Ҳазрат Али зиёратгохининг хизматчиси.

974

Эшит, эй қиз, мени девона қилдинг,  
Үзингни шам, мени парвона қилдинг.  
Олиб кетдинг дилим қилмай мурувват,  
Яқинлардан мени бегона қилдинг.

975

Гүзал бир қиз дилимни олди-кетди,  
Дили тилим-тилимни олди-кетди.  
Вафо тифини чекиб күрмаган у,  
Күнгилга шу сабаб ғам солди-кетди.

976

Санам рўмоли узра ранг-баранг гул,  
Ўн икки тор ўрилган унда кокил.  
Ўн икки кокили гулдаста гўё,  
Қиласар у майли Ҳиндистону Кобул.

977

Лабинг қимтиб кулишларингга борман!  
Кўз учидан қарашларингга борман!  
Худода йўқ гуноҳ ҳам, йўқ хато ҳам,  
Сабабсиз қаҳр этишларингга борман!

978

Агарда бўлмаса ёр лаъли хандон,  
Ютармиди жигарлар ҳажрида қон?  
Тасарруф этмаса зулфи бу янглиғ,  
Дилим шунча бўларми зору ҳайрон?

979

Қошимдан қаҳр ила кетдинг ёқиб жон,  
Ғанимлик менга сен этдинг ёқиб жон.  
Мени оввора қилдинг ўз элимдан,  
Сеҳгарликками етдинг ёқиб жон.

980

Дилим бордир, дилим бордир тұла ғам,  
Дилимдан бүлмагай ғам зарра ҳам кам.  
На құлым етади ёр бүйнигаю,  
На сарвиқомат айлар бошини хам.

981

Агар дилбар эсанг, мен дилрабоман,  
Кумуш бүлсанг агар, мен соф тилломан.  
Агар қызы боламан деб сен уялсанг,  
Ишорат айла – қошингга келоман.

982

Дилим бордир, дилим мажрухи зордир,  
Дилим бошдан-оёқ зангу ғубордир.  
Фақат ёр ишқининг түфөни эсса,  
Аритмоққа күнгил зангини қодир.

983

Қаю тоғу камарда хуш исинг бор?  
Қаю гулда чиройли шу юзинг бор?  
Чиқиб келса қачон ой қибладан, бок!  
Үшанда әгма қошингнинг тузи бор!

984

Қўлинг соат билан ораста қилдинг,  
Сочинг торин бўйнингга даста қилдинг.  
Нега йўқ енги кийган кўйлагингнинг?  
Дилимни мода дебон хаста қилдинг.

985

Даво бу хаста жонга, бил, ўзингсан,  
Азизу дилбару маъқул ўзингсан,  
Бутун гул юзли гўзаллар ичинда  
Менга ёққан тикансиз гул ўзингсан.

986

Томогинг оқи қаймоқ деса арзир,  
Үзинг – шох, күзларинг икки вазирдир.  
Адолат тахтида сен ўлтирибсан,  
Шаҳарда дўсту ёрлар мунтазирдир.

987

Кийиб мушк исли ол кўйлак, дилором,  
Қўлида сочиғи – бормоқда хаммом.  
Қўлида совуни йўқ, кошки бўлса,  
Лабим совун, тилим тош – олса ором.

988

Азиз дўстлар, мени иссик олибди,  
Жаҳон ташвиши бир менга қолибди.  
Жаҳон ташвиши икки кун дегайлар,  
Дилимга ким ғам узра ғам солибди?

989

Гўзалдир кўлларинг – хинолик, эй гул,  
Қаердан майли бу жудолик, эй гул?  
Фидо айла ўзингга бошу жоним,  
Агар бўлса назри худолик, эй гул!

990

Сахар сочини ўрдим қирқ дона,  
Кўзига сурмалар қўйдим мастана.  
Санамнинг таълим олиши учун мен  
Курибман мактаби йўлига хона.

991

Гаҳи кўнгил маю паймона истар,  
Гаҳи лаъли лаби жонона истар.  
Худовандо, билолмайманки, мендан  
Бу тун нима дили девона истар.

992

Қани, дәхқон қаерда вакти меңнат?  
Экинни ийкқали ҳар дам ғанимат.  
Белингни богла ҳосил жам этишга,  
Сенга тиккан умид күзини давлат.

993

Гулим бор – тенги Эронда топилмас,  
Хитойда ёки Японда топилмас.  
Гулим сарвардир олам гулларига,  
Тенги Кашмир, Ҳиндистонда топилмас.

994

Олиб кетдинг-ку мендан, бевафо, дил,  
Муруватт айла, дардим бедаво, дил.  
Қадам охиста қўй тупроғим узра,  
Оёғинг остидадир бенаво, дил.

995

Мусулмонлар, Мазоржон<sup>1</sup> жойимизмас,  
Мақоми-манзили бобойимизмас.  
Агарда ёргинамнинг ёди йўқдир,  
Бироннинг бандига парвойимизмас.

996

Йўлингнинг бошини тутарман, эй гул,  
Фидо пойингга жон этарман, эй гул.  
Кўзим олдига келтириб жамолинг,  
Мазорда мақтабон ўтарман, эй гул.

997

Мисоли тош тўла дарё ҳаётим,  
Худоё, бер танг дилдан најотим.  
Ғанимлар таъна қылган телбалиқдан  
Қутулмоққа ҳануз етмас саботим.

<sup>1</sup> Мазор, Мазоржон – Мазори Шариф.

998

Үқийман байт-газал эфирда дилсүз,  
Радио остида тинглар дилафрүз.  
Сұзимга бир нафас сол сен қулоғинг,  
Үларман оқибат, афсус-афсус...

999

Кулоҳ бошингга гар қилдинг, гулижон,  
Қаён азми сафар қилдинг, гулижон?  
Үзинг кетдинг мудом Кобул кезишига,  
Мени хуни жигар<sup>1</sup> қилдинг, гулижон.

1000

Мазор йўлларида турфа чироқдир,  
Телефон симлари узун – йироқдир.  
Қулоғим гўшагига қўймагайман,  
Саломжон келару иши сўроқдир.

1001

Бўлай қурбон шу номингга, гулижон,  
Қўнай каптардек томингга, гулижон.  
Бугун уйда бир ўзимман, дегайсан,  
Фидоман шу каломингга, гулижон!

1002

Сени ҳамроҳи улфат айлагайман,  
Сенга доим садоқат айлагайман.  
Ситамлар чекдиму дастингдан, аммо,  
Барига сабру токат айлагайман.

1003

Баланд том устида манзил олибсан,  
Кўриб бизни кўлингга гул олибсан.  
Кеча-кундуз тўкиб ёш кўр бўлибман,  
Фарилардан нега сен дил олибсан?

<sup>1</sup> Хуни жигар қилмок – жигарни қон килмок.

1004

Бор икки дилбариму биттадир дил,  
Худоё, бўлди ҳолим жуда мушкул.  
Худоё, икки пора қил дилимни,  
Берай ҳар бирига бир пораи дил.

1005

Илоҳо, ўтда куйсин бу замона!  
Кўролмас ёрни ёр бир лаҳза қона.  
Қурисин шум бу кампирлар уруғи,  
Ташийди сўз мудом хонама-хона.

1006

Қуёш пешинда қиздиргай, Художон,  
Дилимни фусса куйдиргай, Художон.  
Фариблик шомида юмсан агар кўз,  
Кафан ким менга кийдиргай, Художон!

1007

Мени, эй ёрижон, бечора кўрдинг,  
Енгим учини пора-пора кўрдинг.  
Енгимнинг учини тикмайди ҳеч ким,  
Ўзингча мени бир оввора кўрдинг.

1008

Сенинг устингда жанжал кўпdir, эй ёр,  
Сенинг ҳуснингга кекса-ёш харидор.  
Харидор ҳуснингга ҳокиму қози,  
Маломат айлагай бир аҳли ночор.

1009

Бу йўлда икки сарвиноз равондир,  
Бири дур, биттаси гавҳари жондир.  
Тўсай, дедим ўзимга, йўлларини,  
Сабаб бу: кофири номеҳрибондир.

1010

Үзим Кобулда, ёр жойи Хулмдир<sup>1</sup>,  
Мусулмонлар, кўринг, бу не зулмдир.  
Илоҳо, бу узоқ йўли қурисин,  
Кўнгил дарёси қонга лиммо-лимдир.

1011

Баҳорда сархушу шайдо юрарман,  
Қилиб дарё лабин маъво юрарман.  
Биёбонларда оҳу, тоғда йўлбарс –  
Бари жуфт-жуфту мен танҳо юрарман.

1012

Кўзинг қоп-қораликда мисли зоғдир,  
Қўлинг соғлом, гўзал, ғоятда оқдир.  
Қўлинг бўйнидадир ҳар кимга тегсанг,  
Ишинг, гар бизга тегсанг, ноз-фироқдир.

1013

Самода ёнди юлдуз – жилва қилди,  
Сарик рўмолини ёр бошга илди.  
Кучогида сира орттирамадим тонг,  
Хўроз қичкирди-ю, уйқум бузилди.

1014

Бўлай қурбон сенга, эй ёри афгон,  
Қуришга чодиринг соз шу биёбон.  
Баҳор фаслида уч ой менга ёр бўл,  
Кетарсан келса қиши Лагмонга, эй жон!

1015

Дилимнинг гулшани, қайга йўл олдинг?  
Кўзимнинг равшани, қайга йўл олдинг?  
Тикан бўл душманим кўзига – ўзим  
Бўлай ёринг сени, қайга йўл олдинг?

<sup>1</sup> Хулм – Тошқўргон шахри.

1016

Анор бутаси соз бўлса анори,  
Элидан бўлса соз ҳар кимса ёри.  
Бегона ёр сени бегона қилгай,  
Ватандан ажратиб, девона қилгай.

1017

Балоғатга мени етказдинг, она,  
Бироқ бўлди маконим бандихона.  
Юзинг иссиқ – бирор сўз демадим мен,  
Бу занжирдан қутулмогим гумона.

1018

Турарман йўл бошида мисли лочин,  
Дилим тирнаб, йигим афгонча бутун.  
Бу афгонча йигимни ким тушунгай?  
Киши йўқ форсича десам-да лекин.

1019

Бу чўллардан чопа-чопа кетарман,  
Оёғингни ўпиш орзу этарман.  
Парипайкар юзи андишасида  
Неча манзилни бир тунда ўтарман.

1020

Кел, эй, қошимга – мен танҳо яшарман,  
Макон гоҳ тогу гоҳ сахро яшарман.  
Хаёлингда дилимни сув қилиб мен,  
Бўлиб доим ғарқи дарё яшарман.

1021

Фалак, ўлдирма бизни – ёш жонмиз,  
На шодлик кўрдигу на шодмонмиз.  
Жўна, ўт кексаларнинг қўчасидан,  
Етишса бизга ҳам навбат равонмиз.

1022

Менинг күнглимда бир пинқон ғамим бор,  
Агарчи бўлди кўплар ҳамдаму ёр.  
На тинчим бор, на хузур еб-ичишда,  
Яшашга қолмади хушим-да зинхор.

1023

Тагида уч чинорнинг масканимдир,  
Ўшал дўсту яқинлар душманимдир.  
Уларга жону дилдан дўст эдим мен,  
Нишон энди уларга жон-танимдир.

1024

Сабо, амрим билан бир бор сафар қил,  
Эсиб ёрим сари, унга хабар қил.  
Саломим етказ аввал жону дилдан,  
Кейин де: шўрлик ошиққа назар қил!

1025

Янги ёр, сенга жон фидо қиларман,  
Гуноҳим борми, деб нидо қиларман.  
Қиларман ёд намоз олдидা беш вақт,  
Бораркан саждага хато қиларман.

1026

Нафис бўйнингда маржон шода-шода,  
Юрайлик бирга, кел, айшу сафода.  
Илоҳо, куйсин-еј душманинг уйи,  
Кўтарди айрилиқ тогин ародা.

1027

Биродар, кел, бу дардимга даво қил,  
Халос дарду балодан мутлақо қил.  
Қўлингга ёки ол ўтқир қилични,  
Таним бошдан, бошим тандан жудо қил.

1028

Қадинг сарву лабинг лаълдир, гулижон,  
Пешонанг узра оқ холдир, гулижон.  
Агар бир кунда юз бор кўрмасам мен,  
Менга ҳар лаҳза бир йилдир, гулижон.

1029

Қўлингда соатинг олтин, гулижон,  
Кўзингда бўлса-чи, дурбин, гулижон.  
Келарман – совуқ ўлдирмас кишини,  
Дераза олдидан кетгин, гулижон.

1030

Бўйинг пасту бироқ пошнанг баланддир,  
Шириналикда дудоғинг мисли қанддир.  
Лабингнинг холидан бир мисқол ўптири,  
Билолмайманки, мисқол қанчадандир?

1031

Кобулда қилмадим ҳеч ким-ла паймон,  
Қизиқтирмас мени сунбулу райҳон.  
Қаерга борамиз шод Исталифда,  
Мени ўзига жалб этмайди Пагмон<sup>1</sup>.

1032

Тутиб келдим кабутарбачча тоғдан,  
Менга ўрганса деб ёшлиги чоғдан.  
Вафо қилмаслигин қайдан билибман,  
Сира кўзини узмайди у тоғдан.

1033

Яна мактабга чорлаб янгради занг,  
Кирар “олтинчи”га муаллим, аттанг.  
Бориб сумкасини олай дедим мен,  
Муаллимни кўриб, ҳол бўлди-да танғ.

---

<sup>1</sup> Исталиф, Пагмон – Афғонистондаги шаҳарлар.

1034

Гулым, солдинг бу жонимга жароҳат,  
Каравотга нечук чиқдинг шу ҳолат?  
Илоҳо, юзга киргил ёри жоним,  
Мени ўлдирди бу нозу назокат!

1035

Санаб бўлмас – самода қанча юлдуз?  
Учар тайёрада ул қоши кундуз.  
Худойим қисса эди мени ҳулкар,  
Турардим сенга осмондан тикиб кўз.

1036

Гулим кетмоқда – йўқдир менда чора,  
Юбормасдим кучим етганда зора.  
Олиб қолишга на зор, на зўрим бор,  
Худога топширарман мен бечора.

1037

Бўлай қурбон ипак кийган дилором!  
Чик-ей том бошига – менда шудир ком.  
Юзингдан уч ўпич олмоқдир орзум:  
Бири – тонгда, бири – пешин, бири – шом.

1038

Мусулмонлар, мусулмонлик адодир,  
Одамлар хулқу инсофдан жудодир.  
Эшакмунчоқ олиб бордим бозорга,  
Дур ила иккисига бир баҳодир.

1039

Дараҳт остида муздай бир булоқ бор,  
Ётар бир ёш йигит унда беозор.  
Худоё, жумла яхшилар туфайли  
Менинг суюкли ёрим айла бедор!

1040

Бўлай қурбон сенга, ёр, икки бора!  
Дилим ёшлиқданоқ сен деб овора.  
Мени сен ўргатиб қўйдинг ўзингга,  
Кўнгил ўрганса, топилмайди чора.

1041

Супа четида сен қандай ўтирдинг?  
Янги ўсган ниҳолдай гулга кирдинг.  
Бу ўткинчи чиройга бўлма мағур,  
Хазон ели тўкар гулларни – кўрдинг...

1042

Эшит, заргар, қиласман нолаю зор,  
Этай ёрга – бир узук менга даркор.  
Яса тезда қўлинг қўлингга тегмай,  
Кутар бу кеча ёрим – учрашув бор.

1043

Сени, эй оху, урён<sup>1</sup> айлаган ким?  
Ўзим қассобу бирён айлаган ким?  
Сенга бердим ўн олти ёшда мен дил,  
Билолмайман: пушаймон айлаган ким?

1044

Қаро икки кўзинг масти хумордир,  
Ракибни шод этиш сенга шиордир.  
Унутма мени ҳам, эй нуридийдам,  
Агар ошиқларинг минг бир қатордир.

1045

Саман отингни мен сийпаб-силаарман,  
Бу бечора дилимни шод қиласман.  
Агар бир кеча бу манзилда қолсанг,  
Оting оёғига зар наъл илаарман.

<sup>1</sup> Урён – яланғоч, луучак.

1046

Нега ёрим менга номеҳрибондир?  
Умидим гуллари шундан хазондир.  
Бирор айбу хато қилган эмасман,  
Бу ошиқ дил тўла оху фифондир.

1047

Ўзим турку бир илдиз менда тожик,  
Гўзал бир дилбарим бор бели нозик.  
Агар чарху фалак ўтирмаса юз,  
Сира менда қаро кунлар ғами йўқ.

1048

Ёрим иккита: бири – ой, бири – кун,  
Бири – қизу бири – уч кунлик келин.  
Олай қай бирини, дедим, дилимга,  
Ҳар иккиси хаёлимда туну кун.

1049

Хабар келдики, ёрим ёр қилибди,  
Омон бўлсинки, яхши кор қилибди.  
Агарда бўлса мендан ёри яхши,  
Ёмон бўлса, ўзини хор қилибди.

1050

Агар ишқ уни ҳам банд этган эса,  
Менинг аҳволим англаб етган эса;  
Дилим аҳволи кундан-кунга яхши,  
Шифо бу хаста дилга этган эса.

1051

Баланд тоғ усти бўлмас заъфарон ҳеч,  
Севарми кексани ким навқирон ҳеч?  
Йигитларда бўлар ёш қизнинг кўнгли,  
Йигит топиш бўлармикан осон ҳеч?!

1052

Баланд тоғ устида ар-ар<sup>1</sup> эрурман,  
Асири холи бир дилбар эрурман.  
Хабар қиз онасига етказинглар,  
Бу тун қиз қошида навкар эрурман.

1053

Қизил кулоҳли қиз кўчамдан ўтди,  
Кокилининг шамоли менга етди.  
Кокилининг шамоли мисли наққош,  
Девона дилни девонароқ этди.

1054

Ота яхши, она ундан муқаррар,  
Улар умрим таянчидир, биродар.  
Фидо айларман ота-она учун  
Агарда бўлса юз ёрим баробар!

1055

Кўзинг гўёки охунинг кўзицек,  
Лабинг гул баргининг худди ўзицек.  
Бароти<sup>2</sup> ҳамманинг ёрнинг қошида,  
Барот бизларга оҳу шохida лек.

1056

Томогинг оқлиги капитарда ҳам йўқ,  
У мирзо ёзмаган дафттарда ҳам йўқ.  
Худо ҳусну жамолни сенга бермиш,  
Парилардаю қирқ қизларда ҳам йўқ.

1057

Баланд бу оқ терак – кўп пояси-да,  
Кел, эй ёр, ўлтирайлик соясида.  
Мұҳаббат доғин ошиқ кўрмасин ҳеч,  
Фақирнинг шу туну кун дусси-да!

<sup>1</sup> А р - а р - шотерак.

<sup>2</sup> Б а р о т - 1) қамарий йил ҳисоби бўйича шаъбон ойининг ўн бешинчи куни: шу кунда Мұхаммад алайхиссаломга пайғамбарлик нозил қилинган; 2) гуноҳлари афв этилгани ҳақида ёрлик: бу ерда: байрам, шодлик маъносида.

1058

Қошингга келаман иккинчи бора,  
Мени ёд этмадинг бу кунлар ора.  
Юзинг васлидан этдинг мени маҳрум,  
Унутмасман мен эса сени сира.

1059

Намозшом бўлди – чиқди кўкка маҳтоб,  
Сигир соғишга келди ёр-да шу тоб.  
Ширинжонни, дедим, борай кўришга,  
“Ширинжон!” – дедиму жон чиқди шитоб.

1060

Баланд бўйлик, мени меҳмонинг айла,  
Лабингдан ўптириб, комронинг<sup>1</sup> айла.  
Агар мендан кўрарсан бевафолик,  
Чекиб ханжар, бошим қурбонинг айла!

1061

Гулим кирди эшикдан қўлида гул,  
Келибди тиг билан ўлдиргали ул.  
Келибди тиг билан хандону шодон,  
Мусулмонлар, тутинг қўлини буткул!

1062

Ким ошиқ бўлса, унда хуш бўларми?  
Йифидан тўхтару хомуш бўларми?  
Бўлар ошиқ дили оч бўри янглиғ,  
Сира ёр ёди фаромуш бўларми?

1063

Ширин уйқуда эдим – ёғди шабнам,  
Кириб келди шу лаҳза ёри ҳамдам.  
Кўрай деб ёрни ўрнимдан турувдим,  
Бу не ғам – келди гамнинг ғам?!

<sup>1</sup> Комрон – максадига эришган, баҳтили, баҳтиёр.

1064

Тўлин ой жойнамоз узра у гўё,  
Қиличбозлик қиласар қўш зулфи зебо.  
Худо хусну жамол берибди унга,  
Чиройда турку тохик ичра танҳо.

1065

Қўлингда узугинг бор, менга нима?  
Йўлингда юз харидор, менга нима?  
Ширин икки анор бор кўксинг узра,  
Бирор бўлса сазовор, менга нима?

1066

Қадимдир кўхна бу дунёга бунёд,  
Битиклар беришар ўтмишидан ёд.  
Кел, эй, бир-биримизни қадр этайлик,  
Ўлим келганда бирдир одамизод.

1067

Зафар акси намёндир сўзингда,  
Ўқийман жанг гуурини кўзингда.  
Юзинг жангдан ёнар, меники шавқдан,  
Тўшай гулдасталар юрган изингда.

1068

Фариблик шоми менга бўлди қисмат,  
Ватан ёди дилимга солди ҳасрат.  
Билолмайман, отамми ё биродар,  
Уни деб тушди бошимга бу гурбат...

1069

Дилим айлар гулу боғингни орзу,  
Бу кўксим бош-оёқ догоингни орзу.  
Тамошосига бордим лолазорга,  
Киларкан лола ҳам догоингни орзу.

1070

Йўқ инсофу мурувват сенда, янга,  
Мени бердинг бурутли бир тубанга.  
Бурутдан гайри кулфат кўрмадим мен,  
Юзингдан ўзга давлат кўрмадим мен.

1071

Бадахшоннинг тамокоси кўп аччик,  
Жудолик ўртамизга тушди қаттиқ.  
Жудолик орага солган Худодир,  
Яна боис шу чархи бевафодир.

1072

Қилолмас гулни ҳўл шабнам, бу – маълум,  
Ошиқ кўнглини юмшатмас табассум.  
Ошиқнинг кўнгли бир ташна экиндир,  
Унга ёмғир суви мисли таяммум<sup>1</sup>.

1073

Биёбон оҳуси ҳеч бўлмагай ром,  
Кўзим бир кўрди-ю, йўқ дилда ором.  
Хатингни ўпдиму ёдимга келди:  
Бўса ўрнини босмас хат, дилором!

1074

Безабди оқ қўлингни ранги хино,  
Қиласан мунча кина менга жоно?  
Худо қошида айларман дуойинг:  
Раво кўрма фироқ доғини асло!

1075

Мотоциклингни қўй бир четга, эркам,  
Девор ортига ўт – кўрмасин одам.  
Сенга шу шарт билан бўса берарман:  
Юзимда тиш изи қолмасин ҳеч ҳам!

1076

Үшал кунданки, бош тортганди буғдой,  
Мұхаббат риштасини узди ул ой.  
Илоҳо, ўлсин-ей кекса бобоси,  
Ярим тун келди бошимга чекиб ёй.

1077

Чүчиган охуни қувма сира ҳам,  
Тузоқ күрган какликка бўлма ҳамдам.  
Кўлингта эрка бир булбулни қўндири,  
У домни кўрмаган бўлсин муқаддам.

1078

Ажойиб ушбу сунбул бор кимда?  
Бу қизлар ичра кокил бор кимда?  
Келиб қошига гул сотувчиларнинг  
Жўшиб куйловчи булбул бор кимда?

1079

Гул олсам мен агар гулдони<sup>1</sup> бўлгай  
Ёр олсам мен агар афғони(й) бўлгай.  
Ёр олсам мен агар афғони кўча,  
Пешонасида мард нишони бўлгай.

1080

Қаро зулфингга бердинг, ёргинам, тоб,  
Бир ўпич бердинг уйқу олди, маҳтоб.  
Бир ўпич бердинг уйқу олди ширин,  
Сўлиган гул гўёки бўлди сероб.

1081

Фалак, охир мени ноком<sup>2</sup> қилдинг,  
Күёшли кундузимни шом қилдинг.  
Айирдинг икки қўзимнинг нуридан,  
Бузиб тинчимни, беором қилдинг.

<sup>1</sup> Гулдони – бу ерда: гулдонга қўядиган.

<sup>2</sup> Ноком – орзу-хаваси ушалмаган, умиди сўлган; хафа, маъюс.

1082

Ёрим ишқи ниҳоли дона қилди,  
Фироқ дарди мени девона қилди.  
Хабар ошиғи зорга келтириши:  
Ёринг ўз ёрини бегона қилди.

1083

Бўлибман бир синик кўнгил, Художон,  
Фарибман, гарчи тахтим гул, Художон.  
Илоҳо, ўсмасин тахтим аро гул,  
Валиаҳд этди бир жоҳил, Художон.

1084

Сени буғдой даласи ичра кўрдим,  
Кўришмок истаб ортингдан югурдим.  
Етиб, олай десам бир неча бўса,  
Садо келди: “Бироннинг хасми эрдим...”

1085

Нигоримнинг кўзи тегди ҳавога,  
Юзи таън этди офтоби самога.  
Унингдек маҳбуба мен кўрмагандим,  
Фалак титраб, келар ундан нидога.

1086

Қадинг сарву либосинг олади ҳуш,  
Юзинг офтоб, лабинг боли ёқар ҳуш.  
Имо қилдинг қошингга бораман деб,  
Қиласман мисли гулғунчани оғуш.

1087

Илоҳо, эй хўроз, синсин қанотинг!  
Жаҳонда қолмасин ҳаттоқи зотинг!  
Овозинг бўғилиб, тилинг узилсин,  
Бари душманларимни огоҳ этдинг!

1088

Юзим сенинг юзинг – қүёшинг эса,  
Хаётимнинг таноби сочинг эса.  
Ишим йўқ ҳаж қилувчиларга менинг,  
Ҳажим қайрилма икки қошинг эса!

1089

Кийибсан зар лиbos эгнингга, ёrim,  
Эмас мушк-анбарин tengинг-да, ёrim.  
Либосингдан агар берсам нишона:  
Камалак кийиминг ранги-да, ёrim!

1090

Ариққа гул дарахти соя қилгай,  
Шохидা икки булбул хона қилгай.  
Яра қилган дилини қайси золим,  
Қиёматга қадар у нола қилгай?!

1091

Қаро кўзлик, дилим девона бўлди,  
Жаҳонга ишқимиз афсона бўлди.  
Бу севги қиссаси айтилса қайда,  
Эшитганинг дили ғамхона бўлди.

1092

Кўйингда зору ҳам гирёна кўнглим,  
Ғубору ғамга лиқ вайрона кўнглим.  
Мусулмонлар, қаёққа кетди ёrim?  
Келиб шод аиласин ғамхона кўнглим.

1093

Агар йўқ гулда бўй, ундан тикан соз!  
Мұхаббатсиз кишиларга кафан соз!  
Ёрининг қадрини билмас кишидан  
Туман<sup>1</sup> насронию кофир экан соз!

<sup>1</sup> Туман – ўн минг; кўп, сон-саноксиз.

1094

Фироқ доғида бахтим қора бўлди,  
Ғаминг кўплигидан дил пора бўлди.  
Мунаввар қил уйим ишқинг билан, ёр,  
Ошиқ дардига дийдор чора бўлди.

1095

Баландликда қадинг сарвдир, паризод,  
Лабинг кулса, қиларман ғунчани ёд.  
Отанг сотмоқчи мол-давлатга сени,  
Харидоринг бўлай, йўл бер, умрбод!

1096

Ўзинг афзал, мени бечора кўрдинг,  
Кийимимни қусурли, пора кўрдинг.  
Кийимим жандадек<sup>1</sup> туюлди сенга,  
Ўзингни соғ, мени девона кўрдинг.

1097

Шу қора кўзларинг лочин кўзиdek,  
Мижангнинг ҳар бири ўқнинг ўзиdek.  
Сенга нозу назокат мактабида  
Шаҳодатнома мумтоз берган эди.

1098

Дилингда ғамдан асар бормидир-йўқ,  
Асиrlарингга назар бормидир-йўқ.  
Яшарман тиззагача қон кечиб мен,  
Бу ҳолдан сенга хабар бормидир-йўқ.

1099

Қўлингда тоза пишлоқдир, қизалок,  
Тегар қирқ кокилинг ерга – ўзинг бок.  
Ҳали сут тишларингнинг ўрни тўлмай,  
Юзинг ишқ ўтидан ёнмоқда бу чог.

<sup>1</sup> Ж а н д а – дарвеш ва қаландарларнинг улок-куроқ тўни.

1100

Баҳор келди яна, эй ёри жоним,  
Фамингда сўлди умри навқироним.  
Юзингдан икки-уч бўса эт инъом,  
“Шудир, – де, – сенга ишқимдан нишоним!”

1101

Ўтири ёнимгаю сўйла ватандан,  
Кейин ул булбули ширинсухандан.  
Ўтири ёнимгаю ёрим ҳақида  
Нима билсанг гапир, сир тутма мандан.

1102

Кел, эй фархорли<sup>1</sup> дилдор, қайдадирсан?  
Бўйнингда марварид тор, қайдадирсан?  
Тушимда сени кўрдим қайта-қайта,  
Кўрай ўнгимда бир бор, қайдадирсан?

1103

Кўзинг кўп шўху фитнакор, санамжон,  
Дилим зулфингга гирифтор, санамжон.  
Кўзимга тўтиё айлай заминни  
Оёғи тегди деб бир бор, санамжон.

1104

Қиличdir мисли ўткир қошларинг, ёр,  
Мени девона қилди соchlаринг, ёр.  
Қилар тонг юлдузини ҳам хижолат  
Ҳамиша шу кўзи кийғочларинг, ёр.

1105

Сенингсиз ўтказиш бир дам-да мушкул,  
Сенингсиз кун кўриш оламда мушкул.  
Сенингсиз ишқ сафоси ҳам татимас,  
Кўриш шодлик нурин чехрамда мушкул.

<sup>1</sup> Фарҳорл – Мовароуннахрдаги шахар.

1106

Кўча бошидасан, сохибжамолим,  
Ўйин-ўйин олиб кетдинг рўмолим.  
Агарда ўйнаб олсанг ҳам авайла,  
Ўзингсан бир умр жуфти ҳалолим.

1107

Дилимни теппа-тенг мен сенга бердим,  
Қачон аҳду вафони елга бердим?  
Эшитдим: бошқани сен ёр тутибсан,  
Синаб сабримни бир четда ўтирдим...

1108

Ғаминг ҳаддидан ошди – куйди жоним,  
Ҳаётим чиқди издан – йўқ гумоним.  
Ўзинг ноз тўшаги узра ётарсан,  
Мен ўртандим фирокда, беомоним!

1109

Кечা – зулмат, йўл – ингичка, кўнгил – маст,  
Камоним синди қўлимдан тушиб, бас.  
Камонсозлар ясрлар янгисини,  
Қачон дил кибру ғуури бўлар паст?!

1110

Мени ўлдирди шу қоши камонинг,  
Мени ўлдирди зулфинг – қўш илонинг.  
Қиласай булбул каби ҳижронда нола,  
Мени ўлдирди юзинг – боққан онинг.

1111

Кел, эй, биз бир гули ягона бўлдик,  
Севиб бир-биrimiz, девона бўлдик.  
Кетайлик дашту сахро ушлашиб қўл,  
Яқинларга тамом бегона бўлдик.

1112

Күзим йўлга назар қилди, Худоё,  
Азиз ёрим сафар қилди, Худоё.  
Хабар келтирилар ёринг келар деб,  
Фидоман ким хабар қилди, Худоё.

1113

Гулим, қилдим ҳавас кўп бахтингга мен,  
Сочай гулобу гуллар тахтингга мен.  
Сочай гулобу гуллар – бўйи йўқ ҳеч,  
Ўзим гул бўлайин шу тахтингга мен!

1114

Баҳор келди дала, сахрою тоққа,  
Баҳори умр ўтар солиб фироққа.  
Мозорим бошига сунбул экинглар,  
Этиб сайр келса ёр зора бу ёққа.

1115

Бўлай шу қадди нозикингга қурбон!  
Кутарман чорраҳада сени ҳар он.  
Оёғинг гардини, эл қилмаса гап,  
Рўмолчамга туғиб олардим, эй жон!

1116

Фалакнинг дастидан фарёд қиларман,  
Азал баҳтим қаролигин биларман.  
Мухаббат мактабига кирганимча,  
Ўқиб ғам дарсини, бағрим тилярман...

1117

Нафас-да қийналиб ўтар томоқдан,  
Сочим ҳар тори сиртмоқ дарду доғдан.  
Билолмайман: гуноҳ кимдан, нимадан?  
Худоё, кимга нолий бу фироқдан?

1118

Фалак ғаддорлигидан дод этарман,  
Туну кун нолаю фарёд этарман.  
Хасу хашак билан ўтирса ёrim,  
Дилимни қандайин мен шод этарман!

1119

Мен ул озурдан бехонумонман<sup>1</sup>,  
Мен ул кулфатда ёнган беомонман.  
Мен ул сахродаги ҳар бир шамолга  
Бўлувчи чирпирак барги хазонман.

1120

Қўлида ёргинамнинг ол гилосдир,  
Лаби лаъл, тиши дур, кўзи чаросдир.  
Нафис вужудини қилдим тамошо,  
Томоги оқи ёқутга қиёсдир.

1121

Қачон бизни қилиб инсон яратмиш,  
Мени жисму сени-чи, жон яратмиш.  
Сени ижод қилибди мисли гулдек,  
Тикандек мени ул боғбон яратмиш.

1122

Санамнинг кўзи нарғис гар сотармиш,  
Сочи асл мушк ила анбар сотармиш.  
Этарман ишқи дўкондоридан фахр,  
Ўку найза, яна ханжар сотармиш.

<sup>1</sup> Бехонумон – уй-жойсиз.

## **Сиёҳмўй ва Жалолий<sup>1</sup>**

1123

### **Сиёҳмўй:**

Туғилган элим асли Тарбулоқда,  
 Мени деб минг йигитнинг кўнгли доғда.  
 Эшитган бўлса ким номимни менинг,  
 Ҳаёт экан, ўтар умри фироқда.

1124

Бўлайлик иккимиз ёри вафодор,  
 Бўлай Ширину сен Фарҳод каби ёр.  
 Садоқат сидқидилдан айлагайман,  
 Ишон аҳдимга то сўнгги нафас бор.

1125

### **Жалолий:**

Сиёҳмўйни кеча кўрдим тушимда:  
 Юрап сув бўйида бўстон ичида.  
 Қўлида гул, қўяр ҳидлаб, қилиб ноз  
 Қарайди мен тарафга кўз учида.

1126

Май ичдим ишқининг майхонасидан<sup>2</sup>,  
 У ваҳдат майини<sup>3</sup> паймонасидан.  
 Саёҳмўйга битай мактубни келган –  
 Котибдек ишқи девонхонасидан.

<sup>1</sup> Бу тўртликлар афғон халқи орасида машхур “Сиёҳмўй ва Жалолий” киссасидан олингган. Улар вазну кофия жихатидан бошқа дубайтийлар билан бир хил, фарки: хар бир дубайтийнинг мазмуни Сиёҳмўй (Қорасоч) билан бөгланади ёки унга нисбат берилади.

<sup>2</sup> М а й х о н а – шавқу илоҳий файзга кон комил орифнинг ботини Илоҳий олам маъносида ҳам келади. Пири муриднинг хонақоҳи, Ҳақ толиблари тўпланадиган жой ҳам тушунилади.

<sup>3</sup> В а х д а т м а й и – Оллоҳнинг ягоналигини ҳис қилиш, маърифатига эриширадиган илоҳий май. Ривоятга кўра, Мухаммад алайхиссалом меърој кечаси Оллоҳ таоло хузуридаги илоҳий майдан туттган эканлар.

1127

Шукр Оллоҳга – бўлди давлатим ёр,  
Сиёҳмўйнинг ўзи ҳар ишда саркор.  
Кезиб чиқдим бутун ернинг юзини,  
Неча соҳибназарлар<sup>1</sup> келди дучор.

1128

Шукр Оллоҳга – бошимга келиб хуш,  
Дилим дарёси ҳар лаҳза урап жўш.  
Олиб кафтига соқийлар пиёла,  
Кеча-кундуз иши бўлди нўшо-нўш.

1129

Садаф пайдо қилар мавж ила дарё,  
Цикар тошнинг ичидан лаъли аъло.  
Сиёҳмўйнинг юзи тонг отгани дам  
Фалак буржида кўрингай ошкоро.

1130

Гулистон ичра яшнар гул беармон  
Худонинг санъатин айлаб намоён.  
Фалакка бош урап бу тун, Сиёҳмўй,  
Ғамингда чекканим нолаю афгон.

1131

Даволайди нима дарди дилимни?  
Сиёҳмўй, кимга айтай мушкулимни?  
Юзинг устига тушган қора илон  
Чақиб ҳар лаҳза эслатгай ўлимни.

1132

Юзингни кимки бир кўриб кетибди,  
Зулайходек либосин чок этибди.  
Сиёҳмўйим, ўтиб Мажнун замони,  
Мени ошуфтага навбат этибди.

<sup>1</sup> Соҳибназар – ориф; каромат эгаси.

1133

Ажаб тарки вафо қилдинг, Сиёҳмўй,  
Қиёмат барпо қилдинг, Сиёҳмўй.  
Латиф бўй тарқатувчи кокилингни  
Бу жонимга бало қилдинг, Сиёҳмўй.

1134

Сиёҳмўйим, сени дилдор дегайман,  
Жамолингни гулу гулзор дегайман.  
Ризо бўлсанг, қилай жонимни садқа,  
Сени мен соҳибихтиёр дегайман.

1135

Муҳиблардан бўлар пайдо муҳаббат,  
Улуғлардан бўлар содир каромат.  
Сиёҳмўй ҳажрининг ўтида мендан  
Чикар куйдиргувчи оҳ бениҳоят.

1136

Бошимда савдоинг бордир, Сиёҳмўй,  
Дилимда маъвойинг бордир, Сиёҳмўй.  
Бу дунёда муродим бермадинг сен,  
Фами у дунёйинг бордир, Сиёҳмўй.

1137

Бир ойдин тунда тушимда саҳар чоғ,  
Насиб бўлди ул ой юзини кўрмоқ.  
Гўзал ёр ҳуснини қилдим тамошо,  
Шу боис бўлди иш энди оҳ урмоқ.

1138

Жума кечаси дилдорим келибди,  
Ул ойи офтоб рухсорим келибди.  
Дилимга киприк учидан уриб тиғ,  
Дегайманки: гирифторми келибди.

1139

Жума кечаси келди моҳи тобон,  
Бу ошиқ тӯшаги узра хиромон.  
Деди: “Афсус-надоматким, Жалолий,  
Сенинг ишқинг ўти билмайди поён”.

1140

Бу тоғларда гули раъно – Сиёҳмўй,  
Кўнгиллар горида танҳо – Сиёҳмўй.  
Гўзаллар боғига кирсанг агарда,  
Кўрарсан: баридан аъло – Сиёҳмўй.

1141

Ҳироту Маймана то мулки Андхўй,  
Самарқанду Бухоро токи Чоржўй –  
Кезиб чиқдим вилоятларни бир-бир,  
Қаро кўзингга арзимас, Сиёҳмўй!

1142

Талон жонимга солди лашкари ишқ,  
Ватан мангуга бўлди кишвари<sup>1</sup> ишқ.  
Сиёҳмўй номини ёзиб қалам шод,  
Кеча-кундуз ёзарман дафтари ишқ.

1143

Қаросочу суманбўй, париталъат,  
Гуландому дилором, хуштабиат.  
Сиёҳмўй савдоси тиндирмас асло,  
Жалолийдан олиб орому тоқат.

1144

Манам ошиқи дийдори Сиёҳмўй,  
Бўлиб жондан харидори Сиёҳмўй.  
Кўзимга кўринар ойдан гўзалрок  
Яшиндай нури руҳсори Сиёҳмўй.

<sup>1</sup> К и ш в а р – ўлка, вилоят, шахар.

1145

Лабинг ғунчай хандондир, Сиёҳмўй,  
Ҳам оғзинг оби ҳайвондир, Сиёҳмўй.  
Фирогингда Жалолий мисли булбул  
Гулистонларда нолондир, Сиёҳмўй.

1146

Мухаббат етса қаттиқ тошга ҳатто,  
Ўша тош ҳам эрийди мисли дарё.  
Жаҳонга бўлди афсона Жалолий,  
Мухаббатга қачонки бўлди ошно.

1147

Ҳар бир бозорда савдои Жалолий,  
Ҳар бир шаҳарда гавғои Жалолий.  
Қаросочман, қароқўзман – гўзалман,  
Йўқ аммо менга парвойи Жалолий.

1148

Карашибангнинг ўқи жондан ўтибди,  
Тифинг бу багри бирёндан ўтибди.  
Табиб келган эди – солдим қувиб мен,  
Бу дардим, чунки дармондан ўтибди.

1149

Бўлиб жондан харидори Сиёҳмўй,  
Қидирдим, топдим дарбори<sup>1</sup> Сиёҳмўй.  
Битибман мингу етти юз етти байт,  
Бари пуч – етса гуфтори Сиёҳмўй.

1150

Кел, эй моҳи тобон, ростини айт-қўй,  
Отанг исмингни қўйибди Сиёҳмўй.  
Тўярманми агар васлингга етсам,  
Сени ҳидлаб сира, эй гули хушбўй?!

<sup>1</sup> Дар бор – сарой, қалъа, кўшк.

1151

Сиёхмүй, номингни такрор этарман,  
Ўт урдинг жонга, бас, куйиб кетарман.  
Ўт урдинг хаста жонга – энди кимдан  
Суроғингни қилиб, сенга етарман?

1152

Саҳардан тўполон бўлди, Сиёхмүй,  
Сафар Мурғоб томон бўлди, Сиёхмүй.  
Сафар вайрон, хароб Мурғоб томонга,  
Бу зулмат бир замон бўлди, Сиёхрўй.

## РУБОИЙЛАР

1

Тўқувчи шу қизнинг, қани, ёри бўлсам,  
Қирмизи ипак кўйлаги тори бўлсам.  
Мокиси бориб-келар унинг тўхтовсиз,  
Ипак ўралувчи чўп қатори бўлсам.

2

Титрайди дарахт баргидек ҳар онда дилим,  
Танг бўлди шу тоғлиқда – кўҳистонда дилим.  
Кетмоққа кўҳистондан қасд этдим мен,  
Банд бўлди-ю қолди бир мусулмонда дилим.

3

Эй, кўйлагинг икки рангли гулга қиёс,  
Қайрилма қошинг эса чанг торига мос.  
Айтишди менга, янги ёр топибсан,  
Ўхшайди янги ёринг бир тошга, рост...

4

Юксакда эмиш уйинг, эй жўраи жон,  
Каптар каби қилдинг мени ошиқ, бегумон.  
Лочин бўлиб олай сени жарнинг лабидан,  
Оҳиста, паринг тўкмай аммо, ёрижон.

5

Йўл узра кўрай сени, эй жўраи жон,  
Йўқ сабрим узоқ кўрмай туришга, ишон.  
Бу сабр ила тоқатим иложсизликдан,  
Кўчангда тўя кўрса эдим, оромижон.

6

Бу кеча никоҳ айладилар ёрни,  
Мендан жудо айладилар ёрни.  
Чироқ ёнади юқори уйда – охир  
Бу тўйга ризо айладилар ёрни.

7

Уйдан чиқиб кетдигу дедик: Худо!  
Бұлдик тирик туриб ёрдан жудо.  
Эй дүсту яқынлар мени ёд айлангиз-ей,  
Мен ушбу сафардан келаманми-йүк, аё?!

8

Бу гул нима гулдирки, гирибоним аро,  
Хар қайдаки юрмай ишқинг жоним аро.  
Олдимдан оқар сув чиқади ҳар ерда,  
Ашким ўша оққан күзи гирёним аро.

9

Эй дүст, сенинг қошингга етмоқ мушкул,  
Биргина шириң сүзинг эшиитмоқ мушкул.  
Дил бермогу меҳринг сотиб олмоқ осон,  
Жон бермогу сүзингни эшиитмоқ мушкул.

10

Хуросон дарёсидан күзгалди булут,  
Ёшлар лабидан түқилади марварид.  
Дүст қўйинини тарқ этди бўлиб ёри хафа,  
Эй тонг қуши, олсин-да Худойим сени зуд...

11

Ҳеч ким Толикон<sup>1</sup> узра қадам қўйган эмас,  
Одамни ютиб, замин сира тўйган эмас.  
Бориб ажал устодига дейлик: ўлим – ҳақ,  
Ёшлар ҳали умр завқини лек туйган эмас.

12

Биз тўрт биродарлар танҳо эдик,  
Фарзанди Қаротегини боло<sup>2</sup> эдик.  
Таскин беринг онамга: фифон айламасин,  
Биз асли азал насиби дарё эдик.

<sup>1</sup> Толикон – тоғ номи.

<sup>2</sup> Қаротегини боло – Юкори Қаротегин.

13

Ёр күзи ажабдир, күзининг учи ажаб,  
Гар кўрсаю уни куймаса киши ажаб:  
Булбул қафас ичра, қафас ўт ўртасида,  
Қолса бутун қафас куйиб қуши ажаб!

14

Эй қора зоғ, тўхта, кулогингми кар?  
Етказ мендан ўшал ширин ёрга хабар!  
Аввал ҳикоя қил фигон-зоримдан,  
Сўнг ҳажри ғамини этсанг изҳор ярашар.

15

Кел, шу вилоятдан кетайлик бир бор,  
Мен этагингдан тутай, тут қўлдан, ёр.  
Йиғла мени деб, мен эса сен деб йиғлай,  
Бир ерга етиб, агарда бўлсак бемор.

16

Ёримга дегилки, ёргинанг бемордир,  
Ранги сомон, аҳволи noctordir.  
Мактуб биту етказ унга ўзинг дарҳол,  
Бўғзида нафас, мунтазири дийдордир.

17

Кўк кийган қиз, мансуби дининг бўлайин!  
Бугдой бўлсанг, ўзим замининг бўлайин!  
Бу пайкал аро ўроқчилар кўп экан-ей,  
Мен бечора бошоқ терувчинг бўлайин!

18

Шерни не қилай мен, эй, шерни не қилай?  
Ёшман ўзиму бу қари эрни не қилай?  
Ўгрилсам агар қўлим соқолига тегар,  
Йўқ чора, бироқ хавотирни не қилай?

19

Бок: ушбу баланд том менинг томимдир,  
Оқ күйлакли бу ҳур дилоромимдир.  
Бир юзу йигирмага кириб у охир,  
Менинг насибам бўлмиш, бас, комимдир.

20

Тол бизнику ўзгага соя солади,  
Шам бизнику нурини ўзга олади,  
Бадноммиз-ей, ёр ўзга қучоқда толади,  
Фамгинмиз-ей, ёр ўзга бирлан қолади.

21

Эй дўст, кел, иккимиз қилайлик нола,  
То жону жигардан тўлсин пиёла.  
Гар жону жигардан тўлмаса пиёла,  
Тошга урамиз бу пиёлани ола.

22

Эй дўсту яқинларим, мени ёд этинг,  
Шамшод чўпидан тобут бунёд этинг.  
Тобутни кўтарганда секин-аста юриб,  
Кўйинг қора тупроққаю фарёд этинг.

23

Ёр кўзларини ишва билан ўйнатади,  
Бошларни кесиб олиш билан кўрқитади,  
Бошларни кесиб олишидан қўрқсак агар,  
Ошиқлар мажлисида ким рақс этади?!

24

Майса дер эди: заминнинг кўрки ўзим,  
Бинафша дегай: ёшману ноз ғарқи ўзим.  
Садбарг дегай: беҳуда урмангиз лоф,  
Куйган ошиқлар бошининг бўрки<sup>1</sup> ўзим.

<sup>1</sup> Б ў р к – бош кийими.

25

Ёрингману йўқ менда бўлак ком сира ҳам,  
Домингдаман – айламас бирором сира ҳам  
Шарбат тўла косани биз ичдик бирга,  
Ичмасман хеч тутса бирором жом сира ҳам.

26

Боғингизда икки бута найшакар-ей<sup>1</sup>,  
Ётар бута остида бир лабшакар-ей.  
Ётибди қўйиб қўлини бош остига у,  
Үйғотманг – ошиқлик иши бир дардисар-ей.

27

Эй ёрим, дардинг аро мен беморман,  
Сўлган гулдек ҳар девор узра хорман.  
Кузда келаман деб ваъда берган эдинг,  
Ҳар куни кўзим йўлингда – интизорман.

28

Шу қадди баланди навниҳолингга ўлай!  
Шу оппоқ юзинг – беғуборингга ўлай!  
Шу оппоқ юзинг беғубор – зарра йўқ айб,  
Қоп-кора кўзинг – маству хуморингга ўлай!

29

Дарёки улуғ бўлса, адо ким қилади?  
Бир бўлса икки кўнгил – жудо ким қилади?  
Бир бўлса икки кўнгил – қийин ажраши-ей,  
Дардники Худо берса, даво ким қилади?

30

Мен кўргали келдим сени, жонона,  
Чиқ уйдан, эй оқ гулим менинг, пинҳона.  
Билгай-ку келиб-кетганим Оллоҳ ўзи,  
Сен чиқсангу чиқмасанг қилиб баҳона.

<sup>1</sup> Н а й ш а к а р – шакаркамиш.

31

Олисдан товланар кўзи фаттонинг,  
Гўёки садафдир тишлари хандонинг.  
Берган сўзингга менга пушаймон бўлма,  
Аҳдинг бузсанг, бўлмайман меҳмонинг.

32

Бир қиз боғ ичра бошини паст этади,  
Гул тера, ширин ўй-ла ўзин маст этади.  
Киприги ўқини урар эди менга,  
Гоҳида мазах қилар, гоҳи қасд этади.

33

Кўйинг сари келишни мен бас қилдим,  
Нокас этагига қўл урибман – билдим.  
Сен нокас экансан – севдинг нокасни,  
Қибла сен эсанг, намозни бас қилдим!

34

Эй ёр, маломату озордан чўчима,  
Гул соясида ўтиру хордан чўчима.  
Ўлдириш учун судраса ҳар кимки сени,  
Мардона қадам қўйгилу дордан чўчима.

35

Дилбар менга дедики: “Нега ғамгинсан?  
Бас, қайси санам тузогига тутқунсан?”  
Қўзғолдиму кўзгуни қўлига тутдим:  
“Шу кўзгудаги гўзални бир кўргин сан!”<sup>1</sup>

36

“Сув бўйига, қушча, ташна, зор келдингми?  
Ё очсану истабон шикор<sup>2</sup> келдингми?”  
“На ташна, на истабон шикор келганман,  
Девона бўлиб, кўргали ёр келганман”.

<sup>1</sup> Бу рубой Пахлавон Маҳмудга ҳам нисбат берилади.

<sup>2</sup> Ш и к о р – ов.

37

Ёр томдаю ўрним менинг дарвоза,  
Ранги – қызил гул, ўзи – пишлок тоза.  
Хар кимки бу пишлоққа узатса құлини,  
Сингай құли, пишлок-да қолмас тоза.

38

Бутун нима бўлди – мен сари келмади ёр?  
Бўри едими ёки илон бўлди дучор?  
Йўқ, бўри еган эмас, илон чаққан эмас,  
Шоядки чақирганимни эшиитмади ёр...

39

Ёр бир кабутари бекарор қилди мени,  
Муқими ғариби бу диёр қилди мени.  
Муқими ғариби бу диёр қилди-ю ишқ,  
Оввораю хору яна зор қилди мени.

40

Эйки, кириб келдинг эшикдан маст,  
Ноз-ишва ила, қўлингга боланг пайваст.  
Дедимки: туриб қўлингдан болангни олай,  
Бир қиморбоз эр менга қилмиш қасд.

41

Эй дўст, муҳаббатинг сенинг ҳою ҳавас,  
Мен гўшанишинлигингга<sup>1</sup> боисману бас.  
Бор гўшада ўлтиришларингдан хабарим,  
Элнинг бу ғарблигига боисману бас.

42

Мен боғда эдим – бир қади шамшод<sup>2</sup> ўтди,  
Зулфи қарға патидек паризод ўтди.  
Душман қўзидан чўчиб назар қилмадим-еў,  
Кўнглимда қилиб дардини бунёд ўтди.

<sup>1</sup> Гўша нишин – хилватда ўтирувчи, бир чеккада истиқомат қилувчи.

<sup>2</sup> Шамшод – кичик ва хушбўй гулли, ҳамиша кўм-кўк яшнаб турадиган хушқомат ва чиройли дараҳт.

43

Қора сочини ҳаво олибди, не қилай?  
Атрофин ўраб бало олибди, не қилай?  
Дедим: “Бораю күйнида тонг орттирайин”.  
Инсофини лек Худо олибди, не қилай?

44

Эй қызгина, маллагина йўлда юрасан,  
Қўлда кўзгу, сочингни ҳар ён сурасан.  
Дедим: “Бораю бўса дудоғингдан олай!”  
Дейдики: “Худо молини нега сўрасан?”

45

Қоп-қора сочингга тонгги шабнам инади,  
Қайрилма қошинг ойга чодир уради.  
Ким бир кеча сен билан бўлиб, ўпса лабинг,  
Ўша бу жаҳон ишрату айшин суради.

46

Ҳамсояни шу қизи ажаб лабшакар-еј!  
Дил куйди, кабоб бўлди жону жигар-еј!  
Ҳар лаҳза сўрайман мен унинг ҳолини-ю,  
Ҳажрида ҳалок бўлдиму у бехабар-еј!

47

Эй дўст, фирогинг ичра мен ғамгинман,  
Сени кўра оламанми деб маҳзунман.  
Юзингни кўролмай ўлмоқ қўрқитгай,  
Сигмайди уйга ҳам бечора бу тан.

48

Зулфингнинг узун занжири Мажнун қилди,  
Юзингни кўролмаслигим дилхун қилди.  
Кўз тушди лаб устидаги холга ногоҳ,  
Шу хол мени шахримдан сургун қилди.

49

Ёр кетди-ю, бу қўнгил хароб бўлди бугун,  
Кўз тўлди ёшга – селоб бўлди бугун.  
“Ёрингни чақирсакми, – дер эл, – бир четга?”  
“Сиз огоҳ эмас – жигар кабоб бўлди бугун”.

50

Малла қизалоқ, кўйингда мен зор бўлдим,  
Зар нархида зулфингга харидор бўлдим.  
Зулфингнинг, ўзинг сўйла, баҳоси қанча?  
Эл ичра маломатга гирифтор бўлдим.

51

Малла қизалоқ, қадди пастингга ўлай!  
Кумуш билагузукли шу дастингга<sup>1</sup> ўлай!  
Солсанг назаринг қачон бу девона сари,  
Оппоқ шу юзингу кўзи мастингга ўлай!

52

Бўлибди намози шом – биз дарбадар-ей,  
Уй ортида биз – уйқучи ёр бехабар-ей.  
Биз бир-биrimизга боқибон им қоқамиз,  
Эй ёр, омон бўл, биз бир раҳгузар-ей!<sup>2</sup>

53

Бу мулки Тагобда гули хандон ўзинг-ей!  
Ёшлар хаёлин ўғирлаган жон ўзинг-ей!  
Кўкламда қизил гул қидириб қолишади,  
Эй, қишида очилган гули хандон ўзинг-ей!

54

Жар бўйида кантарчани кўрдим – оппоқ,  
Дунёда сенингдек бевафо йўқ мутлок.  
Кўнглингга кириб, сени синааб билдим-да,  
“Тезроқ улгай!” – дея дуо килдим-да.

<sup>1</sup> Да с т – қўл.

<sup>2</sup> Ра х г у з а р – йўловчи.

55

Оғзинг ичра ўттиз икки оппоқ тиш,  
Лаб теграси Балх бинафшазори эмиш.  
Кўз ёши билан шу чаманингни сугорай,  
Балх шаҳри баҳоси сени бир бор кўриш.

56

Мен ўргилайин кўзлари турконангдан,  
Кўзим сира узилмагай хонангдан.  
Бир сўз демадингки, совуса то кўнглим,  
Кетсам оёқ узиб яна хонангдан.

57

Мен худди сариқ гул заъфаронман ғамидан,  
Мен худдики лола бағри қонман ғамидан.  
Садбарг гулидек юз пора бўлдим,  
Бош қуий анордек бегумонман ғамидан.

58

Эй дўсти азиз, ҳолимдан сен бехабар,  
Лаълинг ғамида бўлди таом қонли жигар.  
Тош келди фифонга нолаю оҳимдан,  
Кўнглимга бироқ қилмади бир зарра асар.

59

Қоп-қора сочинг маству хумор этди мени,  
Дил ёнару бир кўргали зор этди мени.  
Ёнингга борай десам парвоз қилиб,  
Эвоҳки, қанот йўқ – ярадор этди мени.

60

Эй жони азиз, дил изтиробда сенсиз,  
Кўнгил куяру жигар кабоб-да сенсиз.  
Сенинг тўшагингда ётаман сенсиз, ох,  
Ҳақ қилди жудо – қолдим азобда сенсиз.

61

Бир ёрим бор – манзили Файзободир,  
Ярми жигарим кабобу ярми боддир.  
Эй дўсту яқинларим, сира айбламангиз,  
Кўнглим қушининг иши мудом фарёддир.

62

Фарёдки, қишлоқдан узоққа тушдим,  
Ёр ҳажрида гам деган тузоққа тушдим.  
Кошкни эди бирга бўлсак – орзум шу эди,  
Кун келди – бора-бора узоққа тушдим.

63

Бу Кундузу Толикондан дил тўла ғам,  
Рангим заъфарон заъфарондек мени ҳам.  
Кўзимдан оқар ёш, жигаримдан эса қон  
Кўз бошқа бировлар ёрига тушгани дам.

64

Ойдин кечаю мен эса кўз ёши аро,  
Эй маллагинам, бўлма қафас ичра адо.  
Қилсанг кифоя менга сен адлу вафо,  
Топсанг агар ўзгасини – ёғсин-да бало!

65

Томдан йиқилиб тушсангу абгор бўлсанг,  
Шояд ўлмай, бир ҳафта бемор бўлсанг.  
Шояд ўлмай, яна оёққа турсанг,  
Эринг ўлибон гамга гирифтор бўлсанг.

66

Толикон чашмасини ғубор тутмиш,  
Келди хабари: ёр ўзгани ёр тутмиш.  
Мендан яхши ёр топа олмайди сира,  
У гулни кўйиб, тиканни дилдор тутмиш.

67

Кулганча эшикдан кириб келдинг ёр,  
Чин айламадинг меҳру вафони зинҳор.  
Кўнглингда жудолик хаёли бор экан,  
Бас, қилмадинг аввалдан нега ошкор?!

68

Кўзинг ўнгидаги уй менга хона эмиш,  
Кўнглимдаги дарду гусса бир дона эмиш.  
Эл дейди менга: бехуда ғам чекма сира,  
Чекмай нега ғам: ёр энди бегона эмиш.

69

Бир қушни кабутаринг деб икром қиласман,  
Ўзни бевафо деб нега бадном қиласман?  
Мен овчиман-ей сен ёш қиргий бўлсанг,  
Ўзимга, қачон бўлса, сени ром қиласман!

70

Аввалдан ўзинг севигига рози қилдинг,  
Лутфу қараму меҳру эъзози қилдинг.  
Мен зарра вафони кўрмадим қўнглингда,  
Эй дўст, нега бу хилда бози<sup>1</sup> қилдинг.

71

Булбулга чаман тахти Сулаймондан соз,  
Юргнинг тикани лолаю райҳондан соз.  
Миср элида шоҳ эди Юсуф<sup>2</sup> – минг марта  
Канъонда гадолиги бу унвондан соз.

<sup>1</sup> Бози – ўйин.

<sup>2</sup> Юсуф – Юсуф алайхиссалом. Маълумки, мисрлик савдогарларга ўгай акалари томонидан арзимас пулга кул қилиб сотилган Юсуф охир-окибатда Миср сultonи даражасига эришади. Канъон – Юсуф алайхиссаломнинг отаси Яъкуб пайғамбар хукмронлик қилган мамлакат.

72

Давр айланишидан жуда дилгир бўлдик,  
Лочин каби қўл-оёқда занжир бўлдик.  
Ёр ёнига етказ мени бир марта, Худо,  
Ёр ҳажрида кексайдигу букур бўлдик.

73

Қанд менга ғариблик ичра ош бўлмади-ей,  
Ақлу хушим асло менга хуш бўлмади-ей.  
Хар қанча жаҳонни чарх уриб кезсак-да,  
Юрт тупроғи дилдан фаромуш бўлмади-ей.

74

Фарёдки, бир лаҳза дилим хуррам эмас,  
Бу ерда бирор тўғри киши ҳамдам эмас.  
Юз додки, эшитмади фифоним ҳеч ким,  
Дод дегали куч қолмади – бу ғам кам эмас.

75

Ғурбатда ажал дастида сўлса бу таним,  
Ким гўрга қўяр, ким ўрайди кафаним?  
Тобутимни баланд бир жойга қўйинг,  
Шоядки, ватан бўйини туйса баданим...

76

Буғдой ҳиди қўнглимга қилиб таън ўтди,  
Умрим бу ғариблик ичра зотан ўтди.  
Ёд айласангиз, яқинларим, юртимда,  
Даврон жабру зулми ҳаддан ўтди.

77

Фарёдки, сокини биёбонмиз биз,  
Битта қизу бир гўдаги нодонмиз биз.  
Хат келди бу гўдакка мушук тегди дея,  
Ох, ёмгиру дўл остида нолонмиз биз.

78

Садбарг каби юз пораман-ей ёр ғамидан,  
Ҳам хаста, ҳам оввораман-ей ёр ғамидан.  
Куйдим тамаки каби чилимнинг ичидা,  
Бас, кул каби бечораман-ей ёр ғамидан.

79

Булбул дили гулдек беватан пора бўлар,  
Ғурбатда юзинг заҳил, дилинг ёра бўлар.  
Эл дейди: ғариблик ҳоли қандай бўлади?  
Баттар у ўлимдан – ғарип бечора бўлар.

80

Кўнглимда бир армону тоқат шудир,  
Куйгайману чора йўқ – қисмат шудир.  
Бошимга урап юз ўткир ханжарни,  
Мен шунга муносиб – муҳаббат шудир.

81

Давр айланишидан жуда ҳам куйдим мен,  
Ҳўл шоҳ каби ёш тўкиб бирам куйдим мен.  
Чарх айланиши, фалак ситам-жабри аро  
Оллоҳ ҳақи, минг чекиб алам куйдим мен.

82

Дарё каби мавж урган бу дийдам эрур,  
Оташ каби ўртанган эса сийнам эрур.  
Бу кўзагар аҳли ясаган ҳар кўза  
Асли хоки поки бани одам эрур.

83

Ойдин кеча, мен аммо келарманми-йўқ?  
Ўзимга ёр топа биларманми-йўқ?  
Лиммо-лим кўзадир бу олам гўё,  
Мен ундан чиқа оларманми-йўқ?

84

Дунё мисоли кўзаи зарриндир,  
Суви гоҳи аччиқ, гоҳи шириндир.  
«Умрингга ишонма», – дейди эл, бу чиндир,  
Ўлим оти тегрангда уззукундиндир.

85

Бу дунё мисоли бир йўловчи одам,  
Кўнглимда ураг чарх минг бир фикр ҳар дам.  
Чиқдим кўрай оламни деб кўприк узра,  
Ўткинчи бу олам тамошоси кўрсам.

86

Бошим менинг оғриса агар нола қилай,  
Бегонагами юзимни ҳавола қилай?  
Бегона агар менга совуқ сўз айтса,  
Кўзим ёшини мисоли шалола қилай?

87

Етди қарилигу умрим кам бўлди,  
Суяндиму ҳассага, қадим хам бўлди.  
Қолди кўз ўқишидану қўлим ёзишдан,  
Аввалги у сухбатлар барҳам бўлди.

88

Эй чарху фалак, менинг каби зор бўлгил,  
Куйган шу дилим каби ярадор бўлгил.  
Кўксимга ўзинг қўйганинг ушбу доғни  
Ўз кўксингга ҳам кўю мурдор бўлгил.

89

Бир чумчуқ эдим – сув бўйига тушдим,  
Уч кунлик эдим – ҳаёт қўйига тушдим.  
Садбарг эдим – очилар эдим ҳар тонгда,  
Бир дур эдим – олов сўйига тушдим.

90

Бу йил бу фалак бизни овора қилди,  
Күнгилни ғаму ғуссада пора қилди.  
Эл барча кийиб оқ түн – бизга навбат  
Келганда кийимимизни қора қилди.

91

Орзум шуки, бир кун сенга ёр бўлсам,  
Нозиккина бўйнингга туммор бўлсам.  
Заргар қошига борай кумуш бўлибон,  
Бўйнингга тақилмоқлик учун тор бўлсам.

92

Бошингда рўмол, қилиб ҳаво юргайсан,  
Мисли гули қимматбаҳо юргайсан.  
Биз хизматга бел боғлаб, эй тоза нихол,  
Не бўлдики, биздан жудо юргайсан?

93

Мен Бангисаройда бир сариқ қиз кўрдим,  
Рўмоли билан юзларини яширди.  
Дедим: “Қани, бошинг очиқ бўлса эди!”  
“Омин!” – дея ноз билан юзин ўгири.

94

Бу дашт ундан юрса агар ёр хушдир,  
Гул зийнат учун ҳамиша даркор, хушдир.  
Гар ёр топсанг, ёри вафодор хушдир,  
Бу ёри вафодор ила гулзор хушдир.

95

Мен ошиқи шайдойингман то борман,  
Бир маҳви тамошойингман то борман.  
Ўзинг биласан: мен гарibi беватан,  
Ошуфтай расвойингман то борман.

96

Мен мисли малак бу бевафони не қилай?  
Минг қўлдан ўтган бедавони не қилай?  
Сен қўлма-қўл ўтган бир қадаҳсан гўё,  
Пашша тўла бу қадаҳ – балони не қилай?

97

Хоксоргина, ёри нозанин, юргайсан,  
Енг ичида ханжар яширин юргайсан.  
Ханжар яшириш енг ичида айб эмас,  
Кандай кўтарар сени замин – юргайсан?

98

Богингиз аро икки бута найшакар-ей!  
Остида тураг икки нафар лабшакар-ей!  
Қизлар шакару зеболар гули шакар,  
Кўйида шу қизларнинг дил дарбадар-ей!

99

Сен турган у ер бинафшазори Балхдир,  
Кўз ёшига бу ерда асиринг ғарқдир.  
Келтирсам агар юзингни кўз олдимга,  
Теграмда ураг чарх еру кўк – бу ҳақдир.

100

Фарёдки, Қундузда дилтангмиз биз,  
Бир даста бинафشاи берангмиз биз.  
Ҳарчанд бу ердан кетиш истагимиз,  
Мажрух булбулдек домаро бандмиз биз.

101

Боғ ичра кўрдим ёш бир оҳуни мен,  
Кўксига йигилган дарду доғини мен.  
Эй дўст, ўша дарвеш Искандарсан,  
Зоғ чангалида кўрдим-ку тўтини мен.

102

Гул тутказдинг күлимга фасли баҳор,  
Ёш ҷоғимда қылдинг дилни ярадор.  
Тутдим этагингдан мен умид-ла, сен эса  
Тутдинг умидсизлик этагини, ёр.

103

Шуғонда икки дев билан икки пари,  
Лойик қўша гулдек бир-бирига бари.  
Шу жони азизим ўшал әлчига фидо:  
Шуғонга олиб борса ким ушбу хабари!

104

Кўм-кўқдир кўзларинг мисоли осмон,  
Ҳам кўйлагинг этаги баланду алвон.  
Бизга қиласан қаҳру ғазаб, нозу итоб,  
Аммоқи рақибларимга лутфу эҳсон.

105

Афсуски, сендан бир умр тушдим узок,  
Булбулдан кечдинг, бўлдинг ҳамдами зог.  
Ранг олади қовун қовундан доим,  
Сувда бўласан ҳўл, куясан ўтда бирок.

106

Кўнглимни хумор кўзларинг олди-кетди,  
Ё ӯт оқ қўлларингми солди-кетди.  
Ота-онанг бермади сени менга,  
Шўримга менинг Ҳақ сени бино этди!

107

Ишқ оташи қай кунки жаҳонда ёнди,  
Куймоқни ошиқ маъшуқдан ўрганди.  
Бу ёнмагу куймак келди ёр саридан,  
Шам ёнмаса, парвона бўларми банди?!

108

Наврӯздаги майсадай кўзингдир кўм-кўк,  
Бир лаҳза менга сенсиз тириклиқ йўқ.  
Нола қиласан шомдан то тонгга қадар,  
Келмайман бошқа минг кўз ёши тўқ.

109

Қайдан бу Самарқанд олмаси – маълум эмас,  
Бу лаъли Бадаҳшон бизга таслим эмас.  
Тиг урдинг қоқ ўртасига кўксимнинг,  
Қон тинмай оқар – жароҳати маълум эмас.

110

Оппоққина охумни йўқотиб қўйдим,  
Элдан-элга ўтиб, яшашдан тўйдим.  
“Девона бўлибсан, эй йигит! – дер кишилар,  
Мен соғману ёримни йўқотиб қўйдим.

111

Бир қизгина дарвозлигу бири Роғдан,  
Ҳар иккаласи ўйнар эдилар боғда.  
Йўқ ҳеч бир умидим дарвозлик қиздан,  
Менинг юрагим роглик қиз деб доғда.

112

Ул кунки, дилинг менга гаров эрди бирам,  
Қаттиқ тутиб этагим, дединг: “Кетма сира!”  
Ул кунки, дилинг бўлди бирорвга мойил,  
Дедингки: “Жұна, кўнглімни қилма хира!”

113

Оқ тошга “алиф” ёzsам, у “лом” бўлгай,  
Шояд дилида майли гашти том бўлгай.  
Мен теграсида унинг неча дона сочай,  
Шояд дона деб асири дом бўлгай.

114

Қаддинг буғдой тупига ўхшаб кетади,  
Одамлар қўлида рўмолчанг нетади?  
Аммо бу рўмолчаларда ҳеч бўйинг йўқ,  
Кўрдим кезиб оламни: сенинг тенгинг йўқ.

115

Қаддига назар солинг унинг – қадди баланд,  
Қошига назар солинг унинг – қоши каманд.  
Кўзига назар солинг – май тўла қадаҳ,  
Ошиқлари жон берса-да, қилмайди писанд.

116

Бир дам кўкаламзорда ўтиридик-кетдик,  
Сийнангдан қўлларни кўтардик-кетдик.  
Кўзинг бир кишида, дилинг минг кишида,  
Биз ҳам ўз ишимизни битирдик-кетдик.

117

Эй кўк кўйлакли қиз, яқининг бўлайин!  
Сен кўк буғдою мен замининг бўлайин!  
Кўк буғдойни ўрувчилар кўп доим,  
Бир бўса бағишла – хўшачининг<sup>1</sup> бўлайин!

118

Шўх кўзларинг ўхшайди тонг юлдузига,  
Юзинг худди тўлин ойнинг ўзига.  
Хар кимки ёстиғингга бош қўйса агар,  
Фарқ бўлади нозу ғамза денгизига.

119

Дарёки улуғ бўлса, қамрарми нигоҳ?  
Бир бўлса икки қўнгил – ажрармиди, оҳ?  
Ажратса ким – ўзи ҳам жудолик кўрсин!  
Кўнглим каби куйсин-да уйи ногоҳ!

<sup>1</sup> Хўшачин – бошок терувчи.

120

Күзинг қора паشا қанотидан ҳам,  
Мафтун зебо қаддингга бутун олам.  
Ахд этсанг агар – бир кишига айла вафо,  
Дарё бўлма – қўл ювар ҳар одам.

121

Ошиқ эмас эдик – бу йил иқрор бўлдик:  
Шу тоза ниҳолингга гирифтор бўлдик.  
Шу тоза ниҳолингдан ёёлмай мева,  
Охир маломатга гирифтор бўлдик.

122

Бир гул кўрдим, бир гули раъно кўрдим,  
Лайлини бинафша ила ошно кўрдим.  
Лайлию бинафшага суман ҳамроҳдир,  
Бир тошнинг соясида танҳо кўрдим.

123

Қазсам бир ариқча – сув исча капитар,  
Сув бўйида ёнимда ўтиrsa дилбар.  
Лочин каби қўйнимга уни олсам агар,  
Тўкилмасин ундан, этаман саъй, бир пар.

124

Йўл берсанг агар, сени бир оғуш айлай,  
Лаълинг қадаҳидан мен май нўш айлай.  
Буткул кутулиб шарму ҳаё пардасидан,  
Ўпай шу қадарки, ўзни бехуш айлай.

125

Юзинг қизарибди тоза майдан, жоним,  
Лола каби ҳар ёнга сочилди қоним.  
Ишқинг ўтидан жигар сув бўлганининг  
Исботи эмасми қўзлари гирёним?!.

126

Бир сўз демадинг – дилимни шод айламадинг,  
Ҳаттоки қалам тилида ёд айламадинг.  
Лутфингдан обод бўлди юз вайрона,  
Бизнинг вайронани обод айламадинг.

127

Кетдинг шаҳарга – аҳд-вафойинг қани, ҳей?  
Мехринг қанию жони фидойинг қани, ҳей?  
Бу қисмат охири кимга очди кучоқ,  
Эй ойина юзли ёр, сафойинг қани, ҳей?!

128

Савдо тўла бошим остоңангга қўяй,  
Кўнглимни шу зулфи дилситонингга<sup>1</sup> қўяй.  
Жоним лабга етди – лабингни келтири,  
Жоним шу баҳонада даҳонингга<sup>2</sup> қўяй.

129

Коп-кора шу зулфинг доим ҳамдиру хам,  
Кўнглимда менинг ҳамиша ҳам ғамдиру ғам.  
Фалвирга солиб жаҳонни минг марта эла,  
Менинг каби мотамзадалар камдиру кам.

130

Ёпинчиғинг устида бир гул ўйнар,  
Хуснингни қилиб томоша, олам яйрап.  
Ўйнаб қўзимиз, бир-бирига роз сўйлар,  
Ётлар кўзи замонасозлик айлар.

131

Қаддинг гўё ниҳолдир, аммо, боши хам,  
Юзинг гўё ҳилол – тўлишгай ҳардам.  
Қўлинг чаясан ҳамиша гул суви билан,  
Ҳар кун ювади гул юзини шабнам.

<sup>1</sup> Д и л с и т о н – дилни олувчи, кўнгилни ўзига асир қилувчи; дилбар, дилрабо.

<sup>2</sup> Даҳон (Дахан) – оғиз.

132

Қаддинг мисоли новдаи найшакар-ей!  
Гулдан-да юзинг софу гўзал шу қадар-ей!  
Бир бора менга нигоҳ солсанг куяман,  
Қайтиб олишинг нигоҳинг ундан батар-ей!

133

Богда гул кўп – юзинг каби зебо эмас,  
Сув бўйида сарв қадинг каби раъно эмас.  
Уй ичра қачон учиб-кўниб айлансанг,  
Хайф умримки, лойиқи тамошо эмас!

134

Ҳар икки лабинг қачонки хандон бўлади,  
Қанду асалу набот арzon бўлади.  
Қилсанг мени кўрмоққа қадам ранжида,  
Йўл тошлари барча лаълу маржон бўлади.

135

Қовун емагум – келар ачиган иси,  
Қассобга тегмайман – келар қон иси,  
Новвойдан эса келади тутун иси,  
Боғбон яхшидир – келади гул иси.

136

Юксак бу том узра зўр тамошо бордир,  
Қаддинг баланд, тилинг-чи гўё бордир.  
Ҳарчанд сени сехру жоду айлай дейман,  
Оллоҳ ҳақи, вазиринг доно бордир.

137

Ул кун дилим олдида дилинг эрди гаров,  
Тутиб этагим ялиндинг: “Кетма дарров”.  
Энди юрагинг ўзгага мойил бўлгач,  
Қўйдинг ковушимни тўғрилаб беаёв.

138

Эй дўст, муҳаббатинг бемор қилди,  
Юзинг дарди ғамга гирифтор қилди.  
Уйқуда эдим – хаёлинг элчиси етиб,  
Ўткир ханжар урди-ю, бедор қилди.

139

Кўзинг менда, аммо дилинг бошқа билан,  
Мен сени десам, сен деганинг ўзга экан.  
Ишқ ичра равоми – қўлларинг ўпсаму мен,  
Ўпсанг оёғини бориб ўзгани сан?!

140

Ёрингга айт, кел, бизга ёрлик қил,  
Бизни бу шаҳардан элтишар – зорлик қил.  
Бизни бу шаҳардан элтишару сотишар,  
Кел, бўлса заринг, бизга харидорлик қил.

141

Лаб узра холинг кўнглим қушига дона,  
Тимқора кўзинг қилди мени девона.  
Бир сўзим бор сенга – айтайми ё йўқ,  
Ўзинг нима дейсан, сўйла, жонона?!

## ҚҰШИҚЛАР

### ЛАЙЛО

Юзинг дилдан олар ғамни,  
Кел, эй Лайло, кел, эй Лайло!  
Қиласай садқа сенга жонни,  
Кел, эй Лайло, кел, эй Лайло!

Нигори нозанинимсан,  
Юзи кун, сочи тунимсан,  
Олибсан ақлу диним сан,  
Кел, эй Лайло, кел, эй Лайло!

Манам бир гүшада танҳо,  
Чекиб тунлар ғаму савдо,  
Дилингда раҳм бўлиб пайдо,  
Кел, эй Лайло, кел, эй Лайло!

Қадаҳни синдириб, жонон,  
Унутиб аҳд ила паймон,  
Магар бўлдингми пушаймон?  
Кел, эй Лайло, кел, эй Лайло!

### АБДУЛЛАЖОН

Қани, юр, кетдик Мазор,  
Сайри гулу лолазор,  
Бўса олиб уч-тўрт бор,  
Шер Абдуллажон!

Кара, паридай бир қиз,  
Заргарликка бурди юз,  
Ёрингдан узмайсан кўз,  
Шер Абдуллажон!

Тошлар ичра қўк тош соз,  
Тез ўқидингу намоз,  
Дил не деб қилар парвоз?  
Шер Абдуллажон!

### БАДИХА

– Кезиб Қорабоғ келдим,  
Кўксим тўла доғ келдим.  
Мусофирикдан ёрни  
Қилганча сўроғ келдим.

– Қорабогдан хуш келдинг,  
Мени фаромуш қилдинг.  
Гулзорга ошиқ эдим,  
Ёр учун гул термадим,  
Сен мени бехуш қилдинг.

### ДИЛБАР

Дилбарим, дилбар хонахароб қилди,  
Шаҳло қўзлари бетабу тоб<sup>1</sup> қилди.

Бу тун май майли жой олди дилимдан,  
Қани, олсам қадаҳ дилбар қўлиндан.  
Сени кўрсам рақиблар ила бирга,  
Магар қайтармидим ушбу йўлимдан.

Нигоҳида бир олам роз бордир,  
Мижа қоқишида юз ноз бордир.  
Чаманга боришини истамасман,  
Гулу булбул мудом ҳамроз бордир.

Кел, эй элчи, сенга айтай нишона,  
Саломим олу бўл ёрга равона.  
Хабарни оғзаки етказки, мактуб –  
Битишга тоқатим йўқ бир замона.

<sup>1</sup> Бетабу тоб – бекарор, бехуш маъносида.

## ШОХИ ПАРИ

Токай айларман гамингдан нола, эй шохи пари,  
Барча бу нозу адоларни ўзингдан эт нари.

Лаъли лабингдан ўпардим мен қилиб юз илтижо,  
Ошиқ аҳлининг азалдан асли қонли жигари.

Бўлдим оввораю ҳайрону паришону хафа,  
Қилди зулфингни пароканда насими саҳари.

Бораман гоҳида вайрона, гоҳи саҳро сари,  
Эй Худо, тинчир қачон оламни бу дарбадари?!

## ГУЛИ БЕРАҲМ

Эй гули бераҳм, бағиша назар,  
Кетасан олдимдан атай бехабар.  
Не учун олдимдан, ахир, қочасан?  
Ханда қилиб ёвга қучоқ очасан?

Эй гули бераҳм!

Ўртаниб ишқингда мудом дилрабо,  
Ўрганиб олдим ишқ равишини то.  
Кўйи висолингда қилиб дарбадар,  
Қон этасан-ей жигарим бу қадар?

Эй гули бераҳм!

Эй санами шўхи ситамкор ўзинг,  
Озгина ўтири ёніма ёр ўзинг.  
Қайга қиласан яна азми сафар,  
Ох, яна қонга тўладими жигар?

Эй гули бераҳм!

## ЭЙ ДИЛИ БИРЁН

Эй дили бирён, эй дили бирён,  
Үргади сени ҳасрати жонон.  
Хаста қилибди, хаста қилибди  
Дарди ўшал ғунчалабу моҳи дурахшон<sup>1</sup>.

Бир нигоҳинг ўқи эди қотили жоним,  
Маст кўзинг олди менинг тобу тавоним<sup>2</sup>.  
Борасан сархуш, борасан сархуш,  
Кўлингда қадаҳ, ўзинг эса маству ғазалхон.  
Эй дили бирён.

Тоза гулим, менга қачонгача бу озор?  
Жабру ситам қачонгача чекар дили зор?  
Бас, бу жафо тугарми ҳеч дилбару дилдор?  
Кетдинг қошимдан, кетдинг қошимдан,  
Олди дилимни-ку ўшал наргиси фаттон<sup>3</sup>,  
Эй дили бирён!

## ҚАМАР БУ ЕРДАДИР

Кўрлигидан чархи фалак кўзи қамар<sup>4</sup> бу ердадир,  
Энди, Худо ҳаққи, қамар токи сахар бу ердадир.

Аста қулоғига фалакнинг денг бу бандада номидан  
Бу кеча муштоқ бўлибон кутма, қамар бу ердадир.

Бу кеча меҳмони азизнинг юзини кўрмоқ учун  
Тому эшикдан чиқариб бошни шаҳар бу ердадир.

Интиламан бу шам сари шавқ ила мен – бечора жон,  
Парвонадек ёзib қанот, чунки қамар бу ердадир.

<sup>1</sup> М о ҳ и д у р а х ш о н – порлок, тўлин ой; мажозан: гўзал маҳбуба.

<sup>2</sup> Т о б у т а в о н – тобу токат, сабр, чидам, бардош.

<sup>3</sup> Н а р г и с и ф ат т о н – шўх, ўйноки, жоду кўз.

<sup>4</sup> Қ а м а р – ой.

## МАСТИ НОЗ

Агар зулмингнинг дастидан ўларман,  
Қиёматда этагингдан тутарман.  
“Бу менинг қотилим!” – дерман Худога,  
Қасосимни ўзим сендан оларман.

Сен масти нози, Лайло,  
Ажаб таннози Лайло!  
Ҳажринг аро ўлимга бўлдим рози,  
Қилмасанг ўйин соз-е!

Кўлингда ихтиёри дўстинг, эй шўх,  
Дилимни олди кўзи мастинг, эй шўх.  
Бўғизланган қушдек типирчилар дил,  
Боқ: ўлдирди қоши пайвастинг, эй шўх.

Сен масти нози, Лайло,  
Ажаб таннози Лайло!  
Ҳажринг аро ўлимга бўлдим рози,  
Қилмасанг ўйин соз-е!

## ДИЛНИ ОЛАДИ

Баланд бўйинг нигоҳни толиктиради, эй хур,  
Гўзал ҳуснинг кўзларга бағишлар равшанлик, нур.

Дилни олади, дилни,  
Шу кўзлари бодоминг,  
Шу зулфи мисли шоминг.

Гул барги каби юзинг Мусҳаф<sup>1</sup> менга, дин менга,  
Тозаликда кокилинг сунбули мушкин менга.

Дилни олади, дилни,  
Караашмаю нозларинг,  
Шириш-ширин сўзларинг.

<sup>1</sup> Мұсҳаф – Қуръон.

Гўзалларнинг сафида сендан узмайман кўзим,  
Сендан бўлмайман жудо, сенга дил бердим ўзим.

Дилни олади, дилни,  
Ҳам сулху ҳам жангинг-ей,  
Либоси хушрангинг-ей!

### КЕЛДИ НАВБАХОР

Анор гулга кирди – келди навбахор,  
Кел, гулзор сайрига чиқайлик, дилдор.  
Кел, кел, Худо ҳаққи, ёри дилозор,  
Етар қаҳру газаб, жафою озор.

Кел, эй соқий, тўлат майга жомимни,  
Сабо, ёрга олиб бор пайғомимни.  
Айт, ўшал тунни ёритгувчи шамга:  
Ёрит юзинг нуридан бу шомимни!

Юзингдан даврамизни айла равшан,  
Фироқдан ёқма кўнгилларда гулхан.  
Агар бошдан-оёқ оламни олсанг,  
Дилимиз оғритишига етмас, билсанг!

### АЛЛА ҚЎШИГИ

Жоним болам, алла-ё!  
Жоним болам, алла-ё!

Онагинанг қошингда,  
Парвонадир бошингда.  
Сочинг силар орзуда,  
Сен ётасан уйкуда.

О лалу, лалу, лалу!<sup>1</sup>  
О лалу, лалу, лалу!

<sup>1</sup> Лалу – алла қўшиги.

## ОЛМА ГУЛИМ

Эй ёрижон, сен олдинг ақлу ҳушим,  
Овозингга тұладир үнгү тушим.  
Құлимдан туту олиб бор бозорга,  
Бонг ур: сотмоқдир ошиғимни ишим!

Олма гулим, олма гул,  
Олма гулим, олма гул.  
Бир донаси құксимда,  
Олма гулим, олма гул.

Күзимнинг косаси сенинг саройинг,  
Күз ораси қадам қўйишга жойинг.  
Хавфим шунданки, гофил қолмагайсан,  
Тегиб киприк, оғритмасин-да пойинг.

Олма гулим, олма гул,  
Олма гулим, олма гул.  
Бир донаси құксимда,  
Олма гулим, олма гул.

Бўлай қурбон сенга, эй ёри ҳамдил,  
Фамингни чекаман манзилма-манзил.  
Қилиб ёдим қаю манзилга кирсанг,  
Худо ҳаққи, ичарман заҳри қотил.

Олма гулим, олма гул,  
Олма гулим, олма гул.  
Бир донаси құксимда,  
Олма гулим, олма гул.

## БУЛБУЛЧА

Куйла, куйла, булбулча,  
Үтди қишу қаҳратон.  
Сандал олинди, шүрлик  
Фақирлар кулди шодон.

Қандай гүзәл баҳордир,  
Вақти гули анордир.  
Мерған бўлар болалар,  
Қизлар-чи, лаҳтак ўйнар.

Бибижон, бўл эҳтиёт,  
Кўзангни қуч шу заҳот.  
Кизингни ол ичкари,  
Ўғлингни қўй ташқари.

## ТАРОНА

### I

Юлдуз кундуз чикқан он,  
Ларзага кирди бу жон.  
Кўнғироқ қилган эдим,  
Келди соҳиб қўмондон.

Чиқиб поездга елдим,  
Дедоди сари келдим.  
Аскарлик бўлди қисмат,  
Рухсат бермадинг – билдим.

Калта кўйлагинг, зебо,  
Жонимга бўлди бало.  
Тилгинангнинг учидан  
Бир бўса айла ато.

### II

Бедона бўлиб учдим,  
Шолипоянгга тушдим.

Тақдиргинам қурсин-ей,  
Ватандан айро тушдим.

Бедона бир сиқим пар,  
Ҳаммалари сарбасар.  
Бир кўрдим дийдорини,  
Яна бўлдим дарбадар.

Эгарланглар отларни,  
Эгалланг равотларни.  
Димогини чоғ қилинг,  
Келган паризодларни.

## ЁР ЁДИ

Қиларман қумридай ку-ку, сени ёд айлаб, эй жонон,  
Қиларман нола булбулдек юзингнинг ишқида ҳар он

Агар киприк тигин урсанг, жигарга ёки отсанг ўқ,  
Мен истарман қошингнинг ханжари этса яна яксон.

Агар чорлаб жаҳон зеболарини ёнма-ён кўйса,  
Қачон бир тола сочингга бўлишга тенг топар имкон?

Ширин уйқуда ётибсан, сира келмайди уйғотгим,  
Бу икки жангари кўзинг бало қўзғар, қилас исён.

Йўлинг тушса агар ёрим тарафга, бир бор, эй элчи,  
Дегил: “Мискин дуогўйинг чекар оху фифон гирён”.

## ҚЎШХОТИНЛИ ҚЎШИФИ

На кўйлак, на чопоним бор,  
На гўру на кафаним бор.  
На идиш, на шол бир дона,  
На бир тароқ, на бир ойна.

Менинг икки хотиним бор,  
Шундай бўлгач, не ғамим бор!

На оғзида тиши бордир,  
На бир яхши иши бордир.  
Күз йүғу тил заҳар доим,  
Саёқ итдек хурап доим.

Менинг икки хотиним бор,  
Шундай бўлғач, не ғамим бор!

Бири девонаю содда,  
Бири бўлса аҳмоқ жуда.  
Бири эллиқдан ўтгандир,  
Бири саксонға етгандир.

Менинг икки хотиним бор,  
Шундай бўлғач, не ғамим бор!

Қилиб жанжал қачон чарчар?  
Мисоли тош бошим янчар?  
Керак бу шармандаликдан,  
Мусулмонлар, қилмоқ ҳазар.

Менинг икки хотиним бор,  
Шундай бўлғач, не ғамим бор!

На кўйлак, на чопоним бор,  
На гўру на кафаним бор.  
На идиш, на шол бир дона,  
На бир тароқ, на бир ойна.

Менинг икки хотиним бор,  
Шундай бўлғач, не ғамим бор!

## **ХОТИН ШИКОЯТИ**

Ориғу қоқ бир хўрозим – боши ларzonим бор,  
Дастидан қўксим аро юз доғи пинҳоним бор,  
Оҳ, Худою воҳ, Худо – ҳоли паришоним бор,  
Бир нодон эрим бор, бир нодон эрим

Эргинам ўйнаб қимор, бир-икки сўм ютса агар,  
Янги каптар олгани дарҳол бозорга чопар.  
Оҳ, Худою воҳ, Худо – ҳоли паришоним бор,  
Бир нодон эрим бор, бир нодон эрим

Дейди: гар кирсанғ эшикдан на чою, на ноним бор.  
Тош билан урар бошимга – ларзада жоним бор,  
Оҳ, Худою воҳ, Худо – ҳоли паришоним бор,  
Бир нодон эрим бор, бир нодон эрим

Қайсару ахмоқ бўлибди йўқотиб ақлини шум,  
Вақту бемаҳал келиб бошимга айлар гум-гум.  
Оҳ, Худою воҳ, Худо – ҳоли паришоним бор,  
Бир нодон эрим бор, бир нодон эрим

Йўқ на бир ҳовуч гуруч уйимда, на бир бурда нон.  
Келади тун ярмида бошлаб уйга меҳмон.  
Оҳ, Худою воҳ, Худо – ҳоли паришоним бор,  
Бир нодон эрим бор, бир нодон эрим

Худди оч жўжа каби бир кўзи гирёним бор,  
Эргинамнинг дастидан ашки фаровоним бор,  
Оҳ, Худою воҳ, Худо – ҳоли паришоним бор,  
Бир нодон эрим бор, бир нодон эрим

## **ХАРИД ОРЗУСИ**

Хоним учун атру бўёқ, мушку анбар оламан,  
Бўлса Кобул бозорида не мұяссар оламан.

Мис қозонни сотадирман ёрга гул олмоқ учун,  
Ҳам гулоб, пардоз столини муқаррар оламан.

Мен вакил бўлиб яна қишлоққа сайлансан агар,  
Лоласафдардан<sup>1</sup> маликамга деб ерлар оламан.

Етса Ҳошими хунармандга агар қучим менинг,  
Бўйнига бир янги маржон – дурру гавҳар оламан.

Мактубингга, бўлмаса пул, қандайин имзо қўяй,  
Янги шаҳар барпо этиб, тошу мармар оламан.

Менга боглиқдир иши қассобу дўкондорнинг,  
Дону мошу гўштни текинга аксар оламан.

## ЖЎХОРИ

Жўхорижон, жўхори,  
Марварид тўла бир чўп.  
Жўхорижон, жўхори,  
Мазалисан ҳаддан кўп.

Пистаси фиж-фиж дона,  
Кокили паришон-а.  
Заминни айлади маст,  
Бу жилваи бир дона.

Олгил, ога, жўхори,  
Егил, ога, жўхори.  
Мазалисан мунчалик,  
Жўхорижон, жўхори.

Экин баҳорда хушдир,  
Жўхори қўрда хушдир.  
Болалар еса кувнаб  
Айни баҳорда хушдир.

Олгил, ога, жўхори,  
Егил, ога, жўхори.  
Мазалисан мунчалик,  
Жўхорижон, жўхори.

<sup>1</sup> Лоласафдар – Кобул атрофидаги жой номи.

Жүхори кокил каби,  
Сояси сунбул каби.  
Кел, қовурамиз уни,  
То очилсин гул каби.

Олгил, оға, жүхори,  
Егил, оға, жүхори.  
Мазалисан мунчалик,  
Жүхорижон, жүхори.

## СУМАЛАК

*Нақарот:*

Сумалак қайнар,  
Ковлаймиз тинмай,  
Ёнидан жилмай,  
Одамлар ухлар.

Сумалак бу – назри баҳор,  
Байрам қилар кимки бедор,  
Хурсандчилик йилда бир бор,  
Кейинги йил, ё насиб!

*Нақарот:*

Орзуга тұла бу тун,  
Сумалак қайнар бетин,  
Хурсандчилик кияр тун,  
Кейинги йил, ё насиб!

*Нақарот:*

Шакар каби шириндир,  
Үз-үзича рангиндир,  
Таъмида нұқс йүқ ҳеч бир,  
Кейинги йил, ё насиб!

*Нақарот:*

Күриниши бирам хуш,  
Карасанг – уради жұш,  
.....<sup>1</sup>  
Кейинги йил, ё насиб!

*Нақарот:*

Мавсуми айшу баҳор,  
Боиси тахту шиор,  
Қизлар давраси қатор,  
Кейинги йил, ё насиб!

<sup>1</sup> Бұ сатр асиятта йўқ

## ТҮРТЛИКЛАР

1

Эй ёр, күзинг хумордир,  
Күксинг узра анордир.  
Бу тун күнглим қүшини  
Овлаш тилагинг бордир.

2

Чалолмайман созингни,  
Күтараман нозингни.  
Қайчи уриб сочингга,  
Килардим пардозингни.

3

Тут теради қизгина,  
Бармоқларида хина.  
Дуо айланг, бўлайлик  
Бизлар сийнама-сийна.

4

Кўзинг қора шундоғам,  
Сурма қўйиб нетарсан?  
Бошқа ёринг бор экан,  
Мени суйиб нетарсан?

5

Маланг<sup>1</sup>-маланг келибди.  
Тоғлар баланд келибди.  
Оёғига ёримнинг  
Этиги танг келибди.

6

Катта-катта кўзларинг  
Жонга бало бўлибди.  
Тил учидан бир бўса  
Унга даво бўлибди.

<sup>1</sup> М а л а н г – 1) дарвеш; факир; 2) ошик.

7

Кел, эй, ширизабоним,  
Ороми дилу жоним.  
Жо бўлди сенинг ишқинг  
То мағзи устухоним.

8

Шод бўлиб дилим келди,  
Бир даста гуллим келди.  
Мен бечорани излаб,  
Шайдо булбулим келди.

9

Агар келсанг наҳорга,  
Олиб борай Мазорга.  
Туфли олиб берайин  
Ўзим севимли ёрга.

10

Баланд кўтаринг зинани,  
Қиздиринг ҳаммомхонани.  
Тун ҳам ярмидан ўтди-ку,  
Ечинг бандини сийнани.

11

Мен емайман ионингни,  
Кўтар дастурхонингни!  
Менга етар шу хона,  
Лабингдан ўпай қона.

12

Киргандим боғга аста,  
Туар бир шоқол пастда.  
Кулоғига отсам тош,  
Кулоғи бўлди хаста.

13

Жума туни омадли,  
Лек пишган ош келмади.  
Туз кўп урсам, шўр бўлди,  
Душман кўзи кўр бўлди.

14

Оғам қилиб шикоят,  
Кушча олди ниҳоят.  
Кушча бир дона эди,  
Дилим девона эди.

15

Тариқ экилган майдон,  
Бир қуш юрар териб дон.  
Икки ёши ўтған чол  
Уни тутолмай сарсон.

16

Оқ аргумоққа етдим,  
Қимор ўйнашга кетдим.  
Дурдонанинг дастидан  
Ўзим қаландар этдим.

17

Мен Яккатутдан учдим,  
Бориб Кобулга тушдим.  
Ёргинамнинг дастидан  
Чилим билан қовушдим.

18

Костюминг уйингда,  
Яқинлар йўқ ўйингда.  
Менинг ёриммисан-йўқ,  
Мен ёр дейман, бўйингдан!

19

Тимқорадир қароғинг,  
Онанг күрмасин дөгинг.  
Онанг күрса-күрмаса,  
Күрмаса бас ўртогинг.

20

Келай том бошига, бас,  
Мен шунчаки дүст эмас.  
Мендан ҳеч құрқма, дилдор,  
Бұлгум ёри вафодор.

21

Қора қоши хамингдан,  
Ұлиб бүлдім ғамингдан.  
Қиёмат куни, жоним,  
Бүйнингда менинг қоним!

22

Уйинг ёнида тут бор,  
Холингга мен гирифтор.  
Агар қошингда ўлсам,  
Йўқ ўзга армоним, ёр!

23

Ариғингдан олдим сув,  
Сириң менга қоронғу.  
Сенинг ҳеч бир айбинг йўқ,  
Юзинг анор гули-ку.

24

Ёмғирни куйди осмон,  
Панага ўтди жонон.  
Бир бўса олмоқ бўлсан,  
Кўзлари бўлди гирён.

25

Дўстим, қўлингда зангдир,  
Юрагим сенга банддир.  
Аста-аста қадам бос,  
Донинг шарбати қанддир.

26

Эй йигит, менда бордир майл,  
Қилайлик бирга-бирга сайр.  
Ё кулиб, ё қилиб зори  
Кучай бир – қўрмасин гайр.

27

Йигит, юртинг Мазорми?  
Сўйган қўйинг ҳисорми?<sup>1</sup>  
Мен сенга бўлдим ошиқ,  
Хабаринг йўқми-борми?

28

Менинг юртим Шибирғон,  
Шеърларим бор фаровон.  
Бир нечасин ўқийман,  
Эшит ӯзинг, Насринжон!

29

Савдогар ошнойимдир,  
Шундан охувойимдир.  
Жойимни сўрасангиз,  
Шумтол ости жойимдир.

30

Хатлондан, ҳо, келдингми?  
Юзи қаро келдингми?  
Оввора, зор келдингми?  
Куп-куруқ, хор келдингми?

---

<sup>1</sup> Тожикистаннинг Ҳисор худудида стиштириладиган кўй тури.

31

Тимқора күзларинг масть,  
Қызыл лабинг майпарат.  
Күлингда тилла занжир,  
Мени телба қилас, дүст!

32

Хумор күзинг олар жон,  
Қошларинг мисли илон.  
Мени килди девона  
Садаф тишинг, санамжон!

33

Кел, эй, кел, эй жонона,  
Уйдан чиқ бир замона.  
Нозик бармокларингда  
Игнаю ангишвона.

34

Сув келтирдим – лойи йүк,  
Не иш қылсам, пойи<sup>1</sup> йүк.  
Укам құлига тилло –  
Соат тақар жойи йүк.

35

Сени күрдим йироқдан,  
Нур етгандай чироқдан.  
Охир сенга уйланиб,  
Қутулгайман фироқдан.

36

Баланддан оқин келар,  
Ош ҳиди яқин келар.  
Ховлиларни супуринг,  
Бу уйга келин келар.

<sup>1</sup> П о й – бу ерда: охир, никак.

37

Баланд бокқа еларсан,  
Кимни ҳамроҳ қиласан?  
Хабарчингни қил йўлдош,  
Сурма қўйиб, қаламқош.

38

Сочинг ёзиқ елкангда,  
Дўппи олсин аканг-да!  
Бир кечага беринг жой,  
Совғамга ҳам қаранг-да!

39

Самоварнинг суви жўш<sup>1</sup>,  
Беш афгоний<sup>2</sup> – чорак гўш(т).  
Омон бўлинг, жўралар,  
Бирга бўлиш қандай хуш!

40

Соч ёзиб, дил хуш этдинг,  
Бизни фаромуш этдинг.  
Шундай ойдин кечада,  
Хўш, кимни оғуш этдинг?

41

Боғлама кокилингни,  
Қўй, у паришон бўлсин.  
Бошим кўз устига қўй,  
У азиз меҳмон бўлсин.

42

Мен билмайман созингни,  
Кўтараман нозингни.  
Ўтди бир йилу бир ой,  
Топмадим мижозингни.

<sup>1</sup> Ж ў ш – қайнок, қайнаган.

<sup>2</sup> А ф г о н и й – афғон пул бирлиги.

43

Суфа тахт – супуралган,  
Бодом гули сепилган.  
Омон бұлсанг, Қандижен,  
Сарполяринг тикилган.

44

Узокдан келар ўшал,  
Ним жилмайыб ҳар маҳал.  
Дөвөрга чизсам расмин,  
Күринар жуда гүзәл.

45

Узокдан күринар ёр,  
Табассуми бетакрор.  
Қаердандир бу золим,  
Холига жон бергим бор.

46

Күрдим гүзәл нозанин,  
Үлтириб элади ун.  
Унини ташлаб қочди,  
Бир бүса сүрасам – чин.

47

Эй гүзалим, гул юзим,  
Мен – токману сен – узум.  
Бош-бош узум ҳар шохда –  
Осилиб турар, құзим.

48

Күёш юзли жонона,  
Нима тикяпсан яна?  
Сенга рұмол тикаман  
Ва ишқингдә күяман.

49

Жонона, хуш келибсан,  
Ишкамишдан елибсан.  
Сени согинганимни  
Чин дилдан ҳис қилибсан.

50

Тишларинг мисли гавҳар,  
Сўзласанг – тўқилар зар.  
Сенга ошиқ бўлибман,  
Хабаринг борми, дилбар?

51

Сочингдир жингалак, ёр,  
Юзинг мисли малак, ёр.  
Бўйинг нафис чечак, ёр,  
Баланд қаддинг терак, ёр.

52

Ёнимда ўлтири, эй гул,  
Мен куйлай мисли булбул.  
Манзилга бехавотир  
Етиб ол, сочи сунбул.

53

Эгнингда янги костюм,  
Қизиктирмайди ҳеч ким.  
Тегасанми ёки йўқ,  
Жавоб бер менга, золим?!

54

Масту хумор кўзларинг  
Афсона қилди мени.  
Илон каби қошларинг  
Девона қилди мени.

55

Мени ранжитма, ошиқ,  
Менда қаноту пар йўқ.  
Ҳолимга бир назар қил:  
Уйқум токи сахар йўқ.

56

Мен бугун Навбаҳорда  
Пари каби ёр кўрдим.  
Юзи мисли қизил ой,  
Кўзлари хумор кўрдим.

57

Жонона менга жондир,  
Боги унинг бўстондир.  
Қўйнига қўл юборсам,  
Гўёки зимиstonдир<sup>1</sup>.

58

Бўстондан хона кетди,  
Ойи ягона кетди.  
Менга айтмасдан бир сўз,  
Соч тараб, мана, кетди.

59

Поездда қилдим сафар  
Ёнимга олиб ёрни.  
Эй ёр, ёзиг сочингни  
Хароб этма Мазорни.

60

Супа юзи суприлган,  
Бодом гули сепилган.  
Гул банди боши узра  
Мисли гулоб етилган.

<sup>1</sup> З и м и с т о н – к и ш .

61

Мен довондан келарман,  
Йўлда улов кутарман.  
Севикли ёримни деб,  
Икки йилки, навкарман.

62

Шин йўлидан келдим мен,  
Ўқиб пешин намозин.  
Сенга жуда ярашар  
Шу қора кўйлагинг – чин.

63

Овозим хаста бўлмиш,  
Дилим шикаста бўлмиш.  
Сенга айтсам, гўзал ёр,  
Шикорим баста<sup>1</sup> бўлмиш.

64

Дона, дона, бир дона,  
Қани, бор саломхона.  
Ҳар қанча хизмат қилсак,  
Эл билмас, эй мардона!

65

Келдик ариқ ёқалаб,  
Лочин қувиб эрталаб.  
Лочин ови баҳона,  
Асли биз дийорталааб.

66

Кел, эй, кел, эй жонона,  
Бир нафас тарқ эт хона.  
Дурдонанинг кўйида  
Бўлдим охир девона.

<sup>1</sup> Б а с т а – боғлик.

67

Ажаб, ажаб замона,  
Тахтим талаш ҳар она.  
Агар у қўлдан кетса,  
Доги қолар пинҳона.

68

Сочинг банддан жудо қил,  
Менга қара – имо қил.  
Мазор бораман, эркам,  
Мени яна дуо қил.

69

Кўзларинг катта-катта,  
Паҳлавондай, албатта.  
Учирсанг бир қошингни,  
Жон фидо шу фурсатда!

70

Сув келтирдим Оқчадан<sup>1</sup>,  
Чодир урдим боғчада.  
Сенинг дастингдан, золим,  
Үлтираман тоқчада.

71

Бу сарик гулга қара,  
Қоқ ўртасида парда.  
Гапга айланмас тилим,  
Эй золим, сен бор ерда.

72

Келдик тушиб дарадан,  
Ёр кўзлари қора-да.  
Ёрнинг қора кўзидан  
Юрак-багрим пора-да.

<sup>1</sup> Оқча – туман номи.

73

Худо ҳаққи, зарим йўқ,  
Ўзимдан хабарим йўқ.  
Қабримдан кўтарай бош,  
Сўраб келсанг, қаламқош.

74

Бордим Рашид bogига,  
Қуйиб қизлар догига.  
Ўлай десам ҳайдади  
Қарамай сўл-согига.

75

Осмон тўла юлдузлар,  
Ой чиқмади, тўлмади.  
Осмонда юз минг юлдуз,  
Ёрим пайдо бўлмади.

76

Уйимга келди меҳмон,  
Кўз қиссам чиқди шу он.  
Дилим дардини олди  
Ўша ёшгина жонон.

77

Гулим, қўзгал жойингдан,  
Айланайин бўйингдан.  
Кийиб шол, ўраб рўмол,  
Совуқ қотдим пойингда<sup>1</sup>.

78

Сочинг тараф, жонона,  
Қара моҳи тобона.  
Келиб қолдик Кобулга  
Қидириб суву дона.

---

<sup>1</sup> П о й – оёқ; бу ерда: оёқ остида, кўйида, ихгиёрида.

79

Чойингни ич, суманбар,  
Нима десанг, шу бўлар.  
Шу ҳалқа-ҳалқа сочинг  
Кўзимга хуш кўринар.

80

Ёр тут терар – иболи,  
Бармоқлари ҳиноли.  
Гоҳида тут теради,  
Гоҳи кино кўради.

81

Остимда эски бўйра,  
Мавж уради бу дарё.  
Бу ерда ҳеч кимим йўқ,  
Ўзинг суюнчим, Худо!

82

Келдим сахродан ўйнаб,  
Кўрдим тўтию майна.  
Чўри бўлдим қўлида,  
Қадрим билмади қийнаб.

83

Тушиб келдим довондан,  
Машина кутаман ман.  
Мошин чиқсан ин юқори,  
Мен шу кизнинг хуштори.

84

Сени биродар дерман,  
Хонақоҳ юборарман.  
Қайтсанг мулло бўлиб сен,  
Ёнингда дарс ўқирман.

85

Гулим, қади хамингдан,  
Үлар бўлдим ғамингдан.  
Қиёмат куни менинг  
Қонимдир гарданингда.

86

Кун қайтди-ю, кирди шом,  
Ёр, фойтун бўлди равон.  
Фойтунни ким ҳайдайди?  
Бегонамас, Лайложон?

87

Шибирғон кўприги мана,  
Катта шаҳар Маймана.  
Ёшлар туфайли Кобул  
Обод бўлади яна.

## ЛАНДЭЙЛАР

1

Тоғ бағрида очилган, эй гул,  
Сенга мен бераман сув, сен кимга берасан дил?!

2

Эрта карвон юки боғланар,  
Дашт гуллари этагинг ўшишга чоғланар.

3

Бир сават гул келтир, соябон –  
Ясай ундан бошим узра, эй оромижон!

4

Йиглайди дил мисоли гўдак,  
Унга ўзга боғчаларнинг гуллари керак.

5

Ёримнинг келиши овоза бўлди,  
Замин бахмал бўлиб, йўллар гулларга тўлди.

6

Кўзларинг худди гул тугуни,  
Қўй, гуллар очилсин – киприк тўсмасин уни.

7

Гуллар ичра ётар маҳбубам,  
Оғзимнинг шабнами унга ёғсайди шу дам.

8

Гул васлига тўяр парвона,  
Боғбон, мени маҳрум этиб, қилдинг гирёна.

9

Ёр қўлимдан гул олмас нечун?  
Юлдузларни юбораман сулҳ тузиш учун.

10

Менга даштда гул ярат, Худо,  
То шод этсин ёрнинг кўйидан эсган сабо.

11

Ўтар ҳуснинг баҳори, бону,  
Лекин куйган кўнгил доги қолади мангур.

12

Гулоб андишасида мудом  
Шўх қизлар тўхташиб, багбонга берар салом.

13

Жамолингдан улги олмиш гул,  
Бутасидан жудо қилсан, қўл синсин буткул.

14

Гулоб қилганингни мен учун,  
Садқанг бўлай, кўрди кўнгли ёмонлар бутун.

15

Қаддинг кунгабоқар каби ҳам,  
Уни ростлагунча керак ярим кун вақт ҳам.

16

Мени гулоб гули қил, Худо,  
Юлиб-юлиб олсин мени севар ёрим то.

17

Мен гўзалман гулоб гулидан,  
Эй ёр, келтирма гулларнинг хилма-хилидан!

18

Сўлган гулдек ётардим йўлда,  
Ёр кўтарди – яшнадим яна гўзал қўлда.

19

Ё Раб, кўпми гуноҳим шунча?  
Бошқа барча гул бўлди-ю, мен ҳануз ғунча.

20

Сугорсам ҳам сут билан ҳатто,  
Хазон урган бу боғимда гул унмас асло.

21

Эй қалбимнинг гули, кел бүён,  
Эл баҳорни байрам қиласар, мен ғамгин ҳамон.

22

Гулдай зулфинг юзларингга ёз,  
Жон узаётган бўлса-да, ёр тузалар боз.

23

Юзинг гулдир, кўзинг эса шам,  
Бўлайми булбул ё парвона – билмайман ҳам?

24

Сув бўйида гул бўлсанг қани!  
Тўйиб-тўйиб ҳидласам келиб сув олгани.

25

Кел, қалбим узра гул бўл, дилбар,  
Очилирий сени кулгим билан ҳар сахар.

26

Қошингдаман – гулим қўлимда,  
Ё гулим ол, ё бер рухсат қолмай йўлимдан.

27

Баҳор келди – очилди гуллар,  
Хазон урган дил ғунчаси бужмайиб турар.

28

Майвандда гар бўлмадинг шаҳид,  
Тақдир расво қилишга сени асрар, ношуд!

29

Не қиласиз урмасдан шамшир,  
Афгон онаси сутин эмгансиз-ку, ахир?!

30

Қора сочим бүлса ҳам увол,  
Ёрни ватан жангидан қайтармайман ҳеч маҳал.

31

Қиндан қилич чиқса, ўйна хўп,  
Мен тенгдошларимга кулган эдим жуда кўп.

32

Тўйда юзинг ўгирма, жоним,  
Тенгдошларим менга таъна қилар ҳар они.

33

Мажруҳ қайтсанг ватан жангидан,  
Яраларинг битгунича бўса олгум ман.

34

Жангдан мағлуб бўлиб қайтди ёр,  
Афсус, унга кеча бўса бердим-да бекор.

35

Ёрим жангдан қайтди ярадор,  
Энди мағрур кўкрак кериб юраман ошкор.

36

Бизнинг ғунча каби бу дудоқ  
Бирорларга асирикни бергандир талоқ.

37

Юртга фидо қилди бошин ёр,  
Сочим тори билан тикай кафанини зор.

38

Қондан қызил, ўтдан қора бўл,  
Шарманда бўлиб соғ қайтганингдан шу маъқул.

39

Ким ўзни ёв ўқига тутар,  
Ўша ошиқдир, ё маъшукдир – ўзга нетар?!

40

Қилич уру, бўлгил музaffer,  
Ёшлар ўлар қиличдан агар бўлмаса зафар.

41

Вақт келарки, ўшанда, эй ёр,  
Милтиқ, қилич олиб жангга бормоқлик ҳам бор.

42

Эй ой, чиқу нур соч мунаввар,  
Ёр зулмат тунларда баланд тоғларда юрар.

43

Ой нурида бўса ол, эй ёр,  
Фақат манглайдаги сочим тўзғитма зинҳор.

44

Эй ой, нега бўлай миннатдор,  
Холи соясида бўса ўғирлашим бор!

45

Фалак тоқига юксалди ой,  
Келмас кўзимга уйку ёрсиз ҳеч, ҳойнаҳой.

46

Ташлаб кетди ҳар икки санам,  
Йиглар тоғ тошларию дашт гиёҳлари ҳам.

47

Сафар хайрли бўлмасин энди,  
Лаъл лабинг ширин уйкуда қолдириб кетди.

48

Юқорида баланддир фарёд,  
Бемор бор ё бир ошиқ сафар қилар, ҳайҳот!

49

Баландга чиқ, ошиқона бок:  
Мусофиirlар карвони қайда илар оёқ?

50

Яхшилик тилайман кетса ёр,  
У зулфимга ошиқ, яна бўлар гирифтор.

51

Ёқар ярим тундаги наво,  
Киши ошиқ бўлса, ёт элда мусофиir ё.

52

Мен эртага кўчаман тағин,  
Бошимда юқ, дилда эса кўтариб ғамим.

53

Зулфим бурадим – емади тоб,  
Мусофиir ёрга, илоҳо, тегмасин нобоп.

54

Боис борлигига жисмда жон,  
Сенинг келишингдан хабар бераман, жонон!

55

Ғаминг ҳамроҳ менға яхшиям,  
Ҳижрон сафарида мени ўлдирап бу ғам.

56

Гул күлімда бұлмоқда хазон,  
Мусоғир юртда йүқ тақдим қилғали инсон.

57

Ярим тунда етдім қишлоққа,  
Кім бор уйқудаги ёрни бедор қілмоққа.

58

Бугун сағар қиласман ёр деб,  
Худоё, йұл танобини қўйсанг-чи тортиб!

59

Қўлингни тут бир бор қўлимга,  
Қўлинг тутиш кўпдан орзу эди кўнглимда.

60

Ортга қайтсун мусоғир ёрим,  
Етар, ортиқ ситам этма, етмас мадорим.

61

Сен қай юртни этасан равшан,  
Ҳажринг зулматида кутиб ўлтирибман ман.

62

Жудолик олдіда икки йўл:  
Жудоликка тоб йўқ, қиласай ўлимни қабул.

63

Тоза эдим баҳор гулидан,  
Хазон баргидек сарғайдим ҳажринг елидан.

64

Лабинг шарбат қылу тут менга,  
Ҳажр йўлида мадад бўлсин чанқоғим енга.

65

Эй бегона офтоб – заъфарон,  
Хасталардан салом етказ согларга ҳамон.

66

Ҳажринг ўти ёқди мени ёр,  
Васлинг муздай сувин ичиб, кейин ўлгим бор.

67

Билсам эди – нимадир ҳижрон,  
Ёр қўлин тутиб, ундан ажралмасдим ҳеч он.

68

Менман ўша хумор кўз жонон,  
Ёрдан узоқдаман – шунга рангим заъфарон.

69

Ё қилинг ёрга яқин, ошно,  
Ё ювинг умр варагини – бўлайнин фано.

70

Эй ватандан узоқ тушган ёр,  
Киёфанг унутдим, фақат исминг ёдда бор.

71

Мен айтардим: фироқ – ҳақиқат,  
Хомтама ёрим бу гапга куларди фақат.

72

Оғир бемор, Ҳақ берсин шифо!  
Келиб кўролмайман, уйда қиласман дуо.

73

Ҳажр ўлдирап, ёқар васли-да,  
Телбаман – ҳар иккисига тоб йўқ аслида.

74

Ёрнинг уйи офтоб томонда,  
Офтоб ҳар тонг ёр саломин келтирас менга.

75

Хаёлингни тушда кўриб ёр,  
Уйғониб ярим тунда, тонггача чекаман зор.

76

Дийдор гул ғунчаси эмас, то  
Узид элчи билан ёрингга юборсанг, о!

77

Ҳаво тўла қадаҳ ёр васли,  
На унга етиб бўлади, на тўйиб асли.

78

Эй мусофири йўлчи, азизим,  
Васлимдан тўйдингми, яна очай ё юзим?

79

Сафар қилдинг, этмадим парво,  
Дийдор доимий деб кўнглим тўқ эди, жоно!

80

Шошил, агар истасанг дийдор,  
Умр кемаси ғарқ – тахтада турибман ночор.

81

Бу гиёхнинг ҳар барги даво,  
Қизлар этаги тегиб ўтар унга доимо.

82

Кўрмоқ бўлсанг, сув бўйига кел,  
Кўзам сувга тўлдираман қўлда секин, бил.

83

Гулым сувга тушди, эй жонон,  
Боғла сувнинг йўлларини – кетди сен томон.

84

Сувда оқар қип-қизил рўмол,  
Ўт сув ичра қолибди, деб қилдим хаёл.

85

Зулфим торин олиб кетди сув,  
Сувга назар сол агар кўриш бўлса орзу.

86

Сув бўйида не офат қўпти?  
Ёр билан кичик синглиси у томон ўтди.

87

Сен деб бўлдим тухматга дучор,  
Ҳақиқат йўлида тонма севгимдан, эй ёр!

88

Сен бошладинг ишқни, мен эмас,  
Тухматга қолгач, мени қийнайсан ҳар нафас.

89

Бир тухматдан юзинг сарғаймиш,  
Либосдай ўраган мени тухмату миш-миш.

90

Хусну ёшлик куяди ғамда,  
Йигитлар ўлар мен деб – қотилман оламда.

91

Либос эмас, эскирса ғаминг,  
Менга ҳаёт ҳисобида ғаминг ҳар доим.

92

Тасаввурда қилдим ўзни шох,  
Күз очсам: бир яланғочман вайронада, воҳ!

93

Мажруҳ қушга шифо бер, Худо,  
У қанотли қушлар билан парвоз қилсин то.

94

Топсанг шифо – қўлласа Худо,  
Бу – бадбаҳт, ошиғи ўлар, дейдилар, аммо.

95

Дардим бедаво – йўқ иситмам,  
Хам зулфлари насимидан касаллигим ҳам.

96

Фарёд қилсам, бермайсан жавоб,  
Топмассан дунё кезиб бир кун мени, маҳтоб!

97

Ёр ўралар қизил кафанга,  
Ёмғир бўлиб вужудимдан ёғар аланга.

98

Қора гўрга кирди йигитлар,  
Кўр бўлсин қизлар қора либос киймаса гар.

99

Таним менинг монанди ҳино:  
Ташдан оппок кўринса-да, ичдан қон, аммо.

100

У қирғоқда намоз ўқир ёр,  
Сочи ерга тегар – қабул бўлмасин зинҳор.

101

Бу чақимчи мени хор қилмиш,  
Күйлаги қабо<sup>1</sup> бўлсин – иши ёқа йиртиш.

102

Ёр ҳазилни тушунмас асло,  
Сочим билан урсам хафа бўлар у барно.

103

Элчилардан кўрмадим фойда,  
Энди ниёз этагин ёјман ҳар жойда.

104

Тонг ўчоғига ўт ёқди эл,  
Кўндирай деб ёрни ўтирибман мен ғофил.

105

Ярашайлик яна, севгилим,  
Ўлим мени таъқиб этар – қолмайлик маҳрум.

106

Тенгдошлару дўстлар бер, Худо,  
Факру бадбахтлик келса, ўтказай кулиб то.

107

Табассум қил шод бўлиб, жоно,  
Эрта ҳайит – сенга лабларимдан бергум жой.

108

Эй номурод, кел, ўпай бир бор,  
Сенинг хуснинг, менинг зорим мангу қолмас, ёр!

109

Бир кулгимдан маст бўлсанг, эй ёр,  
Агар бўса берсам, девона бўлишинг бор.

---

<sup>1</sup> К а б о – эркакларнинг олди очиқ узун камзули.

110

Назр қиласай бир бұса сенга,  
Нега күзам туртиб, сув түкасан устимга.

111

Ёр эгардан әгилди менга,  
Мен хам күл учыда бұса йүллайман унга.

112

Күнгил күздан қилди шикоят:  
Ранжу ғамни мен чекиб, дийдор сенга фақат.

113

Жавоб қилди күз этиб талош:  
Ошиқ сенсан ва лекин мен түкаман күз ёш.

114

Дил дер инсоф-ла бўлиб қози:  
Ғам ишқ ғамидир, кўтарайлик бўлиб рози.

115

Мижанг ботмиш кўксимга чуқур,  
Охиста оч кўзларингни – ўламан, ахир...

116

Дил ғамлари кўрар кўзимдан,  
Кўзни юмгандек дилни боғлай олсайдим ман.

117

Синдиридинг қалб садафини, бас,  
Шундан тўкар кўзларим ёш дуриң ҳар нафас.

118

Эй золим, сен урма юзимга,  
Ёшға тўла кўзларимни қаратай кимга?

119

Ёрим, сенга бир боқсам хумор,  
Бир нигоҳда борлиғингни кул қилмогим бор

120

Қизил күзни севар ёр шундай!  
Бу қора күзларимни ўзгартирай қандай!

121

Эй одамлар, богламанг күзим,  
Келар бевафо ёрим – мунтазирман ўзим.

122

Қабрим очу ахволимга бок:  
Масту хумор күзларимга тўлибди тупрок.

123

Мен ошиқман – тонмайман бирдам,  
Қора холим пичоқ билан қўпорсалар ҳам.

124

Пора-пора дилим қилай жам,  
Йиғмайман ёр бўйнидан лек қўлимни ҳеч ҳам.

125

Мен ёшлик сабаб баҳтсиз бўлсан,  
Сенга бердим дил, ўзгага берай қандай ҳам?

126

Ёр билан мен ялакат магиз:  
Сотар бўлса ҳам ёр билан кетгум шубҳасиз.

127

Эй савдогар, сенсан баҳтиёр,  
Гавҳар сотиб, қизлар холин санайсан хумор.

128

Банг косаси дема ҳеч қачон,  
Девона қилолмаган бўлсам сени чандон!

129

Мен уйда бўлмасам келмайсан,  
Ким уйни кипригидаги супурар – билмайсан.

130

Жажжи хабарчига жон фидо,  
Ёрнинг бир сўзини айтар икки бор ҳатто.

131

Тўхтама ҳеч илм олишдан,  
Сени саводсиз деб қизлар айламасин таън.

132

Эй ўтирган адл курсисида,  
Додимга ет – арз-ла келдим оҳ уриб жуда.

133

Қўйинг, йиғлай тўйиб-тўйиб ман,  
Чунки ёр эшигидан умидсиз қайтибман.

134

Осмондаги ой бўлсам қани,  
Нур сочиб, ёр дили гардин аритсан, яъни.

135

Юзим қандай ёпай қўл билан,  
Сенга салом бераяпман қўл баланд экан.

## **АФГОНИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ ОҒЗАКИ ИЖОДИДАН**

Афғонистонлик таниқли фольклоршунос олим Афғонистон ўзбеклари фольклорининг заҳматкаш тўпловчиги ва нуктадон тадқиқотчиси Файзула Аймоқ ўтган асрнинг 80-йилларида Тошкент давлат университети (хозирги ЎзМУ) журналистика факультетининг радио-телевиденинг кафедрасида малака оширган, ўзбек филологияси факультети мумтоз адабиёт тарихи кафедраси аспирантурасида таҳсил олган йилларида ўзи тўплаган мазкур ҳалқ оғзаки ижоди намуналарининг бир қисмини 1986 йили Ўзбекистондің ҳам Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти орқали “Ҳалқ дурданалари” номи билан эълон қилган эди Афғонистон ўзбеклари фольклоридан намуналар ушбу тўпламдан танлаб олинди.

## ТЕРМАЛАР

Осмондаги юлдузни  
Отиб олиб бўлмайди.  
Янги чиққан қизларни  
Сотиб олиб бўлмайди.

\* \* \*

Ойга ўхшар юзлари,  
Ширин-шакар сўзлари,  
Бир оламга арзийди  
Қаро қоши, кўзлари.

\* \* \*

Арикнинг суви кўлмай,  
Олиб келибди билмай,  
Паризоддан айрилиб,  
Хануз юрибман ўлмай.

\* \* \*

Амударёнинг роши,  
Маржон эгарнинг қоши,  
Мани шундоғ жавратдинг,  
Урсин кўзимнинг ёши.

\* \* \*

Ўрогингни ўраман,  
Холларингни тераман,  
Омон бўлсин қоракўз,  
Насиб бўлса кўрарман.

\* \* \*

Үйнинг кетида терак,  
Бўлма мунча беюрак,  
Маъшуқи бевафога  
Дил бермоқ нима керак?!

\* \* \*

Уйнинг кети толёгоч,  
Сочгинанг қулоч-кулоч,  
Орамизда дарё бор,  
Үтломайман ноилож.

\* \* \*

Айтай десам бўлмайди,  
Айтмасимга қўймайди,  
Қурисин гирифторлик  
Кўрганминан тўймайди.

\* \* \*

Бордим дарё кечгани,  
Ўлтирдим сув ичгани,  
Ёр сасини эшитиб,  
Қанотим йўқ учгани.

\* \* \*

Бориб айтинг ёримга,  
Севгили дилдоримга,  
Озгина раҳм айласин  
Бу аҳволи зоримга.

\* \* \*

Богидаги бодомни,  
Қўй кўксимга қадамни,  
Ман балосини олай  
Тўтибўйин санамни(нг).

\* \* \*

Булбул боққа кўчади,  
Сувни сайлаб ичади,  
Гул фасли халос бўлса,  
Боғни ташлаб қочади.

\* \* \*

Баҳор келди гул осиб,  
Тоғу тошга сочилиб,  
Мани ёрим келяпти  
Боғ гулидай очилиб.

\* \* \*

Бевафо ошно қурсин,  
Дардинг жонимга урсин,  
“Келаман”, деб келмадинг,  
Бу ҳам ёдингда турсин.

\* \* \*

Томнинг устида дона,  
Йўргалайди бедона,  
Қайси бойнинг қизисан,  
Мани қилдинг девона?!

\* \* \*

Тарозидаги тошга,  
Қийилган қалам-қошга,  
Қўш тегирмон юради  
Кўзимдан оқкан ёшга.

\* \* \*

Хуштор эдим ўзига,  
Қора-қора кўзига,  
Бир кўриб дийдорини  
Ҳайрон бўлдим ўзига.

\* \* \*

Дона-дона донангдан,  
Келаман гулхонангдан,  
Бўсоғангга бош қўйиб,  
Тилаб олай онангдан.

\* \* \*

Дўмбирамнинг торича,  
Чилладаги қорича,  
Ол қўлингга пичоқни,  
Оч сийнамдан дарича.

\* \* \*

Дехқон ҳайдайди қўшди<sup>1</sup>,  
Ҳайдаган жойи бўшди(р).  
Дехқонга: “Ҳорма”, десанг,  
Ўлгунча вақти хушдир(р).

\* \* \*

Ранг ташладим қаламга,  
Ўлтирувдим гиламга.  
Хумор-хумор кўзларинг  
Арзиди минг оламга.

\* \* \*

Сув келади ўйноқлаб,  
Эллик равотни чоғлаб,  
Парижон ўтиб кетди  
Юрак-бағримни доғлаб.

\* \* \*

Асали бор чойида,  
Осмондаги ойида,  
Дилбарлик шундай бўлса,  
Қўйгин, турсин жойида.

\* \* \*

Ошиқ бўлдим жамолингга,  
Сан етибсан камолингга,  
Бир кечалик меҳмонингман,  
Ўраб олсанг рўмолингга.

---

<sup>1</sup> Қўшди – кўшни.

\* \* \*

Қошингни камон айлаб,  
Келиб ўлтирип ёнимга,  
Сани жўра холларинг  
Урсин манинг жонимга.

\* \* \*

Қўлида қалами бор,  
Кийикдай қадами бор,  
Юрагимни захмига  
Лабида малҳами бор.

\* \* \*

Қизлар чиқади қирга,  
Қулогида кўш сирға,  
Чорбоққа кетсак туриб  
Санамжон билан бирга.

\* \* \*

Кокилни шона қилди,  
Юракда хона қилди,  
Қора кўзи жонимга  
Беҳи<sup>1</sup> девона қилди.

\* \* \*

Кўп озор берма мани,  
Қалтиллайди бадани,  
Каптарнинг кўкрагидай  
Кўксингда ўлай сани.

\* \* \*

Кечалар уйгонаман,  
Илондай тўлғонаман,  
Парижоннинг қўлидан  
Оlamга ёлбораман.

<sup>1</sup> Беҳи – бутунлай.

\* \* \*

Гулисафсарга қаранг,  
Кимга қараб қайрилади,  
Бевафо даврон экан,  
Үлмай туриб айрилади.

\* \* \*

Гулмиди очилгани,  
Химчамиди қайрилгани,  
Ваъдалар шундаймиди  
Үлмай туриб айрилгани?!

\* \* \*

Санамжоннинг ҳовлиси,  
Келади гулнинг иси,  
Чах-чаҳ уриб сайрайди  
Тўти мinan қумриси.

\* \* \*

Меҳмонхонанг тор экан,  
Ётгани жой топмадим,  
Юзинг тўла хол экан  
Ўпгани жой топмадим.

\* \* \*

Этакдан турди шамол,  
Бошида ипак рўмол,  
Қайтиб она туғмайди  
Ундин соҳибжамол.

## ҚИЗИЛ ГУЛ ОЧИЛИБ НИШОНА БЕРДИ

(Савзувон қўшиғи)

Дарёнинг нарёғидан сел келади,  
Сел билан икки ўрдак teng келади.  
Ўрдакка ўрдак муносиб, ғозга ғоз,  
Йигитга қаллиғ муносиб, қизга ноз.

\* \* \*

Қоп-кародир каклигимнинг кўзлари,  
Рўпарада ўлтирибдир ўзлари,  
Бир гапим бор юзма-юз айтмолмайман,  
Ақли бўлса англаб олсин ўзлари.

\* \* \*

Ёримга рўмол юборай – боягласин,  
Учидаги хатни кўриб йигласин.  
Учидаги хатни кўриб йигласа,  
Ман боргунча юзи хотир сақласин.

\* \* \*

Дарёнинг нарёғида минораман,  
Минорага таяниб гул ёяман.  
Ярми олтии, ярми нуқра пиёламан,  
Ёримга салом берсам уёламан.

\* \* \*

Сув ичида шилдиллайди мисгина,  
Оғам учун жон беради қизгина.  
Оғамнинг олар хиёли йўқ эди,  
Ўзидан совчи юборди қизгина.

\* \* \*

Юқорига борсам, бувим боғи бор,  
Қайга борсам, шу ўлимнинг доғи бор.  
Хой, ўлим, қаерга борсам бузарсан,  
Гулни қўйиб, ғунчасини узарсан.

\* \* \*

Бу кун уч кун бўлади оғам кетган,  
Қирк бир хужрага тўла норим кетган.  
Эй дўстлар, гапиринглар, девонаман,  
Танимдан сугурилиб жоним кетган.

\* \* \*

Күчадан ўтар эдим, чорлади қиз,  
Чархини танобига боғлади қиз.  
Шунчаки жикилладим, қўймади қиз,  
Охири нолишимга йиглади қиз.

\* \* \*

Кўккина капитар бўлайлик биз иков,  
Ҳавога парвоз қилайлик биз иков.  
Икки дарё бир қўшилиб келганда,  
Дарёга кўприк бўлайлик биз иков.

\* \* \*

Манки қуидим, менга ҳеч ким куймади,  
Куйган жоним куйиб адо бўлмади.  
Куйган жоним куйиб адо бўлмаса,  
Бошим ёстиқ, кўксим кўрпа бўлмади.

\* \* \*

Зардўзи кўйлакка зомбир<sup>1</sup> ўч бўлар,  
Санамжоним уйдан турса кеч бўлар.  
Санамжоним жойдан турса, кеч бўлса,  
Қирмизи лабига оғам ўч бўлар.

\* \* \*

Осмондан ёнғоқ тушиб ҷоқилмасин,  
Кўй ўлиб, қўзиси маъраб қолмасин.  
Кўй ўлиб, қўзиси маъраб қолса гар,  
Йигит ўлиб, ёри жавраб қолмасин.

\* \* \*

Тоқقا чиқдим тоғ бодомни тергани,  
Хаёл қилдим ой юзингни кўргани.  
Ой эмасман, туйнугингдан тушгани,  
Сув эмасман, эшигингдан оққани.

<sup>1</sup> Зомбир — ари.

\* \* \*

Қизил гул очилибди бир риштадан,  
Келинг, ёржон, кетайлик бул гүшадан.  
Құлингиздан келмади ёр асрамоқ,  
Бир гап учун қүйдингиз андишадан.

\* \* \*

Қизил гул очилиб нишона берди,  
Сени ишқинг мени девона қилди.  
Сени ишқинг менга қайдан ёпиши,  
Юрак-бағрим олов олди, тутошли.

\* \* \*

Ёр дедим, ёр адo қилди мени,  
Ақиқ эдим, қаҳрабо қилди мени.  
Қутидаги аттори ипак эдим,  
Ерга ташлаб, камбаҳо қилди мени.

\* \* \*

Қалдирғоч қанотини қайирдилар,  
Гүштини устухондан айирдилар.  
Неча бир күра олмаган бандалар,  
Дүстларимдан бизларни айирдилар.

\* \* \*

Осмондан ёнғоқ тушди – тоқаси йүк,  
Ёронлар, бу дунёning баҳоси йүк,  
Ёронлар, яхши енгу яхши кийинг,  
Эрта бир күйлак келар яқоси йүк.

\* \* \*

Юқоридан келаман, отим – Турсун,  
Мис товоққа сув солай, тиниб турсин.  
Заргарга юборгандим тилла ҳалқа,  
Ичига мис қүшибиди, құли синсин.

\* \* \*

Оқ гул эдим, қизил гулга чотдилар,  
Фарид бошим банди қилиб сотдилар.  
Бориб айтинг онам билан отамга,  
Мени сотиб, не муродга етдилар.

### “ЁЗИ БИЛАН ЗЕБО”

(Савзувон қўшиғи)

Отга миндим, қўлим етмас ёлига,  
Садқа бўлай лабгинангнинг холига,  
Доду бедод ота-онанг қўлидан,  
Раҳми келмас мен ғарибнинг ҳолига.

\* \* \*

Оқ узум, қизил узум – гужум-гужум,  
Сафарга кетиб боради ёлғизим.  
Ўлтирган катта-кичик қўл кўтаринг,  
Соғ бориб, саломат келсин ёлғизим.

\* \* \*

Хўжаалмор<sup>1</sup> устига қор ёғади,  
Бир келин уйдан чикиб қўй соғади.  
Ё келин, уйдан чикиб қўй соғмагин,  
Сани кўрганларнинг эси оғади.

\* \* \*

Дарёнинг у ёғида кўрдим сани,  
Чодири чопон билан севдим сани!  
Ман сани севдим, сан-чи, сўқдинг мани,  
Номарднинг ўғли бўлай қўйсам сани.

<sup>1</sup> Хўжаалмор – жой номи.

\* \* \*

Деволдан бўйлаб қарайди бу йигит,  
Кўнглида ўйлаб қарайди бу йигит.  
Кўнглида ўйлагани муносиб ёр,  
Муносиб ёрга қарайди бу йигит.

\* \* \*

Зебожон том солади паст-пастгина,  
Ичига гул ёяди адрасгина.  
Гулидан олай десам, тикони бор,  
Сувидан ичай десам, илони бор.

\* \* \*

Эшигингга супа солай чим билан,  
Ман кетаман, сан қоласан ким билан?  
Ман кетаман йўлда йўлдошим билан,  
Сан қоласан уйда кўз ёшинг билан.

\* \* \*

Зебожон сочин тарап, сочин тарап,  
Совчилар келмади деб йўлга қарап.  
Бир қарап, икки қарап – токай қарап,  
Уйга кириб зулфини бир-бир санар.

\* \* \*

Зебожон, ҳайда, қўшингни ман боқай,  
Эшигингда дарё бўлиб ман оқай.  
Эшигингдан дарё бўлиб оқмасам,  
Бўйгинангга маржон-мунчоқлар тақай.

\* \* \*

Сарғариб сариқ сомон бўлдим шугун,  
Сани деб шу жойларга келдим шугун.  
Сан мани келганимни хуш кўрмасанг,  
Аввал ҳам хаста эдим, сўлдим шугун.

\* \* \*

Сарғарибман сарв дарахтнинг баргидай,  
Айланибман қўш пичог гулбандидай.  
Эшитибман: “Кетган ёринг келди”, деб,  
Очилибман гули лола баргидай.

\* \* \*

Сариқ арпа саман от тиши эмас,  
Ошиғлиг ҳам ҳар номард иши эмас.  
Қўл узатсам узок-узок қочасан,  
Мани йўлим йўлбарснинг тиши эмас.

\* \* \*

Шойимардон шохига илди тўним,  
Қайрилиб олай дедим, синди қўлим.  
Бир табиб, икки табиб – битмас қўлим,  
Охири ёр қўйнида битган қўлим.

\* \* \*

Шамчироғ, шамдон чироғим, манга бок,  
Яхши ёрдан узокроғим, манга бок.  
Яқин бўлиб куйиб-ёниб ётгунча,  
Узок бўлиб интизорим яхшироқ.

\* \* \*

Шу кеча ёрга бориб тутилганим,  
Минг танга ёрги<sup>1</sup> бериб кутулганим.  
Минг танга ҳар бир бўсангнинг садқаси,  
Қалпоғим гаров бериб кутулдим.

\* \* \*

Ошиг бўлдим ҳамсоянинг қизига,  
Каштани олиб тикади тизига.  
Олмани отиб юбордим изига,  
Онаси кулиб қаради қизига.

<sup>1</sup> Ёрги – пул.

\* \* \*

Қошгинангнинг қорасига қундуз бўлай,  
Кечалар юролмасанг, юлдуз бўлай.  
Кечанинг юлдузига юролмасанг,  
Қўлимга машъял олиб, кундуз бўлай.

\* \* \*

Қошизди корасини ювса кетмас,  
Сизнингдай тоза гул боғларда битмас.  
Сизнингдай тоза гул боғларда битса,  
Сўраб борсам, боғбонингиз сотмас.

\* \* \*

Қизгина, қизилқиядан бошлама,  
Бир йигитни моли кўп деб хушлама.  
Мол деган қўл чиркидай<sup>1</sup> ювса кетар,  
Қизил гулни ҳар тарафга ташлама.

\* \* \*

Кўчадан ўтар эдим, бир боқмади,  
Тўнини кифтидан олиб қоқмади.  
Тўнини кифтидан олса холи бор,  
Уйга борса қарчиғайдай ёри бор.

\* \* \*

Кўчадан ўтиб боради олача тўнликкинам,  
Қайрилиб бир боқмади қарчиғай бўйликкинам.  
Қарчиғай бўйликкинамга ким берибди хом шароб,  
Кўзлари ўтдай ёнади – қилди бағримни кабоб.

\* \* \*

Гул минан булбул муносиб ўлтирас,  
Гул шохасин булбул босиб ўлтирас.  
Гул айтади: “Сайра, булбулим, сайра”.  
“Сайрасам, ошиғ ўзини ўлдирас”.

<sup>1</sup> Чирк – кир.

\* \* \*

Лочини-я, лочини-я, лочини,  
Күктерак тагида ўрдим сочини.  
Бир хаёл килдимки: “Олиб қоч уни!  
Устидан лаълу жавоҳир соч уни!”

\* \* \*

Дашт аро турган гиёсан, дилбарим,  
Назаримга тўтиёсан, дилбарим,  
Бўйгинангни рост қилгин – бир кўрай,  
Гавхари қимматбаҳосан, дилбарим.

\* \* \*

Юзгинанг холдор экандир билмадим,  
Бошқани кўрдим – кўзимга илмадим.  
Шунча қилдим тол дарахтни парвариш,  
Сояси бор, мевасини кўрмадим.

## ҚҰШИҚЛАР

### АҲАМБО, ЁЛА-ЁЛА

Аҳамбо, ёла-ёла,  
Очилди гули лола.  
Гулбута гули арzon,  
Анхўйнинг қизи арzon.

Киз қучоги бир қучоғ,  
Үртамизда бор пичоғ,  
Бу пичоғнинг дами ёғ,  
Севгилим соғлиғи ёғ<sup>1</sup>.

Мулла келтириб ўқитинг,  
Қора сочин түқитинг,  
Қора сочи айтилган,  
Тарозига тортилган.

Қатор-қатор сандиқча,  
Сандиқча усти бұхча,  
Бұхчабокқа құл солсам,  
Құл ҳиноли ойимча.

“Ол-ҳо, ол” деб ташлайди  
Саналган түққиз бұхча.  
Олиб-олиб кияди  
Хаммаси асл парча.

Олиб устидан кийди  
Бисотида борича,  
Құл тегса диркиллайди  
Табладаги маst тойча.

Кўзининг катталиги  
Беш қиронли<sup>1</sup> ойнача,  
Баданинг оқлиги  
Бандарда ёқсан қорча.

Сасининг майинлиги  
Чўпонлар чалган найча,  
Юзининг қизиллиги  
Бозордаги ширмонча.

Зулфининг узунилиги  
Саркори тошда<sup>2</sup> бир нимча<sup>3</sup>,  
Ишонмасанг бориб кўр,  
Салланг минан каллангча.

Белининг ингчикалиги<sup>4</sup>  
Дўмбирангнинг торича,  
Тишларииинг оқлиги  
Бозордаги садафча.

Қайрилиб салом берди  
Зулфи ерга теккунча.

## ЭШИККА КЕЛДИ БИР ГАДОЙ

Эшикка келди бир гадой,  
Асога таяниб: “Ху”, деди.  
Ойпора қиз уйдан чиқиб:  
– Уйнинг эгаси йўқ, – деди.

– Уйнинг эгаси йўқмиди?  
Бувангни қуруқ қувлама...

<sup>1</sup> Қирон – танга.

<sup>2</sup> Саркори тош – хукумат тасдиклаган тош-тарозу.

<sup>3</sup> Нимча – оғирлик ўлчови.

<sup>4</sup> Ничкалик – ингичкалик.

– Бува, бува, бор йўлингга,  
Лойиқ эмасман бўйингга,

Бир отам бор олпи замон,  
Кириб келар ҳали замон.  
Сизни кўтар, бизни сўкар,  
Қозондаги ошни тўкар.

– Қани отанг келсайди,  
Сани манга берсайди,  
Қўлимдаги сирли асон  
Қалин пулинг бўлсайди...

– Бува, бува, бор йўлингга,  
Лойиқ эмасман бўйингга,  
Кўлингдаги сирли асонг  
Айланиб тегсин бўйнингга.

## ҲОВЛИСИ БОР ҚАЛЪАДАЙ

Ҳовлиси бор қалъадай,  
Дарвозаси мўладай.  
Ҳар кўзи бор ёримнинг  
Қашқари пиёладай.

Гоҳ бу ёққа, гоҳ у ёққа  
Талпинади ҳар ёққа.  
Ҳамиша ўйнаб турган  
Ўлай бодомқовоққа.

Югуриб кирди бокқа,  
Хусайнини узмоққа.  
Хусайнини узолмай,  
Ўралиб қолди токка.

Бошига сунбул сочиб,  
Мавж уради ҳар ёққа.  
Деворлардан бўйлайман  
Нигоримни кўрмоққа.

Келди күзини сузиб,  
Кетди юракни бузиб,  
Күксимга олов солди  
Хумор күзини сузиб.

Келди ўйнаб гулгунча,  
Юзлари кулча-кулча,  
Бир күлида замбурча<sup>1</sup>,  
Бир күлида сүгулча<sup>2</sup>,

Замбурчани искайди  
Мактаб сари боргунча.  
Сүгулчаси күлида –  
Боради ича-ича.

Олсанг жоним тез олгин  
Мунча озор бергунча.  
Бүйингдан ўргиламан  
Мехмон бўлсанг бир кеча.

Хуштор эдим ўзига,  
Хумор-хумор күзига.  
Ҳар бир ширин сўзи бор,  
Ўлай ширин сўзига.

Келди қошини қоқиб,  
Кўзи чақмоқлар чоқиб.  
Ишва қилиб келади,  
Кўкрагига гул тоқиб.

Аста қадам қўяди  
Кабкларга ён боқиб<sup>3</sup>.  
Олди менинг жонимни  
Жиссимини ўтга ёкиб.

<sup>1</sup> З а м б у р ч а – ҳандалак.

<sup>2</sup> С у г у л ч а – идиш.

<sup>3</sup> Какликларга ўхшаб.

Қора қошини қоқиб.  
Боғ оралаб юрибди  
Писта-бодомни чақиб.  
Аттордан олди ипай<sup>1</sup>,

Калапұшига пүпай<sup>2</sup>,  
Чақа-чақа келади  
Жалғузаминан<sup>3</sup> писта  
Гарданига осибди  
Гулларни даста-даста.  
Боғдаги булбуллардай

Үқийди баста-баста,  
Нолишларига үлай,  
Саслари бор шикаста.  
Кошу қовогин читиб,  
Айлади бизни хаста.

## АРАВАДАН НАРИ ЗИМУ ЗИЁДА

Аравадан<sup>4</sup> нари зиму зиёда,  
Отим үлди, ўзим қолдим пиёда,  
Отимнинг ўлгани айни номозшом,  
Номозшомдан бери кўнглим паришон.

Аравадан нари анжир пишибди,  
Ўн тўрут яшар қизга ишқим тушибди.  
Ўн тўрут яшар қизнинг қурбони бўлсанг,  
Ўн тўрут тилло бериб қўйнингга олсанг.

Аравадан нари қозининг боғи,  
Шонамдан кетмайди дурранинг доғи,  
Дурранинг доғини офтоб кўтарсинг,  
Қизларнинг нозини йигит кўтарсинг.

<sup>1</sup> И пай – ипак.

<sup>2</sup> Пүпай – пүлак.

<sup>3</sup> Жалғузаз – чакиб ейиладиган мева.

<sup>4</sup> Арава – жой номи.

## **БОГ МАНИНГДАЙ БҮЛМАСИН**

Бог манингдай бүлмасин, богбон манингдай бүлмасин  
Жавзода күй хайдаган чўпон манингдай бүлмасин  
Тоқи-тоқингдан сани, зардори тоқингдан сани,  
Тоқингни ерга кўйиб, ўпсам қабоғингдан сани.  
Бир чилим томоки бер ишқи жавлонинг билан,  
Ишқи жавлонинг билан, ёр, ишқи жавлонинг билан  
Бир чилим томокини ҳар жойга борсак чакамиз,  
Бевафо ёр дардини ҳар ерга борсак айтамиз.  
Бог манингдай бүлмасин, богбон манингдай бүлмасин  
Жавзода күй хайдаган чўпон манингдай бүлмасин.

## **КЕЛИНГЛАР, ЁР, ЎЙНАЙЛИК**

Сабзау гуллар яхши, келинглар, ёр, ўйнайлик,  
Қоши қаро ёр яхши, келинглар, ёр, ўйнайлик,  
Ушбу гўзал давронда, келинглар, ёр, ўйнайлик,  
Севимли дилдор яхши, келинглар, ёр, ўйнайлик,  
Ёрим келди ўт ёқиб, келинглар, ёр, ўйнайлик,  
Бўйнига маржон тоқиб, келинглар, ёр, ўйнайлик,  
Олди ақлу хушимни, келинглар, ёр, ўйнайлик,  
Қора қошини қоқиб, келинглар, ёр, ўйнайлик.

Қоши асли қорамиш, келинглар, ёр, ўйнайлик,  
Ўсма кўйганинг ёлғон, келинглар, ёр, ўйнайлик,  
Сенинг учун мен куйдим, келинглар, ёр, ўйнайлик.  
Сенинг куйганинг ёлғон, келинглар, ёр, ўйнайлик.

## **ЎЛАНГ**

Қизил-қизил хўрозлар хирмон сочар, ҳой ўланг,  
Қиз кўрмаган йигитлар, танга сочар, ҳой ўланг.

Ўланг-ўланг, жон ўланг, ўланг кўпдир, жон ўланг,  
Ўланг билган тилингдан манга ўптири, ҳой ўланг.

Чимилдинг орқасида шалдир-шовқин, ҳой ўланг,  
Отанг кўшган кўшбозвантга кетди завқим, ҳой ўланг.

Игнагинам итти<sup>1</sup> деб, урдинг, онам, ҳой ўланг,  
Энди кетиб бораман тингин, онам, ҳой ўланг.

Чимилдинг чип чинор, бўйинг чинор, ҳой ўланг,  
Бўйингга кўз тегмасин, олай тумор, ҳой ўланг.

Ола қопга суянган онангмиди, ҳой ўланг,  
Кўзидан ёш оқмади, ўгаймиди, ҳой ўланг.

Келин келган ҳовлини ўрда дерлар, ҳой ўланг,  
От боғланган қозиқни тилла, дерлар, ҳой ўланг.

Икки сандик бир-бирига рух беради, ҳой ўланг,  
Икки қуда бир-бирига тўй беради, ҳой ўланг.

Қизил-қизил хўроллар хирмондадир, ҳой ўланг,  
Қиз кўрмаган йигитлар армондадир, ҳой ўланг.

Тўйхонанинг ўтини арча эмиш, ҳой ўланг,  
Келинжоннинг кўйлаги парча эмиш, ҳой ўланг.

Чимилдинг орқасида тўла жўжа, ҳой ўланг,  
Биттасини манга беринг, Назирхўжа, ҳой ўланг.

Отагинанг ҳовлиси дарвозали, ҳой ўланг,  
Ўғлига тўй жўнатти овозали, ҳой ўланг.

Чимилдингнинг боғи марвариддир, ҳой ўланг,  
Мирзо окам ўзлари сарваридир, ҳой ўлунг.

Чимилдинг ким қоқди, куёв қоқди, ҳой ўланг,  
Писта, майиз, тополмай ерга боқди, ҳой ўланг.

Чимилдинг орқасидан товоқ олай ҳой ўланг,  
Келин-куёв оғзидан сабоқ олай, ҳой ўланг.

<sup>1</sup> Итти – йўқолмок.

Тўйхонанинг ўтини юлғин эмиш, ҳой ўланг,  
Келинжоннинг кўйлаги гулгун эмиш, ҳой ўланг.

Токчадаги шарбатни ким тўкибди, ҳой ўланг,  
Янги келган келинни ким сўкибди, ҳой ўланг.

Токчадаги тутанинг<sup>1</sup> ипи қани, ҳой ўланг,  
Янги келган келиннинг сепи қани, ҳой ўланг.

Токчадаги қайчини занг босибди, ҳой ўланг,  
Янги келган келинни гам босибди, ҳой ўланг.

## АЯЖОНИМ, АЯ

Тошқалъага<sup>2</sup> тош отдим,  
Қолин гилам тўшатдим.  
Қолин гилам устида  
Маржон ипак эшатдим<sup>3</sup>.  
Маржон ипак туончак,  
Авазхонжон келинчак,  
Авазхонжоннинг зулфи,  
Нуқра қальянинг қулфи.  
Авазхоннинг тўйи бор,  
Бориб турган бўйи бор,  
Эри бўйига ошик,  
Элат ўзига ошиқ.  
Ун юборди кепакдан,  
Буғжамаси ипакдан,  
Буғжамаси чимилдиг,  
Иккови ўйнар қайлиғ.  
Қайлиг куёв ўйнашар,  
Қизгиналар бўйлашар.

<sup>1</sup> Т у т а – пахтадан ип йигириш учун тайёрланган пилта.

<sup>2</sup> Жой номи.

<sup>3</sup> “Эшдим” маъносида.

## ОЙДИН ОПАМ КЕЛИНЧАК

Рўмод тикдим, гул-гули,  
Ўртаси чойнак гули.  
Тўрт буржи турна тили  
Тевараги қиз гули.

Қиз гули кимга лозим?  
Оғагинамга лозим.  
Оғамга бермайдилар,  
Пулинни олмайдилар.

Сочингга тушди чийин<sup>1</sup>,  
Тўғри айтмоқлик қийин,  
Айтмоққа тил келмайди,  
Пешонамдан билмайди.

Имлаганга тушмайди,  
Бахтни баҳтга қўшмайди.

## АҲАМБО

Кун чиқди, кулча пишди,  
Момонинг оши пишди.  
Бувимга қўйган ошни  
Қарғалар чўқиб қочди.

Қарғага кесак отдим,  
Қарға менга пар берди,  
Парни атторга бердим,  
Аттор менга ипак берди.

Ипакни қизга бердим,  
Қиз манга қалпоғ берди.  
Қалпоғни бекка бердим,  
Бек манга қамчи берди.

<sup>1</sup> Чийин – чигал.

Қамчини ерга урдим,  
Ер манга шувоқ берди.  
Шувоқни қўйга бердим,  
Қўй манга қўзи берди.

Қўзининг бағбақаси  
Нону насиба берди.  
Бу ризқимга кўнмадим,  
Умримда ҳам тинмадим.

Ёмон куннинг қўлидан,  
Қайғу ғамнинг мўлидан  
Ҳасан-Хусан уришди,  
Қизил қонга булашди.

Қизил қонни ким ичар?  
Оққина гуржилар ичар.  
Оққина гуржилар ичиб,  
Бориб тогларга қочар.

Тоғларни туман босар,  
Пулдорларни ғам босар.  
Устига зўр келганда,  
Ўзини дорга осар.

## ОЛАТОЙ, ЙЎРҒАЛА, ТОЙ

Олатой, йўргала, той,  
Миниб Хурсон кетай.  
Хурсоннинг йўлида  
Отгинам, ўлса, нетай.

Отимнинг ўлигини  
Ишлаб бозорга сотай.  
Бангি-бангига сотай,  
Аттор рангига сотай.

Бангининг отаси йўқ,  
Белида пўтаси йўқ.  
Қалпокда пўпаги йўқ,  
Атторда ипаги бор.

Мани ишққа қўймайди,  
Иккови ҳам бўлмайди.  
Белни бойламоқ керак,  
Йигит сайламоқ керак.

Йигитда ҳам йигит бор,  
Мен севгандинг бўйи тор.  
Не бир, не бир сўзи бор,  
Куралайдай кўзи бор.

Отам: “Севмагин”, деди,  
Онам: “Қўймагин”, деди,  
У ҳам мани севади,  
Юраги ҳам куяди.

Отам уни билмайди,  
Отам айтиб қўймайди.  
Айтгани уяламан,  
Айтмасам дар оламан<sup>1</sup>.

Отамдан ўтсаммикин,  
Мен бориб тутсаммикан?  
Отам: “Сотайнин”, деди,  
“Пулга ботайнин”, деди.

Бечоранинг пули йўқ,  
Ёлбормоққа йўли йўқ.  
Юраги гул тилайди,  
Айтмоққа дил тилайди.

Мундай ҳам юрт қурисин,  
Ёши каттаси чирисин,

<sup>1</sup> “Куяди” маъносида.

Ёмонни ўлдирмайды,  
Яхшини билдирмайды.

Пахта түни тарпайиб,  
Оқ соқоли сарпайиб,  
Белга рўмол чирмайды,  
Менга кўзи қиймайды.

### ОЧИЛДИ ГУЛИ ЛОЛА

Аҳамбо, ёла-ёла,  
Очилди гули лола,  
Гули лоланинг кони –  
Хончорбогининг ёни.

Хончорбогидан ўтай,  
Гулхимчасидан тутай.  
Гулхимчада гули йўқ,  
Оғагинам ёри йўқ.

Гулхимчага гул керак,  
Оғажонга ёр керак,  
Оғамга ёр олмокқа  
Кисса-кисса пул керак.

## **МУНДАРИЖА**

Абдурахим Маннонов, Эргаш Очилов. Афғонистон халқларининг  
ишимий мероси.....3

### **Афғонистон халқлари оғзаки ижодидан**

Дубайтийлар .....	19
Рубоийлар.....	214
Қўшиклар .....	238
Тўртликлар.....	252
Ландэйлар.....	267

### **Афғонистон ўзбеклари оғзаки ижодидан**

Термалар .....	283
Қўшиклар .....	297

# **АФГОНИСТОН ХАЛҚЛАРИ ОҒЗАКИ ШЕЪРИЯТИДАН НАМУНАЛАР**

**Дарий тилидан**

**Эргаш Очилов  
таржимаси**

Тошкент -- «TURON-IQBOL» – 2014  
100182, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй  
Тел: 244-25-58. Факс: 244-20-19

Муҳаррир:	Ш.А. Исмоилов
Техник муҳаррир:	Т. Смирнова
Мусахҳихлар:	С. Абдунабиева, С. Алимбоева
Саҳифаловчи	А. Мухаммадиев

Нашриёт лицензияси AI №223, 16.11.12  
Босишига 01.02.2014 й. рухсат этилди. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$   
“Times New Roman” гарнитураси. Офсет босма усулда  
босилди. Шартли босма табоғи 16,3. Нашр табоқ 17.  
Адади 300 нусха. 5-сонли буюртма.

«TURON-МАТВАА» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент, Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 2-уй.

КИТОБ ОЛАМИ



афғон халклари оғзаки шеъриятидан  
(Т) Цена 11 200 сум

ISBN 978-9943-14-273-2



9 789943 142732